ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УЎК: 811.512.133’374

ТЕШАБОЕВА ЗИЁДАХОН ҚОДИРОВНА

«БОБУРНОМА»НИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ КОГНИТИВ ВА ЛЕКСИКОГРАФИК ТАДҚИҚИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари доктори (DSc)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий маслаҳатчи: ф.ф.д., проф. Г.Ҳ. Боқиева

ТОШКЕНТ – 2021

МУНДАРИЖА

КИРИШ 4

І БОБ. «БОБУРНОМА»НИНГ ДУНЁ ТИЛЛАРИГА ТАРЖИМАЛАРИ ВА ЛЕКСИКОГРАФИК НУҚТАИ–НАЗАРДАН ЎРГАНИЛИШИ 17

§1.1. «Бобурнома»нинг Ғарб тилларига таржималари 17

§1.2. «Бобурнома»ни Шарқ олимлари нуқтаи назардан ўрганилиши..... 24

§1.3. «Бобурнома»нинг Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан лексикографик нуқтаи назардан ўрганилиши 32

Биринчи боб бўйича хулосалар..... 41

ІІ БОБ. «БОБУРНОМА»ДАГИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ 43

§2.1. «Бобурнома»да «Илик» концепти ва фразеологик бирликлар таржималари таҳлили..... 43

§2.2. «Кўз» концепти ва фразеологик бирликлар таржималари таҳлили 55

§2.3. «Кўнгил» концепти ва фразеологик бирликлар таржималари таҳлили 66

Иккинчи боб бўйича хулосалар 89

ІІІ БОБ. «БОБУРНОМА»ДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИНИНГ КОГНИТИВ-КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ 92

§3.1. «Бобурнома»да «Сўз» концепти ва фразеологик бирликлар инглизча таржимасининг қиёсий таҳлили..... 92

§3.2. «Бобурнома»да «Мулозамат» концепти ва фразеологик бирликлар таржималари таҳлили..... 112

§3.3. «Бобурнома»да «Тенгри» концепти ва фразеологик бирликлар инглизча таржимасининг қиёсий таҳлили 137

Учинчи боб бўйича хулосалар 158

IV БОБ. «БОБУРНОМА»ДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАСИДА ЛИНГВОМАДАНИЙ ОМИЛЛАР РОЛИ 162

§4.1. «Қарор» концептининг фразеологик бирликларда акс этиши 162

§4.2. «Қилич» концептининг фразеологик бирликларда акс этиши 173

§4.3. «Фурсат» концептининг фразеологик бирликларда акс этиши 182

Тўртинчи боб бўйича хулосалар 200

V БОБ. «БОБУРНОМА»ДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ЛУҒАТИНИ ЯРАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ 203

§5.1. «Бобурнома»нинг лексикографик талқини ва тузилган луғатлар таркиби 203

§5.2. «Бобурнома»даги фразеологик бирликлар ўзбекча-русча-инглизча луғат тузиш тамойили 213

§5.3. «Бобурнома»нинг ўзбекча-русча-инглизча концептуал луғатининг тадрижий шаклланиши 225

Бешинчи боб бўйича хулосалар 230

УМУМИЙ ХУЛОСА 233

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 237

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё таржимашунослик соҳасининг ривожланиб, сўнгги йилларда терминология ва лексикографиянинг ўзига хос тарзда шаклланаётгани бугунги ёшларни дунёвий билимларни пухта эгаллашлари учун катта имконият яратмоқда.Мумтоз адабиёт «Бобурнома»да қўлланган милий-маданий фразеологик бирликлар ва уларнинг инглизча таржимасининг текстологик луғатини яратиш ва тамойилларини ишлаб чиқиш таржимонларни хорижий тилларни мукаммал эгаллашига катта ёрдам беради ва тадқиқот миллий-маданий қадриятларимизни хорижда тарғиб ва татбиқ этиш, аждодлар меросини дунёга танитиш, бугунги муаммоларни умумбашарий тарзда ҳал этиш таржима муаммосининг ечимига қаратилган.

Жаҳон тилшунослигида «Бобурнома» кенг омма томонидан мутолаа қилинган ва жиддий ўрганилган. Адабий манба сифатида, Инжил ёзувлари қаторида «Бобурнома» дунёнинг турли жойларидаги қадимий ёдгорликлардан бири, мўътабар асар сифатида қадрланади. Англия, Франция, Япония, Россия, Туркия, Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ва фаолиятига оид асарлар нашр этилиб келинмоқда. «Бобурнома»ни ўрганишга бўлган эҳтиёж жаҳон олимларининг илмий тадқиқотларида, Европа шарқшунос-таржимашунос олимлари томонидан бир неча асрлар давомида тўхтовсиз ўрганилиб, босқичма-босқич таржима қилинаётгани илм аҳлига маълум, лекин асардаги миллий-маданий қадриятларни акс эттирувчи фразеологик бирликлар ва уларнинг таржималарда тўлиқ акс этиш муаммоси ҳалигача ўз ечимини топмаган, нодир асарнинг уч тиллик ўзбекча-русча-инглизча текстологик луғати ишлаб чиқилмаган.

Ўзбек тилшунослигида «Бобурнома» лексикаси ва унинг ёзилиш услуби, тарихий, адабий, лингвистик ва манбашунослик йўналишида турли соҳаларни қамраб олган асар сифатида, турли ракурсларда тадқиқ этилган. “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо

этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”[1]. Шу нуқтаи назардан асардаги қадриятларимизни тўлиқ акс эттирувчи фразеологик бирликлар таржимасини ўрганишга киришиб, унинг инглиз тилидаги адекват таржималари ва эквивалентлик ҳодисасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3074-сон «Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 20 июлдаги ПҚ-3074-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. www.president.uz; © 2021 Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2]. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди назарий ва амалий ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Англия (Cambridge Universities), Амстердам (Netherland), Америка (Harvard,Ohio Universities), Германия (Humboldt Universitat), Ҳиндистон (Jawaharlal Nehru University), Япония (Kyoto University), Будапешт, Венгрия (Eötvös Loránd University), Миср (Ain Shams University), Туркия (Cumhuriyet, Kocaeli Üniversitesi Süleyman Demirel Üniversitesi, Ankara Üniversitesi), Боку (Azerbaycan Milli Ilimler Akademisi, Bakı Dövlət Universiteti), Россия (Институт востоковедения РАН); «Бобурнома»ни тадқиқ этишни халқаро миқёсга кўтариш, унинг катта томли библиографиясини яратиш ва Бобур халқаро жамоат фонди томонидан ўзбекча-русча-инглизча энциклопедиясининг учинчи нашрини тайёрлаш ишлари Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Фарғона давлат университети, Самарқанд давлат университети, «Бобурнома»даги фразеологик бирликлар, уларнинг инглизча таржималарининг когнитив хусусиятлари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Бадиий таржимада адекватликка эришишдаги лисоний омиллар масалалари юзасидан жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган. Жумладан, Заҳириддин Бобурнинг «Бобурнома» асарининг туркий варианти (аслият) ва инглизча таржималари, тарихий ва бадиий хусусиятлари илмий исботланган (Oxford, Cambridge Universitiy); «Бобурнома» жаҳон илм фанининг нодир манба сифатида Инжил ёзувлари қаторида сақланиши илмий ва назарий жиҳатдан асосланган

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: https://Oxford Bibliographies Online Research Guide; https://www.amazon.com/Baburnama-Memoir-Babur/dp/8129141752; https://archive.org/details/baburnamainengli01babuuoft; academia.uz; http://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/babur-nama-memoirs-annette-susannah-beveridge.html; www. ebooks. azlibnet. az/book/HCBOWku;https://ELTE-Eötvös-Loránd-Tudományegyetem;https://archive.org/details/baburnamainengli01babuuoft; www.britanica.com; www.cambridge.org; www.amozon.com; www.edu.uz; britishcouncil.org; internauka.ru; micros.uz; actsudent.org; educationusa.info; americanenglish.state.gov; arzamas.academy/uni/eastwest/pers; www.twirpx.com; www.dissercat.com ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

(Japan, Kiyoto University); Бобур ва бобурийларнинг жаҳон илм-фани, адабиёти, маданиятини ривожлантиришдаги роли, жаҳон адабиётшунослигида тарихийлик ва бадиий талқин масаласи, Бобурнинг ўзига хос тасвирлаш услуби аниқланган (Jawaharlal Nehru University); «Бобурнома» асари нусхаларининг қиёсий таҳлили, асарнинг жаҳон тарихи учун муҳим манба экани исботланган, Бобур энциклопедияси турк тилига таржима қилинган (Cumhuriyet, Kocaeli Üniversitesi); «Бобурнома»нинг таржималари, асарнинг ўзига хос хусусиятлари, асардаги тарихий шахслар тасвири ва талқини масаласи назарий жиҳатдан исботланган (Azerbaycan Milli Ilimler Akademisi, Baki Dövlət Universiteti); Бобурнинг ижодий фаолияти ва «Бобурнома» бўйича дунё мамлакатларида амалга оширилган тадқиқотлар библиографияси тузилган (Институт востоковедения РАН); «Бобурнома»нинг таржималари жаҳон адабиёти таржима асарларда исботланган. Асар ўзбек тилининг миллий-маданий қадриятларини сақлаб қолиш, бадиий адабиётлар таржимасида таржима муаммоларни ечишда катта ҳисса қўшган. (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети).

Бугунги кунда жаҳон таржимашунослиги миқёсида фразеологик бирликларнинг тавсифий-аналитик, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, когнитив-концептуал ва статистик таҳлили «Бобурнома»нинг уч хил инглизча Ж.Лейден–В.Эрскин (1826), С.Бевериж (1921), В.Текстон (1996)нинг таржималарида фразеологик бирликлар ва уларнинг лексикографияси тадқиқ этилмаган ва муқобиллари илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш, фразеологик олам тасвирини бадиий таржимада қайта яратилиши бўйича қатор, жумладан, таржима асарларининг адекватлик даражасини таъминлаш; ноадекват таржима сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиш; олам миллий манзарасининг лисоний омилларини фразеологик бирликларнинг таржима тилида берилишини қиѐсий таҳлил қилиш; таржимада когнитив ёндашув, адекватликка эришишдаги тўсиқларни бартараф этиш тамойилларини ишлаб

чиқиш; миллий-маданий сўзларнинг таржима луғатларини яратиш каби устивор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда «Бобурнома»нинг таржималарини ўрганишга бағишланган тадқиқотларни адабий-тарихий ва лингвистик аспектларда кузатиш мумкин. Адабий-тарихий йўналишда Ҳ.Қудратуллаев[3], С.Ҳасанов, Н.Отажонов, Д.Ҳошимова ўзбек ва чет эл адабиёти тарихи кўламидаги тадқиқотларни амалга оширган бўлсалар, Абдурауф Фитрат, Ҳ.Ёқубов, Я.Ғуломов, В.Зоҳидов, Ҳ.Султонов, И.Султонов, А.Қаюмов, А.Ҳаитметов, Ф.Сулаймонова, Н.Маллаев, Х.Назарова, П.Қодиров, С.Жамолов, Б.Валихўжаев, Р.Набиев, А.Абдуғафуров, Б.Қосимов, Н.Комилов, Ж.Шарипов, М.Холбеков, Б.Маматов, Ғ.Хўжаев, Р.Воҳидов, И.Сулаймонов сингари ўзбек олимлари асарга тарихий, адабий, географик манба сифатида ёндашиб, эътиборни бадиий-эстетик қийматига қаратган, лекин бадиий ёдгорликнинг лингвистик ва лексикографик жиҳатини алоҳида махсус ўрганилмаган.

Тилшунослик ва таржимашунослик йўналишида С.Азимжонова,[4] А.Иброҳимов, С.Шукруллаева, Ф.Салимова, З.Холманова, Л.Хўжаева,

---

[3]Қудратуллаев Ҳ. «Бобурнома»нинг тарихий адабий ва услубий таҳлили. Навоий, Бобур, Хондамир ва Восифий ижодининг қиёсий таҳлили асосида. Филол. фан. д-ри ... дисс. – Т., 1998: «Бобурнома» ва тарих. // Тафаккур: 2001. № 6; Қудратуллаев Ҳ. Бобур армони. – Т.: Шарқ, 2009. 383 б; Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон адабий жараёнида: қиёсий-типологик таҳлил. – Т., 1998; Художественный перевод и научное комментирование (на материале переводов «Бабур-наме»). – Т., 1972; Ҳошимова Д.М. «Бобурнома» асарининг танқидий матнини яратиш муаммолари («Бобурнома» танқидий матнининг япон нашрлари мисолида). Филол. фан. ном. ... дисс.– Т., 2006.

[4]Азимжонова С.А.Ферганский удел Омара-Шейха и Бабура (в XV и начале XVI вв). Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1949; Азимжонова С.А.Государство Бабура в Кабуле и Индии: Дисс. ... докт. филол. наук. – Т., 1969; Азимжонова С.А.К истории Ферганы второй половины XV века. – Т.: Фан, 1957; Иброҳимов А. Бобурийлар мероси. – Т., 1993; Иброҳимов А. «Бобурнома» буюк асар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000; Иброҳимов А. «Бобурнома»даги ҳиндча сўзлар тадқиқи. Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: 2001; Иброҳимов А.П. Бобур асарлари лексикасининг лингвостатистик, семантик ва генетик тадқиқи. («Девон», «Мубаййин», «Аруз»). Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Т., 2008; Шукруллаева С. Воссоздание художественного своеобразия «Бабурнаме»в его английских переводах. Дисс. ... канд. фил. наук. – Т., 1989; Салимова Ф. Лексикографические и текстологические характеристики «Восточно-тюркского словаря» Паве де Куртейля и переводов «Бабурнаме». Дисс. … канд. филол. наук. – Т., 1997; Ходжаева Л.Проблемы перевода: Характер, стиль и интерпретация текста «Бабурнаме». Дисс. ... канд. фил. наук. – Т., 1986; Жиянова Н.«Бобурнома»даги нумеративларнинг маъно хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дисс.– Т., 2000; Собиров М. «Бобурнома»нинг инглизча таржималарида муаллиф услуби ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари. Автореф. филол. фан. ном. ... дисс.– Т., 2002; Каримов Р. «Бобурнома»даги шеърлар хорижий таржималарнинг қиёсий таҳлили»: Филол. фан. ном. ... дисс.– Т., 2003; Ўрмонова Н. Таржимада тарихий архаик лексикани акс эттириш принциплари ва таржима аниқлиги. Автореф. филол. фан. ном. ... дисс.– Т., 2003. Холманова З. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи. Филол. фан. д-ри ... дисс. – Т., 2009.; Холманова З. «Бобурнома» тил қомуси. «Академнашр». – Т., 2021; Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон кезади. Ғ.Ғулом – Т.; 1984; Бобур ўқув қўлланма.; «Бобурнома» шарқ элчиси. «Ғ.Ғулом номидаги Адвбиёт ва санъат нашриёти». –

Н.Жиянова, Н.Отажонов, М.Собиров, Р.Каримов, Н.Ўрмонова, М.Аманов, Д.Ҳошимова (докторлик диссертацияси) Ш.Ҳаитов, Д.Муҳаммадиева қиёсланаётган тиллар (туркча, қозоқча, инглиз, ҳинд ва француз) воситаларини кўпроқ луғавий мувофиқликларидан келиб чиқиб, тадқиқот олиб борганлар. Аммо уларнинг илмий тадқиқот асосидаги фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусияти ва лексикографияси махсус қиёсий тадқиқ этиш вазифаси қўйилмаган.

«Бобурнома» чет эл олимлари томонидан жиддий ўрганилган бўлиб, Европа шарқшуносларининг диққатини XVIII аср ўрталаридан буён жалб этиб келмоқда. «Бобурнома»ни Д.Витсен, Ж.Лейден, В.Эрскин, Р.Калдекот, С.Пуул, Э.Холден, М.Элфинстон, Жан-Пол Ру, Жан Луи Бакэ-Граммон, Г.Эллиот, В.Х.Мореланд, Паве де Куртейл, Ф.Г.Талбот, А.Денисон Росс, А.С.Бевериж, Ҳ.Бевериж, Ҳ.Лэмб, А.Шиммел, С.Дейл, М.В.Кўпрулизода каби йирик ғарб шарқшунослари, Н.И.Илминский, Н.Н.Пантусов, В.В.Вяткин, Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд, А.Н.Самойлович, М.Салье, А.А.Семёнов, А.Ю.Якубовский, И.В.Стеблева, М.Маклай каби рус олимлари; Аҳмад Али Кўҳзод, Абдулҳай Ҳабибий, Гулчин Маъоний сингари афғон ва ҳинд олимларидан: Зокир Ҳусайн, Нурул Ҳасан, Муни Лаъл, С.А.Шарми, Р.П.Трипатҳи, П.Саран, Канунга, Муҳиббул Ҳасанлар тадқиқ қилишган.

«Бобурнома» асари мамлакатимиз олимлари ва чет эл олимлари томонидан қанчалик кўп ўрганилганлигига қарамай, ундаги фразеологик бирликларнинг лингвомаданий ва лексикографик хусусиятлари алоҳида тадқиқот сифатида махсус ўрганилмаган, инглизча таржималарининг муқобиллари ўзбек тилида яратилмаган.

Т.; 1993.; Ғайбуллоҳ ас-Салом, Неъматуллоҳ Отажон. Жаҳонгашта «Бобурнома». – Т.; 1996.; Саломов Ғ., Комилов Н.,Салимова З., Жўраев К.,Отажонов Н. Таржимон маҳорати. «Фан». – Т.; 1979.; Отажонов Н. Из истории перевода узбекской классической литературы на иностранные языки. «Фан». – Т.; 1985.; Хошимова Д.М. «Бобурнома» матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи» Филол. фан. док. ... дисс. – Т., 2017; Аманов М.«Бобурнома»даги изофий бирикмаларнинг лисоний тадқиқи. ф.ф.д. … дисс. (PhD). – Т., 2020; Сулаймонов И. «Бобурнома»да ғолиб ва мағлуб шахс руҳий ҳолатининг бадиий тасвири. Филол. фан. док. ... дисс. – Самарқанд.; Ҳаитов Ш.М.«Бобур ижодининг хорижда ўрганилиши». ф.ф.д. … дисс. (PhD). – 2018.; Хорижда бобуршунослик. «Академнашр». – Т., 2021; Муҳаммадиева Д.А. «Бобурнома» туркча таржимасида паремияларнинг қиёсий тадқиқи. ф.ф.д. … дисс. (PhD). – Т., 2021.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-204-4-5 «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Таржима муаммолари» мавзуси доирасидабажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «Бобурнома»даги фразеологик бирликлар, уларнинг инглизча таржималарининг когнитив ва лексикографик нуқтаи назардан очиб бериш ва мавзули луғат яратиш тамойилини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Бобурнома»даги фразеологик бирликлар инглизча таржималарининг қиёсий-чоғиштирма, компонент таҳлилларини ишлаб чиқиш;

тарихий персонажлар характерини ёритишда қўлланган фразеологик бирликлар инглизча таржимасини тавсифий таҳлил этиш ва таржиманинг аслиятга мутаносиблигини очиб бериш;

«Бобурнома»даги фразеологик бирликлар табдили, ўзбекча-русча-инглизча таржималар ўртасидаги семантик алоқаларни ўрганиш, аслиятга хос муқобилларини белгилаш;

асардаги фразеологик бирликлар лексик-семантик майдонининг қўлланиш соҳасини ёритиб бериш ва когнитив-концептуал таҳлил қилиш;

асарнинг адекват таржимага эришишда таржимонлар ёндашувини аниқлаш, таржиманинг лексик, грамматик, синтактик трансформация усулларини очиб бериш;

«Бобурнома»даги фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятларини инглизча таржимада акс этиш муаммосини очиб бериш;

фразеологик бирликлар таржимасида эквивалентлик динамикасини кузатиш ва статистик таҳлилини ишлаб чиқиш;

асарни лексикографик аспектда ўрганишнинг фразеологик бирликлар ўзбекча-русча-инглизча текстологик луғат тузиш тамойилларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида «Бобурнома» (2002), «Бобурнома» табдили (2008), «Бобурнома» (2008)нинг русча таржимаси ва инглизча Жон Лейден–Вильям Эрскин (1826), Анетта Сусанна Бевериж (1921), Вильер Текстон (1996) таржимасида қўлланган фразеологик бирликлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини «Бобурнома»даги фразеологик бирликлар инглизча таржималарининг когнитив ва лексикографик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тавсифий-аналитик, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, когнитив-концептуал ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат**:**

«Бобурнома»даги тарихий персонажлар характерини ёритишда қўлланган фразеологик бирликлар инглизча таржимасининг қиёсий-чоғиштирма ва компонент, тавсифий-аналитик таҳлиллари асосида таржимонларнинг қўллаган лексик, грамматик, синтактик трансформация усулларини аниқлаш орқали В.Текстон таржимасида трансформацион, С.Беверижда калька ва Ж.Лейден-В.Эрскинда маъно кўчиш усулининг устуворлиги далилланган;

«Бобурнома»даги фразеологик бирликлар табдили ва уларнинг ўзбекча-русча-инглизча таржималар ўртасидаги структуравий-семантик тафовутларни аниқлаш орқали ибораларнинг аслиятга хос муқобилларини белгилашда эквивалентлик ҳодисасининг илмий-назарий тамойиллари лингвомаданий аспектда асосланган;

асардаги фразеологик бирликлар лексик-семантик майдонининг очиб берилиши ва уларнинг когнитив-концептуал таҳлили орқали фразеологик

бирликларнинг тасвирий ва функционал эквивалентлик хусусиятларининг таржимада акс этиш муаммолари илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

фразеологик бирликлар концептини лингвомаданий ва когнитив таҳлил қилиш ҳамда фразеологик бирликлар таржимасида эквивалентлик динамикасини статистик таҳлиллари асосида «Бобурнома»нинг табдили ва русча-инглизча таржимасида фразеологик бирликларнинг адекватликка эришишдаги лексик-семантик, грамматик, ва синтактик номутаносибликлари аниқланган;

«Бобурнома»даги фразеологик бирликлар инглизча таржимасининг муаммоларини ҳал этишда таржимонларнинг аслиятга ёндашувларига кўра кўп тилли луғат яратишнинг тадрижий шаклланиши асосида луғат тузиш, фразеологик бирликларни саралаш ва изоҳ билан тасвирлаш, табдилга асосан шарҳлаш каби тамойиллар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тавсифий-аналитик, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, когнитив-концептуал ва статистик таҳлил методларга асосланганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Бобурнома»даги фразеологик бирликларни турли даврларда амалга оширилган инглизча таржималаридан ўзбекча-русча-инглизча текстологик луғат ишлаб чиқиш тамойили яратилган;

луғат тартиби ва таржима муаммолари кўрсатилган; аслиятнинг адекват таржимасига эришишда таржима усуллари ишлаб чиқилган;

аслиятдаги фразеологик бирликлар лексик-семантик майдони белгиланган, таржима вариантлари аниқланган, фразеологик бирликлар статистикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган тарихий-илмий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий

фикр ва хулосалар тавсифий-аналитик, когнитив-концептуал, қиёсий-тарихий ва статистик таҳлил усуллари воситасида чиқарилгани, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти «Бобурнома»даги фразеологик бирликларнинг инглизча таржималарини ўрганиш ассосида уч турдаги инглизча фразеологик бирликлар ўзбекча-русча-инглизча когнитив-концептуал контекстуал луғати ва тадқиқот чет эл таржимонлари томонидан аслиятни қай даражада тўлақонли яратилганлигини аниқлашга имкон бериши, шунингдек асл нусха ва таржима тиллари фразеологизмларининг табиатини қиёсий ўрганган ҳолда, улар орасидаги мазмуний-услубий мувофиқлик ҳолатларини аниқлаш ва таржима жараёнида фразеологик бирликларни бирининг иккинчиси воситасида талқин этиш йўли ва имкониятларини белгилаш тўлақонли таржима қилиш учун замин ҳозирлаши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таржимонларнинг таржима амалиёти тадқиқини қиёсий-услубий асосда ўрганиш натижалари ва илмий хулосалар таржимашунослик истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этади, етук таржимон ва таржималар яратиш борасидаги саъи-ҳаракатлар йўлини мунтазам ёритиб бориши, Таржимонлик мутахассисликка кириш, Таржима тарихи, Таржима назарияси ва амалиёти, Илмий адабиётлар таржимаси, Бадиий таржима, Синхрон таржима, Лексикология каби фанларни ўқитиш ва махсус курслар ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги, бадиий таржимага доир луғат ва глоссарийлар тузиш, дарслик ва қўлланмалар яратишда манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликларни қиёсий ўрганиш асосида:

фразеологик бирликлар «Бобурнома»нинг табдили, русча, инглизча таржимасида адекватликка эришишдаги номутаносибликлар аниқланиши, таржима муаммоларини ҳал этишда луғат тузишнинг бешта тамойили ишлаб чиқилганлик янгиликларидан Республика ва хорижлик олимлар бохабар бўлдилар (Бобур номли халқаро жамоат фондининг 2021 йил 6 апрелдаги 26-сон маълумотномаси). Натижада, «Бобурнома»даги фразеологик бирликларнинг статистик метод асосида ўрганилиши ва инглизча таржималари, унинг устувор вазифаларининг ишлаб чиқилиши Бобур энциклопедиясининг ўзбекча-русча-инглизча қайта нашрида фойдаланиш учун хизмат қилган;

Бобур ҳаёти ва ижодига, шунингдек, «Бобурнома» асарининг инглиз тилига таржималарига доир материаллардан 2020 йил 11 январда «Ўзбекистон тарихи» телеканалида тайёрланиб, эфирга узатилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган кўрсатувнинг сценарийсини ёзишда, илмий ишда келтириб ўтилган материаллардан кенг фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йилнинг 28 февралдаги 02-10-472-сон маълумотномаси). Натижада, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёшлиги ва Бобурнома» асаридаги сўнгги тадқиқотларини оммага танитишда хизмат қилган;

«Бобурнома» асарининг инглизча таржималари борасидаги материаллардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телеканали ижодкорлари «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликларнинг когнитив ва лексикографик тадқиқи» мавзусидаги докторлик диссертацияси ва «Бобурнома»даги фразеологик бирликларнинг инглизча таржималари қиёсий таҳлили» монографияси бўйича олинган илмий натижаларидан айрим кўрсатувларнинг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган. 2019 йил 14 февралдаги “Ozbekiston” телеканалида тайёрланиб, эфирга узатилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган «Шоҳ ва шоир» кўрсатувининг сценарийсини ёзишда диссертация материалларидан унумли фойдаланилган

(Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йилнинг 12 июлдаги 02-13-1324-сон маълумотномаси). Натижада, асардаги миллий-маданий хусусиятли фразеологик бирликлар мумтоз адабиёт таржимаси ҳақидаги маълумотларни бойитишга хизмат қилган;

тузилган фразеологик бирликлар инглизча таржималари луғати тарихий персонажлар характерини ёритишда қўлланган ва инглизча таржимасининг тавсифий-аналитик таҳлилининг ишлаб чиқилиши, «Бобурнома»нинг инглизча таржимада мазмун мутаносиблигини очиб бериш, фразеологик бирликлар табдили, русча – инглизча таржималар ўртасидаги семантик алоқаларни ўрганиш, аслиятга хос муқобилларини белгилашга доир хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг 2021 йил 18 февралдаги 01-03/241-сон маълумотномаси). Натижада, «Бобурнома»даги фразеологик бирликларнинг инглизча таржималари қиёсий таҳлили» номли монографиясидан мумтоз адабиётнинг энг муҳим хусусиятларини инглиз тилида акс этиш муаммоси ва таржимонлар ёндашувини аниқлаш, таржиманинг турли усулларини ёритиб бериши таржимонлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

сараланган текстологик манба натижалари Америка Қўшма Штатларидаги “Алта” тил хизматлари компаниясида амалиётга жорий этилган (USA, ATLANTA, GA30326: ALTA LANGUAGE SERVICE компаниясиинг 2021 йил 7 апрелдаги I-4877-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот хулосалари таржимашуносликни бойитиш билан бирга фразеологик бирликларнинг инглизча таржимасида семантик, компонент, когнитив-концептуал, тавсифий-аналитик, қиёсий чоғиштирма таҳлиллари ишлаб чиқилганлиги, таржимага доир хизматларни бажаришда, ўзбек миллатининг миллий-маданий жиҳатларини таржима қилишда илмий асосланган маълумот сифатида хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларда,

жумладан, Халқаро Бобур Жамоат фондида қилинган илмий маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, хорижий журналларда 1 та, республика ва халқаро анжуманларда 21 та мақола ва тезислар нашр эттирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг асосий ҳажми 259 саҳифани ташкил этади.

I БОБ. «БОБУРНОМА»НИНГ ДУНЁ ТИЛЛАРИГА ТАРЖИМАЛАРИ ВА ЛЕКСИКОГРАФИК НУҚТАИ–НАЗАРДАН ЎРГАНИЛИШИ

§1.1. «Бобурнома»нинг Ғарб тилларига таржималари

Дунёга машҳур «Бобурнома»ни ўрганиш адабий-маданий алоқалар таъсири ва ўзаро баҳрамандлик – жаҳон ҳалқлари орасида, Шарқу Ғарб ўртасида узлуксиз давом этиб келаётган глобал характердаги илмий-ижодий жараёндир.

«Бобурнома» асари нима учун Европа ва Шарқ олимлари томонидан кўпроқ ўрганилди? Ғайриоддий истеъдод эгаси бўлган маърифатпарвар шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарини бутун умри мобайнида ёзиб тугатди. Хорижий олимларнинг фикрига кўра автобиографик услубда битилган «Бобурнома» Марказий Осиё халқларининг урф-одатлари, этногенези, тарихий шахсларнинг характер-хусусиятлари, бошқарув салоҳияти, оилавий аҳволи Мовараунаҳр, Афғонистон, Ҳиндистоннинг жойлашув ўрни, табиати, ҳайвонот ва наботот дунёси, моддий ва маънавий бойликлари ҳақида қимматли маълумотлар берадиган ягона манба сифатида қаралган. Шунинг учун ҳам асар дунё тилларига бир неча бор таржима қилинган.

«Бобурнома» асарини Ғарб олимларидан инглиз таржимонлари В.Эрскин-Ж.Лейден (1826), Р.Калдикот (Лейден-Эрскин таржимаси асосида 1844), Ф.Талбот (1909), Л.Кинг (1921), С.Бевериж (1922) В.Текстон (1996, 2002) ўрганган[5]. Ушбу таржимонлар таржимон бўлиши билан бирга адиб ва шоир ҳам бўлганлар.

1996 йилда Ҳарвард университети профессори В.Текстон «Бобурнома»нинг *мукаммал* инглизча таржимасини чоп эттирган. Мазкур таржиманинг нашр этилиши Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти, ижоди ва даври ҳақидаги маълумотларни бойитиш билан бирга бобуршуносликни

[5] Собиров М. «Бобурнома»нинг инглизча таржималарида муаллиф услуби ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари. Филол. фан. ном. ... дисс. – Т.: 2002.

янада юқори даражага кўтардики, ушбу соҳада олиб бориладиган ишларнинг кўламини кенгайтиришга янги имкониятлар очиб берди. Бироқ унинг асар таржимасида адекватликка эришиш ва уринишлари анча муваффақиятли чиққан бўлса-да, баъзи мақол ва иборалар таржимасининг аслиятга мазмуни зид келганлигини кўришимиз мумкин. Таржимон таржимада диққат-эътиборини аслият услуби ва мақол оҳангдошлигига қаратиб, баъзи мақоллар таржимасини тўлиқ акс эттирмаган.

Таниқли шарқшунос олим Паве Де Куртейл 1871 йилда «Бобурнома»ни француз тилига биринчилардан бўлиб таржима қилган[6]. Таржиманинг икки жиҳати – аслиятдан бажарилганлиги ва мукаммаллиги билан эътиборлидир. Француз шарқшуносларининг «Бобурнома»га бўлган қизиқишлари уч асрлик тарихга эга. А.Де Лонперие, А.Ж.Клапрот, Ж.Дранжете, Паве де. Куртейль француз бобуршунослик мактабининг атоқли вакилларидан бўлиб, ҳозирги замон бобуршунослигида Жан-Пол Ру ва Жан-Луи Бакэ-Граммон (1969) салмоқли ўрин тутади. 1980 йили Парижда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг беш юз йиллиги муносабати билан «Бобурнома»нинг янги французча таржимаси нашр этилди. 1985 йили эса унинг иккинчи нашри босилиб чиқди. Ушбу таржима таниқли француз олими, профессор Бакэ-Граммон қаламига мансубдир.

1810 йилда «Бобурнома» дунё тилларидан бири немис тилига ҳам таржима қилинган. Шарқшунос сайёҳ ва олим Юлиус фон Клапрот «Бобурнома»ни «Осиё адабиёти, тарихи ва тилшунослиги архиви» китобида Петербургда чоп эттирган, лекин унинг таржимаси тўлиқ эмас. 1828 йили Лейпцигда А.Кайзер Жон Лейден–Вильям Эрскинларнинг инглизча таржимасини қисқартириб, немис тилида нашр эттирган.

Дербело Витсен 1705 йилда «Бобурнома»ни голланд тилига таржима қилиб, Амстердамда чоп этган. Биринчилардан бўлиб асарни бутун Европага таништирган Дербело Витсеннинг тадқиқоти муҳим аҳамиятга эга бўлган.

[6] Иброҳимов А.П. «Бобурнома» – буюк асар. – Тошкент.: Адабиёт ва санъат нашриёти., 2000. – Б.14.

Аммо бу асарнинг тўлиқ таржимаси эмас эди. Фарғона водийсининг географиясига оид қисмлари берилган эди. 1697 йили «Шарқ кутубхонаси» қомусидаги «Бобур ёки Бобар» номли мақолада француз шарқшуноси Бартоламе Эрбало Моленли Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур тўғрисида илк бор француз китобхонларига маълумот берган.

«Бобурнома»ни рус тилига таржима қилишга бир неча бор уриниш бўлганлиги, лекин у таржималар айрим парчалардангина иборат бўлиб, асар тўлиқ шаклда ўгирилмаганлигини А.Иброҳимов қайд этади. Унинг ёзишича, 1948 йилда М.Салье (1899 – 1961) томонидан «Бобурнома»нинг русча таржимаси чоп этилган, бироқ мазкур таржима ҳам мукаммал бўлмаган (ўша адабиёт: Б.18). 2017 йил «Шарқ» нашриётида «Бобур энциклопедияси»нинг қайта нашридаги маълумотига кўра XX асргача «Бобурнома» рус тилига таржима қилинмаган. Бундай таржимани амалга оширишга биринчи марта М.А.Салье киришиб, 1948 йил Тошкентда «Бобурнома»нинг биринчи қисмини рус тилида нашр эттирган[7].

«Бобурнома»нинг рус тилига ўгирилган биринчи тўлиқ таржимаси 1958 йил Бобур таваллудининг 475 йиллигига атаб ЎзФА нашриётида нашр этилган (таржимон: М.А.Салье; С.Азимжонова таҳрири остида. Изоҳларни Д.Вороновский ва М.Салье тузган. В.Е.Кайдалов расмларни ишлаган). 1982 йил у қисқартирилган ихчам ва қулай кўринишда қайта чоп этилган. Қайд этиш лозимки, ушбу таржима Бобур ижодиёти ва шахсига ўша давр мафкураси томонидан салбий баҳо берилаётган, бобушунослар эса ўтмишни идеаллаштириш ҳамда Бобур сиймосини улуғлашда айбланаётган бир пайтда нашр этилган эди. Шунинг учун бу нашр айрим қисқартиришлар билан босилган. Лекин Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, «Бобурнома»нинг тўлиқ русча таржимаси С.Азимжонованинг кириш сўзи ва умумий таҳрири остида чоп этилган[8]. Ўзбек олимларининг З.Машрабов бошчилигидаги бир гуруҳ фидоийлари: О.Юнусов. С.Ҳасанов, А.Қаюмовлар

[7] Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Т.: Шарк., 2017. – Б. 159.
[8] Захир ад-Дин Бабур. БАБУР-НАМЕ. Главная редакция энциклопедий.:Ташкент. – 1992. 312 стр.

Бобур таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан «Бобурнома»нинг М.А.Салье таржимаси В.Раҳмонов таҳрири остида 2008 йил қайта нашр этилди[9]. Шу жойда қайд этиш жоизки, аслиятни инглизча ва форсча таржималардаги (асосан *мукаммал таржима* деб баҳоланган В.Текстоннинг 1996 йилдаги инглизча таржимаси) йўл қўйилган камчиликлар русча таржимада тўғри акс эттирилган.

Ғ.Саломов ва Н.Отажоновнинг «Жаҳонгашта Бобурнома» асарида[10] ҳам маълумот келтирилишича, М.Салье «Бобурнома» таржимаси устида ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида меҳнат қилган, асар тилини чуқур ўрганган, кўплаб атама, ибора ва номлар транскрипциясини тўғри бериш устида жиддий иш олиб борилган. «Бобурнома»ни оммалаштиришда, унинг шуҳратини ёйишда, асар бўйича тадқиқотлар кўламини кенгайтириш учун янги имкониятларни очиб берган. Лекин шунча меҳнат қилинганига қарамасдан мазкур таржимада ноаниқлик ва хатолар мавжудлиги, бир қанча исмлар, номлар хато берилганини «Қуттуғбегим» «Катакбегим» бўлиб кетганини, «буқаламун», «муча» каби баъзи сўзлар таржимасиз ва изоҳсиз келтирилганлиги таъкидланган.

Русча таржимадаги камчиликларга бошқа мутахассислар ҳам эътибор берган. Жумладан, Н.Деҳқонов бундай деб ёзади: «Географик номларни беришда ҳам номувофиқликлар анчагина: «Тарозкент» ўрнига «Ўтрор», жуда кўп тарихий шаҳарлар русчада бузиб берилган: Фанокат – Финакет ва ҳоказолар». Фикрни давом эттириб, муаллиф: «бундай хатолар «академик» нашрининг ҳуснини бузади, асарнинг тили ва мазмунини чучмаллаштиради, зарурат туғилса, асар русчага нисбатан изчилроқ қилиб, қайта таржима қилинишга муҳтож»[11] деб ўз фикрини баён қилган. «Бобурнома» билан

[9] Заҳириддин Мухаммад Бабур. Бабур-наме. – Т.: Шарк., 2008. – 242 с.
[10] Саломов Ғ., Отажонов Н. «Жаҳонгашта Бобурнома». – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ Мероси нашриёти., 1996. – 362 бет.
[11] Деҳқонов Н. «Бобурнома»нинг русча (М. Салье) таржимаси. Тўпл. «Бобур ва ўзбек миллий маданияти тарққиётининг айрим масалалари». – .Б. 28.

шуғулланмаган бирор йирик рус туркшуноси[12] йўқлигининг ўзиёқ рус шарқшунос олимларининг бу асарга нақадар катта қизиқиш билан ёндашганликларини кўрсатади. «Бобурнома»нинг таржимасини яқин Шарқ тиллари, хусусан араб тилининг йирик билимдони Георг-Якоб Кер (1692-1740) бошлаб берган. У эски ўзбек тили бўйича билимини такомиллаштириш мақсадида «Бобурнома» қўлёзмасидан нусха кўчира бошлаган ва 1737 йилда ишни ниҳоясига етказган. Бу қўлёзма 420 саҳифадан иборат бўлиб, фанда «Кер нусхаси» номи билан юритилади. «Бобурнома» бўйича бошланган иш бир муддат тўхтаб қолган ва орадан салкам бир аср ўтгач, рус олимлари яна бу ишга қўл урган. 1824 йилда рус-поляк шарқшуноси О.И.Сенковский бухоролик тожир (савдогар) Назарбой Туркистонийга қарашли «Бобурнома» қўлёзмасидан ўз қўли билан нусха кўчирган. «Бобурнома» материалларини яхши билганлиги сабабли «Джагатайский язык» номли мақоласида «Бобурнома»дан олинган маълумотлардан кенг фойдаланган.

О.И.Сенковскийнинг шогирди В.В.Григорьев «Бабер», «Бабер-наме», «Бабериды»[13] мақолаларини ёзади. Шу жойда бир муҳим далилни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир: рус адабиётида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва унинг ҳарбий юришларини «Бобурнома»даги маълумотлар асосида биринчи бўлиб ёритган мутахассис В.В.Григорьев бўлган. 1857 йил «Бобурнома»нинг таржима қилиш ва ўрганилиш тарихида муҳим сана ҳисобланади: Н.И.Ильминский Қозон шаҳрида «Кер нусхаси» асосида «Бобурнома»ни чоп этади. «Қозон босмаси» деб ном олган мазкур нашр фанда муҳим воқеа сифатида баҳоланди ва Ғарб шарқшуносларининг эътиборини жалб қилди (ўша адабиёт).

1911 йилда А.Н.Самойлович ўз кўзи билан кўрган уч нусха: 1) Хива хонининг кутубхонасидаги; 2) Бухородаги рус дипломатик вакилининг кутубхонасидаги ва 3) Император ва оммавий кутубхонада кўрган

[12] Благова. Г.Ф. Характеристика грамматического строя (морфологии) староузбекского литературного языка конца XVв по «Бабур-наме»: Дисс. … канд. филол. наук. – М.: 1954. – С.21.
[13]Благова Г.Ф. К истории изучения «Бабур-наме» в России. Тюркологический сб. к шестидесятилетию А.Н.Кононова, М.: «Наука».– 1966, с.171.

қўлёзмалар тўғрисида маълумот берган. Мазкур уч қўлёзмадан биринчиси ҳозирги кунда ЎзФА Шарқшунослик институтида (№1329), учинчиси эса Санкт Питербург шаҳридаги Салтиков-Шедрин номидаги Оммавий кутубхонада (№ Тур. НС 104) сақланмоқда.

Рус олимлари «Бобурнома»ни ўрганишнинг дастлабки даврида, асосан қўлёзмалар кўчириш, чоп этиш билангина чекланган. «Бобурнома»ни таржима қилиш масаласи узоқ вақтгача эътибордан четда қолиб келган. Ниҳоят, XIX асрнинг охирларига келиб, улар таржимага ҳам киришганлар, лекин айрим парчаларнигина ўгирганлар. Жумладан, Н.И.Пантусов «Фарғона» қисмини (СП6. 1884), В.Вяткин «Самарқанд ва унинг теварак атрофлари» (Самарқанд, 1986) ва С.И.Поляков ҳам асардан бир парча таржима қилган. В.Островский «Самарқанд» қисмини таржима қилган ва «Туркестанские ведомости»да чоп эттирган. «Кириш» сўзида темурийлар салтанати, Бобур Мирзо ва «Бобурнома» ҳақида қисқагина маълумот берган[14]. Юқорида номи зикр этилган С.И.Поляковнинг таржимасини эса А.Н.Самойлович «масалага илмий ёндашмагани учун кескин танқид қилган ва Поляков таржимасидаги хатоларни уч гуруҳга бўлган: 1) айрим сўз ва иборалар таржимасидаги хатолар; 2) гапларнинг хато ёки ноаниқ таржимаси ва 3) тушириб қолдириш, баъзи сўзларнинг таржимасиз берилиши, сўзма-сўз таржима»лардан иборат»[15] бўлган. М.Самойловичнинг мазкур таржимага А.Снесаревнинг ҳам тақризи босилиб чиққанлиги, у ҳам таржимадаги хато-камчиликларни кўрсатиб ўтганлиги, хусусан, таржиманинг ҳаддан зиёд сўзма-сўзлиги жуда муҳим изоҳларнинг берилмаганлиги таъкидлаб ўтилади. Бундан ташқари М.Самойлович Г.Ф.Благованинг илмий ишига доир фикрлари ва унга берган тақризида ҳам таржима тўғрисида жиддий камчиликларни кўрсатган[16].

[14] «Туркестанские ведомости», 1995. – № С. 71–72.
[15] Бабур-наме. Пер. М. Салье, изданиие второе, дораб. Об. Ред-я и доработка С. Азимджановой, Т., Гл. ред. энциклопедий, 1993.
[16] Самойлович А.Н. Новый перевод записок Бабура. Серия литература и языка: Известия Академии наук. Том 53. –№ 1, Р 223. – М.: Наука: 1994. – С.72-84.

«Бобурнома»ни ўрганишда Г.Ф.Благованинг хизмати катта. «Бобурнома»ни оммалаштиришда унга ишланган 69 та расмдан иборат альбомнинг чоп этилиши ҳам сезиларни воқеа бўлган[17] ва бунга мутахассислар «қизиқ ва керакли нашр», деб баҳо берганлар. «Бобурнома»ни ҳар томонлама тадқиқ этиш, нашр этиш, таржима қилишда Я.Кер, О.И.Сенковский, В.В.Григорьев, Н.И.Ильминский, И.Н.Березин, А.Н.Самойлович, В.Островский, М.Салье, Н.Д.Миклухо-Маклай, Г.Ф.Благова ва бошқа рус олимларининг ҳиссаси катта бўлган.

«Бобурнома»нинг рус тилига қилинган таржималари тадрижий шаклланиб, сўнгги йилларда қилинган тадқиқотлар ва Ўзбекистонда асарни ўқиб ўрганишга эътибор ортиб, қизиқарли рисолалар, китоблар чоп эттирилди, олимларимизнинг саъи-ҳаракатлари билан «Бобурнома»нинг 2008 йилда рус тилдаги таржимаси амалга оширилди[18]. Шу жойда бир фикрни таъкидлашимиз жоиз, «Бобурнома»даги *Тоғлари элларига муносиб тушубтур, нечукким,* ***тенг бўлмагунча тўш бўлмас*** *Оламда мундоқ ярамас вазълиқ тоғлар кам бўлғай*,–деган парчадаги ***тенг бўлмагунча тўш бўлмас*** мақоли барча инглиз таржимонлари томонидан нотўғри талқин қилинган ва ўзбек олимлари томонидан амалга оширилган русча таржимада аслиятдаги мазмун тикланганини кўришимиз мумкин. *Тоғлари элларига муносиб тушубтур, нечукким,* ***тенг бўлмагунча тўш бўлмас*** *– Горы там соответсвуют людям; ведь говорится:* ***«Не будь сходства, не было бы и встреч***[19].

«Бобурнома»даги мақол ва маталлар мазмунини тўлиқ ва чуқурроқ тушунишда қўшимча манба сифатида «Бобурнома»нинг В.Раҳмонов ва К.Муллахўжаевларнинг[20] ҳозирги ўзбек адабий тилига қилинган табдилидан ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Унда нафақат мақол ва

[17] Благова Г.Ф. К историю изучения «Бабур-наме» в России. Тюркологический сборнок к шестидесятилетию А.Н. Кононова. – М.: Наука, 1966. – 171 с. С.92.
[18] Машрабов З., Юнусов О., Ҳасанов С., Қаюмов А. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бабур-наме. – Т.: Шарк, 2008, – 242 с.
[19] Захириддин Мухаммад Бабур. Бабур-наме. – Т.: Шарк, 2008. – С.87, 242 с.
[20] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Ўқитувчи, 2008. – 287 б.

маталлар, қолаверса фразеологик бирликларнинг мазмунини тўлиқроқ тушунишга имконият яратади.

Хулоса сифтида шуни таъкидлаш керакки, нодир асар «Бобурнома» қанчалик кўп ва турли ракурсларда ўрганилмасин, ундаги мақол, матал ва фразеологик бирликлар таржимаси алоҳида ўрганилмаган. Миллий-маданий қадриятларни ифодаловчи фразеологик бирликлар адекват таржимаси тадқиқот ишига тортилмаган. Асар жуда кўп ўрганилган, лекин унинг яна ўрганилмаган қирралари кўп, ўзбекча-русча-инглизча мавзули луғат тузиш, уч тилли қиёсий нуқтаи назари, лексикографик жиҳатлари тадқиқ этилмаган.

§1.2. «Бобурнома»ни Шарқ олимлари нуқтаи назардан ўрганилиши

«Бобурнома» форс тилига бир неча бор ўгирилган. Илк таржима Бобурнинг замондоши ва сафдоши, Ҳиндистондаги Бобур давлатининг садри этиб тайинлаган Шайх Зайниддин томонидан амалга оширилишидир. Бунда «Бобурнома»нинг фақат ҳижрий 932-933 йиллар воқеалари баён қилинган қисмигагина форс тилига ўгирилган. Бу таржиманинг бир неча қўлёзмаси Британия музейида сақланаётганлиги маълум. Асарнинг форс тилига иккинчи таржимаси Бобурнинг чевараси Жаҳонгирнинг бек аткаси буюртмаси билан амалга оширилган. У Султон Салим қўлидаги «Бобурнома»нинг ўзбек тилидаги асл нусхасини ўқиб, қаттиқ таъсирланган ва асарни Мирзо Поянда Ҳасан Ғазнавийдан форс тилига таржима қилишни илтимос қилган[21]. Мирзо Поянда «Бобурнома»ни олти йиллик воқеалар баёнини таржима қилиб улгурган ва бевақт вафот этган. Ушбу таржимани давом эттирган, Муҳаммад Қули Ҳисорий 1586 йилда тугатиб, нашр эттирган. Асарнинг форс тилига учинчи таржимаси Бобурнинг панневараси Жалолиддин Муҳаммад Акбар номи билан боғлиқ бўлиб, у Мирзо Поянда ва Муҳаммад Қули бажарган «Бобурнома» таржимасидан қониқмаган ва «Акбарнома» асарига манба сифатида фойдаланиш мақсадида Абдураҳим

[21] Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Т.: Шарқ, 2014. – Б.178., 744 б.

Хонихонондан ушбу асарни таржима қилишни сўраган. Бу таржима 1589 йили тугалланиб, Акбарга тақдим этилган. Абдураҳим Хонихонон бажарган «Бобурнома» таржимаси асарнинг форс тилидаги тошбосмасидан ташқари инглиз, немис, урду ва ҳинд тилларига таржима қилинишида асосий манба бўлиб хизмат қилган (ўша адабиёт).

Бундан ташқари «Бобурнома»нинг форсча Бухоро таржимаси ҳам мавжуд бўлиб, Тоғай Мурод Қарлуқ Хатлоний уни амалга оширган. Бу таржима асарнинг 1857 йилги Қозон нашридан амалга оширилган. Варақлар сони – 270. Хати – настаълиқ. ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланади. (Интернет маълумотига кўра, «Бобурнома» форсча таржимасининг яна бир қўлёзмаси (XVI аср охири) АҚШнинг Бальтимор шаҳридаги Вальтер санъат музейида 596 рақами билан сақланади[22].

А.Иброҳимовнинг маълумотига кўра, «Бобурнома»ни таниқли таржимон Йугжит Навалпурий ҳинд тилига ўгирган ва 1974 йилда Янги Деҳлида Ҳиндистон адабиёт академияси томонидан нашр этилган. Асар сўзбошисида «Бобурнома»нинг аҳамияти ҳақида Ф.Талбот билдирган фикри эътиборга моликдир: «Ҳозирги Ҳиндистонни ўрганмоқчи бўлган киши ишни, энг яхшиси, Бобурнинг хотираларини мутоала қилишдан бошлагани маъқул», дейилади.

«Бобур энциклопедияси»да эса қуйидагича қайд этилади: «Бобурнома»нинг ҳинд тилига таржимаси ҳақида Югжит Навалпурий томонидан амалга оширилган ва 1974 йил «Саҳитья академиги» томонидан Деҳли шаҳридаги «Бҳартий Принтерс» нашриётида чоп этилган. Энциклопедияда изоҳларнинг кўплиги, Жанубий Осиёга хос жой, ўсимлик ва ҳайвонлар номларининг тўғри ёзилишига оид маълумотлар жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга. Лекин Бобурнинг форс тилидаги фармонлари ва

[22] http://en.wikipedia.org/wiki/

Ҳиндистондаги саркорлардан тушадиган йиллик даромад ҳақидаги маълумотлар тушириб қолдирилган»[23].

«Бобур энциклопедияси»нинг маълумотларига кўра, олимларимиз асарни синчковлик билан ўрганиб, аслиятнинг қайси бир жиҳати тўлиқ таржимада акс этади ва қайси бири тушириб қолдирилганлигини кўрсатиб беришга уринадилар. Кўплаб таржимонларнинг форс тилидаги таржималарга мурожаат қилишнинг бирдан-бир сабаби шуки, ҳозиргача ўрганилган «Бобурнома» таржималари орасида анча ишонарли ва тўлиқ таржима қилинган, деган тушунчалар бор. Бунинг далили сифатида «Бобурнома»ни форс тилидан ўгирган В.Текстоннинг 1996 йилдаги инглизча таржимасини мисол тариқасида келтириш мумкин.

«Бобурнома»ни Ҳикмат Бойир даъвати билан Рашид Раҳмати Орат турк тилига таржима қилган. Ушбу асарнинг биринчи туркча таржимаси бўлиб, ҳеч қайси туркий халқнинг қўлида оммавий нашрда йўқ эди. Қўлёзма, тошбосма ва литография усулидаги нусхаларда хатолар кўп, улар асар ҳақида нотўғри тасаввур туғдириши мумкин эди. «Бобурнома»нинг 1948-1949 ва 1960 йилдаги кирилл алифбосига асосланган ўзбек ёзувидаги нашрларини тайёрлашда мазкур туркча таржимадан фойдаланилган[24]. 1995 йилда туркиялик олим Билол Йўжелнинг «Бобур девони» номли монографияси чоп этилди. Унда Бобурнинг бошқа асарлари қаторида «Бобурнома» ҳақида ҳам маълумот берилган.

Япон олими Эйжи Мано «Бобурнома»ни 1995 йилда тўртта туркий (ўзбек) матн асосида унинг танқидий матнини эълон қилди[25]. 1996 йилда «Кўрсаткичлар» жилдини чоп эттирди. Мазкур асарларни нашр этишдан анча аввал, 1983-1984 йилларда Э.Мано «Бобурнома»нинг «Фарғона» ва «Кобул» қисмларини ҳам япон тилига таржима қилиб, чоп эттирган. Э.Мано раҳбарлигида япон мутахассисларининг олиб борган ишлари

[23] Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Т.: Шарқ., 2014. – Б.178. 744 б.
[24] Иброҳимов А. «Бобурнома»-буюк асар. – Тошкент.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б.107.
[25] Ҳошимова Д.М. Бобурнома»асарининг танқидий матнини яратиш муаммолари: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2006.

бобуршуносликни янги поғонага кўтарди, «Бобурнома»га доир илмий тадқиқотлар кўлами ҳамда аниқлиги, таржималар савияси ва сифатини оширди.

«Бобурнома»ни биринчи марта урду тилига Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний таржима қилган. Ушбу таржима 1962 йил Карачи шаҳридаги «Бук Лэнд» нашриётида чоп этилган. Зарварақда китобнинг номи «Бобурнома», унинг тагида эса, «Тузуки Бобурий» деб келтирилган. Китобнинг бошида, алоҳида-алоҳида саҳифаларда Бобур Мирзо ва унинг рафиқаси Моҳим Бегимнинг рангли тасвирлари берилган. Мундарижа, «Бобур ва Бобурнома» сарлавҳали сўзбоши бўлиб, китоб жами 426 саҳифадан иборат. Убайдулла Қуддусий изоҳларни таҳрир қилган, тўлдирган ва унга сўзбоши ёзган. «Сўзбоши»да мамлакатдаги ташкилий масалалар, Бобур Мирзонинг қобилияти, унинг вафоти, Тузуки Бобурий, «Бобурнома»нинг таржималари ва мазкур таржима ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилади. «Сўзбоши»да «Акбарнома»нинг муаллифи Абулфазлнинг «Бобурнома» ҳақидаги фикрлари қайд этилган:

«Салтанатнинг ибтидосидан то интиҳосигача бўлган воқеаларни бағоят соф ва мукаммал тарзда баён этган. М.Собиров ушбу таржима ҳақида салбий фикр билдиради: «...таржима аслида форсий ва инглизча таржималар ёрдамида амалга оширилган, шунинг учун беҳисоб хато ва камчиликлар мавжуд. Шу сабабли «Бобурнома»нинг мазкур таржимасидан илмий мақсадда фойдаланиб бўлмайди, у урду тилига қилинган дастлабки таржима сифатида аҳамиятга эга холос...» [26]. Бобур энциклопедиясининг урду тилига таржимаси маълумоти қуйидагича берилади: «Бобурнома» урду тилига уч марта таржима қилинган:

1) 1924 йил Деҳлида чоп эттирган Мирзо Носириддин таржимаси;
2) «Тузуки Бобурий» номи билан 1969 йилда чоп этилган Рашид Ахтар Надвий таржимаси;

[26] Собиров М. «Бобурнома»нинг инглизча таржималарида муаллиф услуби ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари. Филол. фан. ном. ... дисс. авторефер. – Т.: 2002.

3) Ҳасан Бек томонидан қилинган таржимадир. У 2000 йил рангли суратлар билан безатилган ажойиб нашр ҳисобланади.

Асарнинг қайта-қайта амалга оширилган таржималаридан шуни англаш мумкинки, аслиятни таржимада қайта яратиш осон бўлмаган. Жой номлари, тарихий шахс исмлари ва миллатга хос бўлган реалиялар ҳам талай қийинчиликларни келтириб чиқарган. Асарнинг туркий тилдан ўгирган Ж.Лейден ва С.Беверижларнинг «Бобурнома»дан келтирилган қуйидаги мисол ва инглизча таржималарига эътиборимизни қаратайлик, таржималарнинг қайси бирида аслият мазмуни тўлиқ акс этганини кўрамиз: *Ўзумни ўлумга қарор бердим. Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди,* ***вузу қилдим***, ***икки ракъат намоз ўқудум***, ***бошимни муножотқа қўюб****, тилак тилайдур эдимким,* ***кўзум уйқуға боритур***[27]**.**

Ушбу келтирилган аслият матннинг таржимасини Лейден–Эрскинда қандай амалга оширганини кузатамиз:

... that ***I may at least perform my last ablutions****. ...* [239, 122]. – *... ва ниҳоят охирги таҳоратимни бажардим ...* бу ёғи акс таржимада этмаган.

Юқоридаги парчанинг таржимаси Сусанна Беверижда:

... its siege and its capture by Shaibani ... – ... изидан қувиб, Шайбонийхон томонидан туттирилди ... аслият мазмуни ушбу таржимада ҳам тўлиқ акс этмаган.

Ўзумни ўлумга қарор бердим. Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, ***вузу қилдим***, ***икки ракъат намоз ўқудум***, ***бошимни муножотқа қўюб****, тилак тилайдур эдимким,* ***кўзум уйқуға боритур*** парчасини «Бобурнома»ни форс тилидан таржима қилган В.Текстон вариантида кузатамиз:

I ***made my ablutions*** *and* ***performed two cycles of prayer****. I* ***put my head down for intimate conversation with God*** *and was making my requests when I* ***dozed off*** [245; 138]. –***Покландим*** (яъни таҳорат қилдим) *ва* ***икки ракъат намоз ўқидим***. ***Оллоҳ билан қалбан суҳбатлашиш учун бошимни пастга***

[27] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 99.

(яъни саждага) ***қўйдим*** *ва фарзни* (my requests-талаб, *талаб*ни фарз деб ўгиряпмиз) *тугатаётиб,* ***мудраб*** *ухлаб* ***қолибман***.

Унинг таржимасидаги *Икки ракъат намоз ўқидим, бошимни муножотқа қўйиб, кўзим уйқуга борибтур* Лейден–Эрскин ва Сусанна Беверижларнинг таржимасида мутлақо акс этмаган. В.Текстонда *вузу қилмоқ – I made my ablutions, икки ракъат намоз ўқимоқ – performed two cycles of prayer, бошимни муножотқа қўюб – I put my head down for intimate conversation with God – Оллоҳ билан қалбан суҳбатлашиш учун бошимни муножотқа қўйдим,* тарзида акс эттирилган бўлиб, *кўзум уйқуга борибтур – I dozed off, – мудраб қолибман* фразеологик бирлик (бундан буён фразеологик бирлик- ФБ) орқали ўгирилган ва аслият мазмунини тўлиқ қоплаганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Жон Лейден–Вильям Эрскин ва Сусанна Беверижларнинг таржимасига қараганда Вильер Текстон таржимаси аслиятга яқинлиги, ўзбек ва ҳозирги инглиз адабий тил соҳибига ҳам тушунарли муқобилини танлаганлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Вильер Текстон асарни ҳам мазмунан, ҳам бадиий эстетик жиҳатлари, миллий-маданий хосликларини таржимада сақлаб, мусулмонлар амали ҳисобланган намознинг ракъатлари ва сажда сўзларининг таржимасини ҳам тўғри бера олган. Таржима тилининг софлиги, унинг юқори маданияти учун кураш, адекват таржималар яратиш сўзлар мазмуни билан мантиқан боғлиқ бўлиб, барча лексик ва фразеолокик бирликлар ҳамда услубий воситаларнинг аслиятдагидек табиий жаранглаши таржимоннинг санъат даражасидаги тадқиқотидан дарак беради.

«Бобурнома»дан тиббиётга оид мисолларнинг инглизчада акс этишини кузатганда улар қуйидаги мисолда ўз аксини топган: *Пайагдин кўчган айёмда вужудумда обила жароҳати пайдо бўлуб эди. Бу юртта бир румий Румда эмди пайдо бўлғон* ***муолажани қилди****. Мурчни сафол қазонда қайнатти, жароҳатни анинг иссиқ* ***бухориға туттум.*** *Бухори камроқ бўлса иссиқ суви била юдум, икки соати нужумийғача даранг бўлди* [64; 252]. Келтирилган

парчада ажратилган ***муолажани қилди***, ***бухориға туттум*** сўз бирикмаларининг таржималари Лейден–Эрскинда қуйидагича таржима қилинган:

On reaching the place where the Ganges and Jumna unite, I rowed over in the boat to the Piag side, and at one watch and four geris, we reached the camp. On Wednesday at noon, the army began to cross the Jumna. … [239; 406]. *– Ганг ва Жамнанинг қўшилган жойига етганда Пайаг томонгача қайиқда сузиб кетдим, кейин бир сузишда ётоқдан тўрт чақиримгача етиб бордим. Чоршанба куни тонг саҳарда черик билан Жамна дарёсидан ўтмоққа отландик, ...* дея таржимада аслият мазмуни тўлиқ акс этмаган. Жумлалар ўзгариб, на *муолажа қилмоқ* ва на *бухорига тутмоқ* ҳақида гапирилган. Уларнинг таржимасида *муолажа* сўзининг мазмуни мутлақо акс этмаган. Подшоҳ Бобур қуруқликда эмас Ганга дарёсининг Жамна билан қўшилиш кесимида қайиқда сайр қилиши ифода этилган. Таржимон аслиятдаги мазмунни мутлақо тушунмаган ва аслият мазмунидан узоқлашган.

Юқоридаги парчанинг таржимасини Сусанна Беверижда кузатайлик: *During the days we were marching from Piag, painful boils had come out on my body. While we were on this ground, an Ottoman Turk (Rumi)* ***used a remedy*** *which had been recently discovered in Rum. He boiled pepper in a pipkin; I* ***held the sores in the steam*** *and, after steaming ceased, laved them with the hot water. The treatment lasted 2 side real hours* [233; 657]. *– Кун бўйи Пайаг томон лўкиллаб юрдик, вужудимга ҳовурли оғриқ ёпирилиб келди. Отлар тўхтаб, ерга тушганимизда, Оттоман турклар қабиласига мансуб бир (Римлик) табиб Римда ихтиро қилинган сўнгги* ***дорини қўллади.*** *У қалампирни лойдан ясалган идишда қайнатди; мен ярани унинг* ***буғига тутдим*** *ва буғ пасайгандан сўнг қайноқ сувда ушлаб турдим. Даволаш жараёни 2 соатга чўзилди.*

Туркий тилдан ўгирган Сусанна Бевериж Лейден–Эрскинникига қараганда аслият мазмунини анча очиб беришга ҳаракат қилган. Лекин қора

мурч ўрнига оддий қизил қалампир *pepper*ни қўллаши мунозараталаб. Қора мурчнинг даво хусусияти қизил қалампирдан кўра хавфсизроқ ва фойдалироқ. Тиббий муолажа борасида таржимон хато қилиши мумкин эмас. Ярани қизил қалампирнинг буғига тутиш эса ақл бовар қилмайдиган жараён. Инглизлар хантал, қизил қалампир, мурчларни умумий тарзда аччиқ қалампир маъносида қўллаши оддий ҳол, лекин қора мурч тушунчасининг тиббий термини орқали аниқ таржимада бериши, ҳеч бўлмаганда структуравий-семантик калька “black pepper” таржимасини қўллаши лозим эди.

Жумлани форс тилидан ўгирган таржимон В.Текстон таржимасида қуйидагиларни кузатиш мумкин:

While marching from Payag I got abscess on my body. An Anatolian ***gave me the treatment*** *that is now common in Anatolia. He boiled pepper in an earthenware pot, and I held the abscess over the hot steam.* ***When the steam died down****, I bathed the abscess in the hot water for two hours* [239; 440]. – *Пайагдан йўлга чиққанимизда танамда йирингланган чипқон пайдо бўлди. Онадўлилик табиб Онадўлида ҳозирда удум бўлган* ***муолажани қўллаб,*** *мени* ***даволади.*** *У лойдан ясалган сопол қозонда қалампирни қайнатди ва мен унинг* ***буғида*** ярамни ***тутиб турдим***. ***Буғи пастлагач,*** *ярамни иссиқ сувда икки соат ушлаб, «ванна» қилдим.*

Аввалги ўгирилган инглизча таржимага қараганда аслият мазмуни кейинги таржимада анча тикланиб, кенг ёритилган. С.Бевериж билан В.Текстонлар *қора мурч* ўрнига оддий *қалампир* сўзини яна қўллайдилар. Эътибор қаратинг В.Текстон таржимасида аслиятдаги оддий гап *бухори пасайгач – steam died down* ФБи орқали акс этади. Аслиятдаги *Румлик* С.Беверижда *оттоман улусига мансуб табиб*га, В.Текстонда *Онадўлилик табиб*га ўзгаради. Қора мурч оддийгина сўзма-сўз таржима – “black pepper”ни таржимасида қўлламайди. «Бобурнома»нинг форс тилидаги таржималари бошқа тилларга қараганда изоҳларнинг мўллиги ва нисбатан

яхши таржима қилинган, деган олимларнинг фикрлари тўғрига ўхшайди, шунга қарамай, аслиятдаги ФБлар ва мақолларнинг инглизча таржималарини қиёсий ўрганганда хатолар ва нотўғри таржималар мавжудлиги аниқланди.

Демак, хулоса В.Текстон аслиятдан ўгирмасдан форс тилидан таржима қилиб ҳам Сусанна Бевериж, Лейден-Эрскинлардан фарқли ўлароқ адекват таржимага эришгани маълум бўлди. «Бобурнома»ни форс тилига муаллифнинг тириклик чоғида амалга оширилганлиги ундаги мазмун тўлиқроқ деган тушунчани ҳам беради. Лекин В.Текстон тил соҳибигагина аён бўладиган мақолнинг мазмунини акс эттиришда хато қилган. Асарнинг форс тилидаги таржимаси бошқа тилларга ўгиришда яхши манба сифатида қаралган. Шунга қарамасдан таржималарда хато ва камчиликлар кузатилган.

§1.3. «Бобурнома»нинг Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан лексикографик нуқтаи назардан ўрганилиши

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганига кўп йил бўлди. Тарих учун бу муддат жуда қисқа бўлса ҳам, лекин ана шу давр ичида иқтисодий-сиёсий, маънавий ва маданий ҳаётимизда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Шўроларнинг 70 йил давомида юритган иттифоқдош миллатларни ягона социалистик миллатга бирлаштириш сиёсати туфайли унутилар даражага келиб қолган миллий қадриятларимиз, маънавий анъаналаримиз тикланди. Аждодларимиз қолдирган бой меросимизни оммалаштириш, уларнинг жаҳон тамаддунининг ривожланишдаги ролидан фахр-ифтихор ҳиссини туйиш имконияти вужудга келди[28]. Эндиликда аждодларимиз меъросини тўғридан тўғри она тилидан чет тилига ўгириш имкониятига эга бўлдик. Таржимадаги хато ва камчиликларни ўзимиз тўғрилашга қодир эканлигимиз маънавий ифтихор ҳиссини туйдиради, миллат олдидаги масъулият бурчини адо қилишга ундайди.

[28] Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Тошкент.: 2017. Б.6, 384 б.

Сўнгги йилларда умумий ва хусусий илмий-тадқиқот методологияси ва методларни ўрганиш ва ёш тадқиқотчиларга сингдиришга жиддий эътибор қаратилди. Н.Шермуҳаммедованинг фан методологиясига бағишланган, Т.Бушуй, Ш.Сафаровларнинг «Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси», Ҳ.Неъматов ва А.Нурмоновларнинг лингвистик тадқиқот методологияси ва методларига бағишланган асарлари майдонга келди[29].

Истиқлолга қадар назарий масалаларни фақат рус тилшунослари ҳал қилиб берган эдилар, бошқа тилшунослик вакиллари унга эргашган бўлсалар, мустақиллик шароитида ўзбек тилшунослари назарий муаммоларни ҳал қилишга дадил қўл ура бошладилар. Система, структура тушунчалари, тилнинг асосий структурал бирликлари бўлган фонема, морфема, лексема, сўз, ибора моҳиятини белгилаш сингари тилшуносликнинг энг мунозарали масалаларини ҳал қилиш бўйича баҳсга киришдилар.

Ўзбек олимларидан М.Миртожиев, Н.Маҳмудов лингвистик семантика, М.Ҳакимов, Ш.Сафаровлар прагмалингвистика ва когнитив лингвистика бўйича қизиқарли тадқиқотлар олиб бордилар. Айниқса, Ш.Сафаровнинг «Когнитив лингвистика» ва «Прагмалингвистика» номли асарларининг нашр қилиниши ўзбек тилшунослигининг катта ютуғи бўлди[30]. Бундан ташқари, ўзбек тилининг турли сатҳларини шу тилнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этишга алоҳида аҳамият берилди. Ҳ.Жамолхоновнинг «Ўзбек тилининг назарий фонетикаси», А.Ҳожиев, Ё.Тожиев, Т.Мирзақуловларнинг морфемика ва сўз ясалишига доир асарлари, Э.Бегматов, М.Миртожиев, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, Ҳ.Шамсиддинов, Ҳ.Дадабоев, Ш.Искандарова, А.Собировларнинг лексикологияга, А.Ҳожиев, Ш.Шаҳобиддинова, Ж.Элтазаровларнинг морфологияга, Н.Маҳмудов, Р.Сайфуллаева, М.Қурбонова, Д.Лутфуллаевалларнинг синтаксисга бағишланган асарлари ўзбек тилшунослигини янги босқичга олиб чиқди.

[29] Нурмонов А. Тилшуносликнинг назарий ва амалий муаммолари бўйича танланган мақолалар.: Тошкент. – 2012. 323 б.
[30] Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент.: 2008.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах.: 2006.

Ўзбек тили лексикологияси, айниқса, лексикографияси соҳасида ҳам муҳим ютуқларга эришилди. Хусусан, луғатчилик соҳасидаги назарий ва амалий изланишлар диққатга сазоворки, беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», кичик ва ўрта ҳажмли бир неча ўнлаб икки тилли таржима луғатларнинг, юздан ортиқ бир, икки ёки кўп тилли терминологик луғатларнинг айни мустақиллик йилларида яратилганлиги луғатшунослик соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан дарак беради. Зикр этилган омиллар таъсирида ўзбек тили луғат таркибида юз берган жиддий ўзгаришлар муносабати билан ҳозирги давр талабларига жавоб бера оладиган изоҳли луғат яратиш заруратидан келиб чиқиб, Республика ҳукуматининг махсус қарори билан ўзбек тилининг янги, кўп жилдли изоҳли луғатини тузиш ва чоп этиш масаласи Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги қонунини амалга ошириш давлат дастурига киритилди ва уни амалга ошириш ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти зиммасига юкланди.

Институтнинг етакчи олимларидан ташкил топган ижодий гуруҳ 1998 йилдан янги изоҳли луғат устида иш бошлаб, уни 2001 йилда якунлади; 300 босма табақдан ортиқ ҳажмдаги беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» 2006–2008 йилларда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти томонидан тўлиғича нашр этилди. Ушбу луғат ўзбек ва жаҳон луғатчилигининг бой тажрибаларини, янги, ижобий ютуқларини, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида жамиятимиз, халқимиз ҳаётида рўй берган туб ўзгаришлар ва шу муносабат билан ўзбек тили лексикасида содир бўлган янгиликларни эътиборга олган ҳолда яратилган луғатдир (ўша адабиёт, Б.11).

Беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ўзбек халқи ижтимоий-маданий ҳаётида, ўзбек тили ва тилшунослиги тарихида улкан ҳодиса ҳисобланади. Луғатнинг илмий қиммати шундаки, у ҳозирги ўзбек адабий тили сўз бойлиги ўзида мужасам қилган, ўзбек тилининг дунёдаги энг

ривожланган тиллардан бири эканини намойиш этувчи ва бу ҳолатни аниқ далиллар асосида тасдиқловчи муҳим манбадир. Ушбу изоҳли луғатнинг назарий асоси ва илмий тамойиллари, сўз маъноларини талқин қилиш усуллари ўзбек тилининг уч тилли таржима, терминологик ва бошқа хил луғатларни тузишга баракали ҳисса қўшди.

Янги изоҳли луғат улкан амалий, маданий-маърифий қимматга эга. Унга ўз она тилига меҳр-муҳаббати бўлган, она тилининг, ундаги сўзларнинг сир-асрорлари, имловий ва услубий хусусиятлари билан қизиққан ҳар қандай ўзбек зиёлиси, ўзбек тилини ўрганиш иштиёқида бўлган ҳар қандай ўзга тил вакили мурожаат қилиши мумкин.

Беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» чоп этилганидан кейин Ўзбекистонда луғатчилик, шу жумладан икки тилли луғатлар тузиш соҳасида амалга ошириладиган барча муҳим ва йирик ишлар, ташаббуслар миллий тилнинг катта изоҳли луғатини билан, В.Г.Гакнинг таъбири билан айтганда, «луғатнинг энг муҳим, асосий тури» билан боғлиқ[31]. Чунки янги изоҳли луғат ҳозирги ўзбек тилига нисбатан кенг истеъмолда бўлган бир неча ўн минглаб сўз ва сўз бирикмаларини, жумладан, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шеваларда қўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни қамраб олган ва кўплаб лексикологик тадқиқотларга, янгидан-янги таржима луғатларига манба бўлиб хизмат қилади. Мадвалиевнинг мана шундай таъкид ва фикрлари асосида биз мумтоз адабиётларимизни табдили этиш ва энг ёш фан соҳаси бўлса ҳам унинг герменевтик жиҳатларини ўрганиш, қолаверса уларнинг таржималари луғатини ишлаб чиқиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда «Бобурнома»нинг табдилини ҳам ўрганиш мақсад қилдик.

Замонавий ўзбек лексикографияси тарихида шу кунгача илм-фан ва техниканинг 50 дан ортиқ турли соҳалари ва тармоқлари бўйича 300 дан

[31]Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Тошкент.: 2017. Б.14, 384 б.; Гак В.Г. О некоторых закономерностях развития лексикографии (учебная и общая лексикография в историческом аспекте) // Актуальные проблемы учебной лексикографии. – С.12.

ортиқ хилма-хил терминологик луғат яратилган бўлса, уларнинг ярмидан кўпроғи республикамиз мустақиллиги йилларида нашр этилгандир. «Бобурнома»нинг Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан лексикографик нуқтаи назардан ўрганилиши эса биздан анча йиллар аввал бошланган. Бобур энциклопедиясида келтирилишича «Бобурнома» юзасидан ҳаммаси бўлиб саккизта луғат тузилган:

Биринчи луғат Мирза Муҳаммад Маҳдихон. Санглоҳ (17-а) томонидан тузилган. Луғат, асосан, Алишер Навоий асарлари учун тузилган бўлса-да, Бобур асарларидан 250 дан зиёд ўзбекча сўзга форсча изоҳ берилган[32].

Иккинчи луғат Abel Pavet De Couteille нинг Dictionnaire Tur-Oriental Destine Principalement A Faciliter La Lecture Des Ouvrages De Baber; Абель Паве де Куртейл. «Шарқий турк тили луғати. Бобур асарлари бўйича маърузалар учун», деб номланган. Ушбу луғатнинг биринчи нашри – Парижда 1870 йилда, охирги нашри эса Париж Ulan Press, 2011 йилда нашр эттирилган. Ушбу луғатда Бобур асарларидаги сўзларга французча изоҳлар берилган.

Учинчи луғат Ҳ.Назарова томонидан тузилган бўлиб, «Заҳириддин Муҳаммад Бобир асарлари учун қисқача луғат» деб номланган, 1972 йил «Фан» нашриётида чоп этилган 278 саҳифадан иборат сўз ва сўз бирикмасига изоҳ берилган.

Тўртинчи луғат А.Иброҳимов томонидан тузилган «Бобурнома»да ҳиндийча сўзлар» деб номланади ва у 2002 йил Тошкент давлат шарқшунослик институтида чоп эттирилган. Унда асарда қўлланган ҳиндча сўзлар изоҳланган.

Бешинчи луғат М.Олимов томонидан ёзилган. «Бобурнома»да қўлланган синонимлар луғати» 2004 йилда «Фан» нашриётида чоп этилган.

[32] Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. «Шарқ», Тошкент – 2017, Б.112. 688 б.

Ушбу луғат «Бобурнома»да учрайдиган 1249 та сўз, 348 та синонимлар гуруҳини ташкил этиши кўрсатилган.

Олтинчи луғат Ф.Исҳоқов ва Ҳ.Назарова билан ҳамкорликда тузилган бўлиб, «Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари бўйича қисқача изоҳли луғат» 2004 йили Андижон Халқаро Бобур жамғармаси томонидан муҳокама этилиб, чоп қилинган.

Еттинчи луғат Ф.Исҳоқов томонидан яккамуаллифликда тузилган «Бобурнома учун қисқача изоҳли луғат», деб номланади ва 2008 йил Андижонда «Андижон нашриёт-матбаа» уйида нашр эттирилган.

Саккизинчи луғат «Бобурнома»даги фразеологик бирликлар ва паремияларнинг инглизча таржималари луғати»дир. Ушбу луғат 2016 йилда З.Тешабоева томонидан тузилган бўлиб, «Тафаккур» нашриётида чоп этилган. Ушбу луғат «Бобурнома»даги фразеологик бирликлар ва паремияларнинг инглизча Ж.Лейден ва Вильям Эрскин (1826), Аннете Сусанна Бевериж (1921) ва Вильер Текстон (1996) таржималарини акс эттирган.

Булардан ташқари, мумтоз адабиёт, шу жумладан, Навоий асарларига оид луғатларда ҳам Бобур қўллаган қадимги туркий, форсча ва арабча сўзларнинг кўпига изоҳ берилади. Масалан, Ҳ.Дадабоевнинг 2008 йил Миллий университет нашриётида чоп этилган «Ҳарбий терминлар луғати»[33], Бобур асарларининг нашрларига ҳам кўпинча луғат илова қилинади. Хусусан, Бобур асарларининг А.Бевериж, Э.Мано, Б.Южел, М.А.Салье нашрларида анча кенг луғат берилган[34]. «Бобурнома»да кўплаб ҳиндча сўз ва атамалар, топонимлар ҳамда антропонимлар ишлатилган. Ҳ.Ҳасановнинг ёзишича, асарда бир мингдан зиёд жой номлари берилган[35] Р.Расулов «Бобурнома»да мингдан ортиқ географик номлар ва 1800 дан кўпроқ киши

[33] Дадабоев Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. «Тошкент».– 2008. 237 б.
[34]Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. «Шарқ», Тошкент – 2017, Б.113. 688 б.
[35]Ҳасанов Ҳ. Бобур сайёҳ ва табиатшунос. –Т.: Ўзбекистон, 1983. – Б.18.

исмлари учрайди[36] иқтибослар номутаносиб, деб ёзади. Т.Нафасов аниқ рақамларни келтиради – «Бобурнома» да 1406 та киши исми, 1100 дан ортиқ жой номи қайд этилган[37]. Ҳ.Қудратуллаев эса «Бобурнома»даги киши исмларини 500 дан ортиқ дейди ва уларнинг сонини Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романидаги персонажларнинг сони билан тенглаштиради[38]. Кўриниб турибдики, «Бобурнома»да қўлланилган жўғрофий номлар ва киши исмларининг сони хусусида мутахассисларнинг фикри бир-биридан жиддий фарқ қилади. Ўша айтилган тахминий рақамлардан қанчаси ҳиндчалиги ҳақида ҳеч қаерда ҳеч қандай маълумот келтирилмаган[39] Покистонлик олим М.Собирнинг «Бобур тилида урдуча сўзлар имлоси» мақоласида (ўша асар) «Бобурнома» урдуча сўзларни асарнинг фақат туркча таржимасига солиштириб ўрганган. Урдуча сўзларнинг туркча сўзлар билан муқояса қилинишини О.Н.Шоматов хато деб ҳисоблайди ва турк тили билан эмас, чиғатой тилининг тарихий вориси бўлмиш ҳозирги ўзбек тили билан таққослашни мақсадга мувофиқ бўларди, деб ҳисоблаган[40] А.Иброҳимов ўзининг танқидий фикрини билдириб, бир неча мисоллар орқали исботлашга ҳаракат қилган ва «ҳиндча сўзларнинг ўзбек тилидаги имлоси, сўзларнинг этимология, транскрипция ва бошқа масалалари ҳозирча тўлиқ ўрганилмаган», деган хулосага келган. Бизнинг аниқлашимизча, – дейди у мақоласида, – «Бобурнома»даги Ҳиндистонга оид турли хил сўзлар атамалар, ҳайвонот ва наботот номлари, жой номлари ҳамда шахс исмларининг сони жами 461 та бўлиб, 2564 марта учрайди. Биз «Бобурнома»да 412 та ҳиндча сўз борлигини аниқлаган эдик[41]. «Бобурнома»нинг янги илмий нашрини тайёрлаш жараёнида яна бир қатор ҳиндча сўзларни аниқлашга муваффақ

[36] Расулов Р. Бобур – ўзбек тилининг софлиги учун курашувчи. Бобур ва ўзбек миллий ... – Б.44.
[37] Нафасов Т. Бобур – номшунос. Бобур ва ўзбек миллий ... Б.39.
[38] Қудратуллаев Ҳ. «Бобурнома»нинг тарихий – адабий ва услубий таҳлили, Докт: дисс., – Б.223.
[39] Муҳаммад Собир. Бобур асарлари тилида урдуча сўзлар имлоси. Карачи университети. № 2, II – қисм. 1965 йил август. Покистонлик олим М.Собирнинг « ... 250дан ортиқ».
[40] Шаматов А.Н. Изучение проблемқ тюркско-индейских языков контактов в работах тюркологов Пакистана//Востоковедение (Языкознание и история). Научные труды Таш ГУ, вып 404, Т., 1971, с.57.
[41] Қаранг: Ансоритдин Иброҳимов «Бобурнома»даги ҳиндча сўзлар тадқиқи» Филолгия фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, Т., 2001.

бўлдик. Ушбу қиёсий жадвалга ана шу «янги» сўзлардан бизнинг фикримизча ҳиндчалиги аниқ бўлганларини киритдик. Яна бир қатор сўзларнинг этимологияси бўйича текширишни давом эттирмоқдамиз, – деб ёзади А.Иброҳимов[42].

Демак, А.Иброҳимов кейинги тадқиқотида ушбу луғатини давом эттириб, 459 та ҳиндча сўзлар луғатини жадвалда кўрсатиб беради. Бу сўзлар асосан жой номлари: Адуса, Анраҳор, Бажур, Бангола, Гувалер, Дакан, Диболпур; ҳафта номлари: Айтвар (якшанба), Сумвар (сешанба), Бристпотвор (пайшанба), Булдвор (чоршанба); мевалар: турунж, омила, болинг, галгал, кайла, жоман; исмлар: Баҳодур Хон Гужаротий, Бу, Дева Ҳинду; гул номлари: Жамбулий, Дуда (нилуфар гули); ҳайвон номлари: Бондар (маймун), Галаҳра (кийик), Карёл (тимсоҳ) Чошнигир (баковул) шугун (хосиятли) каби сўзларнинг келиб чиқишини аниқлаб, 459 талик ўзига хос жадвалдаги луғатини тузган.

Унинг асосини Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда чоп этилган нашрлар, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар илмий журнал, рисола ва тўпламларга илова қилинган библиографик материаллар ташкил этади. Ушбу библиография Ўзбекистондаги жамики марказий кутубхоналар, барча вилоят ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси кутубхона-ресурс марказлари, Россия Федерациясининг Иваново, Қозон, Санкт-Петербург ва Москва шаҳарларида йирик кутубхоналарнинг картотекалари ва библиографик материаллари билан танишган ҳолда интернет ресурсларини ҳам имкон қадар жалб қилишга ҳаракат қилинган. Бунда туркий тиллар, араб, форс, урду, ҳинд, рус, инглиз, немис, француз ва бошқа тиллардаги маълумотлар жамланиб, шарқшунос олимлар, библиография мутахассислари билан маслаҳатлашган ҳолда муайян тартибга келтирилган. Бобуршоҳ ижодий мероси ғоят ранг-баранг, Бобур ва бобурийларга бағишланган нашрлар жанр бўйича жуда хилма-хил бўлгани, кўплаб материаллар бир вақтнинг ўзида бир

[42] «Бобурнома»да ҳиндча сўзларнинг қиёсий жадвали. Адабиёт кўзгуси. – 2004.: «Шамс АСА» Тошкент шаҳри, халқлар Дўстлиги кўчаси. Б. 214.

неча, ҳатто ўнлаб мавзуга нисбат берилиши мумкинлиги учун библиография мавзулар бўйича қисмларга ажратилмай, ҳамма материални бир сира алифбо тартиби бўйича жойлаштирилган[43].

Ҳар бир миллатнинг бойлиги саналган ўзига хос анъанаси, урф одатлари борки, уларнинг барчаси жамият аъзолари нутқида намоён бўлиб, халқларнинг ўй-қарашлари, миллий менталитети уларнинг бадиий адабиётида ёрқин ифодасини топади. Тарихий асарларда тарихий шахслар портретини турли чизгиларда акс эттириш муаллиф лексикасининг нақадар ўзига хослигини таъмин этади. «Бобурнома» диалектик манба, ундан инсон яшаш тарзининг барча соҳасидан маълумотлар қидириб топиш мумкин. Асар эса энг яхши манба вазифасини ўтайди.

Хорижий олимлар «Бобурнома»ни автобиографик усулда битилган мемуар асар деб атайдилар. Бугунги кунда асар устида тадқиқот олиб бораётган хорижий олимлар «Бобурнома»ни Исаак Нютон ва Эдуард Гиббон[44]нинг хотиротларига ўхшатадилар. Ўзбек олимлари Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий» асарини «Бобурнома»дан кейинги ўринда турадиган манбага қиёс этадилар. «Бобурнома»нинг лексикаси ҳам, ундаги маълумотларнинг келтирилиши реал фактларга асосланганлигида, унда қўлланган ҳар бир ибора ҳаётий воқеа-ҳодисаларни акс эттирганлигида. Шунинг учун уни ўқиган инсон чуқур мулоҳазага чўмиши муқаррар. Юзлаб хорижий ва юзлаб ўзбек олимлари асарни ўрганар экан, яна унинг устида жиддий тадқиқот олиб бориш, унинг лексикографиясини ҳам ишлаб чиқишни жуда муҳим деб ўйлаймиз.

[43]Рустамхўжаев Ш.Ш. Захириддин Мухаммад Бабур. Бабуриды. Библиография. Андижон–Тошкент–Қозон–Санкт-Петербург–Москва. Б.11. 1180 б. ООО «Издательство восточной литературы» 127051, Москва, Петровский бульвар, д. 3, стр.2; ППП «Типография «Наука» 121099, Москва Г-99, Шубинский пер., 6.
[44] Memoirs of My Life and Writings. Edward Gibbon. 139 p.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Мумтоз асар «Бобурнома» дунёнинг юзлаб шарқшунос, таржимашунос олимлари томонидан етарлича ўрганилган ва таржималар тарихини бошидан кечирган.

«Бобурнома» дастлаб Шайх Зайниддин томонидан форс тилига ўгирилган, лекин унинг таржимаси тўлиқ бўлмаса-да, кейинги амалга оширилган форсча таржималар олимлар томонидан мукаммал таржима деб тан олинган. Ушбу форс тилидан 1996 йили Ўзбекистоннинг мустақиллигидан сўнг Вильер Текстон инглиз тилига «Бобурнома»ни таржима қилган ва нашр эттирган.

Инглиз, француз, немис, рус, урду, япон, турк ва бошқа тилларда асарни таржима қилиниши, қайта-қайта ўрганилиши дунё олимларининг Мовароуннаҳр халқлари адабиёти, хусусан, аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига беэътибор эмаслигини кўрсатади. Олиб борилган улкан тадқиқотлар шу даражадаки, бугунги кунда «Бобурнома» жаҳон адабиёти мулкига айланиб бормоқда. Шунингдек, асарда қўлланган миллий-маданий фразеологик бирликлар кўпликни ташкил этади, улар миллий-маданий қадриятларни ифодалаган, тарихий персонажлар портретини очиб беришга хизмат қилган.

«Бобурнома» юзасидан тузилган хорижий ва маҳаллий олимлар луғатлари шуни кўрсатадики, асар бўйича мавзули луғат тузиш тамойили ҳали ишлаб чиқилмаган. Турли даврда нашр эттирилган асарнинг инглизча таржимасини қиёсий ўрганиш, таржималарини таҳлил этиш, аслият мазмуни билан таржималар орасидаги лексик-семантик, грамматик-синтактик фарқларни ўрганиш таржимашунослик соҳаси учун муҳим ва долзарб деб ўйлаймиз; мумтоз адабиёт «Бобурнома»нинг табдили ва унинг рус тилидаги таржимаси ва уч турдаги инглизча таржимаси билан қиёслаш, таржималар тарихи ва бадиий таржимани ўргатишда муҳим манба вазифасини ўтайди; асардаги фразеологик бирликлар тарихий воқеа-ҳодисаларни тасвирлаган,

ҳаёт жабҳаларининг турли қатламларини қамраб олган, уларни айнан мумтоз асар «Бобурнома» орқали ўрганиш ва ўргатиш таржимонни жуда катта маҳоратга эга бўлишига имкон яратади.

«Бобурнома» асари устида саккизта луғат ишлаб чиқилган ва тўққизинчи луғатни яратиш ва тамойилларини ишлаб чиқиш зарур. Мумтоз асарларимизда қўлланган миллий-маданий қадриятларни акс эттирувчи фразеологик бирликлар ва уларнинг таржималарини ўрганиш, адекватларини ишлаб чиқиш, уларни табдил, яъни ўзбекча-русча-инглизча таржималарининг текстологик луғатини яратиш муҳим ва долзарб, миллатимизни чет элда тарғиб ва татбиқ этишга, бўлажак таржимонларга мумтоз адабиётлар таржимасида тўлақонли акс эттиришга ҳисса қўшади.

II БОБ. «БОБУРНОМА»ДАГИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

§2.1. «Бобурнома»да «Илик» концепти ва фразеологик бирликлар таржималари таҳлили

Умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида яшашга интилаётган бир пайтда халқимизнинг ўзлигини чуқур англаши, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, илм-фан ривожига эътиборни кучайтириш долзарб масалалардан бири деб қаралади. Миллий тафаккур тараққиётига ҳисса қўшган буюк алломаларимиз асарларини чоп эттириш ва уларни ўрганиш қадимий фалсафамизга хос тушунча. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда қадимий манбаларни қайтадан илмий истеъмолга киритилгани муҳим аҳамият касб этади[45]. «Бобурнома» ана шундай асарлардан бири бўлиб, доимо ўқиб, ўрганиб бориш лозим бўлган мумтоз асарлар сирасига киради ки, уни мутолаа қилган киши Шарқ тарихи билан ошно бўлиб, халқлар ўтмиши, урф одатлари билан танишади, тиллар қардошлигини ҳис этиб, уларнинг ўзаро яқинлигини идрок этади. Муаллиф дунёқараши, серқирра маънавий дунёсини кузатар экан, инсоний фазилатларни қадрлайди ва руҳий гўзаллигидан баҳра олиш имкониятига эга бўлади[46]. Қадимий манба сифатида «Бобурнома» бир неча асрлардан бери ўрганиб келинса-да, эндиликда мазкур асарнинг таржималари тарихи ва таржима муаммолари ҳам ўрганила бошладики, зеро асар таржималарининг хронологик манба сифатида ўрганилиши, бугунги авлод билиши лозим бўлган вазифалардан деб биламиз.

«Бобурнома» воқеаларини йиллар, даврлар бўйича ажратиб, чегаралаб олиш осон эмас. Асар янги нашрда «Фарғона», «Кобул», «Ҳиндистон» сингари шартли бўлимларга ажратиб берилса-да, бу айирмаларнинг аниқ

[45] Назаров Қ. Фалсафа қомусий луғат. – Тошкент.: «Шарқ» нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004.– 496 бет. Б.3.
[46] Ҳасанов Ҳ. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Мубаййин» асари-муҳим адабий-диний манба. «Мумтоз сўз». – Тошкент.: 2015 150 бет. Б.5.

тамойилларга асосланган сезилмай қолади. Шунга кўра бирор воқеа тавсифини ёдга олиш лозим бўлганда, шу воқеа асарнинг қайси ўрнида эканини топиб олиш осон кечавермайди. Уни хотираномалар сирасига ҳам, маълум даврдаги урушлар тарихига ҳам қиёслаб бўлмайди. Уни шеърий асар ҳам, илмий хулосалар жам қилинган изоҳнома ҳам эмас, агар Бобур шоҳ бўлмаганида, у бирор соҳанинг мукаммал тадқиқотчиси бўлур эди (ўша адабиёт), деган олимларнинг фикри ҳам ётади. Асарда саноғига етиб бўлмайдиган ФБлар (фразеологик бирликлар) қўлланганки, уларнинг мазмуни бугунги кун ўқувчисига баъзилари таниш, баъзиларининг мазмунини нотаниш ва уларнинг маъносини англаш ҳам анча мушкул. Асарда қўлланган ФБлар категоризацияси ўрганилса, маъно ўзлаштириш ҳам анча осон кечиши мумкин. Шундай нуқтаи назардан мазкур фаслда асарда қўлланган инсон тана аъзоларига оид тушунчалар яъни, бобнинг номини соматик ФБлар деб номладик.

«Бобурнома»даги соматик ФБларнинг инглизча таржимаси эса қуйидагича акс этади. Улардан *илгида хамир бўлмоқ* - to be a dough at one’s hands, *илигини илигига олмоқ* - to take hold of the cow’s shank, *илик олишмоқ* - to get into fracas, *иликка тушмоқ* - to be taken prisoners (асир тушмоқ), *илигига тушмоқ* - to fall into smb’s hand (тасарруфига кирмоқ), *иликка кирмоқ* - to fall into one’s hands (қўлига ўтмоқ), *илиги ишга етмоқ* - to join the fray каби мисоллар мавжудки, уларнинг таржималари ҳам ўзига хос акс этган ва уларни муҳим ҳисоблаб, саралаб олдик.

Подшоҳларнинг вафоти билан берилган қисқа таъзия – таассуб сўзлари ичида марҳум подшоҳнинг насл-насаби, оила аъзолари, аёллари, мулк, вазиру-вузаролар, бек-бекотлар, уруш ва жанглар ҳақидаги маълумотлар ҳам бериб борилади. «Бобурнома»да қўлланган «илик» лексик-семантик майдонидаги ФБлар ана шундай воқеаларни тасвирлаш, ўрганиш ва инглизча таржималарини қиёсий таҳлил этишда тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини аниқ кўрсатиб, хулоса чиқаришга ёрдам беради. *Илик*нинг сатҳи ва инглизча таржимаси қуйидаги тасвирда келтирилган:

2.1-расм. Илик лексик семантик майдони.

Ушбу тасвирда қўлланган *ИЛИК* лексик-семантик майдонига бир назар ташлайлик. *Илгида хамир бўлмоқ, илигини илигига олмоқ, илик олишмоқ, иликка тушмоқ* (асир тушмоқ), *илигига тушмоқ* (тасарруфига кирмоқ), *иликка кирмоқ* (қўлига ўтмоқ), *илиги ишга етмоқ* мисоллари орасидаги биргина *илигини илигига олмоқ* ФБ эмас ва қолган барчаси ФБдир. *Илигини илигига олмоқ* оддий гап урф-одат, турмуш тарзини ифодалашда қўлланган:

Ул мўғул бўз боғлаған ўйнинг ўрта ***илигини илигига олиб****, мўғулча нималар деб туққа боқиб ишорат қиладур, хон ва тамом турғонлар туғ сориға қимизлар сочадурлар* [64; 89]. – У мўғул бўз боғлаган молнинг ўрта

илигини қўлига олиб, мўғулча сўзлардан бир нималар деб туғга қараб ишора қилади. Хон ва барча турганлар туғ сари қимизлар сочадилар [65; 87].

Илигини илигига олмоқ аслиятда ҳам ФБ бўлмагани каби табдилда ҳам оддий сўз бирикмаси тарзида акс этган. Йилма-йил олиб борилган инглизча таржималарда *илигини илигига олмоқ*нинг қандай акс этганини тадқиқ этсак, у уч турдаги инглизча таржималарда ҳам деярли бир хил акс этиб, аслият мазмуни сақланганини кўришимиз мумкин. Мисол учун аслият мисоли Ж.Лейден ва В.Эрскин таржимасида қуйидагича берилади:

Then the Moghul that had tied on these cloths, ***taking the ox-shank in his hand,*** *made a speech in the Moghul tongue, looking often to the standards, and pointing and making signs towards them* [239; 103]. – Кейин Мўғул матога ўралган **ҳўкизнинг туёғини қўлига олиб**, ён атрофидагиларга бир бир қараб олиб, байроққа ишора қилди ва қўли билан уни кўрсатиб, мўғул тилида нутқ сўзлади. Аслият мисоли С.Бевериж таржимасида қуйидагича берилади:

The Mughul who ***had hold of*** *the strip of cloth fastened to the* ***cow's leg****, then said something in Mughul while he looked at the standards and made signs towards them* [233; 222]. – Матоҳ билан маҳкам боғланган **молнинг оёғини тутиб** турган Мўғул ёнида тик турганларга қараб олдинга ишора қилди ва мўғул тилида бир нималар деди. Аслият мисоли кейинги инглизча В.Текстон таржимасида бундай берилади:

The Moghul ***took hold of the cow's shank*** *to which the cloth was tied, said something in Mongolian, and, facing at the standards, made a sign* [245; 116]. – Мўғул матоҳга ўралган **молнинг туёғини қўлига олиб**, *Монгол* тилида бир нималар деди ва уларга юзланиб, ишора қилди.

Таржимонлар аслиятдаги ***илигини илигига олиб***нинг мазмунини тўғри англаган ва уч таржимада уни яхши акс эттирган деб айта оламиз. Лекин хорижий шарқшуносларнинг бир жиҳати борки, В.Текстоннинг таржимасида *Монгол* билан *мўғул*нинг фарқи англашилмай қолгани бироз сезилган. Унинг таржимасида *Мўғул* Заҳириддин Бобур яшаган дарвдаги қадимий туркий тилни англатиб, Монгол эмас, Чиғатой туркий қавмга ишора қилиниши эди.

Лекин буни ҳисобга олмаганда ***Илигини илигига олмоқ*** жумласи эса ҳар бир таржимон томонидан тўғри талқин этилгани инглизча таржималардан ўз ўзидан аён бўлган. Ушбу таржималардан кўринадики, таржимонлар мўғуллар урф одатининг маъносини яхши англаб, идрок этгани уларнинг таржимасида кўзга ташланган.

Заҳириддин Бобур темурийзода беклар ўртасидаги нифоқларни тасвирлар экан, Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиъуззамон мирзо ва отасининг навкарларини унга қилган муомаласи, беклар ҳақидаги низоларга ўзининг муносабатини баён этиб, ФБ орқали ифодалайди:

Хисравшоҳни навкар-савдаридин айириб мундоқ забун қилмасам эди, Кобулни Зуннуннинг ўғли Муқимдин олмасам эди, бориб мирзони кўрмаклари мумкин эмас эди. Бадиъуззамон мирзо худ буларнинг ***илгида хамир эди****, буларнинг сўзларидин тажовуз қила олмас эди* [64; 123]. Берилган мисолдаги *илгида хамир эди* ФБдир. Ушбу ФБ ҳам табдилда ва барча таржималарда тўлиқ акс этган ва ФБ маъноси сақланиб қолган: *Хисравшоҳни навкар-савдаридан айириб бундай бечораҳол қилмасам, Кобулни Зуннуннинг ўғли Муқимдан олмасам эди, уларнинг бориб мирзони кўрмаклари мумкин бўлмасди. Бадиъуззамон мирзо ҳам буларнинг* ***қўлида хамир эди*** [65; 122].

Илгида хамир бўлмоқ, ҳукмдор шахс бекларнинг илгида хамир каби эврилиши, ўзи ҳукмдор бўла туриб, уларнинг измига бўйсуниши асар муаллифини ҳайратга солган ва ушбу сиёсий жараённи беклар қўлида қўғирчоқ каби ўткир киноя – ФБ *илгида хамир* билан акс эттирган. Юқорида берилган аслият мисоли Ж.Лейден ва В.Эрскин таржимасида қуйидагича берилади:

For had I not deprived Khosrou Shah of his army and retainers, and reduced him to his present helpless condition, and had not I taken Kabul from Mokim, Zulnun's son, they never would have thought of going to wait upon the Mirza. Badia-ez-zaman was only ***dough in the hands of the other two****, and never attempted to swerve from their advice* [239; 168]. – Хисравшоҳнинг навкар ва хизматкорларини тортиб олмасам ва уни ҳозирги ҳолатга солмасам эди,

Зуннуннинг ўғли Муқимдан Кобулни олиб қўймасам эди, улар ҳеч қачон бу Мирзога хизмат қилиш учун бормасди. Бадиъуззамон мирзо эса фақат бир – икки кимсалар **қўлида хамир эди** ва ҳеч қачон уларнинг маслаҳатидан бош тортолмасди (таржима бизники). А.С.Бевериж уни бундай таржима қилган:

For it is not likely they would have seen if I had not made Khusrau Shah helpless by parting him his following, and if I had not taken Kabul from Zunnun's, Muqim. Badi'uz-zaman Mirza himself ***was as dough in the hands of the rest****; beyond their word he could not go* [233; 243]. – Агар мен Хисравшоҳни ночор ҳолатга солиб, булардан айирмаганимда ва Зуннун билан Муқимдан Кобулни тортиб олмаганимда, улар бундай алфозда кўринмаган бўларди. Бадиъуззамон мирзо бўлса қолганлар **қўлида хамир эди**, уларнинг сўзидан ўтиб бир иш қилолмасди (таржима бизники). В.Текстон эса аслият мисолини мана бундай таржима қилган:

Had I not reduced Khusrawshah to such a state by separating him from his servants and liege men, and had I not taken Kabul from Zu'n-nun Beg's son Muqim, it would not have been possible for them to go to the mirza. Badi'uzzaman Mirza, ***putty in their hands****, was incapable of protesting against anything they said* [245; 182]. – Мен Хисравшоҳни шундай давлатидан ва хизматкорию, лашкарларидан айириб кучсизлантирмаганимда, Зуннунбекнинг ўғли Муқимдан Кобулни олмаганимда эди, улар балки, мирзога бормаган бўлармидилар. Бадиъуззамон мирзо уларнинг **қўлида хамир** (putty-тешик, ёриқларни бекитиш учун ишлатадиган ёпишқоқ қоришма)[47] **эди**, улар айтган фикрга қарши чиқолмасди (таржима бизники).

*Илгида хамир бўлмоқ*ни таржимада акс эттиришда барча таржимонлар: Ж.Лейден ва В.Эрскин (1826), А.С.Бевериж (1921)да таржиманинг калька усули, сўзма сўз таржимадан фойдаланганини кўрсатади. Сабаби озиқ-овқат таркибига кирган *илгида хамир бўлмоқ* барча миллатга таниш жараён бўлганлиги, хамирни ҳар қандай шаклга солиниши турли миллат тушунчасида шаклланган жараён эканлиги, у инсон қиёфасининг

[47] Бўтаев Ш, Ирисқулов А. Инглизча-ўзбекча, Ўзбекча-инглизча луғат. Тошкент–«Фан» нашриёти, 2009.

сифатларини очиб беришда муҳим аҳамият касб этган. В.Текстон (1996) ушбуни акс эттиришда трансформацион усулни қўлланган, аслият мазмунини кучайтиришга урингани бироз сезилган. *Илик* концепти қуйидаги жадвалда янада ўзига хос мазмунда шаклланади.

2.1-жадвал

Илик лексик семантик майдонидаги фразеолгик бирликлар таржималарининг жадвалда қиёсий акс этиши.

№	*ИЛИК* лексик майдони (аслият)	Табдил	Русча таржима	Лейден – Эрскин таржимаси (1826)	Сусанна Бевериж таржимаси (1921)	Вильер Текстон таржимаси (1996)
1.	илгида хамир бўлмоқ [Б. 122].	қўлида хамир эди [Б. 122].	в руках, [словно] тесто [94].	as dough in the hands [167, 168].	to be a dough at one’s hands [P. 243].	putty in their hands [P. 182].
2.	илигини илигига олмоқ (молнинг оёғини қўлига олмоқ) [Б. 89]	илигини қўлига олиб [Б. 87]	взяв в руки бычью кость [Стр. 64]	taking the ox-shank in his hand [P. 103]	to have hold of cow's leg [P. 222]	to take hold of the cow’s shank [P. 116]
3.	илик олишмоқ (жанг қилмоқ) [Б.56]	тўқнашдилар [Б.52]	схватится с людьми [Стр. 32]	attacked a body [P. 43]	got to grips with [P.67]	to get into fracas [P.49]
4.	иликка тушмоқ (асир бўлмоқ) [Б. 236]	қўлга тушмоқ [Б.249]	попасть в руки [Стр.195]	to have fallen into our hands [P.380]	to have fallen into our hands [P.600]	to have been taken captive [P.409]
5.	илигига тушмоқ (тасарруфига кирмоқ) [Б.234]	қўлига ўтмоқ [Б.246]	перейти в руки [Стр.193]	fell into smb’s hands [P.376]	fell into the smb’s hands [P.593]	to fall into smb’s hands [P.405]
6.	иликка кирмоқ	қўлга кирар [Б. 91]	впустят нас с	would have fallen into	would have come	would have

	(қўлига ўтмоқ) [Б. 92]		какой-нибудь стороны [Стр. 67]	our hands [P. 110]	into our hands [P. 234]	fallen into our hands [P. 124]
7.	илиги ишга етмоқ (қўли ишга бормоқ) [Б.133]	қўли ишга етган [Б. 134]	(его) руки доходили до боевого дела [Стр. 103]	to go into action [P. 186]	getting his hand into the work [P. 274]	to join the fray [P. 205]

Жадвалда табдил, русча ва уч турдаги инглизча таржималарни қиёслаш имкониятига эга бўламиз. Ўқувчининг тўлиқ матнни ўрганишга эхтиёжи туғилганда ҳаволада келтирилган текстологик луғатга мурожаат этиши мумкин[48].

Соматик ФБ *илик*ка яна бир мисол ***илик олишмоқ*** ҳақида тўхталамиз: *Қорабулоқдин кўчуб, сув кечиб, Ём тўғрисида туштук. Ушбу кун баъзи ички беклар Хиёбон бошида Бойсунқур мирзонинг кишиси била* ***илик олиштилар*** [64, 56]. Берилган мисолдаги ажратилган ***илик олиштилар*** ФБдир, лекин табдилда у оддий сўз **тўқнашдилар** орқали берилади: *Қорабулоқдан ўтиб, сув кечиб, Ём тўғрисида тушдик. Ушбу кун баъзи хос беклар Хиёбон бошида Бойсунқур мирзонинг одамлари билан* ***тўқнашдилар*** [65; 52].

Ушбу мисол таржимаси Ж.Лейден ва В.Эрскинда эса қуйидагича таржима қилинган. *Marching from Kara-bulak, I crossed the river, and halted near Yam. The same day, some of my principal Begs* ***attacked a body*** *of Baiesanghar Mirza's troops on the Khiaban of the city* [239; 43]. – Қорабулоқдан юриб, мен дарёни кесиб ўтдим ва Ям ёнида тўхтадик. Худди шу куни менинг бир неча бекларим шаҳар хиёбонида Бойсунқур мирзонинг **аскарларига ҳамла қилди**.

[48] Тешабоева З. «Бобурнома»даги фразеологик бирликлар ва паремияларнинг инглизча таржималари луғати. «Тафаккур». Тошкент.: 2016, 230 б.

Аслият мисоли С.Бевериж таржимасида қуйидагича таржима ўгирилган: *Marching from Qara-bulaq, we crossed the river (i.e. the Zarafshan) and dismounted near Yam. On that same day, our men* ***got to grips with*** *Bai-sunghar Mlrza's at the head of the Avenue* [233; 67]. – Қора-булоқдан юриб, биз дарёни кесиб ўтдик (масалан Зарафшон) ва Ям ёнида отдан тушиб тўхтадик. Ўша куни бизнинг кишилар марказий шаҳар хиёбонида Бойсунқур Мирзонинг кишилари билан **тўқнашдилар**.

Аслият мисоли сўнгги инглизча В.Текстонда қуйидагича таржима қилинган: *We moved out of Qara Bulaq, crossed the river, and camped opposite Yam. That very day some of the ichki begs* ***got into fracas*** *with Baysunghur Mirza's men right on the Khiaban* [245; 49]. – Биз Қора Булоқни тарк этиб, дарёдан кечиб ўтдик ва Ям қаршисида тўхтадик. Худди ўша куни ички беклар Бойсунқур мирзонинг йигитлари билан шундоқ шаҳар Хиёбонида **юзма-юз жанг қилдилар**.

Мисоллардан кўринадики, аслиятни таржимада қайта яратишда ***илик олиштилар*** ФБи табдилда ***тўқнашдилар*** биринчи инглизча таржимада *attacked a body* - аскарларига ҳамла қилди; иккинчи инглизча таржимада *got to grips with – рўбарў келиб қолдилар* ва учинчи инглизча таржимада *get into fracas - юзма-юз жанг қилдилар* тарзида акс эттирилган. Ҳар бир таржимонда мазмун ва ФБ маънолари сақланган, ўзига хос уч турдаги таржима вариантлари вужудга келган. Юқорида берилган аслият матнини таржима қилишда таржиманинг калька усулини қўллаш устуворлик қилган ва шундай бўлса-да, мазмун жиҳатидан аслиятга яқин таржима акс этган.

Илиги ишга етмоқ, яъни бирор ишни уддаламоқ, хизмат қилмоқ маъносида Зуннун Арғун билан боғлиқ «Бобурнома»да маълумот келтирилган. *Яна бири Зуннун арғун эди. Мардона киши эди. Султон Абусаъид мирзо қошида эканликларида яхши қиличлар чопқондур. Андин сўнгра ҳам ҳар ерида* ***илиги ишга етибдур*** [64; 133]. Зуннун Арғун аслида ким бўлган, нима учун муаллиф ушбу иборани қўллайди?

Зуннун Арғун – Султон Ҳусайннинг амирларидан бири. Даставвал Султон Абусаъидга хизмат қилган, кейин Хуросонга кетган. Султон Ҳусайн уни аввал Замини Доварга, сўнг алоҳида хизматлари эвазига Қандаҳорга ҳоким этиб тайинлаган. Улуғбек Мирзо Кобулий вафот этганида Зуннун Арғун Кобулни Абдураззоқ Мирзонинг қўлидан тортиб олиб, ўғли Муқимга берган. Бадиъуззамон Мирзога қизини бериб, унинг ҳузурида соҳибихтиёр даражасига кўтарилган. Мўъмин Мирзо қатл этилиши муносабати билан бошланган сиёсий инқироздан фойдаланмоқчи бўлиб, Бадиъуззамон Мирзо уни Ўба ва Чахчарон вилоятларига ҳоким этиб тайинлаган. Шайбонийхон Ҳиротга яқинлашганида айрим мулла ва шайхлар Зуннун Арғунга «Ҳизабруллоҳ» (Аллоҳнинг арслони) лақабини бериб, Шайбонийхон устидан ғолиб бўлишини «каромат» қилишган. Бунга ишонган Зуннун Арғун 1507 йил Қораработда ниҳоятда кам сонли қўшини билан урушга кириб ҳалок бўлган. «Бобурнома»да Зуннун Арғун пок мазҳаб, намозхон, яхши қиличбоз деб таърифланган [69; 236]. Бобур «Бобурнома»да келтирган мисолнинг табдили эса мана бундай бўлган:

Яна, Зуннун арғун эди. Мард киши эди. Султон Абусаъид мирзо қошида эканликларида қилич билан яхши жанг қилган. Ундан сўнгра ҳам ҳар ерда **қўли ишга етгандир** [65;134]. Табдилдан кўринадики, *илиги ишга етмоқ қўли ишга етмоқ* тарзида, яъни табдилда ҳам ярим калька усули акс этганини кўрамиз. Ушбу аслият ва табдил мисоли Ж.Лейден ва В.Эрскинда қуйидагича таржима қилинган:

Another was Zulnun Arghun, a brave man. He distinguished himself above all the other young warriors, in the presence of Sultan Abusaid Mirza, by his use of the scymitar, and afterwards, on every occasion on which **he went into action,** he acquitted himself with distinction [239, 186]. – Яна бири Зуннун Арғун, жасур одам эди. У ўзини бошқа ёш жангчилардан устун қўйиб, Султон Абусаид Мирзонинг ҳузурида қилич билан жанг қилган ва ҳар сафар жангда у ўзига хос *хатти-ҳаракат қилиб курашган* ва кейинчалик ҳам ўзини жангда оқлаган.

Аслият матнининг ифода плани таржима қилинаётган тилга қанчалик мос тушиши ёки тушмаслигидан қатъий назар таржимонни таржимани аслият мазмунига яқин ва тўлиқроқ етказиб беришга мажбур этади. Жумланинг умумий маъносига урғу берилганда келтирилган мисолдаги *Илиги ишга етмоқ* ФБи аслиятдан узоқлашиб, оддий *курашган* сўзида тўхташи табиий ҳол, чунки ФБ мазмуни чеклаб олинмаса ҳам ифода плани таржима тилига хослигини англатади. Кўрилаётган аслият мисоли С.Беверижда қуйидагича берилади:

Zu'n-nun *Arsrhun* was another. He was a brave man, use in his sword well in SI. Abu-sa'Id Mirza's presence and later on **getting his hand into the work** whatever the fight. As to his courage there was no question at all, but he was a bit of a fool [233, 274]. – Зуннун Аршун яна бири эди. У Султон Абусаид Мирзо олдида қиличи билан яхши жанг қилган ва кейинроқ қандай жанг бўлишидан қаъий назар *қўли ишга етганди*. Унинг жасоратига келсак, бироз ахмоқлигини ҳисобга олмаганда, жанг ҳақида ҳеч қандай саволга ўрин йўқ.

С.Бевериж аслиятдаги киши исмларини Зуннун Арғунни *Зуннун Аршунга,* Султон Абусаид Мирзони *СИ Абусаид Мирзо*га ўзгартириб қўйган. Лекин *илиги ишга етмоқ* ўз маъно ва шаклида қолиб, *getting his hand into the work- қўли ишга етган* тарзида берган. «Бобурнома»нинг сўнгги таржимони В.Текстонда таҳлил этилаётган парча қуйидагича ўгирилган:

Zun-nun Arghun. He was courageous and wielded the sword well in Sultan Abusa'id Mirza's service in his man-to-man combats. Afterward he **joined the fray** whenever he could. There was no disputing his bravery, but he was rather crazy [245; 205]. – *Зун-нун Арғун*. У жасур ва моҳир қиличбоз бўлиб, Султон Абусаид Мирзонинг хизматида одамлари билан юзма-юз яхши жанг қилган. Кейин у имкони борича *курашишга қўшилиб турган*. Унинг ақлсизлигидан кўра жасорати ҳақида ҳеч қандай тортишувга ўрин йўқ.

Аслиятни тўлиқ акс эттиришда В.Текстон умумий тавсив беришдан фойдаланган. Илиги ишга етмоқ бора бора аввалги таржималарда *he went into action - ҳаракат қилиб курашган* тарзида берилса, иккинчи бор ўгирилган

таржимада *getting his hand into the work - қўли ишга етган* тарзида берилади, учинчи бор қилинган таржима, яъни В.Текстонда эса *joined the fray - курашишга қўшилиб турган,* тарзида интерпретация қилинган. Бундан сезиладики аслиятдаги ФБ мазмуни босқичма-босқич олиб борилган ҳар бир инглизча таржимада акс этганлигини кўриш мумкин.

Турли даврда амалга оширилган таржималарни ўрганишда аввало аслият мазмунини тўлиқ англаб етиш ва унинг замиридаги мазмун моҳиятни тушиниш, муаллиф нуқтаи назарини тўлиқ англаш мақсадга мувофиқ. Ўқувчи ёки таржимон аслиятни тушунишда ҳам бир талай қийинчиликларга дуч келиши аниқ, буни бартараф этиш учун мавзуга оид илмий адабиётлар ва илмий мақолаларни жуда кўп ўқишга тўғри келади. Бир бирига зид бўлган фикр мулоҳазалар, илмий назарий қарашлар ва хорижий, маҳаллий олимларнинг фикр мулоҳазаларини қиёсий ўрганиш лозим. Таржимада баъзи чалкашликларга дуч келинса, яна аслиятга қайтиш, тез тез унга мурожаат этиши энг тўғри йўл деб биламиз. Чунки таржимонни ўраб турган илмий муҳит, унинг иқтидори ва ўзининг жамланган лексикаси мавжуд бўлиб, у ҳар қанча ўрганмасин, энг аввало манбани ўзининг тилига, лексикасида мужассам бўлган сўзлардан фойдаланиб, *янги* таржима асарни яратади ва унинг ўй қараши, ҳатто шахсий характер жиҳатлари ҳам таржима орқали намоён бўлиб қолиши мумкин. Бунинг учун албатта маҳорат, тажриба иқтидор ва ижодкорлик ҳамоҳанг даражада акс этиши лозим бўлади. Шунинг учун В.Текстон таржиманинг трансформацион усулини ҳеч иккиланмай кўпроқ танлайди ва уни ўзи ишида кўп қўлланган, С.Беверижда калька ва Ж.Лейден–В.Эрскинда маъно кўчиш ҳолатига эътибор қаратиб, фалсафий қараш ва ушбу нуқтаи назари таржимада аслиятдаги сўзларга қараганда бир неча бор ошиб боришига олиб келган, лекин шундай бўлса ҳам уларнинг таржимасида аслият маъноларини акс эттириш сақланиб қолган ва эски инглиз тили лексикаси, яъни мумтоз адабиётни акс эттириш уларнинг таржимасида сезилган. Шундай ҳолатлар ҳам борки, бу қарашлар таржима жараёнининг баъзи мисолларини ҳисобга олганда уларнинг қарашлари бир

нуқтага туташиб, деярли бир хил таржимани амалга оширишга муваффақ бўлганини ҳам кўрамиз.

§2.2. «Кўз» концепти ва фразеологик бирликлар таржималари таҳлили

Инсон тана аъзоларининг ФБлар орқали ифодаланиши ўзига хос тадқиқотни талаб этади. *Кўз* лексик-семантик майдонига оид ФБлар ўзбек тадқиқотчиларининг ишларида ҳам акс этган бўлиб, содда гап шаклида: *кўзи тушмоқ, кўзи очиқ кетмоқ, кўз юммоқ (ўлмоқ), кўзини олиб қочмоқ, кўзини очмоқ, кўз олайтирмоқ, кўз юммоқ (камчиликка), кўзига иссиқ кўринмоқ, кўзига совуқ кўринмоқ, кўзига чўп бўлмоқ, кўзини ёғини яламоқ, кўзини кўзига тикмоқ* каби ФБлар тадқиқ этилганки, улар гапда маъно бирикувчанлигини таъминлаб ибора орқали акс этган[49]. Қ.М.Ҳакимов худди ўша содда гап шаклидаги ФБларни кесим узвига қараб ФБлар ё феъл фразеологизм ё от фразеологизмдан ташкил топиши, гапда маъно жиҳатдан бутун ҳолда предикат вазифасида келишини ўз ишида очиб берган. Қ.М.Ҳакимов, содда гап қолипидаги ФБларни бадиий адабиётларда қўлланган ва сўзлашув нутқидаги бир неча мисолларда уларнинг гапдаги вазифасини кўрсатиб бериш билан бирга у А.И.Смирницкийнинг назарий қарашларини тасдиқлаган, фразеологик бирликларнинг гапда, албатта от ФБ ёки феъл ФБ ва бошқа гап бўлакларидан бири вазифасида келишини таъкидлаган.

Ш.Алмаматова эса «Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили» мавзули диссертациясида ҳам *кўз* билан боғлиқ ФБлар, яъни *кўзига совуқ кўринмоқ, кўзига чўп бўлмоқ, кўзини ёғини емоқ, кўзини кўзига тикмоқ* каби мисолларни ҳам ўрганиб, гапда уларнинг қандай гап бўлаги вазифасида келишини тадқиқ қилган. У илмий ишида ФБ албатта эга-кесимдан таркиб топиб, баъзан гапда иккинчи даражали бўлак ҳам кузатилишини назарда тутган[50].

---

[49]Ҳакимов Қ.М. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанликлари: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 1994. – Б. 6-13.

[50]Алмаматова Ш. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 4–17.

Фразеологизмлар таркибида нечта сўз қўлланишига қарамай, улар яхлит умумий маъно билан бирлашади ва эмоционал-экспрессив маънони ифодалайди. Фразеологизмлар бадиий адабиётда образли ва таъсирчан восита сифатида кўп қўлланади. Ғ.Саломовнинг фикрича[51] фразеологизмлар семантик жиҳатдан умумлашган кўчма маънони ифодаласа, грамматик жиҳатдан уларнинг бутунлиги, компонентларининг ўзаро бирикуви ва гапда ҳам шу тартибни сақлаб қолиши билан изоҳланади.

Биз таҳлилга тортган «Бобурнома»да инсон тана аъзоларидан бири *кўз* билан боғлик иборалар, мақол ва ФБлар ҳам мавжудки, уларнинг инглизча таржималарда адекватлигини топиш илмий ишимизнинг вазифасини белгилаб беради ва уларни қуйидаги жадвалда тасаввур эта оламиз:

2.2 – жадвал

Кўз лексик семантик майдони ва фразеологик бирликлар таржималарининг жадвалда қиёсий акс этиши.

№	КЎЗ лексик майдони (аслият)	Табдил	Русча таржима	Лейден – Эрскин таржимаси (1826)	Сусанна Бевериж таржимаси (1921)	Вильер Текстон таржимаси (1996)
1.	кўзга илмоқ [78].	кўзга илмоқ [Б.76].	не оказывал ей и крупицы внимания [С.54]	mind her a bit, or value her even so much [P. 84]	did not regard her as the equal of a mistress [P. 84].	paid her not the slightest attention [Б.85].
2.	зарра кўзга илмай [162].	кўзга заррача илмай [164].	не обращая никакого внимания [128-129].	not minding [247].	giving no eye [370].	paying no attention [264].
3.	кўз солмоқ [Б.87]	кўз узмаслик [Б.85]	Смотрите на этого быка [С.62]	Keep your eyes fixed on [P. 100]	keep your eye on [P.217]	Keep your eyes on [P.113]
4.	Кўзларин	Кўзларин	«Сол	“the salt	“The salt	”Salt took

[51] Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Ўқитувчи., 1983. – Б.118

	и туз тутмоқ [Б.77].	и туз тутмоқ [Б.75].	выела ему глаза» [С.53].	has seized his eyes” [P. 83].	took his eyes” [P.125].	his eyes” [P. 93].
5.	Туз боқмоқлик [75].	Тик боқмоқлик [73].	не мог посмотреть ему в лицо [51].	I had not the power to meet his eyes [79].	To look straight at him was impossible [120, 21].	There was no possibility of looking straight at him [89-90].

Жадвалда келтирилган «Бобурнома»даги *Кўзларини туз тутмоқ* мақоли кўзларини чанг, ғубор босмоқ маъносида берилса, ФБлар: *кўзга илмоқ* назар – писанд қилмоқ, эътибор бермаслик; *кўз солмоқ* – кўз узмаслик ФБлари тарихий шахсларга нисбатан қўлланган ва этнографик мазмунга эга мисоллар сирасига киради, улар орасидаги «*Кўзларини туз тутти*» мақолининг қандай шахсга нисбатан қўлланган муаллифнинг баҳо муносабатида акс этади:

Муҳаммад Дўст ўзбакка кириб эди. Филжумла, ёмон эмас эди. Андин ҳам кўрнамаклик қилиб, қочиб, Андижоннинг кўҳпояларига бориб, ёғийлар ва фитналар ангиз қилди. Охир ўзбак илигига тушти. Кўзларини кўр қилдилар. «***Кўзларини туз тутти***»*нинг бу маъниси бор эмиш* [64; 77]. Юқоридаги келтирилган мисолда «*Кўзларини туз тутти*» мақоли муаллиф томонидан нима учун айнан Алидўст (тоға томонидан бўлган қариндоши)га нисбатан қўлланган?

Алидўст (Али Дўстмуҳаммад Тағойи) – *сағричи* уруғидан чиққан бек, Умаршайх Мирзо ва Бобурга хизмат қилган. Бобурнинг бувиси *Эсан Давлатбегим*нинг қариндоши. Бобур тахтга ўтирган дастлабки йилларда Алидўст унинг тарафини олган. Жумладан, ўша пайтда амирул-умаро бўлган Ҳасан Яъқуб Бобурни тахтдан тушириб укаси Жаҳонгир Мирзони кўтариш мақсадида фитна бошлаганида, Эсан Давлатбегим Алидўст ва бошқалар Бобурга хайрихоҳ бекларни йиғиб фитнани бостирган. 1498 йил Бобур Самарқандга биринчи марта юриш қилганда Алидўстни Андижонга қўйиб

кетган. Узун Ҳасан ва Аҳмад Танбал исён кўтариб Андижонни қамал қилганда, Алидўст Бобурга хиёнат қилиб, шаҳарни уларга топширган, бунинг эвазига Марғилон ҳокими этиб тайинланган. Лекин кейин яна Бобур тарафига ўтиб, Хўжандда турган Бобурга чопар юборган. Бобур келганда дарвозаларни очиб, Марғилонни унга топширган. Бобур Андижонни қайтариб олганида Алидўст ўзининг хизматини пеш қилиб, Бобур атрофидагиларни менсимай қўяди, айримларнинг мол-мулкини тортиб олишгача боради, ҳатто Бобурнинг ўзига ҳам беписандлик қилади ва унинг ўғли ҳам отасига тақлид қила бошлайди. Унинг Аҳмад Танбал бошлиқ душманлар томонига ўтиб кетиш хавфининг мавжудлиги сабабли Бобур бунга чидашга мажбур бўлади. Аммо ёш Бобурнинг тадбиркорлиги натижасида унинг содиқ кишилари Алидўстнинг мавқеини заифлаштиришга эришган. Натижада, у Бобур ҳузуридан кетишга мажбур бўлган ва 1502 йил вафот этган.

«Бобурнома»да Алидўст ўта салбий шахс сифатида таърифланиб, «ярамас ахлоқ ва атворлиқ киши»лиги, «бахил ва фитна ва зумухт (беибо) ва мунофиқ ва худписанд ва қаттиқ сўзлук ва совуқ юзлуқ киши»лиги таъкидланган [65; 29]. Бундан англашиладики, «*Кўзларини туз тутти*» мақоли айнан Алидўстга нисбатан қўлланган.

Муҳаммад Дўст ўзбакка кириб эди. Филжумла, ёмон эмас эди. Андин ҳам кўрнамаклик қилиб, қочиб, Андижоннинг кўҳпояларига бориб, ёғийлар ва фитналар ангиз қилди. Охир ўзбак илигига тушти. Кўзларини кўр қилдилар. ***«Кўзларини туз тутти»****нинг бу маъниси бор эмиш* [64; 77]. – Муҳаммад Дўст ўзбакка қўшилган, иши унчалик ёмон эмасди. У ердан ҳам кўрнамаклик қилиб, қочиб, Андижоннинг тоғ этакларига бориб, ёвликлар ва фитналар уюштирди. Охири ўзбак қўлига тушди. Кўзларини кўр қилдилар. **«Кўзларини туз тутти»** мақолининг бу маъноси шу бўлса керак (Табдил) [65; 75].

Қўлланган мақол мазмуни уч турдаги инглизча Жон Лейден-Вильям Эрскин (1826), Аннете Сусанна Бевериж (1921) ва Вильер Текстон (1996)

таржимасида ҳам акс эттирилган. Биринчи инглизча таржимада аслият мисоли қуйидагича берилади:

Жон Лейден-Вильям Эрскин (1826): Muhammad Dost went among the Uzbeks, where he did not succeed badly; but there, also, having been guilty of some piece of treachery to those whose salt he eat, he was obliged to flee, and came to the hilly districts of Andejan, but falling at last into the hands of the Uzbeks, they put out his eyes, and thus was verified the saying, **"the salt has seized his eyes"** [239; 83]. – Муҳаммад Дўст Ўзбекларга қўшилиб кетди, лекин у ерда ҳам омади чопмади, тузини еганларга хиёнат қилишда айбланиб, у жойдан ҳам қочишга мажбур бўлди ва Андижоннинг тоғли туманларига етиб борди, аммо охир оқибат у ўзбекларнинг қўлига тушиб, улар унинг кўзларини ўйиб олдилар. Шунда биз ***«Кўзларини туз тутти»***нинг мазмунига амин бўлдик.

Лейден-Эрскинлар ушбу мақолни таржима қилар экан, таржимонлар саҳифаости ҳавола келтириб ўтган. У бундай берилган: In the East, it is looked upon as the greatest crime to betray one in whose family or service a man has lived, or even with whom he has eaten. Hence the epithet nemek-heram, or **treacherous to his salt**, is one of the severest of reproches. – Шарқда унинг оиласи билан бирга яшаган бирон бир одамга ёки ҳатто у билан бирга бир марта овқатланган одамга хиёнат қилиш энг катта жиноят ҳисобланади. Демак, *намак-харом* эпитети ёки унинг *тузига хиёнат қилиш*и ҳам энг катта танбеҳлардан биридир (Таржима бизники). С.Беверижда аслият мисоли қуйидагича таржима қилинган:

Muhammad-dost went amongst the Auzbegs; that was not together bad but, after some treachery to his salt, he fled from them and went into the Andijan foot-hills. There he stirred up much revolt and trouble. In the end he fell into the hands of Auzbeg people and they blinded him. The meaning of "**The salt took his eyes"** is clear in his case – Муҳаммад дўст Ўзбеклар орасига қўшилиб кетиб қолди; бу бошида ёмон эмас эди, лекин қандайдир уларнинг ҳам тузига хиёнат қилганидан сўнг, у улардан қочиб, Андижон тепалигига келди. У ерда жуда

ҳам кўп ғалаён ва муаммоларни қўзғатди. Охир оқибат у Ўзбек одамларининг қўлига тушиб қолди ва улар уни кўр қилдилар. «*Туз унинг кўзларини олди*»нинг маъноси унинг ҳолатига аниқ айтилган, - деб таржима қилган ва С.Бевериж ҳам саҳифаости ҳавола келтириб ўтган: *guzlar tuz tuti,i.e*. he was blinded for some treachery to his hosts – мисол учун *guzlar tuz tuti,* у ўз мезбонига хиёнат қилгани учун кўр бўлиб қолди тарзида берилган [233; 125]. В.Текстон эса аслият матнини қуйидагича таржима қилган:

Muhammad-Dost went to the Uzbeks and did not do altogether badly, but he fled from them after some act of ingratitude and went to the foothills of Andizhan, where he fomented rebellion and strife. Finally, when he fell into the Uzbeks' hands, they had him blinded. As the saying goes**,"Salt took his eyes".** – Муҳаммад Дўст ўзбекларга кетди. Умуман олганда у ёмон иш қилмади, лекин баъзи ношукрликлардан кейин улардан қочиб, Андижоннинг тоғ этакларига йўл олди, у ерда ҳам исён ва низоларни келтириб чиқарди. Охир оқибат ўзбекларнинг қўлига тушди, улар унинг кўзларини кўр қилдилар. Мақолда айтишадики, *«Унинг кўзларини туз олиб кетди»*, деб таржима қилган ва В.Текстон ҳам таглама таржимада ҳавола келтирган. У бундай мазмунда берилган:

A pun is involved. To share someone's salt supposedly creates a bond of gratitude and fidelity. *Kornamaklik,* literally "blind-saltedness," is the word used for an act of ingratitude, or infidelity. That is, his being "blind to the salt" was the cause of his being blinded, or having "salt poured into his eyes" – Бу ерда сўз ўйини қўлланган. Гўёки, бировнинг тузини бўлишиб ейиш миннатдорлик ва садоқат ришталарини вужудга келтиради. *Кўрнамаклик* сўзма-сўз «тузсизлик» - ношукурлик ёки имонсизлик учун ишлатилган сўздир. Яъни, унинг «тузга кўр бўлган»и ёки унинг кўр бўлиб қолишига сабаб «кўзларига туз қуйилган»ига ишорадир [245; 93].

Юқоридаги таржимонларнинг ишини инкор этмаган ҳолда ҳар бир ўгирманинг ўзига хос стилистик бўёқдорлиги мавжудлигини кўрамиз. Вильер Текстоннинг таржимаси айни муддао ва иловада диний терминлар

ношукурлик ёки имонсизлик, тузнинг мазмунини қўшимча ифодалар билан очиб, кетма-кетликни таъминлаб келгани, у мақолни сўз ўйинига ўхшатгани ҳам яхши, лекин «кўзларига туз қуйилган» иборасининг қўйилиши ўқувчи томонидан англаниши қийин ва чалкаштиришга олиб келиши мумкин. Матности илованинг деталига эътибор бермасак аслият мазмуни Вильер Текстон таржимасида ўзига хос тарзда акс этган.

Таржималар бир халқ адабиётининг бошқа бир халқ адабиёти оламига кириб боришидаги яна бир адабий алоқа шаклидир. Бунда таржимон адабий воситачи вазифасини бажаради[52]. Ҳар бир таржимон мақол мазмунига ойдинлик киритгани боис ўзига хос асар яратилиши билан фарқлидир.

«Бобурнома»да яна бир ФБ *кўзга илмоқ (кўзга илмади)* борки, у назар писанд қилмоқ, эътибор бермаслик маъноларини ўз ичига олиб, тарихий шахс Султон Маҳмуд Мирзонинг рафиқасига нисбатан қўлланган. *Бу бедавлат хотун чун ноқиси ақл эди, эрга тегар ҳавоси била ўғлининг хону монин барбод берди. Шайбонийхон* ***бир зарра парво ҳам қилмади****, балки ғума-ғунчачидек* ***кўзга илмади*** [64; 78]. Зуҳрабеги оғанинг бу қилмиши тарихда муҳрланиб қолган. Бобур энциклопедиясининг маълумотига кўра унинг тўлиқ тафсилоти бундай бўлган:

Зуҳрабеги Оға Султон Маҳмуд Мирзонинг рафиқаси. Бир ўғил ва бир қиз туққан. Бобур биринчи марта Самарқандни ташлаб чиққанида Зуҳрабеги Оғанинг ўғли, Қаршида ҳокимлик қилиб турган Султонали мирзо тахтни эгаллайди. Самарқанд тахти талаш бўлаётган чоғда Зуҳрабеги Оға Шайбонийхонга хуфиёна хат жўнатиб, ўзини хотинликка олишни сўраб, бунинг эвазига Самарқандни топширишни билдирган. Шайбонийхон Самарқанд яқинига келиб ўрнашгач, Зуҳрабеги Оға ўғли билан унинг ҳузурига борган, натижада шаҳар осонлик билан Шайбонийхон қўлига ўтган [65; 79]. Бу хатти ҳаракати учун Бобур Зуҳрабеги Оғани беақл деб таърифлаган Зуҳрабеги Оға хиёнати темурийлар салтанатининг

[52] Конрад Н.И. К вопросу о литературных связях // литература и театр.–М.: Наука, 1978.– Стр.49-59.

емирилишини тезлатибгина қолмай, балки ўғлининг ўлимига ҳам сабабчи бўлган [69; 236].

Аслият мисолининг табдили эса бундай: Бу бадбахт хотин (Зуҳрабеги) эси паст бўлганидан, эрга тегиш ҳаваси билан ўғлининг хонумонини елга берди. Шайбонийхон унга **заррача парво ҳам қилмади**. Балки ҳарам аёли, чўри-хизматкорича ҳам **кўзга илмади** [65; 76]. Табдилда биз кўз концептидаги икки ибора: *заррача парво қилмади* ва *кўзга илмади*ни кўрамиз. Зарра парво қилмаслик кўзга илмаслик мазмуни билан ҳамоҳанг бўлиб, гапда бирининг мазмунини иккинчиси тўлдириб, янада кучайтириб келган. Аслият матни уч турдаги инглизча таржимада эса қуйидагича амалга оширилган:

… so that the wretched and weak woman, for the sake of getting herself a husband**,** gave the family and honour of her son to the winds. Nor did Sheibani Khan **mind her a bit, or value** her even so much as his other handmaids, concubines, or women – Шундай қилиб бадбахт ва ожиз аёл ўзининг эрга тегар баҳонаси билан ўз оиласи ва ўғлининг шарафини ҳавога совурди. Шайбонийхон **бир оз ҳам уни эсламади**, ёки унинг бошқа канизаклари ва аёллари қатори **қадрламади** [239; 84].

Аслиятдаги (Зуҳрабегини) *кўзга илмади* ФБи *mind her a bit, or value - бир оз ҳам уни эсламади*, деб таржима қилинса, ундан кейинги инглизча *or value* гапи (*ёки қадрламади)* ўзбек тилидаги гапнинг охирига кўчиб, *бир оз ҳам уни эсламади, ёки қадрламади* тарзида гап мазмунини тўлдириб келади. Бундан келиб чиқадики, тилнинг грамматик структураси ва ифода плани ўзига хос, аслиятдаги ФБ маъносига путур етмаган, балки гапнинг охири ёки бошида акс этишини кўрсатган. Аслият мисоли С.Беверижда қуйидагича таржима қилинган:

As for that calamitous woman who, in her folly, gave her son's house and possessions to the winds in order to get herself a husband, ShaibanI Khan **cared not one atom for her,** indeed did not regard her as the equal of a mistress or a concubine – Аммо бу дахшатли аёлга келсак, ўзининг ахмоқона истаги эрга эга бўлиши туфайли ўғлининг уйи ва мол-мулкини шамолга берди,

Шайбонийхон учун у **энг кичик атом заррасидек эътиборга лойиқ бўлмади**, ҳақиқатан Шайбонийхон уни ўз бекалари ёки канизаклари қаторида ҳам санамади [233; 128].

С.Беверижда инглизча *cared not one atom for her – у энг кичик атом заррасидек* (эътиборга лойиқ) ёки did not regard her as the equal of a mistress or a concubine - *канизаклари қаторида санамади* ифодаси орқали акс эттирган. Унинг таржимасидаги Зуҳрабегига бўлган эътибор энг кичик, атом заррасига тенглаштирилиб, аслият мазмуни очиб берилади. Аслият мисоли В.Текстонда бундай таржима қилинган:

In her lust to get a husband, that wretched, feebleminded woman brought destruction on her son. Shaybani Khan **paid her not the slightest attention** and **regarded** her as less than a concubine – Бадбахт, эси паст хотин эрга эга бўлиш иштиёқи билан ўғлининг хонумонинини барбод берди. Шайбонийхон унга **зарра эътибор ҳам қилмади** ва канизакларига қилган **эътиборни** ҳам **раво кўрмади** [245; 95].

В.Текстон аслиятдаги (Зуҳрабегини) *кўзга илмади* ФБига эътибор қаратиб, сиёсий нуқтаи назар билан ҳолатга танқидий ёндашган. Инглизча *paid her not the slightest attention* and *regarded her as less than a concubine* гапи ўзбекча *зарра эътибор ҳам қилмади ва канизакларига қилган эътиборни ҳам раво кўрмади* деб берилган ва В.Текстон урғу беришни гапнинг сўнгги канизакларига қилган *эътиборни* ҳам *раво кўрмади*га кўчирган. Бу берилган таржима мисолларда таржимонларнинг гендер масаласига эътибор қаратиш ҳам ўринлидир, чунки С.Бевериж аёл таржимон бўлганлиги туфайли эркак кишининг аёлга бўлган муносабатини ўзининг таржимасида жозибадор қилиб акс эттиргани сезилади. Аёлга бўлган муносабатни С.Беверижнинг аввало ўзида ҳис этиши, *кўзга илмоқ* маъносига урғу берилгани ва таржима жозибали чиқишини таъминлаб берган.

«Бобурнома»да *кўз солмоқ,* бирор нарсадан кўз узмаслик, кўздан қочирмаслик ФБи ҳам мавжудки, унинг мазмуни қуйидаги мисолда ўз аксини топганлигини кўрамиз. *Мен дедимким, бу йўл қаёнга борур экин?* ***Ўйға кўз***

***солинг**, ўйни итурманг, то йўлнинг қай сари чиқари маълум бўлғай* [64; 87]. Ушбу мисол табдили қуйидагича:

Мен дедимки, «Бу йўл қаёққа борар экан?» **Қорамолдан кўзни узманг**, қорамолни йўқотманг, токи йўлнинг қаерга олиб бориши маълум бўлгай [65; 85].

Мумтоз асарлар таржимасида ҳар бир сўзга эътибор қаратиш лозим. Аслият мазмуни таржимон томонидан қачонки тўлиқ ўзлаштирилган тақдирдагина таржима муваффақиятли чиқади. Ҳар бир таржимон мана шу қоидага амал қилади. Ушбу матнда *ўй*нинг мазмуни таржимон томонидан тўлиқ англаниши даркор.

ЎЙ – хонакилаштирилган жуфт туёқли ҳайвон, қорамол бўлиб, «Бобурнома»нинг ҳар уч Фарғона, Кобул ва Ҳиндистон фаслида тилга олинган. Жумладан, Фарғонанинг тоғлик аҳолиси ўйдан кўра кўпроқ хонаки қўтос сақлаши (32 а, 97б), Кобул вилоятида асосий уй ҳайвонларидан бири эканлиги (149б, 151б, 221б), Ҳиндистонда ўйнинг гўшти истеъмол қилинишидан ташқари, ундан ишчи кучи сифатида фойдаланиши ёзилган (264а, 274а, 276а, 300б, 311а) [69; 547]. Демак, ўй қорамол деб талқин этилган.

Мен дедимким, бу йўл қаёнга борур экин? ***Ўйға кўз солинг**, ўйни итурманг, то йўлнинг қай сари чиқари маълум бўлғай* парчасидаги *ўйға кўз солмоқ* ФБининг уч турдаги инглизча таржималарда ҳам ФБ шаклида таржима қилинади:

Биринчи инглизча таржима: I asked him the way. He answered, **Keep your eyes fixed on the cow;** and do not lose sight of her till you come to the issue of the road, when you will know your ground – Мен ундан йўлни сўрадим. *У сигирдан кўзингизни узманг;* кейин катта йўлга чиқиб олмагунингизча уни кўздан йўқотманг [239; 100].

Иккинчи инглизча таржима: Said I, I wonder which way that road will be going; ***keep your eye on that cow;*** don't lose the cow till you know where the road comes out – Мен дедимки: Бу йўл қайси катта йўлдан чиқаркин; *ўша сигирдан*

кўзингизни узманг; бу йўл қаердан чиқишини билмагунингизча уни *кўздан йўқотманг* [233; 217].

Учинчи инглизча таржима: I said,”I wonder where this path leads to. ***Keep your eyes on the cow***. Don’t lose it so we can find out where the path goes”– Мен айтдимки, «Бу йўлак қаерга олиб борар экан?” *Сигирдан кўзингизни узманг*. Бу йўлак қаерга олиб боришини билмагунимизча уни кўздан қочирманг» [245; 113].

Инглизча Ж.Лейден – В.Эрскин (1826), С.Бевериж (1921), В.Текстон (1996) аслият мазмунини қайта тиклашда, ФБ таржимасида унчалик қийинчиликка дуч келмаган. ФБнинг ҳам шакли ҳам мазмун жиҳати сақланиб қолган ва таржималар деярли ўхшаш бўлган:

1. Ўйға кўз солинг: **Keep your eyes fixed on the cow** – *У сигирдан кўзингизни узманг;*

2. Ўйға кўз солинг: **keep your eye on that cow –** *ўша сигирдан кўзингизни узманг;*

3. Ўйға кўз солинг: **Keep your eyes on the cow**. – *Сигирдан кўзингизни узманг*, тарзида таржимада акс этган.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, таржимонларнинг фидойи меҳнати, аслият мазмунидан четга чиқмаслик, унинг асосида ФБ маънони эътибордан четлатмаётгани кўзга ташланади. Аслият матнидаги мазмуннинг мантиқан боғланиши кучли ва оддий, ортиқча тил бирликларининг йўқлиги - йўлдан адашган гуруҳ ҳақидаги манзара таржимонни фалсафий фикрлашга ундаган. Бу жойда ҳамма хатти-ҳаракатлар аниқ сўз, жараён асосига қурилганлигидадир. Бундай жараённи тасвирлашда таржимада фикр ва ғоянинг мазмуни аниқ акс этиши лозим ва шундай ҳам бўлган. Гарчи ФБ таржимаси таржимон учун қийинчилик туғдирса-да, мазмун мантиқан боғланганлиги, ҳаёт тажрибалари остида содир бўлиб турадиган воқеа-ҳодисаларни акс эттиришда мазмун давомийлиги моҳиятан тақазо этган. Шунда таржимон аслиятни қайта яратишдаги турли кечинмани тўлиқ бошидан кечиргани ва унинг

тафаккурида вужудга келган маҳсулни ўз тилига чиқара олгани кузатилади. Бу амалиёт келгуси матнда учраши мумкин бўлган, таржимаси анчагина қийин миллий-маданий ФБлар, реалиялар ва мақолларни ҳам адекват таржима қилиш, муваффаққиятга эришишга ундайди, кўп ўқиб, изланишга чорлайди. Ушбу мисолларни ўқиб, аслиятдаги ФБ таржимасини тўлиқ акс эттирса бўлар эканку? деган тушунча ҳам пайдо бўлиши мумкин, бироқ бу тушунча фақат «Бобурнома»даги *кўз* билан боғлиқ бўлган ФБлар таржималарини назарда тутганда шундайдир, яъни контекстдан келиб чиқиб таржимада акс эттириш лозим бўлади.

Мумтоз асарни таржима қилиш учун ҳар бир таржимон жиддий тайёргарлик кўриши керак. Тарихий персонажлар ҳақида етарлича маълумотлар тўплаши, ушбу миллат тўғрисидаги барча соҳа ҳақидаги маълумотларни қамраб олишга ҳаракат қилинади. Урф-одатлар, диний терминлар, ушбу халқ идеологияси, ўй-қарашлари, фикр-мулоҳазалар ва ҳоказоларни ўзлаштирган етук таржимон бўлиши керак. Шунга қарамай «Бобурнома» асари илмий-тарихий асар бўлиши билан бирга у ҳам бадиий асардир. Таржимада ҳам бадиийлик хусусияти устунлик қилади. Ушбу бадиий хусусиятлар олиб борилган уч турдаги инглизча таржималарда ҳам ўз аксини топганлигининг гувоҳи бўламиз.

§2.3. «Кўнгил» концепти ва фразеологик бирликлар таржималари таҳлили

Кўнгил ҳақида сўз борганда у соматик ФБлар қаторига кириши қандайдир ножоиздек туюлади. Чунки унинг замирида руҳий, эмоционал ибора ёки мавҳум бир тушунчани англатадиган иборани ҳам англатиши мумкин. Кўнгил концепти аввало инсон психологияси билан боғлиқ умумий тушунчани англатиб, унинг характери ва ўй қараши, менталитетини баҳолаб беради. Бунга унинг урф-одатлари, аждодлари, жамиятдаги тизим, яшаш тарзи ва оилавий муҳити катта таъсир этади. Аммо шуни қайд этиш керакки, ўзбек тилида кўнгил абстракт тушунча бўлса ҳам, кўнгилнинг ўзи инсоннинг

қайси аъзосида тасаввур ҳосил қилиши назарда тутилган. Бу нуқтаи назар инглизча таржимада соматик ФБлар қаторига кириши яққол мисол бўла олади. Инглиз тилида кўнгилга оид ФБлар жуда кўпликни ташкил этади. Мисол учун *From the heart – от всей души. One's heart goes out of smth – душа не лежит к чему либо, set one's heart on smth – страстно желать что либо, posess one's soul in patients – запастись терпением*[53] каби уларни бир нечтасини келтириш мумкин. Улар русча-инглизча таржималарини ўрганган бўлса-да, ҳозирга қадар инглизча-ўзбекча таржималарда ҳам кўнгил лексик-семантик майдонидаги ФБларнинг қиёсий тадқиқи олиб борилмаганлиги бир жиҳатдан соҳа мутахассисларига аёнлигини англатади.

Кўнгил туйғуси турли хил ҳис ҳаяжонга ўта бой бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: кайфият; қўрқув ҳисси; ҳис ҳаяжон ва бошқалар[54]. «Бобурнома»да дил, қалб, юрак, *кўнгил* билан боғлиқ ФБлар қўлланган бўлиб, кўнгилнинг концептосфераси турли мазмунни қамраб олган у: *ҳазин кўнгул, кўнгул бермоқ, кўнглида не доғларким йўқ, кўнгли тиламоқ, кўнглуға шубҳа кечмоқ, кўнглуга кечурмоқ* каби ФБлари муаллиф томонидан тарихий персонажлар характерининг эмоционал ҳолатларини очиб беришда, асарнинг жозибадор жиҳатларини акс эттиришга хизмат қилган. Улар турли шахслар ва турли воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ ҳолатларда юзага келган. Ваҳоланки, муаллифнинг ўзи «Бобурнома»да кўнгилнинг қаҳрамони десак хато бўлмайди. *Кўнгил*нинг турлича маънода акс этиш масаласи қуйидаги тасвирда янада аниқроқ кўзга ташланади:

[53]Варданян Л.В. Концепт «душа» в английских русских и эрзянских фразеологизмах.///C:/Users/user/Downloads/kontsept-dusha-v-angliyskih-russkih-i-erzyanskih-frazeologizmah.pdf –2006. Стр. 201.

[54] Нуждина О.Ю. Концепты «душа» и «тело» в языковой картини мира.–М.: 2004.



2.2-расм. Кўнгил лексик семантик майдони.

Муаллиф кайфияти билан боғлиқ *кўнгул* «Бобурнома»да асарнинг бошидан охирига қадар дил, юрак, қалб, виждон, охират кечинмалари билан курашади, ҳатто унинг ўй-қараши, тизимли таҳлил орқали – қалб кечинмалари билан сайқаллашади. Ушбу тарихий воқеалар ФБларда ўз ифодасини топган бўлиб, улар жанговар беклар сиймосини кетма-кетлик билан ёритиб боришда, спонтан ҳолатда пайдо бўлади, бу эса асар муаллифининг қанчалик сўз заргари эканлигидан дарак беради.

2.3-жадвал

Кўнгил лексик семантик майдонидаги фразеологик бирликлар таржимасининг жадвалда қиёсий акс этиши.

№	***КЎНГИЛ*** **лексик майдони (аслият)**	**Табдил**	**Русча таржима**	**Лейден – Эрскин таржимаси (1826)**	**Сусанна Бевериж таржимаси (1921)**	**Вильер Текстон таржимаси (1996)**
1.	Кўнгул тинғудек шофий жавоб топмадим [88-89].	Кўнгул тингудек қониқарли жавоб топмадим [87].	не получил ясного ответа, могущего успокоить сердце [63].	did not get such an explicit or satisfactory answer [102].	got no reply so clear as to remove them [102].	I did not receive a satisfactory answer [115-116].
2.	ҳазин кўнгул [185].	маҳзун кўнглим [190].	в мой слабый ум пришла такая [дума]: [151].	my heart was struck with regret [292].	troubled heart [449].	saddened heart [311].
3.	кўнгул бердим [152].	кўнглини кўтардим [153].	ободрил [119].	spoke encouragingly to him [218, 219].	to give him heart [320].	to give him courage [242].
4.	кўнглида не доғларким йўқ [122].	кўнглида эгрилиги бор [122].	что в сердце Насир мирзы оставалась обида [93].	some disaffection influenced Nasir Mirza [167].	want of heart the Mirza did not follow [241].	Mirza’s heart was crooked, [181].
5.	*Ҳар нечук кўнгли тилар ўйнар эди* [134].	Кўнгли тиласа, шундай ўйнарди [134].	Он играл сколько душе угодно. [104].	He played without art, just as his fancy suggested. [186].	he played it according to his own fancy [275].	put his whole heart and soul into playing however he wanted [206].
6.	*Кўнглумға шубҳа кечти* [217].	Кўнглимга шубҳа тушди [228].	В сердце у меня мелькнуло сомнение [178].	Some suspicion crossed my mind [348].	I became suspicious [542].	A cloud of suspicion came over my mind [373].

7.	кўнглумга кечурдимким [242].	кўнглимдан ўтқаздимки [255].	я решил в своем сердце [200].	I indulged a hope[388, 389].	I laid it to heart [619,620].	I put my confidence in [420].
8.	*Кўнгул тинғудек шофий жавоб топмадим* [88-89].	Кўнгул тингудек қониқарли жавоб топмадим. [87].	не получил ясного ответа, могущего успокоить сердце [63].	did not get such an explicit or satisfactory answer [102].	got no reply so clear as to remove them [154].	I did not receive a satisfactory answer [115-116].

Кўнгул бермоқ ФБи ҳозирги адабий тилда *севиб қолмоқ* маъносида қўлланади, лекин «Бобурнома»да ундай эмас. Аслида, эркак киши билан бўлаётган муносабат тасвирланган бўлиб, (Мирзохоннинг ҳолати) *кўнглини кўтармоқ* маъносида қўлланган. Ушбу ҳодиса унинг бекларидан бири бўлган Аҳмад Қосим Кўҳбур ҳақидаги маълумот орқали масалага ойдинлик киритамиз:

Аҳмад Қосим Кўҳбур – Бобур даврида сиёсий воқеаларда фаол иштирок этган бек. Бобур Самарқандни олганда Абулқосим Кўҳбурнинг укаси Аҳмад Қосимни унга кўмакка юборган. Бобур Шайбонийхондан енгилиб, Самарқандни ташлаб чиққанда, Аҳмад Қосим Кўҳбур ундан рухсат олиб Ўратепага келган, кейин эса Аҳмад Танбалга бориб қўшилган (1501 йил). Бир қанча вақт Ахсида Аҳмад Танбалнинг укаси Шайх Боязид ҳузурида хизмат қилган. Кейинчалик яна Бобур томонига ўтган (1504 – 1405йй). Бобур Ҳисорга келганда Аҳмад Қосим Кўҳбур унинг ёнида бўлган. Бобур Кобул вилоятини эгаллаганидан сўнг, Султон Ҳусайннинг ўғиллари билан Шайбонийхонга қарши курашиш мақсадида Хуросонга сафар қилганида, вилоятни бошқаришни Аҳмад Қосим Кўҳбур, Аҳмад Юсуф, Бобойи Пашоғарий ва Муҳибали Қўрчига топшириб кетган. 1506 йил Мирзохон ва Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон исён кўтариб, Кобулни қамал қилганда Бобурнинг беклари қўрғонни ўз қўлларида сақлаб турган. Бобур қайтиб

келгач, исён бостирилган. Қочган Мирзохонни тутиб келиш учун Бобур Аҳмад Қосим Кўҳбур бошлиқ гуруҳни отлантирган[55].

Подшоҳнинг гуноҳкор ва унга қарши бош кўтарган шахснинг кўнглини кўтариш, унинг қўрқувни енгиш хатти-ҳаракатида намоён бўлган, ушбу кўриниш ФБ орқали қуйидаги мисолда акс этган: *Аҳмад Қосим Кўҳбур ва яна баъзи бир неча йигитниким, Мирзохоннинг сўнгича йибориб эди, Қарға булоқ пушталарида Мирзохонға етарлар, қоча олмас, илик тебратгунча қувват ва журъати ҳам йўқ эди, олиб келдилар. Мен эски девонхонанинг шарқи-шимолий сориғи айвонида ўлтуруб эрдим, мен дедимки, кел кўрушалинг. Олдарағондин юкунуб келгунча икки қатла йиқилди, кўрушгандин сўнг, ёнимда ўлтурғузуб,* ***кўнгул бердим*** [64;152].

Кўнгул бермоқ нафақат аслиятда ФБдир, қолаверса у табдилда ҳам ўз ифодасини сақлаган. – Мирзохоннинг ортидан юборилган Аҳмад Қосим кўҳбур (тоғкесар) ва яна бир неча йигитлар Қарғабулоқ қирларида Мирзохонга етадилар. У қоча ҳам олмасди, қўл кўтаришга ҳам қувват ва журъати йўқ эди, олиб келдилар. Мен эски девонхонанинг шарқи-шимолий томонидаги айвонда ўтиргандим. Мен: «Кел кўришайлик», дедим. Довдираганидан эгилиб келгунча икки марта йиқилди. Кўришгандан сўнг, ёнимда ўтқазиб, **кўнглини кўтардим** [65;153].

Ушбу аслият мисолининг рус тилидаги таржимасида ҳам аслият мазмуни ёрқин ифода этилган. – Ахмед Касим Кухбур и те несколько йигитов, которые были посланы вслед Мирзахану, настигли его у холмов Карга Булака. Он не мог бежать и не имел ни силы, ни смелости, чтобы пошевелить рукой. Его привели [ко мне]. Я сидел в старом здании дивана, под портиком, на северо-восточной стороне. «Подойди сюда, поздороваемся!» – сказал я. Мирзахан до того растерялся, что, прежде чем подойти и преклонить колени, два раза упал. Поздоровавшись с ним, я

[55] Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Т.: Шарқ., 2014, Б.59

посадил его с собою рядом и **ободрил**. Принесли питье. Чтобы рассеять страх Мирзахана, я сначала выпил сам, потом дал ему [66;119].

Таржимадан сезиладики, ***кўнгул бердим*** оддий сўз бирикмаси *ободрил* – кўнглини кўтардим тарзида акс этган. Рус тилидаги таржимада гарчи ФБ бўлмаса ҳам «Подойди сюда, поздороваемся!» *кел кўрушалинг* гапини адекват тарзда акс этганлигини кўрамиз, лекин инглизча таржималарда аслият мазмунидан узоқлашиб кетганлиги ҳам сезилади. Бунинг исботини қуйида инглизча таржималарда кузатамиз.

Аҳмад Қосим Кўҳбур ва яна баъзи бир неча йигитниким, Мирзохоннинг сўнгича йибориб эди, Қарға булоқ пушталарида Мирзохонға етарлар, қоча олмас, илик тебратгунча қувват ва журъати ҳам йўқ эди, олиб келдилар. Мен эски девонхонанинг шарқи-шимолий сориғи айвонида ўлтуруб эрдим, мен дедимки, кел кўрушалинг. Олдарағондин юкунуб келгунча икки қатла йиқилди, кўрушгандин сўнг, ёнимда ўлтурғузуб, ***кўнгул бердим.*** Ж.Лейден ва В.Эрскиннинг таржимаси:

Ahmed Kasim Kuhber, and the party who were sent in pursuit of Khan Mirza, overtook him among the hillocks of Kurghe-Yelak. He was unable to flee, and had neither strength nor courage enough to fight. They took him prisoner, and brought him before me. I was sitting in the old Divankhaneh (or Hall of Audience), in a portico on its north-east side, when he was brought. I said, “come and embrace me.” From the agitation in which he was, he fell twice before he could come up and make his obeisance. After we had saluted I seated him at my side, and **spoke encouragingly to him** [239, 219]. – Аҳмад Қосим Кўҳбур Хон Мирзони таъқиб қилиш учун юборилган қўшинлари билан уни Курге-Елак тепаликларида қувиб етдилар. У қочиб қутула олмади ва жанг қилишга на кучи, ва на жасорати бор эди. Уни асир олиб, олдимга келтиришди. Уни олиб келганда, мен эски Диванхонада (ёки томошабинлар залида), унинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган супада ўтирардим. Мен: «Кел ва мени қучоқла», дедим. У ҳаяжонланганидан ёнимга келгунга қадар икки марта йиқилиб, тиз чўкди.

Биз саломлашганимиздан кейин уни ёнимга ўтқазиб, **кўнглини кўтариб, суҳбатлашдим.**

Таржимонлар биринчидан аслиятдаги шахс номлари: Мирзохонни Хон Мирзога ўзгартирган; жой номлари *Қарға булоқ – Курге-Елак*ка; *девонхона* – Divankhaneh ва қавс ичидаги (or Hall of Audience - ёки томошабинлар ёки қабул зали), *айвон* эса *portico* деб берилган. Биз назарда тутган кўнгул бердим – spoke encouragingly to him – *кўнглини кўтариб суҳбатлашдим*, тарзида таржима қилинган. Жой номларига изоҳ берилмаган ёки курсивга ҳам олинмаган. Аслият мисоли С.Бевериж таржимасида қуйидагича берилган:

Ahmad-i-qasim *Kohbur* and the party of braves sent in pursuit of Mirza Khan, overtook him in the low hills of Qargha-yilak, not able even to run away, without heart or force to stir a finger! They took him, and brought him to where I sat in the north-east porch of the old Court-house. Said I to him, “Come! Let’s have a look at one another” (*kurushaling*), but twice before he could bent the knee and come forward, he fell down through agitation. When we had looked at one another, I placed him by my side **to give him heart,** and I drank first of the sherbet brought in, in order to remove his fears [233; 320]. – Аҳмад-и-қосим Кўҳбур ва Мирза Хонни таъқиб қилиш учун юборилган баҳодирлар унга Қарға – йилоқнинг паст тепаликларида қувиб етдилар, у юраксиз ва қочиш тугул ҳатто бармоғини қимирлатишга ҳам қодир эмас эди! Уни тутиб олиб, эски қароргоҳ биносининг шимоли-шарқий айвонига, мен ўтирган жойга олиб келишди. Мен унга «Кел! Бир-биримизга қарайликчи» (кўришайлик), дедим, лекин тиззасини эгиб, олдинга ўтишдан аввал асабийлашганидан йиқилиб тушди. Биз бир биримизнинг кўзимиз кўзимизга тушганида унинг **қалбига таскин бериш** учун ёнимга ўтқаздим ва унинг қўрқувини йўқотиш мақсадида берилган шарбатни аввал ўзим ичдим, кейин унга бердим.

С.Бевериждаги ФБ *кўнгул бермоқ* инглизча *to give him heart* сўзма сўз таржима қилинса, **to give him heart** ўзбек тилига *унга юрак бермоқ*, деб

ўгирилади, таржима тилида эса *қалбга таскин бермоқ* деб англашилади. С.Бевериж таржимасидаги I drank first of the sherbet brought in – *Келтирилган шарбатни биринчи ўзим ичдим* деб таржима тилида берилса, *берилган шарбатни аввал мен ичдим*га ўзгартириб интерпретация қилинади, мазмун ва шакл тил тизимига солинади. Бу билан аслиятни ҳар бир таржимон аввало ўзининг тилига ўгиришлари, таржиманинг прагматик факторлар ролини кўрсатади.

Таржимон асар мазмунини қайта яратишда ўзи англаб етган аслият мазмуни атрофида айланар экан, ҳодисалар билан боғлиқ жараён ва сўз мазмунига эътибор қаратиб, тафаккурида қайта ишлайди, сўнг ўзининг тилига ўгиради ва охир оқибат унинг ёзма нутқида вужудга келади. С.Бевериж маданий қадриятлардан бўлган Бобур билан Мирзохон муносабатидаги *кел кўрушалинг*нинг асл маъносини акс эттира олмайди ва “Come! Let’s have a look at one another” (*kurushaling*), «Кел! Бир-биримизга қарайликчи» (кўришайлик) деб нотўғри таржима қилади. Аслият мазмунини қайта яратиш В.Текстоннинг таржимасида қандай акс этганлигини қуйидаги мисолда кўрамиз:

Ahmad Qasim Kohbur and the few other warriors who had been sent in pursuit of Mirza Khan caught up with him in the hills of Qargha Yaylagh. He was unable to flee; indeed, he did not have the strength or the audacity to wave his hand. They seized him and brought him in to me while I was seated in the portico on the northeastern side of the old divankhana. “Come,” I said, “let us see each other” In his confusion he stumbled twice by the time he knelt and came forward. After our interview I had him sit beside me to **give him courage**. I had sherbet brought; to lessen his fear I tasted the sherbet first, then offered it to him [245; 242]. – Мирзо Хонни таъқиб қилиш учун юборилган Аҳмад Қосим Кўхбур ва бошқа бир қанча жангчи беклар уни Қарға Яйлоқ тепалигидан ушлаб келтиришди. У қочиб қутула олишга; ҳақиқатанда қўлини кўтаришга на кучи ва на дадиллиги (журъати) бор эди. Мен эски девонхонанинг шимоли-

шарқий айвонида ўтирганимда уни ушлаб, олдимга олиб келишди, «Келинглар, бир-биримизга қарайлик», дедим. Ўзининг саросимага тушганидан тиз чўкиш учун олдинга чиқаётган маҳалда икки марта тўнтарилди. Суҳбатимиздан сўнг, мен унга *далда бериш* учун ёнимга ўтқаздим. Мен шарбат келтиртирдим. Унинг қўрқувини йўқотиш учун аввал шарбатни ўзим ичдим, сўнг унга таклиф қилдим.

В.Текстон аслиятдаги ***кўнгул бердим*** иборасини инфинитив *to give him courage – унга далда бериш* орқали ўгирган, аслиятдаги реалия ва қадрият *кел кўрушалинг* эса унинг таржимасида ҳам тўлиқ акс этмаган. Аслиятнинг учта мисоли *қўлини кўтаришга на кучи ва на дадиллиги (журъати) бор* эди, *кўнгул бердим, Кел кўрушалинг* жумлаларининг таржималарини яна бир бор кўз олдимизга келтирайлик:

Ж.Лейден ва В.Эрскинда:

1. *was unable to flee, and had neither strength nor courage enough to fight* – на кучи, ва на жасорати бор*;*

2. I said, "come and embrace me."– «Кел ва мени қучоқла», дедим;

3. spoke encouragingly to him – кўнглини кўтариб, суҳбатлашдим.

С.Беверижда:

1. *not able even to run away, without heart or force to stir a finger!* – бармоғини қимирлатишга ҳам қодир эмас эди!;

2. "Come! Let's have a look at one another" (kurushaling) – «Кел! Бир-биримизга қарайликчи» (кўришайлик), дедим*;*

3. to give him heart – қалбига (юрагига) таскин бериш учун.

В.Текстонда:

1. *he did not have the strength or the audacity to wave his hand – қўлини кўтаришга на кучи ва на дадиллиги (журъати) бор;*

2. *"Come," I said, "let us see each other."*– «Келинглар, бир-биримизга қарайлик», дедим;

3. *to give him courage – далда бериш учун* тарзида таржима қилганлар.

Таржималардан кўринадики, инглизча Ж.Лейден ва В.Эрскиннинг вариантлари аслиятга яқинроқ. Таржимонлар ўзларининг таржима услубини юзага келтириб, мазмун адекватлигини таъминлашдаги уринишлари сезилган, ҳар уч турдаги вариантлар ФБ таржимасида хатоликка учрамаса-да, гапнинг ёнида қадриятни акс эттирган *кўришмоқ* ёки киши ва жой номлари ва бошқа сўзларнинг таржимасида камчиликлар яққол кўзга ташланади. Ушбу жиҳат, маданий қадрият фақат тил соҳибига аёнлиги, ФБларни адекват тарзда акс эттириш етарли даражада мураккаблигини кўрсатади. Аслият мисолини эса биз қуйидагича таржима қилган бўлар эдик:

Ahmad Qasim *Kohkbur*[56] and the few cavalrymen who were sent in pursuit of Mirzakhan caught up with him in the hills of *Kargha Bulak*[57]. He could not run away and had neither the strength nor the courage to skirmish. He was brought to me where I sat in the old *divankhana* (headquarter) under the portico, on the northeast side. **“Come! And let's get each other saluted!”** - I said. Mirzakhan was so confused and fell down two times before coming up and kneeling. Having been greeted, I sat him next to me and **encouraged**. They brought a drink. To dispel Mirzakhan's fear, I drank it myself first, then gave it to him.

Асар қадриятларни ифодалайдиган фразеологик ибораларга шунчалик бойки, унинг таржималарини қиёсий тадқиқ этиш жараёнида бир муаммони ҳал этиб, иккинчи ва учинчисига дуч келишимиз мумкин. Мумтоз асардаги ФБлар эквиваленти биринг иккинчиси ўрнида келиши кузатилади. Бу эса туркий тилнинг ўзига хос, мубҳам ибораларга бой эканлигини кўрсатади.

«Бобурнома»да ***кўнглида не доғларким йўқ эди,*** иборасининг мазмуни эса аксинча *кўнглида дарди* ёки *алами бор,* контраст маънода қўлланади. *Буларким неча йиллар мирзоға ёғийлиқлар қилиб, анвоъ беадаблиқлар булардин зоҳир бўлуб эди, булардин мирзонинг* ***кўнглида не доғларким йўқ*** *эди, барчалари менинг сабабимдин мундоқ хорлиқ ва зорлиқлар била бориб*

[56] *Kohkbur*: literally “mountain cutter”. It a Persian word *kohk* – mountain; *bur* – to cut; stonemason, a person who cuts, prepares, and builds with stone.)
https://translate.google.com/#view=home&op=translate&sl=en&tl=uz&text=stonemason
[57] Place’s name, *Kargha:* a crow; *Bulak:* a rill, wellhead, pond; It refers where crows drink water.

мирзони кўрдилар [64;123]. – Булар неча йиллар мирзога душманлик қилиб, юз хил одобсизликлар кўрсатган, улардан мирзонинг **кўнглида қанча доғлар йўқ эди, дейсиз**! Барчалари мен туфайли бундай хорлик ва зорликлар билан бориб мирзони кўрдилар [65;122]. Аслият матнининг мазмуни русча таржимада ҳам муқобил акс этган. – Эти люди, которые столько лет враждовали с Мирзой и оказывали ему всякие неучтивости (**каких только язв не было** из-за них у Мирзы **на сердце**!), теперь из-за меня, отправились к Мирзе в столь жалком и униженном состоянии и встретились с ним [66; 94]. Таржимон аслият мазмунини биз таъкидлагандек тўлиқ ўзлаштирган ва таржимада акс эттиришга ҳаракат қилган. Табдил ва русча вариант аслият мазмуни билан ҳамоҳангдир. Ушбу мисол инглизча Ж.Лейден ва В.Эрскинда қуйидагича берилади:

... who for a series of years had been at open enmity with the Mirza, and had subjected him **too many insults, the old sores of which were still rankling in his heart**, now all went in such a state of distress and humility, to present themselves before him [239; 167, 168]. – ... бир неча йиллар давомида Мирзога очиқчасига душманлик қилиб келган ва кўп ҳақоратлар қилиб, Мирзонинг **юрагида ҳали ҳанузгача эски яралари мавжуд эдики**, энди уларнинг ҳаммаси ўзларини кўрсатиш учун шунча хафагарчиликдан кейин ҳам унинг олдида камтарлик ҳолатида бўлиб эдилар. Ж.Лейден ва В.Эрскинлар *too many insults, the old sores of which were still rankling in his heart – юрагида ҳали ҳанузгача эски яралари мавжуд эдики,* тарзида антонимик таржима усулини қўлланган, биз назарда тутган гап шаклидаги ибора ***кўнглида не доғларким йўқ эди*** деб берилса-да, аслиятнинг тўлиқ мазмунини қамраб ололмаган, сабаби now all went in such a state of distress and humility, to present themselves before him, яъни *энди уларнинг ҳаммаси ўзларини кўрсатиш учун шунча хафагарчиликдан кейин ҳам унинг олдида камтарлик ҳолатида бўлиб эдилар* (таржимаси) гапи эса Бобур таъкидлаган *барчалари менинг сабабимдин мундоқ хорлиқ ва зорлиқлар била бориб мирзони кўрдилар*нинг

мазмунини тўлиқ қамраб олмаганлигини кўрсатади. Аслият мисолини навбатдаги С.Бевериж таржимасида кузатамиз:

All had long been foes of his; all had behaved unmannerly to him; **what brands had they not set on his heart**! Yet all now went to him; in their distress, and all went through me [233; 243]. – Уларнинг барчаси узоқ йиллардан буён унинг душмани бўлиб келган, унга инсоний муносабатда бўлишмаган; **унинг қалбида яна қандай доғлар қолдиришмади, дейсиз**! Энди менинг кўнглимдан ўтолмай, асабийлашса ҳам уларнинг барчаси мен туфайли унинг ёнига борди.

С.Бевериж тасвирий таржимани қўллаган, *what brands had they not set on his heart! – унинг қалбида яна қандай доғлар қолдиришмади, дейсиз!* тарзида табдил ва аслият мазмунига яқин акс эттирган деб айтишимиз мумкин. В.Текстон ҳам назарда тутган мисолни қуйидагича ўгирган:

These were the very men who had rebelled against the mirza for so many years and who by their many breaches of etiquette had left **not a few scars on the mirza's heart.** They had all left my presence in disgrace and misery and sought the mirza [245; 182]. – Бу одамлар мирзага кўп йиллар давомида қарши чиққанлар ва кўп одоб-ахлоқ қоидаларини бузган ҳолда **мирзонинг юрагида бир неча из қолдирмаган эдилар**. Уларнинг барчаси менинг олдимда беҳурмат ва беюзлик билан чиқиб, мирзани қидирдилар.

В.Текстон ***кўнглида не доғларким йўқ эди*** гапини *had left not a few scars on the mirza's heart – мирзонинг юрагида бир неча из қолдирмаган эдилар,* тарзида акс эттирган бўлса, сўнгги инглиз тилидаги гап – They had all left my presence – *уларнинг барчаси менинг олдимдан* (кўз олдимда) *чиқдиларки* деб берилган*; in disgrace and misery* эса, *шарманда ва бахтсиз ҳолатда* (сўзма-сўз) ва *and sought the mirza – ва мирзани қидирдилар* тарзида ўгирилган. В.Текстоннинг таржимаси аслият мазмунини тўлиқ қамраб ололмаган ва қисман С.Беверижнинг варианти мос келса, биринчи амалга

оширилган Ж.Лейден ва В.Эрскин таржимаси аслиятга яқинроқлиги билан диққатга сазавор.

Асарни ўрганиш ва таржима жараёнида ундаги ибораларнинг маъно товланишлари, бадиий жозибасига ҳам алоҳида эътибор бериш даркор. Зеро, сўзлар, ифодалар маъносини яхши англамай туриб, асар замирига яширинган мазмун тераникларини идрок этиш асло мумкин эмас[58] «Бобурнома»да қўлланган яна бир ***кўнглида эгрилиги бор эди*** ФБи эса, муаллиф ўзининг қондоши, яъни укаси Носир Мирзога нисбатан баён этганини кўрамиз. *Дарайи Нур кишиси чиқиб паришон борғон чопқунчини тебратган била ўзгалар ҳам тура олмаслар, қочарлар. Бир пора кишини ўлтуруб қалин от ва яроқ олдилар. Ул черикдаким, Фазлидек киши сардор бўлғай, ҳоли ушмундоқ-ўқ бўлғусидур. Бу жиҳатдинму ё Носир мирзонинг* ***кўнглида эгрилиги бор*** *эди, ул жиҳатдинму бизнинг сўнгимизча келмади, қолди* [64;122]. Бу мисолни биз мазмунини тавсифлаш орқали далиллаймиз:

Носир Мирзо (1487, Андижон – 1513, Ғазни) – Бобурнинг укаси. Онаси – Умид оғача. Умаршайх Мирзо бу ўғлига Вайс Лоғарийни бекатка қилиб тайинлаган. Умаршайх Мирзо вафот этганида Носир Мирзо Косонда бўлган. Султон Аҳмад Мирзо ва Султон Маҳмудхон Фарғонани Бобурдан тортиб олиш мақсадида юриш қилганида (1494 й.) Вайс Лоғарий Носир Мирзони Султон Аҳмад Мирзо ҳузурига олиб борган. Бобур Кобулга йўл олганда, Носир Мирзо акаси билан бирга кетган (1504 й.). Бобур унга Нингнаҳор, Мандировар, Дараи Нур, Кунар, Нургил, Чағонсарой туманларини берган. У Бобурнинг Бангаш ва Бану вилоятларини бўйсундиришда иштирок этган. 1505 йил Бобурдан юз ўгириб, Бадахшонга келган ва маҳаллий беклар ёрдамида ҳокимиятни қўлга олган. Икки йилга яқин ҳукмронлик қилгач, бадахшонлик Муборакшоҳ, Муҳаммад Қўрчи ва бошқа беклар ундан норози бўлиб, исён кўтарган. Носир Мирзо жангда енгилиб, бор-будидан айрилиб,

[58] Олимов М. «Бобурнома»да Аллоҳ исмлари ва сифатлари талқини. «Фан», Тошкент – 2002. Б.5-12., 76 б.

яна Бобур ҳузурига Кобулга борган. Бобурнинг Қандаҳорга қилган юришида иштирок этган (1507 й.). Бобур уни Қандаҳорга ҳоким этиб тайинлаган. Муҳаммад Шайбонийхон Қандаҳорни қамал қилганида, Носир Мирзо Қандаҳордан чиқиб Ғазна томонга – кичик акаси Жаҳонгир Мирзо мулкига қочиб таъқибдан қутулади. Бу вақтда Жаҳонгир Мирзо вафот этади ва Бобур унинг ўрнига Носир Мирзони тайинлайди. Бобур 1511 йили Самарқанд юришига кетганида Кобулни Носир Мирзога топширган эди. Бироқ Бобур Ҳисорга чекиниб, сўнгра Кобулга қайтишга мажбур бўлади. Бобур укасига Кобулни яхши сақлагани учун миннатдорчилик билдиради ва Ғазнага жўнаш ҳақида буйруқ беради. Бироқ у жўнаб кетишга улгурмай вафот этади[59].

Кўнглида эгрилиги бор ФБининг Бобурнинг укаси Носир Мирзога нисбатан қўлланган табдилда қуйидагича акс этган. – Дарайи Нур одамлари чиқиб пароканда талончиларни зўрлаб орқага суришлари билан бошқалар туриш бермай қочадилар. Душман томондагилар бир гуруҳ кишини ўлдириб, от ва яроғларини тортиб олади. Лашкарга Фазлидек киши сардор бўлса, ҳоли мана шундай бўлғусидир. Шу сабабданми ё Носир мирзонинг **кўнглида эгрилиги бор эдими** – бизнинг изимиздан келмади, қолди [65;122]. Ушбу мисол мазмуни русча таржимада ҳам тўлиқ акс этган. – Жители Дараи Нура прогнали разъехавшихся в разные стороны добытчиков; остальные тоже не могли устоят и побежали; перебив часть людей, враги забрали много коней и оружия. Если над войском начальствует человек, подобный Фазли, положение его всегда будет таково. Но этой ли причине или потому что **в сердце** Насир мирзы **оставалась обида**, но он не пришел следом за нами и отстал от нас [66; 93]. – Дараи Нур аҳолиси талончиларни турли томонга ҳайдаб юборишди; қолганларини ҳам қаршилик кўрсатолмай тарқаб ҳар томонга югуриб кетишди; душманлар кўплаб отларни ва қуролларни тортиб олишди. Агар Фазли сингари одам армия қўмондони бўлса, унинг аҳволи ҳар доим шундай бўлади. Шу сабабданми Носир Мирзонинг **қалбида**

[59] Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Т.: Шарқ., 2014. – 744 б. Б.360.

хафачилиги бормиди ёки йўқмиди, лекин у бизнинг ортимиздан келмади ва биздан орқада қолди.

Русча таржимадаги «Бобурнома»да қўлланган ***кўнглида эгрилиги бор эди*** ФБи **–В сердце** Насир мирзы **оставалась обида** – *Носир Мирзонинг қалбида хафачилиги бормиди ёки йўқмиди,* тарзида ўгирилган. Аслият матни инглизча Ж.Лейден ва В.Эрскинда қуйидагича таржима қилинади:

The men of Dereh-Nur, immediately sallying forth, attacked the plunders who were scattered for pillage, and routed them; and no sooner were they discomfited, than the rest of the army unable to maintain their ground, also took to flight. Many were slain, and many horses and arms taken. Such will always be the fate of an army that has a general like Fazli. Whether it was from **this circumstances, or whether some disaffection influenced** Nasir Mirza, he did not follow me, but staid behind [233; 167]. Дара – Нур одамлари дарҳол яширинча талон тарож учун қолдирилган одамларга ҳужум қилиб, уларни талон–тарож қилишди ва улар безовталаниб, қолган қўшимчалари ҳам ўз жойларида турмай қочиб кетишди. Кўпчилик ўлдирилди, кўплаб отлар ва қурол аслаҳалар тортиб олинди. Фазлидек генералга эга бўлган армия тақдири ҳамиша шундай бўлган. Бу вазиятдан келиб чиқдими ёки *бирон бир норозилик* Носир Мирзога *таъсир қилдими* у менга эргашмади ва ортда қолди.

Аслиятдаги ***кўнглида эгрилиги бор*** *эди* – Whether it was from **this circumstances, or whether some disaffection influenced** Nasir Mirza гапида акс этиб – Бу вазиятдан келиб чиқдими ёки *бирон бир норозилик* Носир Мирзога *таъсир қилдими* тарзида ўгирилган. Ж.Лейден ва В.Эрскинда мазмун тасвирий воситалар орқали акс эттирилади. Аслият мисолининг инглизча С.Бевериж таржимасида ҳам кузатиш мумкин:

The Mirza’s commander, Fazli, in found so impractible and in that one-road tract, instead of guarding his men, scattered them to forage. Out came the salesmen, drove the foragers off, made it impossible to the rest keep their ground,

killed some, captured a mass of others did of horses,– precisely what would happen to Any army fancing to be under such a person as Fazli! Whether because this affair or whether from **want of heart** the Mirza did not follow us at all; he stayed behind [233; 241]. – Мирзонинг лашкарбошиси Фазли бу имконсиз деб топилган ва бир тарафлама йўлда одамларни қўриқлаш ўрнига бор будини талаган. Ташқаридан келган сотувчи савдогарларни ҳайдаб солган, қолганларини ҳам жойларни сақлашга имкон бермай, баъзиларини ўлдирган, бошқаларининг отларини тортиб олган. Аниқроғи Фазлидек одамга хизмат қилиш истаги учун курашаётган ҳар бир армиянинг ҳолига нима ҳам бўларди! Бу иш учунми ёки *Мирзонинг юракдан хоҳиши учунми* умуман у бизга итоат қилмади; шундай қилиб у ортда қолди.

Аслиятдаги ***кўнглида эгрилиги бор*** *эди* инглизча: Whether because this affair or whether from **want of heart** the Mirza гапидаги – Бу иш учунми ёки *Мирзонинг юракдан хоҳиши учунми* тарзида ўгирилган. Аслият мисоли В.Текстон таржимасида қуйидагича таржима қилинган:

When the Dara-i-Nur people pressed the scattered raiders back, the soldiers were unable to maintain their position and fled. A few were killed and many horses and arms were seized. This is bound to happen under the command of someone like Fazli! Either for this reason or because Nasir Mirza's **heart was crooked**, Nasir did not follow us and stayed where he was [245; 181]. – Дарайи Нур аҳолиси тарқоқ босқинчиларни орқага бостирганда, аскарлар ўз позицияларини ушлаб қололмадилар ва қочиб кетдилар. Бир неча киши ўлдирилди, кўплаб отлар ва қурол аслаҳалар тортиб олинди. Бу Фазли каби бировнинг буйруғи остида амалга ошиши шарт! Шу сабабдан ёки Носир Мирзонинг *юраги бузуқ – фикри бузуқ* бўлганлиги сабабли Носир биз билан юрмади ва ўзи турган жойда қолди.

Таржималардан кўринадики, Ж.Лейден ва В.Эрскинда аслиятда келтирилган ***кўнглида эгрилиги бор эдими*** жумласи **this circumstances, or whether some disaffection influenced –** *бирон бир норозилик* (Носир Мирзога)

таъсир қилдими тарзида берилса, С.Беверижда **want of heart** (the Mirza) (*Мирзонинг) юрагида (бир) хоҳиш-истаги бор* тарзида ўгирилган, В.Текстон ушбу жумлани **heart was crooked** *юраги бузуқ- фикри бузуқ, кўнгли қора, ичи қора* мазмунлари бўлган фикрга ишора қилган. Аслият мазмунига баъзида Ж.Лейден ва В.Эрскин таржимаси яқин келса, баъзида С.Бевериж ва В.Текстон таржимаси мос тушганлигига амин бўламиз. Айни пайтда, В.Текстон таржимани форс тилидан амалган оширгани эътиборга лойиқдир.

Машҳур воқеалардан бири Бобурнинг заҳарланиш ҳодисасини ёдга олсак, кўнгил билан боғлиқ жараённи акс эттиришда *кўнглуға шубҳа кечмоқ* ФБи қўлланганлигини кузатиш мумкин: *Обхонаға борғунча йўлда яна қусаёздим. Обхонаға бориб, қалин қустим. Ҳаргиз ошдин сўнг қусмас эдим, балки ичганда ҳам қусмас эдим.* ***Кўнглумға шубҳа кечти****. Бовурчини сахлатиб буюрдимким, ул қайни итга бериб, итни сахлағайлар* [64; 217]. – Обхонага боргунча йўлда яна бир бор қусиб юборай дедим. У ерга киргач, кўп қусдим. Мен ҳеч қачон овқатдан кейин, ҳатто ичганимда ҳам қусмасдим. **Кўнглимга шубҳа тушди**. Ошпазни ушлаб туришларини ва ушбу қусуқни итга бериб, итни қўриқлаб туришларини буюрдим [65; 228]. Ушбу парчанинг русча таржимаси эса мана бундай: ***Кўнглумға шубҳа кечти*** яъни табдилдаги **Кўнглимга шубҳа тушди** мисоли гап шаклидаги ФБдир. Ушбу мисоллар мазмуни русча таржимада ҳам акс этганлигини шоҳиди бўламиз. – Пока я шел до нужника, меня еще раз чуть не вырвало; в нужнике меня обильно стошнило. Раньше меня никогда не рвало после еды, даже при попойках меня не тошнило. **В сердце у меня мелькнуло сомнение**. Я приказал задержать повара и велел дать блевотину собаке и стеречь ее [66;178]. – Хожатга бораётганда, яна қусаёздим; обхонада мен жуда кўп қусдим. Аввалари мен овқатдан кейин ҳеч қачон қусмаганман, ҳатто ичганимда ҳам ўзимни ёмон ҳис қилмаганман. **Юрагимда шубҳа чақнади**. Мен ошпазни хибсга олишини буюрдим ва қусуқни итга бериб, уни қўриқлашни буюрдим.

Кўнглумга шубҳа кечти русча таржимада **В сердце у меня мелькнуло сомнение** – **Юрагимда шубҳа чақнади** (сўзма-сўз) демак, кўнглимда шубҳа туғилди ФБ орқали таржимада акс этмоқда. Инглизча таржимлар ҳам ўзига хос бўлиб, Ж.Лейден ва В.Эрскин таржималарида қуйидагича акс этади:

When I had got in front of the water-closet I vomited a great deal. “I had never before vomited after my food, and not even after drinking wine. **Some suspicion crossed my mind.** I ordered the cooks to be taken into custody, and desired the meat to be given to a dog, which I directed to be shut up [239; 348]. – Хожатхонанинг олдида турганимда, мен жуда кўп қусдим. Мен аввалари овқатдан кейин ҳеч қачон қусмаганман, ҳатто шароб ичганимда ҳам. **Баъзи шубҳа миямдан ўтди.** Мен ошпазларни хибсга олишни буюрдим ва ёмон гўштни итга беришларини сўрадим, итни сахладим.

Кўнглумга шубҳа кечти *Ж.Лейден ва В.Эрскинда* ***Some suspicion crossed my mind*** яъни *Баъзи шубҳа миямдан ўтди* тарзида берилган бўлиб, *ул қайни итга бериб, итни сахлағайлар*ни *desired the meat to be given to a dog, which I directed to be shut up* унинг мазмуни – *Мен ошпазларни хибсга олишни буюрдим ва ёмон гўштни итга беришларини сўрадим, итни сахладим*, тарзида таржима қилинган. Аслият матнининг С.Бевериж таржимасида:

At last I saw it would not do, got up, went retching every moment of the way to the water-closet (*ab-khana*) and on reaching it vomited much. Never had I vomited after food, used not to do so indeed while drinking. **I became suspicious;** I had the cooks put in ward and ordered some of the vomit given to a dog and the dog to be watched [233; 542]. – Ва ниҳоят, мен ўзимни эплай олмаслигимни англадим, ўрнимдан турдим ва ҳар лаҳзада орқага тисарилиб *(abxana)* обхонага қадам қўйдим, унга етиб борганда жуда кўп қусдим. Мен ҳеч қачон овқатдан кейин қусмаганман, ичаётганда ҳам бундай қилмаганман. **Мен шубҳалана бошладим**; мен ошпазни қаматтириб қўйдим ва қусуқни итга беришларини ва уни кузатишларини буюрдим.

Аслиятдаги ФБ ***Кўнглумга шубҳа кечти*** *С.Бевериждa* **I became suspicious – Мен шубҳалана бошладим** тарзида берилган. *Бовурчини сахлатиб буюрдимким, ул қайни итга бериб, итни сахлағайлар* гапи I had the cooks put in ward and ordered some of the vomit given to a dog and the dog to be watched яъни, мазмуни – *мен ошпазни қаматтириб қўйдим ва қусуқни итга беришларини ва уни кузатишларини буюрдим*, деб акс эттирган. Учинчи бор амалга оширилган В.Текстонда аслият матни қуйидагича берилган:

When I got to the toilet I vomited a lot. I never vomited after meals, not even when drinking. **A cloud of suspicion came over my mind**. I ordered the cook to be held while the vomit was given to a dog that was watched. [245; 373]. – Хожатга борганимда кўп қусдим. Мен овқатдан кейин ҳеч қачон қусмаганман, ҳатто ичганимда ҳам. **Хаёлимда шубҳа булути пайдо бўлди**. Мен итга берилган қусуқ белги бермагунча, ошпазни тутиб туришларини буюрдим. Ошпазларни хибсга олишни буюриб, ёмон гўштни итга беришларини сўрадим, итни сахладим.

Кўнглумга шубҳа кечти В.Текстонда A cloud of suspicion came over my mind – Хаёлимда шубҳа булути пайдо бўлди, деб ўгирилган; *Бовурчини сахлатиб буюрдимким, ул қайни итга бериб, итни сахлағайлар*, эса I ordered the cook to be held while the vomit was given to a dog that was watched – Мен ошпазни итга берилган қусуқ белги бермагунча, уни тутиб туришларини буюрдим, тарзида таржима қилинади.

Машҳур тарихий воқеа ва ҳодисаларни акс эттиришда ҳар бир таржимон аслият мазмунига беэътибор эмаслиги сезилган ва ўзга тилда уч хил асар вужудга келганлигини кўриш мумкин.

Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулоса келиб чиқадики, берилган мисоллар, аслият матни ва келтирилган парчаларнинг яхлит таржимасини қиёсий ўрганиш, бўлажак таржимонларнинг касбий малакасини оширади, илмий-бадиий адабиёт таржимасидаги билимларини ривожлантиришга хизмат қилади. Таржимонлар мумтоз асар таржимасига жиддий ёндашиб,

мерос бўлган хронологик манбалар биз учун ҳам ноёбдир. Зеро, таржималар даврини бошидан кечирган асар «Бобурнома» хорижий тил ва она тилимиз ривожига катта ҳисса қўшган ва қўшиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан турли даврда таржима этилиб, нашр қилинган хронологик асар – «Бобурнома»ни лексикографик аспектда тадқиқ этишни тақазо этади. Қуйидаги мисолга эътибор қаратамиз:

Аслият: ***Кўнглумға шубҳа кечти***

Табдил: **Кўнглимга шубҳа тушди**

Русча таржима: **В сердце у меня мелькнуло сомнение –** Юрагимда шубҳа чақнади.

Ж.Лейден-В.Эрскин: **Some suspicion crossed my mind** – Баъзи шубҳалар миямдан ўтди.

А.С.Бевериж: **I became suspicious –** Мен шубҳалана бошладим

В.Текстон: **A cloud of suspicion came over my mind**.– Хаёлимда шубҳа булути пайдо бўлди.

Ушбу тартибда келтирилган таржималар тилни қиёсий ўрганишда муҳим аҳамият касб этиб, таржима назарияси ва амалиёти ва бадиий таржимада муқобилларини танлашга хизмат қилади. Ушбу кўринишда мазмун тугал мақолача тарзида шаклланаётган мавзули луғат тузиш тушунчасини юзага келтиради. «Бобурнома» услубан етук асар ва унинг таржималари ҳам ишончли манба.

1528 йил кузида Бобурнинг соғлиги ёмонлашади, баданида ҳарорат пайдо бўлиб, иситмадан қийналади ва ибодатни ҳам аранг бажарган Бобур касалликдан тузалиш умидида Хожа Ахрорнинг «Волидия» рисоласини таржима қилишга киришади. «Сешанба кечаси, сафар ойининг йигирма еттисида ҳазрат Хожа Ахрорнинг «Волидия» рисоласини назм қилмоқ хотиримға кечти. Ҳазратнинг руҳиға илтижо қилиб**, кўнглумга кечурдимким**, агар бу манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур, худ нечукким, соҳиби «Қасидаи Бурда»нинг қасидаси мақбул тушуб, ўзи афлаж маразидин

халос бўлди, мен доғи бу оризадин қутулуб, назмимнинг қабулиға далиле бўлғусидур ... [64; 242], деб ёзади, Бобур ва у тез ишга киришади. Ҳар куни 10 байтдан таржима қилиб, 10 кун ичида якунлайди, тез орада касалликдан фориғ бўлади[60].

Демак, бу навбат *Кўнглуга кечурмоқ*нинг, (дилидан ўтказмоқ) муаллиф ҳис ҳаяжонли гаплари ва бадиий эстетик хислатларини намоён этадиган ҳолатни кузатамиз. Заҳириддин Бобур асарни ёзишда иймон-эътиқод энг яхши фазилат эканлигини ўзининг кечинмалари орқали ижодий фаолиятида исботлайди. Ушбу мисолда ФБ *кўнглуга кечурмоқ* орқали бадиий жараённи очиб беради:

*Ҳазратнинг руҳиға илтижо қилиб**, кўнглумга кечурдимким**, агар бу манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур, худ нечукким, соҳиби «Қасидаи Бурда»нинг қасидаси мақбул тушуб, ўзи афлаж маразидин халос бўлди, мен доғи бу оризадин қутулуб, назмимнинг қабулиға далиле бўлғусидур* [64; 242]. – Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб**, кўнглимдан ўтқаздимки**, агар бу манзума ҳазратга мақбул бўлса, «Қасидаи Бурда» соҳибига худди у зотнинг қасидаси мақбул тушиб, фалаж касалидан халос бўлгани каби мен ҳам бу хасталикдан қутулгайман ва бу назмимнинг қабулига далил бўлгай [65; 255]. Рус тилида ушбу мисол қуйидагича берилган. – Уповая на помощь духа досточтимо Ходжи, **я решил в своем сердце**, что если это намерение будет угодно досточтимому, мое избавление от припадка болезни окажется доказательством благосклонного принятия стихотворения подобно тому, как сочинитель «Касиды о плаще» избавился от паралича, когда его касида была принята [66; 200].

Шунинг билан «Қасидаи Бурда»ни таржима қилишда Бобур *кўнглуға кечган шубҳа* инглизча таржимада қуйидагича акс этган:

Placing my confidence in the soul of the venerable Khwajeh, **I indulged a hope,** that perhaps his reverance might be induced to receive my poem favourably,

[60] Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Т.: Шарқ., 2014. – 744 б. Б.183.

and to remove my disease, as he had done with the writer of the Kasideh, who, when he presented his Kasideh, had his offering accepted with favour, and was delivered from his palsy [239; 388, 389]. – Машҳур Хожанинг қалбига ўзимни ишонган ҳолда **умид қиламанки**, эҳтимол у менинг шеъримни яхши қабул қилишга ва Қасиданинг ёзувчисига қилгани каби, менинг касаллигимдан халос бўлишга сабаб бўлиши мумкин. У Қасидасини тақдим қилганда, унинг қурбонлиги мамнуният билан қабул қилинган ва фалажликдан халос бўлган.

С.Бевериж ушбу мисолни қуйидагича акс эттиради:

It occurred to me to versify the *Walidiyyah-risala* of his Reverence Khwaja 'Ubaidullah. I **laid it to heart** that if I, going to the soul of his Reverence for protection, were freed from this disease, it would be a sign that my poem was accepted, just as the author of the *Qasldatu'l burda* freed from the affliction of paralysis when his poem had been accepted [233; 610]. – Мен Хожа Убайдуллоҳ эҳтиромига Волидиййа рисоласини шеърий баён этишимга тўғри келди. **Мен кўнглимга тугдимки**, *Қасидаи Бурда*нинг муаллифи бу азоблар ва касалликдан халос бўлгани каби агар унинг руҳига илтижо қилиб, ҳурмати учун мен буни қилсам, унинг шеъри қабул қилинганда фалаж азобидан халос бўлгани ва ундан озод бўлганидек, менинг шеърим ҳам қабул қилинганлигининг белгиси бўлади, деб айтдим. В.Текстон таржима вариантини қуйидагича берган:

On the eve of Tuesday the twenty-seventh it occored to me to make a versified rendering of Khwaja Ubaydullah’s treatise, the *Walidiyya*. On the eve of Tuesday the twenty-seventh it occored to me to make a versified rendering of Khwaja Ubaydullah’s treatise, the *Walidiyya*. I **put my confidence** in the saint’s intercession and said to myself, “If this intention is acceptable to the saint, then too, just as the author of the *Burda’*s poem was accepted and he was cured of his paralysis, if I am delivered of this illness it will be sign of my poem’s being accepted” [245; 420]. – Мен авлиёнинг **илтифотига ишониб** ўз-ўзимга дедим: «Агар бу ният авлиёга маъқул бўлса, унда Бурда шеърнинг муаллифи қабул

қилинган ва фалаждан халос бўлган бўлади. Касаллик, бу менинг шеърим қабул қилинганлигининг белгиси бўлади».

Аслиятдаги ФБ *кўнглумга кечурдимким* табдилда *кўнглимдан ўтқаздимки* деб берилса, рус тилида *я решил в своем сердце*, Ж.Лейден ва В.Эрскин I indulged a hope – умид қиламанки, С.Бевериж I laid it to heart – Мен кўнглимга тугдимки, В.Текстон I put my confidence – (*илтифотига*) *ишониб* тарзида таржима қилади. Бу таржималарда С.Беверижнинг *I laid it to heart – Мен кўнглимга тугдимки* варианти аслиятга мазмунан яқинроқ келган. Муаллиф асарда қўллаган кўнгилга оид ФБларни қуйидаги гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Эмоционал ҳолат: *ҳазин кўнгул, кўнгли тиламоқ*
2. Ижтимоий муносабат: *кўнгул бермоқ*
3. Гумон: *кўнглида не доғларким йўқ, кўнглида эгрилиги бўлмоқ*
4. Мулоҳаза: *кўнглуға шубҳа кечмоқ*
5. Қарор: *кўнглуга кечурмоқ*

ФБлар таржимаси ва лексикографик хусусиятини ўрганиш муаммо объектининг долзарблигини исботлайди. Асарда қўлланган ФБлар қаерда ва қандай, кимга нисбатан қўлланишидан қатъий назар уларнинг таржималари жуда мураккаб. Шунга қарамай таржимонлар аксарият ҳолларда ФБлар маъносини тўғри талқин этган. Лекин ФБлар эмас, балки гапнинг бошқа туркумига кирган сўз бирикмаси, киши исмларининг ёзилиши, таранслитерация, жой номларининг чалкаштириб юборилиши уларнинг аслиятдаги мазмундан бошқа қўлланган сўзларга бориб тақалишига олиб келган.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Ғ.Саломов таъкидлаганидек, фразеологизмлар семантик жиҳатдан умумлашган кўчма маънони ифодаласа, грамматик жиҳатдан уларнинг бутунлиги, компонентларининг ўзаро бирикуви ва гапда ҳам шу тартибини

сақлаб қолиши билан изоҳланиши кузатилди. Улар таржималарда ўз ифодасини топган. Миллий-маданий хусусиятли ФБлар таржимада тўлиқ акс этганда таржимоннинг матности ҳаволасида нотўғри талқин этилгани аниқланди. Бунга сабаб ФБ маъно фақат тил соҳибига тўлиқ аён бўлиши табиий лекин таржимонда экстралингвистик ҳодисалар тўсқинлик қилиши яна бир бор исботланди.

Таржимонларнинг мумтоз асарни қай даражада ўз миллати вакилига етказиб бера олганлик маҳоратини ФБлар таржимаси орқали кўп нарсаларни ўрганиш мумкинлигига амин бўлдик. Бу жиҳатлар *кўзга илмоқ* иборасининг бадиий жиҳатдан аслиятни тўлақонли акс эттирганлигини кўрсатди. Ушбу иборани аёл таржимон С.Бевериж таржимасида юқори савияда акс эттиргани маълум бўлди. Бу жойда бадиий таржимада гендер масаласига эътибор қаратиш таржиманинг мақсад ва вазифасига хизмат қилиши аниқланди. В.Текстон (Самарқанднинг ҳукмдори Зуҳрабеги ҳақида қўлланган *кўзга илмоқ* ибораси борасида) қаттиққўллик ва танқидий нуқтаи назари таржимада кучли сезилган. Ж.Лейден ва В.Эрскинлар маъно кўчишига кўпроқ эътибор берган бўлсалар ҳам иборалар мазмунини аксарият ҳолларда тўлиқ акс эттиришга ҳаракат қилган. Лекин шуни қайд этиш керакки, баъзи жараёнларни аслиятни акс эттиришдаги ҳар учала таржимон деярли бир хил акс эттирганини ҳам гувоҳи бўлдик.

Шундай бўлса-да, юқорида қайд этиб ўтилганидек, миллатга хос қадриятлар таржимонларни аслиятга турлича ёндашувини келтириб чиқарган. Яна айтиш мумкинки, мумтоз асар таржималарини ўрганиб, унинг кўп тиллилик текстологик луғатини яратиш муҳим ва долзарб деб таъкидлаймиз. Луғатнинг шаклланишини ушбу кўринишда режалаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади ва қуйидаги мавзули луғат кўринишида таъмин этишни тавсия қиламиз:

Аслият: ***Кўнглумга шубҳа кечти***

Табдил: **Кўнглимга шубҳа тушди**

Русча таржима: **В сердце у меня мелькнуло сомнение**

Ж.Лейден-В.Эрскин: **Some suspicion crossed my mind**

А.С.Бевериж: **I became suspicious**

В.Текстон: **A cloud of suspicion came over my mind**.

Юқоридаги мисоллардан яхлит мазмунга эга бўлиб, аслият мисолини саралаб олишда албатта ФБ акс этган ва мазмун якуни бир кичик мақолача каби тугал бўлишини гапда таъмин этилиши лозим. Аслиятдан келтирилган мисоллар ва ФБлар исботталаб бўлишини назарда тутган ҳолда, Бобур энциклопедиясида келтирилган тарихий шахслар ҳақидаги тавсифий усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўйлаймизки, ушбу таржима вариантлар албатта бошқа бадиий адабиётларимизни инглиз тилига ўгиришда таржимонларнинг эквивалентликни танлаш ва таъминлаш, ўрганишлари учун фойдали бўлади деб ҳисоблаймиз.

III БОБ. «БОБУРНОМА»ДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИНИНГ КОГНИТИВ-КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ

§3.1. «Бобурнома»да «Сўз» концепти ва фразеологик бирликлар инглизча таржимасининг қиёсий таҳлили

Дунёни билишда ҳар бир миллат вакилининг ўзига хос тушунчага эгалиги ва фикр доираси мавжуд бўлиб, нарса ва ҳодисаларни ўзгача, ўзига хос идрок этиши, миллий-маданий хусусиятлар, ижтимоий ҳаёт билан ҳамоҳанг тарзда шаклланиб боради, шунингдек, турли қарашларни вужудга келтиради. XX аср охирига келиб, структурал парадигма янги қўлланаётган антропоцентрик парадигма билан ўрин алмашди. Ушбу термин тилнинг структурал моделида тилни қўллаш тўғри эмаслигини исботлади. Антропоцентрик парадигма тил соҳибининг диққат-эътиборини лингвистик компетенцияси билан билим савияси ва унинг лексикасини қамраб олишини кўрсатди. Д.Ашурова ва М.Галлиеванинг маълумотига кўра «концепт» антропоцентрик парадигманинг когнитив тилшунослик, лингвокультурология, лингвоконсептология ва бошқа лингвистик фанларнинг асосий тушунчаларидан бири эканлигини таъкидлайдилар[61].

Когнитив сўзининг инглизча “cognize” – «билмоқ», «англамоқ», «идрок этмоқ»дан олинган, бу соҳа фақат фалсафадаги билиш назарияси билан чекланмай, балки тилни тафаккур, онг билан боғлаб, унинг ҳосил бўлишдаги психологик, биологик ва нейрофизиологик жиҳатларнинг индивидуал ижтимоий, маданий ва лисоний ҳодисалар билан узвий алоқасини чуқур илмий тадқиқ этади. Когнитив тилшуносликнинг ушбу жиҳатдан психолингвистика, антрополингвистика, этнолингвистика, социолингвистика каби турли соҳалар билан боғланади[62]. Шу билан бирга “cognize” инглизча

[61] Ashurova D.U., Galiyeva M.R. Cognitive Linguistics. “VneshInvestProm”. – Tashkent: 2018. Стр. 12, 160 cc; D.U., Galiyeva M.R. Stylistics of Literary Text. “Turon-Iqbol” . – Tashkent: 2016. 271 cc; Ashurova D.U., Galiyeva M.R. Cultural Linguistics. “VneshInvestProm”. – Tashkent: 2019. 208 pp; Ashurova D.U., Galiyeva M.R. Stylistics of Literary Text. “Turon-Iqbol” . – Tashkent: 2016. 271 cc;

[62] http://arslonov.blogspot.com/2012/01/blog-post_12.html

“to see”, “to understand”, “to analyze”, “to realize” “to concretize”, “to conclude” мазмунларини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Когнитив тилшуносликнинг вазифаларидан бири функционал-семантик майдоннинг миллий-маданий хусусиятларини турли омиллар асосида чуқур тадқиқ этишдир. Ҳар қандай маданият атроф-муҳит, жамият таъсирида тараққий этиб, ўзгариб боради. Турли миллатлар маданияти бир-биридан, дастлаб, воқеликни моддий ва маънавий ўзлаштиришдаги фарқ жиҳатидан ажралиб туради ва уларнинг тилларида ҳам ўз аксини топади[63]. Вилгельм фон Ҳумболт фикрига кўра, тил ўзига тегишли халқнинг ички маданияти ва унга хос жиҳатларини англатади. Тилшунослик фани тилни ўрганар экан, шу ўринда унинг тарихий-маданий манбаларига бориб тақаладиган мумтоз асар «Бобурнома»да ҳам миллий-маданий қадриятлар фразеологик бирликлар муаллиф томонидан образли ифода этилиши унинг ички лексикасини ўз ичига қамраб олади, шунинг учун таржимон тарихни чуқур англашни – унинг лексикасини ҳам идок этишини талаб этади. Мумтоз адабиёт лексикасини тўлиқ ўзлаштириб олиш, унинг ёзилиш услуби, мумтоз адабиёт грамматикаси ва фонетик тил хусусиятлари тил тизими қурилишининг ўзига хос: туркий, арабий, форсий изофаларнинг кўплиги ФБлардан фарқлаб олишда ҳам бир мунча қийинчиликларни юзага келтиради.

Билиш жараёнининг руҳиятда кечиш масаласи билан махсус шуғулланган психологлар Ж.Бруннер, Л.М.Веккер, Б.Ломов [64] воқеликнинг онгда акс этиши турли хусусиятларга эга эканлигини қайд этадилар. Жумладан, муқимлик (идрок этилаётган предметнинг доимий, муқим бўлиши), предметлилик (объектнинг алоҳида мавжуд бўлиши), бутунлик (предмет қисмлари ва бўлакларининг янги бир даражада бирикиши), умумийлик (предметнинг муҳим хусусиятларини фарқлаш) булар қаторига

[63]Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик– Жиззах.: Сангзор., 2006. 285 б.; Сафаров Ш. Семантика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси., 2013. – 344 б. Б.4-21.
[64] https://events.spbu.ru/eventsContent/events/2019/anan/vekker.pdf

киради[65]. Ушбу хусусиятларни ҳам билиш жараёнида ўз ўрни бор, уларнинг ҳар бири билишнинг икки босқичида (образ яратиш ва тушунча ҳосил бўлиши) ўзига хос тарзда намоён бўлади. Концептнинг ҳосил бўлиши ва унинг лисоний воқеланишида эса умумийлик (аниқроғи, умумлаштириш) хусусияти алоҳида рол ўйнайди. Маълумки, воқеликнинг бирор-бир бўлаги, предметини лисоний номлаш ёки умуман лисоний тафаккур фаолияти дастлабки ўринда умумлаштириш ҳаракати билан боғлиқ. Бунда номланаётган предмет-воқеани алоҳида, яққол кўзга ташланадиган ва сезиладиган белгиси аввал фарқланади, кейин эса ушбу белгининг бутун бир гуруҳ учун умумийлиги эътиборга олинади. Шунга кўра, мантиқшунослар билиш фаолиятининг асосий босқичлари сифатида қиёслаш, умумлаштириш ва идеаллаштириш (мавҳумлаштириш) ҳаракатларини белгилайди[66]. Лекин ушбу олимлар фикридан фарқли ўлароқ тасвирланаётган ҳодисани муаллиф фикри ва инсон фактори – унинг шахсини яхши ўрганиш ҳам масалани ечимига ойдинлик киритади.

Ш.Сафаровнинг ёзишича, концептуал таҳлил, мантиқий фаолият бўлган «тушунча» ва когнитив тилшуносликда кенг миқёсда қўлланилаётган «концепт» атамаларининг бир хил мазмунда қўлланишини таъкидлайди. Буларнинг ҳар иккисининг бошланғич нуқтаси воқеликдаги предмет-ҳодисани ҳис этиш ва образли тасаввур қилиш билан боғлиқ. Пайдо бўлган ҳиссий образ, дастлаб, ҳар бир шахсда алоҳида, индивидуал кўринишда бўлишини таъкидлайди. Замонавий когнитив тилшуносликда қабул қилинган яна бир тасниф билим тизимларининг қуйидаги турларга бўлинишини назарда тутади:

- Тилшунослик нуқтаи назардан (лексика, грамматика, фонетик сўз ясалиши). Лингвистик билимлар – когнитив-концептуал тил тузилиш тизимининг асосий бирликлари ва тоифалари орқали тилнинг турли хил сезгиларини шакллантириш ва ўзгартириш

[65] Диянова З. В., Щеголева Т. М. . Познавательные процессы: учебное пособие для академического бакалавриата / – 4-е изд., испр. и доп. – Москва: Издательство Юрайт, 2018. – 176 с.
[66] Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик.– Жиззах.: Сангзор. – 2006., Б.22-23.

принциплари, механизмларини билиш ва концепцияларга ажратиш;

- Энциклопедик нуқтаи назардан (дунё, тарих, сиёсат, иқтисод, табиат ҳақидаги билимлар). Ушбу турдаги билимлар географик жойлашув ўрни, табиати, дунё тарихи, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан асосий воқеалар тўғрисидаги умумий маълумотларни билишни назарда тутади;
- Коммуникатив нуқтаи назар. Коммуникатив мақсад ва ниятлар, алоқа қилиш шарти ва ҳолатлари, хулқ-атвор нормалари, турли хил нутқ ҳаракатларнинг қўлланиш мақсадлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Адабиёт ва санъат, миллий-маданий қадриятлар, урф-одатлар, дин, мифология ва асарлар ҳақидаги маданий билимларни ўз ичига қамраб олади[67].

Ў.Юсупов эса концептни қуйидагича таърифлайди: «Концепт – бу ташқи ёки ички дунёдаги бирор нарса ёки ҳодиса ҳақидаги онгимиздаги билимлар мажмуаси, у ҳақидаги образлар ва унга бўлган ижобий, салбий ёки нейтрал баҳолашдир»[68]. Олим тушунча – концепт муносабати тўғрисида сўз юритиб, концепт ва тушунчани айсбергга ўхшатади: «Агар концепт айсберг бўлса, унинг сувдан чиқиб турган қисми тушунчадир», дейди. Демак, айсбергни концепт деб талқин қилсак, у айтган «тушунча» ё концептнинг тагзамини, мазмуннинг негизига олиб борадиган, жуда кенг маънода ўрганиладиган нарса, «сув»га қиёс этилишидир, сув эса энг катта тадқиқот жараёнини англатади. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб, «Бобурнома»ни бир уммон сифатида талқин этсак, ундаги ибораларни айсбергга ўхшатамиз, унинг негизи – «Бобурнома»ни эса сувга талқин этишимиз мумкин.

Демак, мумтоз асар тилини англаш учун унинг муаллифини ва унинг мақсадини идрок этиш мақсадга мувофиқ. Муаллиф лексик қатлами, у

[67] Герасимов В.И., Петров В.В. На пути к когнитивной модели языка// Новое в зарубежной лингвистики. – М.: Прогресс. 1988. – Вып.XXIII. – С. 3-5.
[68]Юсупов Ў.Қ. Тилшуносликдаги янги йўналишлар ва уларда ишлатиладиган айрим ислоҳотлар// Филология масалалари. – Т.: 2011., 2-сон. – Б.10.

яшаган давр муҳити, илмий маърифий-маънавий муҳит ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Макон ва майдон, ҳаётий турмуш тарзи, қолаверса диний дунёқарашлар ҳам ўзига хос бўлган. Шунинг учун муаллиф ўз қондошларидан ўтган гина кудуратларни рафъ қилиш ва қийинчиликларни бартараф қилишни ўз олдига мақсад қилиб, хондан ёрдам кутиб, мулозамат қилиб боришга қарор қилади. Мана шундай ифодаларни ФБларда акс эттиради.

«Бобурнома»ни когнитиф таҳлил доирадан ўтказишда аслиятда маълумот сифатида бизга етиб келган барча воқеа-ҳодисалар инглиз таржимонлари томонидан тўғри идрок этилиши лозим. Ушбу когнитив жараён қуйидаги тасвирда янада ёрқинроқ ўз ифодани топади деб ўйлаймиз:

3.1-расм. Mental structure. Муаллиф лексикасини идрок этиш ёки ақлий структура тасвири.

Ушбу ментал структура, ёхуд ақлий структура деб ҳам атаймиз, бир пайтнинг ўзида таржимонларнинг муаллиф шахси ва унинг ижтимоий лексик қатлами, замон ва макон, тилнинг интра ва экстралингвистик ҳодисаларини адекват талқин этиш, муаллиф мақсадини идрок этиш ва ушбу жиҳатлар диққат марказида туриши лозим бўлган омил сифатида талқин этилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Темур сулоласининг инқирози даврида яшаган, унинг ҳаёти тинчлик ва осойишталикдан йироқ, нотинчлик ва қийинчиликларга тўла бўлгани тарихдан яхши кузатилади. Темурийлар сулоласи XVI–XIX-асрларда Ҳиндистонда янги дунё кашф этиб, ўз тақдирини ҳали ҳам узайтирмоқда. Мўғул ҳукмдорлари у ерда ўзларини темурийлар авлодлари деб мақташган бўлса-да, темурийлар сулоласининг охирги Бобур яшаган пайтда, маданий жиҳатдан *пўлат* бошқарувдан тузилган марказ Ҳирот ва Самарқанд атрофида яшаб вояга етган, моҳир уста ва олимлар рангтасвирли миниатюралар, ҳаттотлик, китобни чоп этиш технологияси, тарих, адабиёт, мусиқа каби соҳалар гуллаб яшнаган даврга тўғри келган, ислом маданияти тарихида қайд этилган кўплаб ажойиб ютуқларга эришган[69]. Яъни, темурийлар даври охиридаги сулоланинг сиёсий ва ҳарбий дилхираликларидан фарқли ўлароқ, ислом маданияти вужудга келганлиги тарихдан жуда яхши англанади. Шуни таъкидлаш керакки, у «Темурийлар сулоласининг буюк олими» деб номланган ва Бобур кульминацион чўққига кўтарилган. Бу чўққи Темур даврининг уйғониши деб номланади. Бундай маданий муҳит Бобур каби таниқли ғайриоддий истеъдод соҳиби – адабий ҳукмдорни туғилишига имкон яратади.

«Бобурнома»нинг таржимасига киришишдан аввал эса мана шундай иқтидор соҳиби – муаллиф шахсини яхши ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Заҳириддин Бобур аввало асар муаллифи сифатида, халқаро нуқтаи назардан Ҳиндистонда бобурийлар сулоласига тамал тошини қўйган сиёсий арбоб, шоҳ ва шоир, саркарда, адолатсизликка қарши қаҳри қаттиқ ҳукмдор, оилада меҳрибон ота, меҳрибон ука, қондошларига бағрикенг кечирувчи шахс,

[69] Eiji Mano. Babur., Japan. Yamakava Shuppansha. 山川出版社（May 1、2013). – Б12.

табатшунос олим ва таҳлили кучли нозиктаъб адабиётшунос-тилшуносдир. Унинг «Бобурнома»сида қўллаган ҳар бир мақол, матал, афоризмлар ўз тарихига эга бўлиб, у барчасини таърифлайди, тавсифлайди. Мана шундай нуқтаи назардан қараганда бир пайтнинг ўзида шоҳ бўла туриб, ўзининг мулозимлари билан муомаласи, чет эллик ва темурий шаҳзодаларни қабул қилиш маданияти, ҳар бир ҳукмдорга хос ўзининг тавсифларини бериши, ҳар бир ҳудуднинг таърифи, ҳаққоний баёни, аччиқ ҳаёт тажрибалари асосида унинг услубини юзага келтирди. «Бобурнома»дек асарни яралишига олиб келди. Биз санаб ўтган сиёсий ва ҳарбий дилхираликлар содир бўлмаганида, аччиқ ҳақиқатлар юзага келмасди. Дард, алам ва ситамли кунлар муаллифни руҳан етилтирмаганида уни тажрибали ҳукмдор қилмасди. «Бобурнома» эса яратилмасди. Унда бизнинг тушунчадаги машҳур Бобур ҳам бўлмасди.

Асардаги когнитив-концептуал жараёнга келсак, у жуда катта қатламни ўз ичига қамраб олган. Муаллифнинг *автобиографик* услубини, яъни чет эллик олимларнинг терминини вужудга келтирди. Бу жанр эса яна бошқа тадқиқотларни ҳам юзага келишига сабаб бўлмоқда. Энг авало таржимонлар асарни таржима қилишда мана шу жиҳатларга эътибор қаратишлари, антрапоцентрик ёндашув асосида ўз вазифаларини адо этишлари керак бўлади. Бир сўз билан айтганда когнитив концептуал таҳлил, яъни даставвал муаллифни ўзини идрок этиш, унинг сўзини англаш, асарини тушуниш, мазмунини таржимон томонидан тўғри идрок этилишини тақазо этилишини таъкидламоқчимиз.

М.Галиева сўзнинг метафорик[70] хусусиятини ўзбек-инглиз ва рус тилларида биринчилардан бўлиб тадқиқ этган, сўз концепциясининг луғавий, когнитив, миллий-маданий аҳамияти ва унинг лексик жиҳатдан шакллантириш, ФБлар даражасидаги вербализация хусусиятларини инглиз, ўзбек ва рус тилларнинг паремиологик, афористик, бадиий – журналистик ва шу билан бирга муқаддас матнларни аниқлаш тамойилларидан иборат бўлган

[70]Галиева М.Р. Вербализация концептосферы word/сўз/слово в английской, узбекской и русской языковых картинах мира. Дисс канд. филол.наук. – 2010.

концептосферани ёритиб берган. Олима сўз концепциясини соф мақол ва матал ва ФБларни қиёслаш ва таржималарини аниқлаш орқали очиб берган. У мақолли вербализация воситаларнинг мажозий қисмини метафорик мазмунга бўлинадиган когнитив ифодаланишини қуйидаги гуруҳларга бўлади:

а) мақсадга кўра қўлланадиган: a word and a stone let go cannot be called back – сўз суякдан ўтар; таёқ – этдан; айтилган сўз отилган ўқ – сказанное слово – пущенная стрела;

б) натюмор: words are but wind – сел ариқни бузар, ёмон сўз – дилни; доброе слово человеку, что дождь в засуху;

в) вегетатив турдаги: deeds are fruits, but words are leaves – сўз кишининг – ўзаги, одоб кишининг – безаги; слово – семя, поле/я словами не засевают;

г) ижтимоий ҳаётга доир: actions speak louder than words – сўзи ўлганнинг ўзи ўлар; живое слово дороже мёртвой буквы;

д) орнитологик, яъни зоонимик: words have wings and cannot be recalled – ёмон сўзнинг қаноти бор – слово не воробей, вылетит – не поймаешь;

е) маза таъм: ширин сўз шакардан ширин – ласковое слово слаще мёда каби[71] ФБларнинг қиёсий типологик таҳлилини олиб борган. Ушбу иборалар умумий тарзда гуруҳларга сараланиб ўрганилган бўлса-да, алоҳида махсус адабиётнинг ибораларини қамраб олмаганлиги ва бир асар доирасида тадқиқ этганлиги билан эътиборга молик.

Инсон насли инсон бўлиб, қўли ишга, тили сўзга бир-бири билан муомала қила бошлабдики, борлиғи сирлардан иборат дунёда яшаш дарсини ўқийди ва ҳатто шу кунгача бу дарс тугамаган. Машҳур донишмандлар умрларини илму фанга бағишлаб, жаҳон кезиб, дунё-дунё китоб ўқиб, охир оқибат оламдан кетар чоғи, мен ҳаётдан ҳеч нарса билмай кетмоқдаман, деган эканлар[72]. Не ажаб, ҳаёт илмини тугал англамоққа нафақат бир инсон умри, балки инсонлар умри етмайди. Билим олишнинг чекланмаганлиги, унинг туб тубига етиб бўлмаслик фалсафаси донишмандлар нутқида акс

[71]Галиева М. Вербализация концептосферы word/сўз/слово в английской, узбекской и русской языковых картинах мира. Ташкент.–2010. Автореф. Дисс.филол.наук. Б.16.
[72]Эркин Воҳидов. Маънолар маҳзани. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. Тошкент. – 2018, Б. 3-4.

этган, *сўзнинг сўздан фарқи, ўттиз икки нархи* ни мажозий маънода халқ тилида қўлланган. Нотўғри айтилган сўз инсоннинг ўттиз икки тишини суғуриб олармиш, *ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир*, каби талқинни назарда тутиб, ҳар қанча ўрганмайлик билим олишнинг чегараси йўқ эканлигини англаб етамиз. Ушбу фикр том маънода сўзнинг сўздан фарқини англаш, унинг концептуал жиҳатларини ҳам қамраб олишга ишорадир.

«Бобурнома»даги *сўз*нинг кўлами эса Бобур лексикасидаги ўзига хослик, мумтоз сўз сеҳрига эга эканлиги, тарихий персонажларни тасвирлашда ҳикматли сўз ва мубҳам ибораларнинг қўлланганлиги билан фарқ қиладики, агар ундаги сўз концептини тасвирга солиб кўрсак, улар янада ёркинроқ акс этиб, ҳар бир ибора инглиз тилида ҳам ўз таржима тасвирига эга эканлигини кўршимиз мумкин:



3.2-расм. Сўз лексик семантик майдони.

Юқоридаги тасвирдан кўринадики, аслиятдаги ФБлар асар муаллифи руҳиятида ва таржимада ҳам акс этган. Мазмун ҳукмронлиги ҳар бир иборада сезилади. Тасвирда инглизча таржимаси билан берилган *сўз сўрмоқ* – to ask one or two questions, *сўз оғзида пуйпамоқ* – to mumble a word, *сўзни қўймоқ* – to put down the conspiracy, *юмшоқ сўз айтмоқ* – to speak mildly, *яраш тархин орага солмоқ,* – to make arrangement*, хилват сўзи бўлмоқ* – to have a word in private, *сўзи муътабар ва санад* – words carry great weigh, *сўзлари бир-бирига қовушмоқ* – to come to agreement*, сўзини орага солмоқ* – to begin to talk of peace, *сўз келтурмоқ* – to bring pleasing message каби мисолларнинг барчаси асарда қўлланилган ФБлар бўлиб, қуйидаги жадвалда уларнинг ифодасини кўрамиз.

3.1 – жадвал

Сўз лексик семантик майдонидаги фразеологик бирликлар таржималарининг жадвалда қиёсий акс этиши.

№	СЎЗ лексик майдони (аслият)	Табдил	Русча таржима	Лейден – Эрскин таржимаси (1826)	Сусанна Бевериж таржимаси (1921)	Вильер Текстон таржимаси (1996)
1.	сўз сўрмоқ [54]	(бир-икки) сўз сўради [50]	задал несколько вопросов [31]	One or two questions were put [40]	He put him a few questions [63]	asked him one or two questions [45]
2.	сўз оғзида-ўқ пуйпади [188].	ҳеч сўз айтолмади [194].	не мог ничего возразить [154].	stammered out a few words [298].	shattered a few words [526].	mumbled a word [317].
3.	сўзни қўюб [106].	бормоққа қарор қилиб [104].	кое-кто решили идти [79].	that plan being finally adopted [134].	this plan was adopted [197].	who were decided to [150].
4.	сўзни бу ерга қўйдиларким [47].	қарор қилдилар [43].	сговорились [24].	putting an end to his treasonable views [27].	decided to give quietus to [43].	put down the conspiracy [29].

5.	сўзни мунга қўюлдуки м [155].	қарорга қилдик [157].	Посоветов авшись [122].	we might consult together [225].	decide in accord and agreement with them [330].	to reach a decision [250].
6.	сўз ва кенгашни бир ерга қўюб [42].	сўз ва кенгашни бир ерга қўйиб [37, 38].	достигнув единства в речах и советах [19].	having mutually communicate d their ideas, and resolved on their plan [18].	set themselves with one heart and mind [30].	it was decided in council [20].
7.	юмшоқ сўз айтур эди [106].	аниқ бир гап айтмасди. [104].	выставлял оговорки, иногда говорил неопредел енно [79].	sometimes conciliatory answers [135].	sometimes words making for agreement [198].	sometim es he spoke mildly [150].
8.	яраш тарҳин ораға солиб [53].	ярашиш учун [49].	он заложил основы мира [30].	he patched up peace [38].	came out from those in … [61].	went out to make arrangem ents [43].
9	сўзини ораға сола кириштила р [74].	яраш сўзини орага сола бошладила р [72].	завели разговоры о мире [50].	began to talk of peace and an accommodati on [77].	to interpose with talk of peace [118].	began to propose a truce [88].
10.	сўзлари бир-бирига қовушолм ай бузулуб [69].	сўзлари бир-бирига қовушолм ай бузилиб [66].	они не смогли сговоритьс я и впали в растройств о. [45].	being unable to agree among themselves [67].	They broke up in disaccord [102, 103].	could come to no agreeme nt [75].
11.	хилват сўзи бўлмоқ [121].	«Хилват сўзим бор» [121].	«У меня есть к вам разговор наедине» [92].	“I have a word to speak with you in private” [164].	"I have a private word for you" [239].	“I need a word with you in private” [179].
12.	(кўнгулга ёққудек) **сўз келтурма**	(кўнгулга ёққудек) сўз келтирмад	никаких вестей, могущих успокоить	he brought me no message that could cheer my	he brought nothing likely to please, but	brought no pleasing words

	ди, вале эл ва улусдин **сўзлар келтурди** [102].	и. Лекин Ҳисор эли ва улусидан хабарлар келтирди [100].	сердце, но привез сведения о народе и людях [Хисара] [76].	mind but he brought me favourite accounts of the disposition of the Ils and Uluses [127].	he did from the tribes and the horde [188].	from Khusraw shah but did convey promises from the tribes from Khusraw shah [143].
13.	паришон сўзлар келтуруб эди [63].	беклар хато қилиб [60].	передал всякие бестолковые слова [40].	came on an embassy with some seditious propositions [57, 58].	come with wild proposals [59].	had come with absurd proposals. [64,65].
14.	сўзи муътабар ва санад эди [136].	сўзи мўътабар, асосли эди [136].	имели значение и считались основательными [105].	his judgement and opinion were reckoned of the greatest weight and law [190].	His were the judgement and rulings that carried weight [280].	his word carries great weight [210].
15	сўзларини қулоққа олиб [64].	сўзларини қулоққа олиб [61].	преклонил ухо к лживым речам противников [41].	he listened to the artful proposals [59].	He gave ear to what the enemy said [90, 91].	he chose to listen to the wily words [66].
16.	сўз била ё зўр била иликлагайлар [67].	сўз ё куч билан қўлга олиш учун ҳужумчи қисм этиб тайинладик [64].	пойти и либо уговорами, либо силой завладеть крепостями Яр Яйлака [43].	either by negotiation or by force, all the fortresses of Yarailak [64].	get them into our hands [67].	to capture the fortress of Yar Yaylagh by either parlay or force [72].

Сенинг ҳаққингда ёмон бордиммуким, тўшунг била белингга икки қилич боғлаб, черик тортиб, бизнинг вилоятларнинг устига келиб мундоқ шўр ва фитна солурсен Қари мабҳут мардак бир-икки ***сўз оғзида-ўқ пуйпади*** *сўзлай олмади, муқобалада ҳам демай мундоқ мускат сўзларга не дея ҳам олғай эди* [64; 188].

Келтирилган парчадаги ажратиб ёзилган ***сўз оғзида-ўқ пуйпади*** ФБдир. Унинг табдили эса қуйидагича: Мен сенга қандай ёмонликлар қилдимки, кўксинг ва белингга иккита қилич боғлаб, лашкар тортиб, бизнинг вилоятларимиз устига бостириб келиб, бундай ғавғо ва фитна кўтарасан. Ҳайратдан тили сўзга келмай қолган бу пасткаш қария бир икки тўнғиллаб, **ҳеч сўз айтолмади**, ишонч билан айтилган бундай ҳақ сўзларга у нима ҳам дея оларди [65; 194]. Аслиятдаги фразеологик бирлик ***сўз оғзида пуйпамоқ*** табдилда оддий сўз бирикмаси *ҳеч сўз айтолмади* тарзида акс этган. Аслиятдаги ФБнинг инглизча ва русча таржималарида ҳам ўз ифодасини топган. Лекин аксарият ҳолларда рус ва инглиз тилидаги таржималарда фразеологик ибора кўпроқ сўз бирикмаси тарзида таржима қилинган. Масалан, «Бобурнома»нинг русча таржимасида қуйидагича берилган:

Разве я поступил с тобой дурно, что ты повесил на грудь и на пояс два меча, повел войска на наши земли и поднял там смуту и мятеж? Этот ошалевший старик невнятно **пробормотал несколько слов**, но не мог ничего возразить; да и где ему было ответить на такие убедительные слова [66; 154]. – Мен сенга бирон ахмоқлик қилдиммики, сен кўксинг ва белингга иккитадан қилич осиб, еримизга бостириб келибсан, яна бу ерда низо чиқариб, исён кўтарасан? Бу қари довдираган чол ғўлдираб, **бир нималар деб минғирлади**, лекин жавоб бериши керак бўлган бундай қатъий саволга ҳеч қандай қарши сўз айтолмади.

Таржимада ***сўз оғзида пуйпамоқ*** - *пробормотал несколько слов,- бир нималар деб минғирлади* гапи таржиманинг “meaning to meaning translation” усули, яъни мазмун ёки матн ғоясини ўгириш орқали, сўз

бирикмасида ўз ифодасини топган. «Бобурнома» жаҳон тилларидан бири бўлган инглиз тилига бир неча маротаба таржима қилинган асар бўлиб, у таржималар тарихини бошидан кечирган, уларнинг орасида адекват таржималари юзага келган бўлиб, Ж.Лейден ва В.Эрскин (1826), А.С.Бевериж (1921) ва В.Текстон (1996)нинг таржималаридир. Ўзбек олимларининг «Бобурнома»ни инглизча таржималарини қиёсий таҳлил этишда ва бадиий хусусиятларини ўрганишда ушбу таржималардан самарали фойдаланганлар. Ушбу учликда ФБнинг инглизча таржималари таҳлил этилди. Юқоридаги, *Сенинг ҳаққингда ёмон бордиммуким, тўшунг била белингга икки қилич боғлаб, черик тортиб, бизнинг вилоятларнинг устига келиб мундоқ шўр ва фитна солурсен Қари мабҳут мардак бир-икки* ***сўз оғзида-ўқ пуйпади*** *сўзлай олмади, муқобалада ҳам демай мундоқ мускат сўзларга не дея ҳам олғай эди*нинг инглизча Ж.Лейден ва В.Эрскин таржимасида кузатишимиз мумкин.

What evil have I ever done you, that you should come in this style against me, with these two swords by your side: and, attended by an army, stir up tumult and confusion in my territories?" The, man being stupefied, **stammered out a few words**, not at all to the purpose; and, indeed, what could he say in answer to such confounding truths? [239; 298]. – Мен сенга қандай ёмонлик қилдимки, сен бу алфозда менга қарши кийиниб, мана бу икки қилични тақиб олиб, бутун лашкарингни бошлаб келиб, ҳудудда тўполон кўтарасан? Эркак каловланиб, тўлиқ жавоб бермасдан **бир икки оғиз сўз ғулдиради**, ҳақиқатдан ҳам фавқулодда берилган бундай саволга нима деб ҳам жавоб бера оларди? Аслият матни С.Бевериж таржимасида қуйидагича ифодаланган:

What ill sayest I have done thee, that thus thou shouldst hang a sword on thy either side, lead an army out, fall on lands of ours, and stir strife and trouble?". Dumbfounded, the old man **shattered a few words**, but he gave no answer, nor indeed could answer be given to words so silencing [233; (460)]. – Мен қандай бемаъни иш қилдимки, елканг ва белингга ҳам қурол осиб,

бизнинг ерларга лашкаринг билан келиб, ғавғо ва ташвишларни қўзғайсан? Эсанкираган, қари чол **тишларини ғижирлатиб бир икки оғиз ғулдиради**, лекин берилган саволга на тўғри жавоб берди, на индамай турди. Аслиятдаги матни В.Текстон таржимасида эса қуйидагича:

Did I do you ill that you strapped two swords to your waist and led your army against our domains and caused such strife and turmoil?" The confused old man **mumbled a word or two** in the back of his throat but said nothing in response. What could he say to such unanswerable words? [245; 317]. – Мен сенга қандай номаъқул иш қилдимки, сен белингга икки қилични маҳкам боғлаб келиб, лашкаринг билан бизнинг ҳудудда қарши чиқиб, ғавғо ва тўполон кўтарасан? Хижолат чеккан чол **бир икки сўз айтиб тўнғиллади,** лекин жавоб бера олмади. Жавоб беролмайдиган шундай саволга нима ҳам дея оларди.

Таржималардан кўринадики, аслиятдаги *сўз оғзида - ўқ пуйпамоқ* ФБининг маъносини акс эттириш орқали ўгирилган. Ж.Лейден ва В.Эрскин таржимасида *stammered out a few words - бир икки оғиз ғулдиради;* С.Беверижда *shattered a few words - тишларини ғижирлатиб бир икки оғиз ғулдиради*; В.Текстон таржимасида *mumbled a word or two - бир икки сўз айтиб тўнғиллади, дудуқланди* тарзида берилган. Аслият таржима жараёнида баъзи йўқотишлар эвазига матннинг бошқа жиҳатлари тўлдирилиб, қайта тикланади. (Бу В.Текстон таржимаснини ҳисобга олганда). Шунга қарамай сиёсий ва тарихий воқеалар, тарихда битилган машҳур жангларда, тарихий шахслар портретини нозик чизгиларда ифода этиш ва ўша жараёнда қўлланган ФБлар маъносини акс эттириш жуда муҳим бўлган. *Сўз сўрмоқ* ФБи гапириш учун изн сўрамоқ; *сўз оғзида пуйпамоқ* – бир нарса дея олмай, каловланиб қолмоқ; *сўзни бу ерга қўймоқ* – ўзаро келишмоқ, қарор қилмоқ; *сўзлари бир бирига қовушмоқ* – ўзаро келишмоқ, фикри бир жойдан чиқмоқ; *паришон сўз келтурмоқ* – пала-партиш, бетайин сўзлар айтмоқ, яхши хабар келтирмаслик; *сўзни орага солмоқ* – сулҳ таклиф қила бошламоқ; *хилват сўзи бўлмоқ* – яширин гапи

бўлмоқ; *сўзи мўътабар ва санад* – эътиборли ва ҳал қилувчи каби тушунчаларни ўз ичига олган.

Юқоридаги «сўз» концептига берилган ФБлардан бири *сўзлари бир бирига қовушолмай бузулмоқ* (ўзаро келишолмай қолмоқ)ни инглизча таржималарни қиёслаймиз. «Бобурнома»да келтирилишича: *Булар Андижонға етганда қўрғон беркиганини маълум қилиб,* ***сўзлари бир-бирига қовушолмай бузулуб*** *Узун Ҳасан кўчига Ахси сари тортти* [58; 69], деб берилади.

Ушбу парчадаги ажратиб ёзилган *сўзлари бир бирига қовушолмай бузулмоқ* ФБи инглизча Лейден–Эрскинда қуйидагича таржима қилинади: *When the Cabal reached Andejan, and found that it had declared for me, and was held on my account,* ***being unable to agree among themselves****, and in the greatest confusion, Uzun Hasaan retired towards the citadel of Akhsi to his family …* [239; 67]. *– Кабал Андижонга етганида маълум бўлдики, менинг жиҳатимдан* ***бир-бирлари билан келишолмай*** *ушланиб қолаётган хабари менга етди ва энг катта хато қилиб, Узун Ҳасан Ахси қўрғони томонга оиласининг ёнига кетди.*

Таржимадан кўринадики, аслиятдаги исм Тамбал – Кабалга, *сўзлари бир-бирига қовушолмай бузулуб* ФБи *бир-бирлари билан келишолмай*га ўзгарган ва таржимон аслиятнинг мазмунини қайта тиклашда, *in the greatest confusion – энг катта хато қилиб* тарзида акс этган. Аслият мисолини С.Беверижда қуйидагича кузатамиз: *They* ***broke up in disaccord*** *when they found the fort made fast against them; Auziin Hasan drew off to his wife in Akhsi, Tambal to his district of Aiish* [233; 170]. – Қўрғондагиларнинг муносабатлари уларга қарши эканлигини билишганида **уларнинг ораларидан низо чиқди** (яъни сўзлари қовушолмай қолди); Узун Ҳасан Ахсидан хотини томонга, Танбал ўзининг Аиш (Ўш) туманига йўл олди.

С.Беверижда аслиятдаги *сўзлари бир-бирига қовушолмай бузулуб* таржимада *broke up in disaccord – ораларидан низо чиқди* деб акс эттирилади. Аслият мисоли сўнгги таржимон В.Текстонда қуйидагича

таржима қилинади: *When Uzun and Tambal reached Andizhan and discovered that the fortress was shut tight against them,* ***they could come to no agreement****, so Uzun Hasan took himself off in disarray to his family in Akhsi* [245; 75]. – Узун Ҳасан ва Тамбал Андижонга етиб бориб, қўрғон дарвозаси уларга қаттиқ ёпилганини билганларида, **бир-бири билан келишолмай қолдилар**, шунда Узун Ҳасан саросимага тушиб, оиласини олгани Ахсига кетди.

В.Текстоннинг таржимаси анча тушунарли ва аслиятга яқинроқ берилган, лекин *сўзлари бир-бирига қовушолмай бузулуб* оддий гап орқали *could come to no agreement – бир-бири билан келишолмай қолдилар* каби акс этган. *Булар Андижонга етганда қўрғон беркиганини маълум қилиб,* ***сўзлари бир-бирига қовушолмай бузулуб*** *Узун Ҳасан кўчига Ахси сари тортти* гапида эса Тамбал ҳақида умуман сўз бормаган, лекин унинг мазмуни яширин тарзда акс этган, сабаби таржимонлар воқеалар мазмунини боғлаб, аниқ исмлар, яъни гарчи аслиятда йўқ бўлса ҳам сўз қўшишлар, гап ва мазмун узвийлигини таъминлаш, аслият мазмунини тиклаш учун келтирадилар. Юқоридаги Лейден–Эрскин ва С.Беверижларнинг таржимасидаги камчиликлар Тамбал-Кабал, С.Бевериж Тамбал билан Узун Ҳасанни бирга эканлигини таржимада акс эттирган ва С.Беверижда *сўзлари бир-бирига қовушолмай бузулуб – broke up in disaccord* ФБ орқали акс этгани маълум бўлган.

Халқнинг миллий-маданий хусусиятлари унинг тилида, қўллайдиган ибораларида акс этишини кузатамиз. *Доим кишимиз бориб Муқим била сўзлашурлар эди. Гоҳи узр келтуруб, гоҳи* ***юмшоқ сўз айтур*** *эди* [64; 06]. – Доим кишимиз бориб Муқим билан музокара олиб борарди. У гоҳ узр сўрар, гоҳ **аниқ бир гап айтмасди**. [65; 04]. Ушбу мисолда қўлланилган ФБ мазмунидаги миллий менталитет бугунги кунда ҳам мавжуд бўлиб, *юмшоқ сўз айтиш*нинг маъноси яхши гапириб, вазиятдан чиқиш ёки айни дамда овораи-сарсон қилиш, алдашдан кўра турли усуллар билан мақсадини аниқ айтмай, пайсалга солмоқни англатади. Юқорида

келтирилган парчадаги ***юмшоқ сўз айтур*** ФБи рус тилидаги таржимада сўзма-сўз акс эттирилади. – Наши люди постоянно ходили к Мукиму и вели с ним переговоры. Иногда Муким **выставлял оговорки, иногда говорил неопределенно** [66; 79]. Демак аслиятдаги ибора ва ҳар бир гап мазмуни табдилда, рус тилида ҳам акс этган. Аслият мисоли инглизча Лейден–Эрскинда эса қуйидагича берилади:

I repeatedly sent persons to confer with Mokim; they sometimes **brought back insincere excuses, sometimes conciliatory answers** [239; 135]. – Мен бир неча бор Муқим билан учрашув ўтказиш учун одамларни юбордим; баъзан улар **ёлғон баҳоналар** баъзида **яраштирувчи жавоблар билан қайтариб келдилар**. *Юмшоқ сўз айтур* инглиз тилида brought back insincere excuses, sometimes conciliatory answers – *ёлғон баҳоналар баъзида яраштирувчи жавоблар билан қайтариб* келдилар гапида мужассам бўлган. Бу баъзи ҳолларда тасвирий воситалар орқали ўгирилиши табиийдир. Мисолнинг маъно кўчиши С.Беверижда ҳам тасвирий таржима усулини қўллагани кўринади:

People of ours went repeatedly to confer with Muqim; they sometimes **brought excuse back, sometimes words making for agreement** [233; 198]. – Бизнинг одамларимиз Муқим билан маслаҳатлашишга бир неча бор боришган; улар **баъзан узр, баъзан келишувга олиб келадиган сўзларни келтирар** эдилар. С.Беверижнинг таржимасида *юмшоқ сўз айтур* brought excuse back, sometimes words making for agreement – *баъзан узр, баъзан келишувга олиб келадиган сўзларни келтирар эди* каби ёйиқ мазмунли гапда акс этганлигини кўрамиз. Аслият мисоли В.Текстонда бундай таржима қилинган:

Our men were constantly coming and going to hold deliberations with Muqim. Sometimes they **brought his excuses; sometimes he spoke mildly** [245; 150]. – Бизнинг йигитлар доимий равишда Муқим билан музокаралар олиб боришарди. Баъзан улар **узрларини келтирардилар**, **баъзан юмшоқ оҳангда гапирарди**. *Юмшоқ сўз айтур* В.Текстонда brought his excuses;

sometimes he spoke mildly – узрларини келтирардилар, баъзан юмшоқ оҳангда гапирарди, тарзида акс этган. Унинг таржимасида аслиятдаги *юмшоқ* нинг маъноси акс этган.

Тарихда ва ҳозир ҳам элчи вазифаси жуда муҳим саналади. Элчи қандай хабар келтиришидан қатъий назар, барчани беэътибор қолдирмайди ва шу билан бирга «Бобурнома»да хабар келтириш нафақат подшо вазирнинг кутган истаги ва қолаверса тарихий персонажлар, машҳур шахс, подшоҳларни тасвирлашда муҳим аҳамият касб этган. Ушбу жараён «Бобурнома»да *сўз келтурмоқ* орқали акс этган:

Бу фурсатта Мулло Бобойи Пашоғарийниким, Хисравшоҳқа элчиликка юборилиб эди, келди. Хисравшоҳдин ***кўнгулга ёққудек сўз келтурмади****, вале эл ва улусдин сўзлар келтурди* [64; 102]. – Бу фурсатда Хисравшоҳга элчиликка юборилган Мулло Бобойи Пашоғарий келди. Хисравшоҳдан **кўнгулга ёққудек сўз келтирмади**. Лекин Ҳисор эли ва улусидан хабарлар келтирди [65; 100]. Муаллиф ёмон хабарни *кўнгулга ёққудек сўз келтурмади* ФБи орқали тасвирлаган. Ушбу ФБ русча таржимада ҳам аниқ акс этган: В это время вернулся Мулла Бабаи Пашагари, отправленный послом к Хусравшаха **никаких вестей, могущих успокоить сердце, но привез сведения** о народе и людях [Хисара] [66; 76]. – Бу вақтда Хисравшоҳга элчиликка юборилган Мулла Бабай Пашагари **юракни** (кўнгил**) тинчлантирадиган** одамлар ҳақидаги хабардан бўлак ҳеч қандай **маълумотларсиз** қайтиб келди.

Демак, табдил ва рус тилидаги таржимада ФБнинг мазмун кўчиши кузатилади, унинг инглизча таржималарини қиёсий ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқ. Аслият мисоли Ж.Лейден ва В.Эрскинда бундай таржима қилинган:

From Khosrou Shah he **brought me no message that could cheer my mind**; but he brought me favourite accounts of the disposition of the Ils and Uluses (the wandering Turki and Moghul tribes of the country) [239; 127]. – Хусрав Шоҳдан у менинг **ҳаёлимни тинчлантирадиган бирон бир хабар**

олиб келмади; лекин менга илс ва улуслар (мамлакатнинг туркий ва мўғул қабилаларини кезиб юрганлар) ҳолати ҳақидаги энг севимли хабарларни келтирди. Ж.Лейден ва В.Эрскинлар инглизча he *brought me no message that could cheer my mind* яъни, *ҳаёлимни тинчлантирадиган бирон бир хабар олиб келмади* тарзида акс эттирилган бўлса, яна қавс ичида *the wandering Turki and Moghul tribes of the country – мамлакатнинг туркий ва мўғул қабилаларини кезиб юрганлар* каби жумласини қўшимча қилиб, таржимага аниқлик киритади. С.Бевериж эса аслият мисолини қуйидагича ўгирган:

Just then Mulla Baba of Pashaghar came back, who had been our envoy to Khusrau Shah; from Khusrau Shah he **brought nothing likely to please**, but he did from the tribes and the horde [233; 254]. – Худди шу пайтда Мулла Бобо Пашагар у бизнинг элчи бўлган Хусрав Шоҳга қайтиб келган эдики, у Хусрав Шоҳдан қабилалар ва қўшинлардан бошқа, **хурсанд қиладиган бирон хабар келтирмади**. С.Бевериж аслиятдаги ***кўнгулга ёққудек сўз келтурмади***ни he *brought nothing likely to please – хурсанд қиладиган бирон хабар келтирмади* тарзида ўгирган ва инглиз тилидаги сўз ясовчи инфинитивдан фойдаланган. В.Текстон аслият мисолини қуйидагича акс эттирган:

At this juncture Mulla Baba Pishghari, who had been sent as a messenger to Khusrawshah, **brought no pleasing words** from Khusrawshah but did convey promises from the tribes [245; 143]. – Бу вақтда Мулла Баба Пишагари Хусравшоҳга элчи қилиб юборилганди, у **Хусравшоҳдан ёқимли сўзлар келтирмади**, балки қабилалардан баъзи ваъдалар келтирди.

В.Текстон ҳам таржимада инфинитивдан фойдаланган ва ***кўнгулга ёққудек сўз келтурмади***ни *brought no pleasing words – ёқимли сўзлар келтирмади* тарзида акс эттирган. Таржималардан кўринадики, аслиятдаги ***ёққудек сўз келтурмади***ни сўз қўллаш динамикаси сингари ҳар бир

инглизча вариантда ўз тасвирига эга бўлган ва аслият мазмуни акс этганини кўриш мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ҳар бир таржима ўзининг услуби билан фарқланади, инглизча уч турдаги таржимада аслиятнинг мазмунини маълум даражада ўзида тиклай олган. Сўзнинг руҳи ва шакли, қолаверса мазмунини акс эттириш учун ҳар бир таржимон урингани сезилади. «Бобурнома»да сўз лексик-семантик майдонидаги ФБлар ўндан ортиқ бўлиб, улар таржималарда акс этган. Ҳар бир қўлланган ФБ муаллифнинг персонажларга баҳо муносабатида талқин этилади. Аслиятдаги ФБлар инглизча таржимада акс этибгина қолмай, балки хорижий тил ўқувчисига топоним ёки антропонимлар орқали ўзига хос таржима қилинганини кузатиш мумкин.

§3.2. «Бобурнома»да «Мулозамат» концепти ва фразеологик бирликлар таржималари таҳлили

Мулозамат сўзининг маъноси кенг қамровга эга бўлиб, бугунги кунда Тошкент, Самарқанд ва Фарғона водийси нутқида ҳам қўлланилади. *Мулозамат*нинг қадимги оттенкалари йўқолиб, ҳозирда меҳмон кутиш, оғзаки тилда *Самарқанд манзарат, Тошкан манзарат, Қўқон манзарат* каби миллий-маданий хусусиятлари сақланиб қолган. «Бобурнома»да эса *мулозамат қилмоқ*нинг ўзига хос маънолари бўлиб, у ўзига хос мазмунга эга ва уни ФБ қаторига киритамиз. *Мулозамат қилмоқ* асарнинг жуда кўп жойида турли мақсадда муаллиф томонидан ифодаланган. Унинг яширин маънолари мавжудлиги туфайли қуйидаги тасвирда *мулозамат қилмоқ* ФБ сифатида концептуал структурасини келтирамиз:



3.3-расм. Мулозамат лексик семантик майдони.

Мулозамат қилмоқ асарда 115дан ортиқ жойда қўлланган[73]. *Мулозамат қилмоқ* адабий тилда ҳам ижобий маънода қўлланади: *мулозимлик қилмоқ* – вазифа ёки лавозим маъносида; *бош эгмоқ*; *тавозе қилмоқ*; *меҳмон қилмоқ*; *гина кудуратларни ювмоқ*; *учрашгани келмоқ*; *қариндошини йўқлаб бормоқ*; *хизматига кирмоқ* каби мазмунларда акс этган. Юқорида келтирилган мисоллар ичида *учрашгани келмоқ*дан ташқари

[73] Бу ҳақида қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – 2002, «Шарқ». – Б. 39, 39,41, 42, 43, 49, 49, 49, 50, 51, 51, 52, 53, 56, 58, 66, 68, 74, 75, 77, 77, 79, 86, 86, 88, 102,104, 105, 105, 106, 117, 118, 118, 119, 123, 127, 127, 128, 128, 131, 131, 131, 134, 134, 134, 135, 136, 138, 139, 141, 155, 156, 163, 166, 166, 166, 166, 167, 167, 168, 170, 170, 171, 171, 172, 172, 173, 174, 175, 177, 178, 179, 179, 181, 181, 181, 187, 188, 188, 188, 189, 190, 190, 191, 211, 215, 216, 216, 216, 218, 231, 232, 233, 237, 237, 237, 247, 248, 248, 248, 251, 251, 252, 253, 255, 258, 258**,** 259, 261, 261, 262, 262, 262, 265, 265.

мисолларнинг барчаси ФБ ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда уларнинг маъноси янада ёрқинроқ акс этади:

3.2-жадвал

Мулозамат лексик семантик майдонидаги фразеологик бирликлар таржималарининг жадвалда қиёсий акс этиши.

№	***МУЛОЗАМАТ*** **лексик майдони (аслият)**	**Табдил**	**Русча таржима**	**Лейден – Эрскин таржимаси (1826)**	**Сусанна Бевериж таржимаси (1921)**	**Вильер Текстон таржимаси (1996)**
1.	мулозамат қилур эди (илтифот кўрсатар эди) [39].	мулозамат қилар эди [34].	и состоял при нем [16].	remained in Shiraz [11].	used to pay his respects [20].	paid him homage [13].
2.	мулозамати мда уч-тўрт йил бўлди [39].	хизматимд а уч-тўрт йил туриб [35].	находился при мне три-четыре года [16].	entered my service [12,13].	He was in my service [22].	joined my retinue [15].
3.	мулозамат қилиб, қўрғонни топшурди [51].	мулозамат қилиб, қўрғонни топширди [47].	сдав крепость, поступил ко мне в услужение [27].	presented himself before me [34].	to elect to serve me [53].	chose to submit [36].
4.	мулозамат қилсам, ... Ҳайдарбек солғон боғда хонға мулозамат қилдим [51].	бош эгсам, ... Ҳайдарбек солган боғда хонга мулозамат қилдим [Т. 47].	я пойду и стану ему служить и ... такими мыслями я явился в сад, разбитый Хайдарбеком в окресностях Шахрухии	to form a nearer... I went on, and waited on theKhan in the neighbor-hood of Shahrokhia, in a garden which had been laid out by Haydar Beg	that if since I was so close,... bye-gone resentments were laid aside, I went. I waited on The Khan in the garden	if I were to patch up our past differences, ... I went to pay homage to the khan in the garden built by

			[27].	[34].	Haidar Kukiildds h had made outside Shahrukh iya [54].	Haydar Beg outside of Shahruk hiyya [38].
5.	мулозаматқ а ўт тишлаб келди. Асирларни бағишладуқ (тиз чўкиб келди) [119].	ўт тишлаб келди. Асирларни озод қилдик [118].	явился с травой в зубах, служить мне. Мы подарили ему пленных [90].	came to me with grass in his mouth, and made his submission [160].	came to my presence, with grass between his teeth, and did me obeisance [233].	came with grass between his teeth to pay homage. [174]
6.	Жаҳонгир мирзо мулозаматқ а келди (ҳол аҳвол сўраб келмоқ) [127].	Жаҳонгир мирзо мулозамат га келди [127].	Джехангир мирза пришел мне служить [98].	Jehangir Mirza came thither to pay his respects to me [175].	Jahangir Mirza waited on me, … [254].	Jahangir Mirza came to pay homage [191].
7.	мулозамат қилди (хизматимг а кирди) [166].	хизматимг а кирмоқчил икларини билдирди [169].	выразили желание мне служить [132].	tendered their submission [255].	with offerings and done obeisance [381-382].	paid homage [272].
8	мулозамат қилиб бир неча кун анда бўлдум (илтифот кўрсатиб) [86].	мулозамат қилиб, бир неча кун ўша ерда бўлдим [85].	выразив почтение Шахбиким и Хану, моему дяде, я првел там несколько дней [62].	I waited on... accordingly, and remained with them for some days [99].	I spent a few days in Tashkint and waited on [149].	I paid homage to Shah Begim and my uncle the khan and stayed there a few days [112].

9	дарвоза орасида мулозамат қилди (саломлашди) [68].	икки дарвоза табақаси орасида мулозамат қилди [65].	стоя в воротах, выразил мне почтение [44].	he caused the gates to be opened, and paid his respects to me [65-66].	He did me obeisance between the (two) gates [100].	he opened the gate and made obeisance [73].
10	мулозамат қилдилар (таъзим қилдилар) [77].	мулозамат қилдилар [75].	выразили мне почтение [52].	tendered me their duty [82].	did me obeisance [124].	paid homage [92].
11	мулозаматқа йибориб (ҳол-аҳвол сўраш учун юбормоқ) [79].	мулозаматга юбориб [77].	изъявили преданность [55].	to pay me their respects [86].	sending efficient men for me service [131].	to pay me their respects [98].

*Мулозамат қилмоқ*ни В.Текстон аксарият ҳолларда ҳеч иккиланмай инглизча “to pay homage” – *тавозе қилмоқ* орқали акс эттирган. Миллий-маданий ўзига хос ва кўчма, ижобий маънода қўлланадиган ва айнан ўзбек миллатида учраб турадиган маданият белгиси, маънавий турмуш тарзи сифатида *мулозамат қилмоқ*да акс этган:

Нечукки, мазкур бўлди, хотирга еттиким, ора мунча ёвуқ бўлғонда хон, чун ота оғадурлар, бориб ***мулозамат қилсам****, ўтган кудуратлар рафъ бўлғай, ироқда-ёвуқта эшитур, кўрарга яхши бўлғай деб келиб, Шоҳрухиядан ташқари Ҳайдарбек солғон боғда хонға* ***мулозамат қилдим*** [64; 51]. Миллий-маданий қадриятларни ўзида мужассам этган ушбу аслият мисолида ажратиб ёзлган ФБ инглизча Лейден–Эрскинда қуйидагича берилади:

... that it would enable me to ***form a nearer*** *and better idea of the real state of things at his court. Having formed this resolution, I went on, and waited on the Khan in the neighbor-hood of Shahrokhia, in a garden which had been laid out by Haydar Beg* [239; 34]. – *...,* ***унга яқин бўлиш*** *мени журъатли қилади ва чинакамига унинг* ***саройида бўлиш фикри*** *бу ерда бўлгандан кўра*

яхшироқдир. Шундай қарорга келиб, мен бордим ва Шоҳруҳиянинг ёнида жошлашга, Ҳайдар Бек томонидан солинган боғда Хоннинг келишини кутиб турдим.

Бориб мулозамат қилсам – to form a nearer – яқинроқ бўлсам тарзида таржимада акс этган бўлса, *кудуратлар рафъ бўлғай*нинг таржимаси *саройида бўлиш фикри яхшироқ* деб берилган. Ушбу мисол С.Беверижда қуйидагича акс эттирилган:

*It occurred to me that **if since I was so close,** I went and waited on him, he being, as it were, my father and my elder brother, and if **bye-gone resentments were laid aside**, it would be good hearing and seeing for far and near. So said, I went. I waited on The Khan in the garden Haidar Kukulddsh had made outside Shahrukhiya* [233; 54]. *– Хотирамга келдики, агар **мен унга шунчалик яқин бўлсам,** отамдан, ака-укаларимдан ўтган хафагарчиликлар барҳам топгай, буни узоқдан туриб эшитгандан кўра, яқин бўлиб кўрган афзал. Шундай қилиб мен бордим. Мен Хонни Шоҳруҳиянинг ташқарисидаги Ҳайдар кўкалдош солдирган боғда кутдим*.

Ушбу мисолда *бориб мулозамат қилсам – if since I was so close – агар мен унга шу қадар яқин бўлсам, bye-gone resentments were laid aside–ўтган кудуратлар рафъ бўлғай – хафачиликлар барҳам топгай* тарзида таржима қилинган. Аслият мисоли В.Текстонда эса қуйидагича таржима қилинади:

*It crossed my mind that since the distance was slight and the khan was like my father and elder brother, if I **were to patch up** our past differences, it would have excellent propagandistic value. So saying, I went **to pay homage** to the khan in the garden built by Haydar Beg outside of Shahrukhiyya* [245; 38]. *– Миямда бир фикр айланардики, Хон узоқ бўлса ҳам акам ва отам каби қондошдир, агар уларни **йўқлаб бориб, ўтган кудуратларни юмшатсам** (силлиқламоқ) қадрлашга лойиқ энг яхши тарғибот қилган бўламан. Шундай ўй билан Шохруҳия ташқарисидаги Ҳайдарбек қурган боққа хонни **йўқлаб бордим**.*

В.Текстондаги ***мулозамат қилсам*** ФБи *to pay homage – йўқлаб бормоқ*, бориб кўрмоқ инглизча *if I were to patch up – ўтган кудуратларни юмшатсам*

(юмшатсам) тарзида таржима қилинган. В.Текстон таржимада *бориб кўрсам, йўқлаб борсам, ташриф буюрсам* каби *to pay homage*нинг кенг қамровли мазмунини айни мулозамат қилмоқнинг муқобилини ифодалабгина қолмай, мавзуга сиёсий тус берган ва *энг яхши тарғибот қилган бўламан* деб таржима мазмунини кучайтирган. Ушбу мисолда гарчи таржимонлар адекват таржимага эришган бўлсалар-да, биз ҳам ўзимизнинг вариантимизни ҳавола этишни лозим топдик:

It came to my mind why *Khan* and father is called a blood relation if they couldn't help their kin when were in need. If **I go and give regards to them by**-gone offences be forgotten, it would be tactful from far and close being in nearby to relatives in such circumstances. As a result I decided sympathetically and cameb **to pay homage** the Khan in the garden built by Haydar Beg outside of Shohrukhiyya.

Асарда яна бир ФБ, *мулозамат қилмоқ*нинг *тавозе қилмоқ* маъносида ҳам келадики, мисол орқали таржималарни қиёслаш чоғида уни тавозе эканлигини яққол англаб етиш мумкин: *Ушмунда тушганда намози хуфтан Султон Жалолиддин келиб,* ***мулозамат қилди.*** *Икки кичиккина ўғлини ҳам ўзи била олиб келди* [64; 251]. Ушбу мисол таржимаси Лейден–Эрскинда қуйидагича акс этган: As I was halting here, about bed-time prayers, Sultan Jalaliddin **waited on me to offer me his duty**. He brought along with him his two young sons [233; 404]. – Ётиш вақтида ўқиладиган намоз маҳали, мен шу ерда тўхтаб турганимда Султон Жалолиддин **менга илтифот кўрсатиб, тавозе қилиш учун** мени кутиб турганди. У ўзи билан бирга икки кичик ўғлини ҳам олиб келганди.

Салом алик қилиб кетиш, ҳол аҳвол сўраш, йўқлаб бориш каби қадриятлар азалдан мавжуд бўлиб, навкарлардан бири бўлган Султон Жалолиддиннинг ўғиллари билан подшоҳни *йўқлаб*, олдига киргани *мулозамат қилмоқ*да акс этган. Аслият мазмунини Лейден–Эрскин ***мулозамат қилди***нинг грамматик трансформация орқали акс эттириш учун ***waited on me*** гапига ***to offer me his duty*** жумласини қўшиш орқали тўлиқ

аслият мазмунини тикланган. Таржимон услубида аслиятни акс эттиришдаги турли жумлани олиб ташлаш ёки қўшиш орқали аслият мазмуни тикланган. Юқорида берилган аслият матни С.Беверижда қуйидагича таржима қилинган:

Today at the Bedtime Prayer SI. Jalalu'd-din came with his two young sons **to wait on me** [233; 651]. – Бугун ётиш маҳали, ибодат қилиш пайтида С.Жалолиддин икки ёш ўғли билан **менга салом бериш учун келиб, кутиб турдилар**.

С.Бевериж таржимасида ***мулозамат қилди***ни **to wait on me,** бу ерда гарчи салом бермоқ сўзи йўқ бўлса-да, **to wait on** ФБи подшоҳга ҳурмат эҳтиром билан тавозе ёки салом бериш маъносини қамраб олганлиги учун уни **менга салом бериш учун кутиб турдилар** деб ўгирилган. Аслият мисоли сўнгги таржимон В.Текстонда қуйидагича берилган:

While we were camped, Sultan Jalaluddin came late that night and **rendered homage.** He brought his two small sons with him [245; 438]. – Биз қароргоҳга жойлашганимизда Султон Жалолиддин ўша кеча келиб, **менга ҳурмат бажо келтирди.** У иккита кичкина ўғлини ўзи билан бирга олиб келган эди.

В.Текстон *мулозамат қилди*ни *rendered homage*, яъни *ҳурмат бажо келтирди* тарзида акс эттиради. Аслиятдаги *иккита* сон ҳар бир инглизча таржимада ўзгармайди лекин *small* сўзи *son*sга тегишли – *иккита кичкина* деб қайта ўгиришда акс эттирилади. Таржимон бу жойда *мулозамат* маъносининг юмшоқ – ҳурмат маъносида *бажо айлаш* каби ФБда акс эттириб, адекват таржимага эришганлигини кўрамиз.

Қуйидаги мисолда *мулозамат қилмоқ* юқоридаги ФБ мазмунидан фарқли ўлароқ *хизмат қилмоқ* ёки *бош эгмоқ* мазмунида келади: *Хисравшоҳким, Қундуздин эл-кунига боқмай Кобул азимати била чиқар, анга тааллуқ эл ва улус беш-олти бўлак бўлурлар. Бадаҳшондағилар бир бўлак: Сайдим Али дарбонким, Русто ҳазорасида эди, Панжҳир йўли била ошиб ушбу юртта бизга **мулозамат қилди**; яна бир бўлак: Юсуф Айюб ва Баҳлул Айюб эди, алар даҳи бу юртта **мулозаматқа келдилар*** [64; 105]. – Хисравшоҳ, Қундуздан эл-уруғига боқмай Кобулга йўл олганида унга

тааллуқли эл ва улус беш-олти бўлакка ажралади. Бадаҳшондагилар бир бўлак: Русто ҳазорасидаги Сайдим Али дарбон, Панжҳир йўли билан ошиб ушбу юртда бизга **бош эгиб келишди**; яна бир бўлаги: Юсуф Айюб ва Баҳлул Айюб эди. Улар ҳам бу юртда **хизматимга келдилар** [65; 105]. Бу ерда ҳазора улусидан бўлган Сайдим Али дарбоннинг бош эгиб келиши ва унинг шериклари Юсуф Айюб ва Баҳлул Айюблар Бобур хизматига киришини таъкидлайди. Демак, биз аслият маъносини табдилдан аниқлаб олишимиз мумкин эканки, бу жойда аслият мазмунини акс эттиришда рус тилидаги таржимани ҳам қиёслашимиз мумкин:

Когда Хусраушах, не заботясь о своих людях, вышел из Кундуза, направляясь в Кабул, подвластные ему племена разделелились на пять или шесть отрядов. Один отряд составляли бадахшанцы [под начальством] Сейдим Али дарбана из племени Руста Хазара, который, перевалив через Панджхир, **вступил к нам в услужение** на этой стоянке. Другой отряд – люди Юсуфа, сына Айуба, и Бахлула, сына Айуба [тоже] **пришли служить** нам на этой стоянке [66; 79]. Лекин рус таржимонлар ҳар иккала ФБ *мулозамат қилди ва мулозаматқа келдилар*ни бир хил мазмунда, яъни *вступил к нам в услужение – хизматимизга кирди ва пришли служить – хизматга келди* тарзида акс эттирганини кўрамиз. Шу билан бирга Ж.Лейден ва В.Эрскинда аслият мисоли қуйидагича берилган:

When Khosrou Shah abandoned Kundez, and set out for Kabul, without troubling himself about his Ils and Uluses, (the wandering Turki and Moghul tribes,) the troops in his service, including the Ils and Uluses, formed five or six bodies. One of these bodies was composed of the men from the hill-country of Badakhshan. Sidim Ali Derban, with the Hazaras of the desert, having passed the straits of Penjhir, joined me at this stage, and **entered into my service.** I spared his life, and **he entered into my service** [239; 133]. – Хусравшоҳ Қундуздан воз кечиб, ўзининг Илс ва Улуслари ҳақида ҳеч бир ташвиш қилмасдан, Кобулга йўл олганида (Туркия ва Мўғул қабилалари сарсон-саргардонликда бўлган маҳал), унинг хизматидаги қўшинлар, жумладан Илс ва Улуслар беш-олтита

бўлган кишидан туздилар. Ушбу кишилардан бири Бадахшон тоғли ерларидан иборат эди. Сайдим Али Дарбон саҳро ҳазоралари билан Пенжхир бўғозларидан ўтиб, бу босқичда менга қўшилди ва **мининг хизматимга кирди.** Мен унинг ҳаётини бағишладим ва у **мининг хизматимга кирди.**

Таржимон жараённи тўлиқ бошидан кечирар экан, бир-бири билан боғланган воқеа ва ҳодисалар тафсилотини ёркин очиб беришга ҳаракат қилади. Аслият матнини тўлиқ очиб бериш учун таржимон улус мазмунига урғу бериб, қавс ичида *Туркия ва Мўғул қабилалари сарсон-саргардонликда бўлган маҳал*ни ўқувчининг ёдига солади. Ҳар қандай англашилмовчиликнинг олдини олиш, гап нима ҳақида бораётганлигини таъкидлаб боради. Аслиятдаги ФБ *бизга мулозамат қилди*ни - *мининг хизматимга кирди; мулозаматқа келдилар*ни ҳам *мининг хизматимга кирди***,** тарзида таржима қилади. Бундан кўринадики, таржимонлар тарихий шахс ва бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларга жиддий қарайдилар. Аслият мисоли С.Беверижда қуйидагича таржима қилинган:

The various clans and tribes whom Khusrau Shah, without troubling himself about them, had left in Qunduz, and also the Mughul horde, were in five or six bodies *(bulak)*. One of those belonging to Badakhshan, – it was the Rusta-hazara,– came, with Sayyidim ‘Ali *darban*, across the Panjhir-pass to this camp, **did me obeisance** and **took service with me**. Another body came under Ayub’s Yusuf and Ayub’s Bihlul; it also **took service with me** [233; 196]. – Хусрав Шоҳ Қундузни тарк этган турли қабилалар ва шунингдек Мўғуллар қўшилиб беш-олти кишидан *(бўлак)* таркиб топган. Бадахшонга тегишли бўлганлардан бири – бу Руста-ҳазора эди, - Сайдим Али дарбон билан Панжҳир довони бўйлаб ушбу лагерга борганимда, **менга сажда қилди** ва уни **менга хизмат қилиш учун олдим**. Яна бошқа бир киши Аюбнинг Юсуф ва Аюбнинг баҳлуллари зиммасига тушди; у ҳам мен билан бирга **хизмат қилди.**

С.Беверижнинг таржимаси бироз бўлса-да, ўқувчини чалғитади. Аслиятдаги ФБ *мулозамат қилди*нинг маъносини *did me obeisance* орқали кучайтириб, *менга сажда қилди* деб берилса, аслиятдаги иккинчи берилган

*мулозаматқа келдилар*ни *took service with me* яъни уни *менга хизмат қилиш учун олдим,* тарзида ўгиради. Аслиятдаги *(bulak)* транлитерация ҳолича келтириб ўтилади. Киши исмларини тўғри беришда камчиликка йўл қўйган. ФБ мазмунини айнан берилиши ва унинг ёнида келган жумлаларнинг мазмунини кучайтириш орқали мақсадига эришишга ҳаракат қилган. Аслият мисоли В.Текстонда қуйидагича таржима қилинган**:**

Khusrawshah left Konduz for Kabul without a thought for his people, who were made up of five or six groups. In Badakhshan one group of Sayyidim Ali Darban's, who was in the Rustra Hazara, crossed the Panjshir and **made obeisance to us** at our camp. Another party, of Yusuf Ayyub and Bahlul Ayyub's also **gathered to make obeisance** [245; 149]. – Хусравшоҳ Қундуздан беш-олти гуруҳдан иборат халқини ўйламасдан Кобулга жўнаб кетди. Бадахшонда Сайдим Али Дарбоннинг Рустра Ҳазорасидан бўлган бир гуруҳ кишилари билан Панжҳирдан ўтиб келиб, қароргоҳимизда бизларга **сажда қилдилар.** Юсуф Аюб ва Баҳлул Аюбнинг яна бир бошқа зиёфати ҳам бизга **сажда қилиш учун йиғилдилар**.

В.Текстон таржимасидан кўринадики, таржимон аслият матнини ўгиришда ҳеч бир қийинчиликка дуч келмагандек, назаримизда таржима равон ўқилади. Воқеа ва ҳодисалар бир-бирига мазмун жиҳатдан боғланган. Қавс ичидаги таъкидлар берилмаган. В.Текстон аслиятдаги ФБ *бизга мулозамат қилди*ни инглизча *made obeisance to us*, яъни бизларга *сажда қилдилар,* аслиятдаги иккинчи берилган *мулозаматқа келдилар*ни эса *gathered to make obeisance* - бизга *сажда қилиш учун йиғилдилар* тарзида таржимада акс эттиради.

Матн услубини аниқлаш жиҳатидан жуда муҳим бу тушунча назаримизда содда, барчага тушунарли, ортиқча безаклардан ҳоли бир услубдир. Маълумки, таржимада бир тушунчага бошқа бир тушунчанинг тўғри келиш ҳолатлари нисбатан кам учрайди. Тажриба шуни кўрсатадики, таржимада сўзга-сўз, гапга-гап, иборага-ибора тўғри келиши мумкин, лекин унинг грамматик мослашуви, унинг ёнидаги жумлаларнинг тушиб қолиши

ёки қўшилишига олиб келади. Шунинг асосида таржимадаги ФБ ёки лексик бирлик ва сўз, сўз бирикмаси бўладими, ҳатто битта сўзга битта сўз тўғри келадиган ФБ ҳам мавжуд бўлиши ҳам мумкин. Бунда икки ва ундан ортиқ сўздан иборат бўлган ФБ битта сўз маъносига тўғри келиши ҳолатлари ҳам учраб туради.

«Бобурнома» асарида *мулозамат*нинг яна бир кўринишини аймоқларнинг Бобурга келиб таъзим бажо айлаши ҳақида қуйидаги мисолда акс эттирилган: *Бу ерларда кийик жуда кўп бўлади. Бир маротаба овладик. Бир-икки кундан сўнг аймоқларнинг ҳаммаси келиб* ***мулозамат қилдилар.*** *Аймоқларга Жаҳонгир мирзо бир неча мартаба кишилар юборди. Бир сафар Имодиддин Маъсудни юборди. Бормадилар. Менинг қошимга келдилар* [65; 143].

Ушбу берилган мисолда *мулозамат қилмоқ* таъзим қилмоқ мазмунида келиб, охирги гапнинг *Менинг қошимга келдилар* орқали натижанинг сабаби тарзида очиб берилади. Аслият мисоли рус тилига қуйидагича таржима қилинган:

В тех местах очень много кииков; мы один раз поохотились. Через день-два все аймаки явились и **вступили к нам в услужение**. Сколько Джехангир мирза ни посылал к аймакам людей – один раз он отправил к ним Имамаддина Мас’уди, аймаки не шли к нему, а ко мне пришли [66; 110]. – Бу жойларда жуда кўп кийиклар бор; биз бир марта ов қилдик. Бир-икки кун ичида аймоқлар пайдо бўлиб, бизнинг **хизматимизга кирдилар**. Жаҳонгир Мирзо одамларини ушбу вилоятларга қанчалик жўнатмасин, ҳатто бир марта Имомиддин Маъсудни уларга юборганида ҳам унинг олдига бормадилар, лекин улар менинг ёнимга келиб қўшилишди.

Ушбу таржимадан кўриниб турибдики, аслиятдаги *мулозамат қилмоқ* тавозе қилмоқ маъносида эмас, *хизматига кирмоқ* мазмунида акс этади. Инглизча таржималарида эса бутунлай бошқача тус олган. Ж.Лейден ва В.Эрскинда аслият мисоли қуйидагича берилган:

As some of our men had been sent out to get information of Jehangir Mirza and this Aimaks, I remained for some days in the Ilagh of the hill of Saf, waiting for their return. In this neighborhood there are numbers of deer. I hunted once. In a few days all the Aimaks came out and **acknowledged me.** Though Jehangir Mirza had sent different persons to the Aimaks, and on one occasion had deputed Emadeddin Masaud to work upon them, they could not be induced to go over to him, but joined me [239; 200]. – Жаҳонгир Мирзо ва бу аймоқлар тўғрисида маълумот олиш учун баъзи эркакларни юборганлиги сабабли, мен бир неча кун Саф тепалигининг Илагида бўлиб, уларнинг қайтишини кутдим. Ушбу маҳалда кийиклар сони кўп эди. Мен бир марта ов қилдим. Бир неча кундан кейин барча аймоқлар чиқиб **мени тан олишди**. Жаҳонгир Мирзо бир неча одамларини аймоқларга юборган ва бир сафар Имомиддан Масудни уларнинг устида ишлаш учун тайинлаган бўлса ҳам, унинг олдига бормай, келиб менга қўшилишди.

Ж.Лейден ва В.Эрскин аслиятни таржимада қайта акс эттиришда тасвирий воситадан фойдаланадилар. Шунга кўра аслият матнидаги белгилар: лексик бирликлар сони ҳам таржимада икки ҳисса ошганини кўрамиз. Уларнинг таржимасидаги *бир неча кун Саф тепалигининг Илагида бўлиб, уларнинг қайтишини кутдим* жумлалари аслиятда мавжуд эмас, у таржимада матн маъносини тўлдириш учун хизмат қилмоқда. Унда *Саф тепалигининг Илагида* эмас, кичик ҳарф билан *Саф этагида* деб, бериш тўғри бўларди. *Мулозамат қилдилар* эса, *acknowledged me* гапида акс этган бўлиб, *менга илтифот кўрсатдилар* деб таржима қилинган. Бир матнни турлича талқин этиш ва инглиз тилида акс этишини қиёсий ўрганиб, таржимон чалғимаслик учун аслиятга қайта-қайта мурожаат этишни энг яхши усул деб таъкидлаймиз. Шу билан бирга навбатдаги С.Беверижнинг таржимасида аслият мисоли қай тарзда ўгирилганини кузатамиз:

We hunted once, those hills being very full of wild sheep and goats (*kiyik*). All the clans came in and **waited on** me within a few days; it was to me they came; they had not gone to Jahangir Mirza though he had sent men often enough to them,

once sending even ‘Imadu’d-din Mas’ud. He himself was forced to come at last; he saw me at the foot of the valley when I came down off Saf-hill [233; 296]. – Биз бир марта ов қилдик, у тепаликлар ёввойи қўй ва эчкилар билан тўла эди (кийик). Барча қабилалар келиб, бир неча кун ичида **мени кутиб туришди**; Жаҳонгир Мирзо гарчи уларга одамларини тез-тез юбориб турган ва ҳатто «Имомуддин Маъсуд»ни юборган бўлса ҳам унинг ҳузурига боришмасдан, **менинг хизматимга келишди**. Унинг ўзи ва ниҳоят келишга мажбур бўлди; у Саф-тепадан тушганимда мени водий этагида кўрди.

Юқорида келтирилган таржималардаги фарқлар С.Беверижда мазмун бироз тўлдирилган. Лекин *мулозамат қилмоқ* эса *мени кутиб туришди* ифодаси билан акс эттирилган. В.Текстон аслият матнини қуйидагича ўгирган:

This region has an awful lot of deer. We went hunting once. After a day or two all the Aymaqs came and **swore fealty to me**. Several times Jahangir Mirza had directed people to the Aymaqs, once sending Imaduddin Mas’ud. But they did not go to him – they came to me instead. Finally there was nothing the mirza could do, so he came to see me when I went down from Koh-i-Saf and camped in Dara-i-Bai. [245; 221-222]. – Ушбу туманда жуда кўп ёввойи кийиклар бор. Бир марта овга чиқдик. Бир-икки кундан кейин барча Аймақлар келиб менга **содиқлик қасамёдини қилдилар**. Бир неча марта Жаҳонгир Мирзо одамларни Аймоқларга йўналтирган, бир марта Имомиддин Маъсудни юборган. Аммо улар унга мурожаат қилишмади, аксинча улар менга келишди. Ниҳоят, мирзо қила оладиган ҳеч бир иш йўқ эди, шунинг учун мен Кўҳи-Сафдан тушиб, Дара-Бай шаҳрида қароргоҳ қурганимда у мени кўргани келди.

В.Текстон аслият мазмунини акс эттириш учун таржиманинг трансформацион усулидан фойдаланган. Аслиятдаги *мулозамат қилмоқ*нинг ҳодиса моҳиятини ифодалаш орқали *содиқлик қасамёдини қилдилар* тарзида инглиз тилида акс эттиради. Матн тўлиқ трансформацияга учраса ва учрамаса ҳам унинг таржимасида ҳеч қандай йўқотишлар юзага келмайди,

унинг устига мазмун кучайтирилганлиги, таржимон айнан нимага урғу бериб таржимани акс эттираётгани сезилган. Мулозамат қилмоқ асарда жуда кўп қўлланилиб, асосан тарихий шахслар муносабатлари, машҳур воқеа-ҳодисаларга оид контекстларда учрайди.

Носир мирзоким, илгаррак вилоятиға келиб эди, Одинапурда келиб, ***мулозамат қилди****. Ул юздин келган аймоқ ва аҳшом қишлоқ маслаҳатиға тамо кўчуб, Ламғанот келиб эдилар* [64; 117]. – Илгарироқ вилоятига келган Носир мирзо Одинапурда келиб, **мулозамат қилди**. У томондан келган аймоқ ва аҳшом қишлаш маслаҳатига тамом кўчиб, Ламғанотга келган эдилар [65; 116].– Насир Мирза, который раньше прибыл в свою область, явился а Адинапур и **остался при мне**. Аймаки, пришедшие из холодной области, все откочевали на зимовье и находились в Ламганате [66; 89]. Аслиятдаги мулозамат қилмоқ табдилда акс этган лекин русчада акс этмаган, фақат *явился а Адинапур и остался при мне – Одинапурда келиб, мен билан қолди* тарзида акс этган. Рус тилида гўёки ҳеч нарса йўқотилмагандек туюлади ёки бўлмаса бошқача қандай бўлиши мумкин деган савол ҳам пайдо бўлади. Юқоридаги аслият мисоли инглизча Ж.Лейден ва В.Эрскинда эса мана бундай таржима қилинган:

At this time the Gagiani Afghans were in Peshawer, and, from dread of my army, they had all drawn off to the skirts of the mountains. At this encampment, Khosrou Gagiani, one of the chief men of the Gagianis, came and **paid me his respects** [239; 158]. – Бу вақтда Гогиёни афғонлари Пешаверда эдилар, уларнинг ҳаммаси менинг армиямнинг келишидан қўрқиб, тоғ этакларига кетдилар. Улардан бири бўлган Хўсрав Гогиёни келиб**, менга ҳурмат бажо келтирди**.

Таржимонлар *мулозамат қилмоқ*ни *менга ҳурмат бажо келтирди,* деб тўғри акс эттиришса ҳам, ким келиб мулозат қилгани тўғри таржима қилинмай, аслиятда Носир Мирзо, таржимада Хўсрав Гогиёни мулозамат қилди деб нотўғри талқин этилган. Аслият матни С.Беверижда эса қуйидагича берилади:

Nasir Mirza, who had gone earlier to his district, **waited on me** in Adinapur. We made some delay in Adinapur in order to let the men from behind join us, also a contingent from the clans which had come with us into Kabul and were wintering in the Lamghanat [233; 229]. – Носир Мирзо аввалроқ туманга етиб келанлардан бири эди. У **мени** Одинапурда **илтифот кўрсатиб, кутиб турди**. Орқада қолган ва биз билан бирга Кобулга келганлар ва Ламғанотда қишлаётган қабилалари қўшиб олиш учун Одинапурда тўхтаб турдик.

Таржимон аслиятдаги ибора *мулозамат қилди*ни *waited on me - менга илтифот кўрсатиб кутиб турди* тарзида ўгирган ва мулозамат қилган шахс Носир Мирзо эканлигини аниқ таржима қилган. Аслият матни учинчи турдаги инглизча В.Текстон таржимасида қуйидагича берилган:

Nasir Mirza had come ahead to his province and **paid homage** at Adinapur. The tribes and clans who had come from the other side had all migrated into the Laghman region for the winter [245; 171]. – Носир Мирзо вилоятга ҳаммадан олдин етиб келган ва Одинапурда **таъзим бажо келтирди**. Бошқа тарафдан келган қабилалар ва уларнинг ҳаммаси қишлаш учун Лагман ҳудудига кўчиб келишган эди.

В.Текстон аслиятни тўла-тўкис таржимада акс эттира олган деб айтишимиз мумкин. *Мулозамат қилмоқ* инглизча *to pay homage* орқали ўгирилган ва ФБ ўз шакл, маъносини сақлаган. Албатта таржима методлари ва қонун қоидалари ишни (таржимани) саранжом қилишга, таржима тартибини белгилашга ёрдам беради, йўл-йўриқ кўрсатади. Шунга қарамасдан, ҳар бир таржимоннинг ўзига хос иқтидори мавжудки, дунёни ўзига хос кўриши ва ўз тилида ифодалаши муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан биз фикр юритаётган уч турдаги «Бобурнома»нинг инглизча Ж.Лейден – В.Эрскин (1826), С.Бевериж (1921) ва В.Текстон (1996)нинг таржималари ҳам ўзига хос тарзда ўгирилганини таъкидлаймиз, мулозаматнинг мазмунини Ж.Лейден – В.Эрскин ва В.Текстонлар жуда яхши тушунган ва таржима қилган. Ж.Лейден – В.Эрскин тасвирий воситалар,

В.Текстон транформацион усул билан аслиятни акс эттиришга муваффақ бўлган.

Ҳақиқатан ҳам В.Текстон баъзи ҳолларда таржимада аслиятни тўлиқ трансформация қилишга уринади. Унинг бу кескин ҳаракатлари гўё аслият мазмунига путур етказаётгандек туюлади, аслида эса ундай эмас. Тажрибали таржимон ҳар томонлама аслиятни ўргангани унинг ишларида яққол сезилади. Бу шундан дарак берадики, «Бобурнома»нинг форсча таржимаси ҳам жуда яхши бажарилган, чунки В.Текстон «Бобурнома»ни форс тилидан инглиз тилига ўгиргани соҳа мутахассисларига аён.

Асарда шундай иборалар учрайдики, ФБлар билан биргаликда миллий-маданий қадриятларни ўзида яққол акс эттирадиган хос сўзлар ҳам ўз аксини топган. Ушбу хос сўзларни таржима қилиш жуда мураккаб вазифа. Қуйидаги мисолда унинг ифодасини кўрамиз:

Якшанба куни, жумодиулаввал ойининг ўн бешида Хожа Муҳаммад Али Хосттин келди. Бир эгарлик от ***пешкаш қилиб***, ***тасаддуққа*** *ёрмоқ ҳам келтурди. Муҳаммад Шариф мунажжим ва Хост мирзолари ҳам Хожа Муҳаммад Али била келиб,* ***мулозамат қилдилар*** [64; 173].

Ушбу берилган мисолда миллий-маданий хусусиятли *пешкаш қилиб, тасаддуқ* ва *мулозамат қилдилар* хос иборалар қаторига киради ва асарнинг табдилида ҳам тўлиқ акс этганини кўрамиз. – Жумод ул-аввал ойининг ўн бешинчисида, якшанба куни Хостдан Хожа Муҳаммад Али келди. Битта эгарланган от **тортиқ қилиб, садақа** учун пул ҳам олиб келди. Хожа Муҳаммад Али билан бирга Муҳаммад Шариф мунажжим ва Хост мирзолари ҳам келиб, менга **хизмат қилиш ниятларини билдирдилар** [65; 178].

Асарнинг табдилида *пешкаш қилиб – тортиқ қилиб, тасаддуқ –садақа, мулозамат қилдилар – хизмат қилиш ниятларини билдирдилар* тарзида табдил қилинган. Алият мазмуни табдилга тўлиқ кўчса-да, аслият матнининг ўзига хослиги сезилиб туради. Лекин *пешкаш, тасаддуқ, мулозамат* сўзларининг залвори аслият мазмунига тенг келолмайди. Юқорида келтирилган мисол рус тилига қуйидагича таржима қилинган:

В воскресенье, пятнадцатого числа месяца первой джумады, Ходжа Мухаммад Али прибыл из Хаста. Он доставил **в подарок** оседланного коня и **деньги на бедних**. С Ходжой Мухаммад Али явились также Мухаммад Шариф, звездочет, и хастские мирзы; они **изъявили желание мне служить** [66; 139].

Рус тилидаги мисолда *пешкаш қилиб – в подарок – совға*; *тасаддуқ – деньги на бедних – камбағалларга пул; мулозамат қилдилар – изъявили желание мне служить – хизмат қилиш истагини билдирдилар* тарзида ўгирилган бўлиб, рус тилида аслият мазмуни ҳам ўзига хос тарзда акс этган, аслият матнидаги миллий-маданий хусусиятлар имкон қадар ўз ифодасини топган. Аслият матни инглизча Ж.Лейден – В.Эрскинда эса қуйидагича таржима қилинган:

On Sunday, the 15th of the first Jemadi, Khwajeh Muhammed Ali came from Khost. He brought a saddled horse **as tribute**, and also some money as an **offering**. Muhammed Sherif Munejjim, and some sons of the Mirzas of Khost, accompanied Khwajeh Muhammed Ali, and **tendered their services** [239; 268]. – Якшанба куни, ойнинг ўн бешининг биринчи Жумасида Хўжа Муҳаммад Али Хостдан келди. У *ўлпон сифатида* эгарланган от ва яна бироз *пул совға* олиб келди. Муҳаммад Шариф Мунажжим ва Хост мирзаларининг баъзи ўғиллари Хўжа Муҳаммад Али билан бирга менга *дилдан хизмат қилишларини изҳор этдилар.*

Ж.Лейден–В.Эрскинда *пешкаш қилиб – as tribute –ўлпон сифатида* келса*, тасаддуқ – offering* – (пул) *совға, мулозамат қилдилар – tendered their services – дилдан хизмат қилишларини изҳор этдилар* каби муқобиллари орқали акс этган. Уларнинг таржимасидаги *Тасаддуқ – offering* совға пул индикатори орқали акс этиб, *мулозамат қилдилар*нинг инглизчадаги tendered their services деб берилиши таржимани жозибалироқ чиқишини таъминлаган. Аслият матни С.Беверижда эса қуйидагича таржима қилинган:

(May 15th) On Sunday the 15th of the first Jumada Khwaja Muhammad ‘Ali came from Khwast, bringing a saddled horse as **an offering** and also ***tasadduq***

money. Muh. Sharif the astrologer and the Mir-zadas of Khwast came with him and **waited on me** [233; 399]. **– (**15-Май) Якшанба куни биринчи Жумада Хўжа Муҳаммад Али Хостдан келиб, *совға тариқасида* эгарланган от олиб келиб, *тасаддуқ пули*ни ҳам келтирди. Муҳаммад Шариф билан биргаликда Хост Мирзазодалари келиб, мени *илтифот билан қарши олдилар.*

С.Бевериж ҳам *пешкаш қилиб*ни *an offering – совға тариқасида* берса, *тасаддуқ*ни аллитерация, яъни курсивда, талаффузини таржима қилиш орқали акс эттиради ва унга матности ҳавола келтирмайди. Унинг таржимасида киши номлари қисқартирилади ва сўнгги ибора *мулозамат қилдилар* – мени *илтифот билан қарши олдилар* тарзида акс эттирилади. Аскарларнинг чин дилдан хизмат қилишлари таржимада подшоҳни илтифот билан кутиб туришига ўзгартирилиб, ***мулозамат қилдилар*** аслият матни мазмунига мос келмай қолади. Аслият матни В.Текстонда эса қуйидагича таржима қилинган:

On Sunday the fifteenth of Jumada I, Khwaja Muhammad-Ali came from Khwast bringing a saddled horse **as a present** and also **aims money**. Muhammad Sharif the astrologer and the Mirzadas of Khwast also came with Khwaja Muhammad-Ali **to pay homage** [245; 286]. – Якшанба куни, ўн бешинчида, Жумада мен, Хўжа Муҳаммад Али Хостдан *совға сифатида* эгарланган от олиб келиб, *ният қилиб пул ҳам берди*. Муҳаммад Шариф мунажжим ва Хост мирзазодалари ҳам Хўжа Муҳаммад Али билан бирга менга *таъзим қилиш учун келдилар*.

В.Текстонда тўлиқ гап *мен, Хўжа Муҳаммад Али Хостдан келиб* жумлалари аслият мазмуни билан ҳамоҳанглик йўқолганини кўрамиз. Унинг таржимасида *пешкаш қилиб – as a present– совға сифатида* деб берилса, *тасаддуқ – aims money –ният қилиб пул бермоқ* тарзида акс эттирилган, *мулозамат қилдилар – to pay homage – таъзим қилиш учун келдилар*, яъни подшоҳга ўлпон, яхши ниятда келтирилган камбағаллар учун пул ва нозик ибора мулозамат қилдилар *to pay homage – таъзим қилдилар* билан акс эттирилган. Ушбу учлик Ж.Лейден – В.Эрскин, С.Бевериж, В.Текстон

таржимасида Ж.Лейден – В.Эрскиннинг варианти аслиятга яқин таржима дейиш мумкин. Агарда биз аслиятдаги: *Якшанба куни, жумодиулаввал ойининг ўн бешида Хожа Муҳаммад Али Хосттин келди. Бир эгарлик от* ***пешкаш қилиб, тасаддуққа*** *ёрмоқ ҳам келтурди. Муҳаммад Шариф мунажжим ва Хост мирзолари ҳам Хожа Муҳаммад Али била келиб,* ***мулозамат қилдилар***ни таржима қилишга уринсак, у инглиз тилида бундай акс этиши мумкин:

On Sunday, the fifteenth of the month of *Jumodiawwal*, Khwaja Muhammad Ali came from Khost bringing a saddled horse **as a present**, and **money given to charity**. Muhammad Sharif, the astrologer, and the mirzas of the Khost with Khwaja Muhammad Ali also came and **tendered me their service**.

Миллатга хос урф-одатлар таржимага ўз таъсирини ўтказади. Миллий-маданий ўзига хослик халқнинг дунё қараши, ўй - фикри, кундалик турмуш тарзи, экин экишидан тортиб, овқатланиш ахлоқ - одоби ва сиёсий - ижтимоий ҳаётида ҳам ўз аксини топади, ушбу миллий-маданий қадриятларни инсон ҳаёти давомида ҳеч қачон буза олмайди. «Бобурнома» асарида ҳам қўлланган ибораларнинг барчаси миллий ва маданийдир. Ушбу жиҳатларни тарихий мисолларда кўриш мумкин:

Ул фурсатлар Темурия салотини дастури била ***тўшак*** *устида ўлтурур эрдим. Ҳамза Султон била Маҳдий Султон ва Мамоқ Султонким келдилар, бу салотиннинг таъзимиға қўпуб* ***тўшак****дин тушуб, бу султонлар била кўруштум. Султонларни ўнг қўлда* ***боғишда ўлтурғуздум.*** *Муҳаммад Ҳисорий бошлиқ борча мўғуллар келдилар. Борча* ***мулозаматни ихтиёр қилдилар*** [64; 53].

Ушбу берилган мисолда ажратиб келтирилган *тўшак, боғишда ўлтурғуздум, мулозаматни ихтиёр қилдилар* миллий ва маданий жумлалардир. Уни табдилда мазмунини кузатамиз: У пайтда темурий султонлар расми билан *тўшак* устида ўтиргандим. Ҳамза Султон билан Маҳдий Султон ва Мамоқ Султон келганларида, бу султонларнинг таъзимига ўрнимдан туриб, *тўшак*дан тушиб, султонлар билан кўришдим. Султонларни

ўнг қўл томонимга ўтирғиздим. Муҳаммад Ҳисорий бошлиқ барча мўғуллар келдилар. Барчаси *мулозимликни ихтиёр қилдилар* [65; 49].

Аслият матнида темурий султонлар давридаги тўшакда ўтириш удум бўлгани, *мулозаматни ихтиёр қилмоқ* гапи султонларнинг кўпчилиги подшоҳга хизмат қилиши, яъни мулозимлик қилиш истагида бўлишини табдилда акс этганини кўрамиз, лекин *боғиш*нинг маъносини табдил муаллифлари очиб бера олмаган. Аслият мисолининг рус тилидаги таржимаси эса қуйидагича берилади:

В это время по обычаю султанов-тимуридов я восседал **на ложе.** Когда пришли Хамза султан с Махди султаном и Мамак султанам, я поднялся из уважения к этим султанам и, сойдя с ложа, поздоровался с султанами. Султаны **сели** по правую руку от меня, **скрестив ноги**. Моголы, подначальные Мухаммад Хисари, тоже явились; все они **пожелали мне служить** [66; 29]. – Бу вақтда темурий султонлар одатига кўра мен *тахтиравонда* ўтиргандим. Ҳамза Султон, Маҳди Султон ва Мамақ султонлар келганларида, мен бу султонлар билан кўришиш учун уларнинг ҳурматига тахтиравондан пастга тушиб, салом бердим. Султонлар *оёқларинини чалиштириб* ўнг томонимга *ўтиришди*. Муҳаммад Ҳисорга итоат қилувчи мўғуллар ҳам келишди. Уларнинг барчаси менга *хизмат қилиш истагини билдиришди*.

Аслият мазмуни рус тилида бироз ўзгарган, *тўшакда – на ложе,* яъни *тахтиравонда* деб ўгирилса, *боғишда ўлтурғуздум* тиз чўкиб эмас *сели скрестив ноги,* яъни рус миллатига хос *оёқларинини чалиштириб ўтиришди* тарзида берилган. *Мулозаматни ихтиёр қилдилар – пожелали мне служить – хизмат қилиш истагини билдиришди* деб тўғри таржима қилинган. Шу билан бирга унда от туркумига кирган *боғиш*нинг таржимаси табдил каби рус тилида ҳам акс этмаган. Рус тилида гапнинг қурилиш структурасини ҳисобга олсак, баъзи тушунчаларнинг миллатга хос нуқтаи назари, тушунча ёки ғоянинг таржима қилиниши таржимашунослик фанининг ўзига хос қоидаларига бўйсунишни тақозо этади, шунда айнан аслият сўзи *тўшак*нинг

рус тилида йўқлиги *ложа* тушунчасига кўчиб ўтади, ушбу фарқли жиҳатлар *боғишда ўлтурғуздум – сели скрестив ноги – оёқларинини чалиштириб ўтиришди* орқали аслият мазмунини қоплаганини кўрамиз. Таржимада тўшак тахтиравонга айланиб, султонларнинг ўтириш шакли чўк тушиб, тиззалаб ёки тиз чўкиб эмас, *оёқларини чалиштириб ўтирдилар*да акс этиб, таржимоннинг аслиятга айланма йўллар билан ёндашишлари мана шундай жараёнларда ўз исботини топган.

Нима учун рус халқида тўшак эмас курси ишлатилган? Туркий халқлар нега тўшакда ўтиради? Қуруқликда яшовчи халқларнинг тўшакда ўтириши урф-одат, бошқа томондан стулдан кўра тўшак қулай, уни тахлаб туя ёки отда олиб юриш осон, туркий қавмнинг аксарияти тўшакда ўтириб, овқат тановвул қилишлари ўзига хос турмуш тарзига айланган ҳолат. Бундан ташқари саҳро, чўлу биёбонларда ҳам курси эмас тўшак қулай анжомлиги, тарихда одамлар чодирларни туя ёки отда ўзи билан ташиб юришларини осонгина кўз олдимизга келтирамиз. Халқларнинг этнографик яшаш тарзи ва жойга боғлиқ ушбу жиҳатлар таржимада ўзига хос қийинчиликларни туғдиган. Қолаверса аслиятда муаллиф *Ул фурсатлар Темурия салотини дастури била* ***тўшак*** *устида ўлтурур эрдим*, дея урф бўлган жиҳатни ёдга солади. Аслият мисоли инглизча таржималарда яна-да ўзига хос акс этган бўлиб, Ж.Лейден – В.Эрскинда қуйидагича таржима қилинади:

On this occasion I received them sitting on a **toshak,** according to the custom of the sovereigns of the house of Taimur. Whem Khamzeh Sultan, with Mehedi Sultan and Mamak Sultan entered, I rose to do them honour, and descending from the toshak, embraced them, and **placed** them on my right hand **on a baghish**. A body of Moghuls, commanded by Muhammad Hissari, also came and **entered into my service** [239; I37]. – Шу муносабат билан мен уларни Темур хонадони удумига оид бўлган тўшакда ўтирган ҳолда қабул қилдим. Ҳамза Султон, Маҳди Султон билан бирга уларга ҳурмат бажо келтириш учун ўрнимдан туриб, тўшакдан тушдим, уларни қучоқлаб бағримга босдим

ва ўнг тарафимга **боғишга** ўтирғиздим. Муҳаммад Ҳисори томонидан бошқариладиган мўғуллар ҳам келиб, **менинг хизматимга киришди**.

Ж.Лейден – В.Эрскинлар аслиятни имкон қадар мазмунини акс эттиришга ҳаракат қилиб, *тўшакда*ни – on a toshak лексик калька, *боғишда ўлтурғуздум*ни – placed on a baghish буни ҳам калька усулида берса, *мулозаматни ихтиёр қилдилар* – entered into my service **–** хизматимга кирдилар тарзида таржима қилганлар**,** уларнинг таржимасида баъзи лексик бирликлар ўзгарса ҳам аслият матнига яқинроқ таржима бўлган деб ўйлаш мумкин. Аслият матни С.Беверижда қуйидагича таржима қилинган:

According to the custom of Timuriya sultans on such occasion, I had seated myself on a raised seat (***tushak*)**; when Hamza Sl. And Mamaq Sl. And Mahdi Sl. entered, I rose and went down to do them honour; we looked one another in the eyes and I placed them on my right, ***bagish da*.** A number of Mughuls also came, under Muhammad *Hisari;* all **elected for my service** [233; 59]. – Темурий султонларнинг урф-одатига кўра, мен ўзим баланд қилиб солинган ўрин (tushak)да ўтирган эдим; Ҳамза Султон, Мамақ Султон ва Маҳди Султонлар кирганида уларнинг ҳурмати учун ўрнимдан туриб, (*тўшак*дан) тушиб кўришдим ва уларни ўнг томонга *боғишда* ўтқаздим. Муҳаммад Ҳисорнинг қўл остидаги бир қанча мўғуллар ҳам келдилар. Уларнинг барчаси *менга хизмат қилиш учун овоз бердилар*.

С.Беверижда аслиятнинг миллатга хос иборалар *тўшак* қавсда курсивда берилади. *Боғиш* таржима қилинмасдан калька қилинади лекин *мулозаматни ихтиёр қилдилар* эса *менга хизмат қилиш учун овоз бердилар* тарзида акс этади. Шу жойда таржимон матности ҳавола келтириб ўтади. Унинг ҳаволаси қуйидагича акс этган: This pregnant phrase has been found difficult. It may express that Babur assigned the sultans places in their due precedence; that he seated them in a row; and that they sat cross-legged, as men of rank, and were not made, as inferiors, to kneel and sit back on their heels. Out of this last meaning, I infer comes the one given by dictionaries, “to sit at case,” since the cross-legged posture is less irksome than the genuflection, not to speak of the

ease of mind produced by honour received. *Of.f.18b* and note on Ahmad's posture; Redhouse *s.nn*. *baghish* and *bagdash*; and B.M. Tawarikh-i-guzida nasrat-nama, in the illustrations of which the chief personage, only, sits cross-legged – Ушбу ҳомиладор иборанинг мазмунини топилиши жуда мушкул бўлди. Бобур султонларни уларнинг мартабасига қараб тегишли жойларни тайинлаганлиги тасвирлаган бўлиши мумкин. Улар кетма-кетликда оёқларини чалиштириб ёки товонлари ва оёларининг учини кетига тегизиб, чўккалаб ўтирдилар. Сўнгги сўздаги маънодан ташқари мен луғатларда берилган «ўз ўрнида букланиб, ихчам ўтириш» деган хулосага келмоқдаман, чунки оёқларни бир бирига букиб, тиз чўкиб ўтиришлари урф одат деб қабул қилинган ва унинг мазмуни бошқалар учун у қадар ҳурматсизликни билдирмайди, чунки бу жойда қабул қилинган урф туфайли бамайлихотир ўтириш деган тушунчадан йироқ. *Tovarix-i-guzida nasrat-nama*га ишланган суръатларда унинг бош қаҳрамони оёқларини буклаб ўтириши кўрсатилган ва 18 саҳифадаги Аҳмаднинг ўтириш ҳолати бу ҳақида яхши эслатма бўлади: Редхауз с.нн ва *багдаш* ёки *боғиш*нинг маъноси, – деган ҳаволани келтиради.

С.Бевериж биргина *боғиш*га берилган ушбу ҳаволаси билан бизга аслият муаммосининг ечимига туртки бермоқда, чунки табдилда ва русча таржимада ҳам акс этмаган *боғиш* С.Беверижнинг иловасида тўлиқ акс этиб бўлган ва аслият мисоли В.Текстонда қандай ўгирилганига яна бир эътибор қаратамиз:

At that time, in accordance with the practice of Timurid rulers, I used to sit on a raised cushion. When Hamza Sultan, Mahdi Sultan, and Mamaq Sultan arrived, I rose to honor the princes, descended from the cushion platform, and held an interview with them, for which I seated them in the place of respect, to my right. All the Moghuls led by Muhammad of Hissar came and elected **to pay homage** [245; 41]. – Ўша пайтдаги темурий ҳукмдорларнинг амалиётига мувофиқ, мен кўтарилган баланд *ёстиқчада* ўтирардим. Ҳамза Султон, Маҳди Султон ва Мамоқ Султонлар келганларида, шаҳзодаларнинг шарафи учун ўрнимдан туриб, *ёстиқчали платформадан* улар билан

кўришиш учун пастга тушдим ва суҳбатлашиб, уларнинг ҳурматини жойига қўйиб, ўнг томонимга ўтқаздим. Муҳаммад Ҳисори бошқариб турган барча мўғуллар ҳам келиб, менга *илтифот кўрсатишларини бир овоздан айтдлар*.

В.Текстон *тўшак* ўрнида япон миллати қўллайдиган тўртбурчак юпқа ёстиқ шаклидаги *cushion – тўшакни* қўллайди, *боғиш*ни эса умуман таржимада акс эттирмайди, *мулозаматни ихтиёр қилдилар*ни elected **to pay homage яъни** *илтифот кўрсатишларини бир овоздан айтдлар* тарзида ўгирган. В.Текстон албатта юқоридаги таржималар билан таниш бўлган, лекин форсий вариантда акс этмаган *боғиш*ни ўз таржимасида акс эттиришни лозим топмаган деган хулосага келамиз. Таржимон темурийлар даврида удум бўлган анъанани назарда тутиб, аслият мазмунни очиб бериши мумкин эди. Аслида биз *боғиш*нинг ифодаланишини қуйидагича талқин этамиз. Боғиш: 1. топоним жой номи сифатида тепа жой, дўнг жой, сўз туркумидан от; 2. ҳайвоннинг номи – кийик; 3. кийик терисидан ясалган гиламча тарзида қўлланишини таржимонлар англамаган. Бобур кийик овлашни севган, табиат билан ҳамоҳанг ҳаёт кечинмалари унинг бир неча бор кийик овлаганини эслатиб ўтади. Ушбунинг исботи учун бир мисол келтирамиз: *Бу навоҳи кийиги асру қалин бўлур, бир мартаба овладук. Бир-икки кундин сўнг тамом аймоқлар келиб **мулозамат қилдилар*** [64; 141]. – Бу ерларда кийик жуда кўп бўлади. Бир маротаба овладик. Бир-икки кундан сўнг аймоқларнинг ҳаммаси келиб **мулозамат қилдилар** [65; 143].

Аслият мисоли *Ул фурсатлар Темурия салотини дастури била **тўшак** устида ўлтурур эрдим. Ҳамза Султон била Маҳдий Султон ва Мамоқ Султонким келдилар, бу салотиннинг таъзимиға қўпуб **тўшак**дин тушуб, бу султонлар била кўруштум. Султонларни ўнг қўлда **боғишда ўлтурғуздум.** Муҳаммад Ҳисорий бошлиқ борча мўғуллар келдилар. Борча **мулозаматни ихтиёр қилдилар***ни биз қуйидагича таржима қиламиз:

At that time I was sitting on a *toshak*[74] according to the custom of the Timurid sultans. When Hamza Sultan and Mahdi Sultan and Mamak Sultan came, I got off *toshak* for their respect, to bow to these sultans, and embraced them. I sat sultans on my right hand on deer skin carpet (*bagish)*[75]. All the Mughals, led by Muhammad Hisari, came and **tendered me their service.**

Демак хулоса сифатида айтиш мумкинки, мумтоз асар таржимаси ўта мураккаб вазифа, миллий-маданий қадриятларни ифодалаган ФБларни тўла тўкис ўгириш ҳар қачон ҳам осон бўлмаган. Таржимон учун нафақат мумтоз адабиёт тилини билиш, умубашарий эҳтиёжга молик жиҳатларни, ҳар қандай соҳани қамраб оладиган терминларни, тарихий давр лексикасини ўрганишни талаб этади, тарихий давр, нарса ва ҳодисалар хроникасидан яхши хабардор бўлиш кераклигини ўргатади.

§3.3. «Бобурнома»да «Тенгри» концепти ва фразеологик бирликлар инглизча таржимасининг қиёсий таҳлили

Биз қадрни йўқотиб, қайта топган халқмиз. Масжидлар, муқаддас китоблар, унутилган байрам, удум, урф-одатларимиз қайтиб келган бир замонда, ўз она тилимиз, тарих ва маданиятимиз муносиб ўрин топган даврда яшамоқдамиз. Шундай экан ўзбекман деган ҳар бир инсон ўз юртининг кечмишини ва ҳозирини мукаммал билмоғи, она тилисининг заргари бўлмоғи лозим[76]. Ўзбек халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ушбу фикрини келтирар эканмиз, маънавий қадриятлар, дин билан боғлиқ бўлган терминларни «Бобурнома»дан ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз, зеро «Бобурнома» ҳар қандай соҳа учун маълумотлар манбаи ҳисобланади.

«Бобурнома» Бисмиллаҳдан (*Басмала*[77]) сўнг «Тенгри Таолонинг иноятн билан...» жумласидан то охиригача Аллоҳга эътиқод руҳида ёзилган

[74] Cushon which is made of cotton iside.
[75] Fallow deer skin carpet. https://www.etsy.com/market/fallow_deer_hide
[76] Эркин Воҳидов. Сўзбоши. Маънолар маҳзани. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. Тошкент. – 2018, Б.3-4.
[77] http://islamdag.ru/vse-ob-islame/25098

асар, унда диний манбалар ва терминлар жуда кўп қўлланганки, муаллиф ўй-кечинмалари турли эмоционал характерларни қамраб олган:

«*Менинг кўнглумга келдики, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Ўзум тасаддуқ бўлайин,* ***Худой*** *қабул қилсун*»[78]. Ушбу кечинмада Заҳириддин Бобур Аллоҳнинг унга берган неъмати, фарзанди ҳақида қайғуриб, ўзининг жонини Ҳумоюнга тасаддуқ айлаши ва ҳар қандай отанинг фарзандига нисбатан оталик меҳрининг жўш уриши акс эттирилган.

Бобурнинг ушбу тасаддуқ воқеаси ёдга тушар экан, «Бобурнома»ни инглиз тилига ўгирган таржимон, В.Текстоннинг 1996 йил нашрига ёзган Салмон Рушдийнинг сўзбоши таъкидлари ёдимизга тушади. Ушбу сўзбошида Салмон Рушдий ўзининг болалик даврида шоҳ Бобурнинг ҳаёти ва биографиясини тинглаб юрган пайтидаёқ унга қизиқиши ортиб боргани, йиллар сайин асарни жиддий ўрганишга ўзида хоҳиш истаги туғилганини инглиз тилида ёзилган тадқиқотларда кузатиш мумкин. Заҳириддин Бобур ҳаётининг унга бўлган таъсири ҳақида хотирлаб, Салмон Рушдий бундай ёзади:

«Бобурнинг ўлими ҳақидаги ривоятни биринчи бор эшитганимда мен ҳали анча кичик бола эдим. Ҳикоя унинг фарзанди, валиаҳд Ҳумоюннинг бетоблик воқеаси билан бошланарди. Унинг иситмаси кўтарилиб, ҳарам табиблари валиаҳд ҳаётини қутқариб қололмасликларидан умидсизликка тушадилар. Шунда Бобур мулозимлари билан кенгашиб, унинг боши ва оёғи узра уч марта айланади ва ўзининг жонини фарзандининг ўрнига олишини Худодан ёлвориб сўрайди. Кейин Ҳумоюн қувватга кириб, соғаяди, Бобур ҳолсизланиб, 1530 йил 21 декабрда вафот этади[79]. Бу ривоят менга жуда қаттиқ таъсир қилган. Менинг юрагимда алланечук қўрқув билан мусулмон динидан бўлган Иброҳим Алайҳисаломнинг Аллоҳ муҳаббати йўлида ўзининг жигаргўшаси Исоҳни қурбон қилишга тайёр

[78] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Шарқ. Тошкент. – 2002. Б. 266.
[79]Thackston Wh. M. The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor. – “New York”, 1996. – 554 p.

турганини ҳеч ақлимга сиғдира олмайман, лекин бу Исмоил мусулмонларидаги ёзиб қолдирилган ҳақиқат. Отанинг қилаётган ғайриоддий хатти-ҳаракати Аллоҳга бўлган муҳаббатини шу орқали изоҳланадими? Ўзининг мўлтираб турган, жонидан азиз бўлган фарзандининг кўзига қандай қараб, ота шу амални, қурбонликни қандай адо этади? Бу борада ҳар икки шахс бир дин вакили бўлган, яъни Бобурнинг хатти-ҳаракати *ёмон иш*га қўлланган чора деб биламан. Аллоҳга бўлган муҳаббат бу ерда қарама-қарши маънода бўлса-да, аммо ҳақиқатга яқин қурбонликни: ота вафот этади, мурғак фарзанд хасталикдан фориғ бўлади. Бобур ва Ҳумоюннинг ривояти ва унинг оталарча муҳаббати қалбимга метиндек михланиб қолди» (Таржима бизники).

Бу каби фикр-мулоҳазалар халқаро адабий алоқалар (диний мунозаралар)да Бобурнинг жасорати фарзандини севиб, жонини фидо айлаши ва *кетиш* ихтиёри Аллоҳ муҳаббатига тенглаштирилган. «Бобурнома»да *Тангри*нинг тез-тез ёдга олиниши ва муаллиф кечинмаларида турли ҳолатларда ўзи билан бирга боришини «Бобурнома»да дуч келамиз.

Тенгри тушунчаси Мирзааҳмад Олимовнинг «Бобурнома»да Аллоҳ исмлари ва сифатлари талқини»[80] номли рисоласида Унинг исмлари тафсилотини келтирилади:

Холиқу Қоҳиру Субҳону Азийм,

Розиқу Қодиру Раҳмону Раҳийм.

У **Холиқ**дир – ҳамма нарсани яратувчи, йўқдан бор қилган Зотдир; **Қоҳир**дир – бутун мавжудотга ғолибдир, қиёмат куни баъзи бандаларига қаҳр қилгучидир, ҳамма нарса Унинг остидадир, ҳеч нарса Унинг ҳукмидан ташқари чиқа олмайди; **Субҳон**дир – ҳар қандай айбу нуқсондан буткул пок ва муназзаҳдир; **Азийм**дир – улуғдир, улуғлик мартабаларининг энг юксак, энг буюк мартабасидир. **Розиқ**дир – бутун махлуқотнинг ризқини хоҳлаган тарзида, хоҳлаганича берувчидир; **Қодир** – қудрат соҳибидир, хоҳлаган ишини қилади, хоҳламаган ишини

[80]Олимов М. «Бобурнома»да Аллоҳ исмлари ва сифатлари талқини. «Фан», Тошкент – 2002. Б.5-12., 76 б.

қилмайди; **Раҳмон**дир – беҳад меҳрибондир, дунё ҳаётида бутун махлуқотга меҳрибонлик қилувчидир; **Раҳийм**дир – охиратда фақат мўъминларга раҳм қилувчидир[81]. Суннийлик мазҳаби ва мотуридия таълимотига кўра, Аллоҳни бирор нарса ёки зотга ўхшатиш, бошқа нарсаларни ҳам Унга ўхшатиш ман этилади, ҳатто Унинг зоти ва сифатлари тўғрисида баҳс юритиш ҳам тақиқланади. Бошқа айрим мазҳаблар ва тасаввуф тариқатларида бу тақиқлардан четга чиқилган, Алишер Навоий ва Бобур асарларида эса бу талабларга аксинча қатъий риоя қилинган: «Бемонандлиғинға «лайса камислиҳи шайъун» гувоҳи содиқ, бепайвандлиғинға «лам ялид ва лам юлад» далили мувофиқ. Ҳар негаким ташбиҳ қилинса, ўхшамассен, яхши боқилса, ул Сендин дурур ва Сен ул эмассен» (Алишер Навоий. Муножот)[82].

Демак, таржимон дунё халқлари дин - эътиқодини яхши билиши, ҳатто динга алоқадор воқеа-ҳодисаларни таҳлил ва талқин этиб, ўз муносабатини билдириши, ўзига хос дунёқарашини белгилаб берар экан. Шунингдек, «Бобурнома»да Аллоҳнинг *Тенгри* лексик майдонида тадқиқот олиб бориш билан бирга диний терминлар фразеологик бирликлар орқали ҳам қўлланганини кўрамиз: *Тенгри таоло фазл ва карами била, Тенгри иноятибила, Тенгри еткурса, Тенгри рост келтурса, Тенгри ҳукмини буткармоқ, Тенгри раҳматиға бормоқ, Тенгрининг хостидин ўзга бўлмас, Тенгрининг қошида осий бўлмоқ, Тенгри таоло рўзи қилди, Тенгрига таваккул қилиб* каби ФБлар ва диний терминлар қўлланган бўлиб, уларнинг инглизча таржимаси қуйидагича акс этган:

[81]Заҳириддин Муҳаммад Бобур хазиналари. Мубайян ва насрий баёни. «Шарқ», Тошкент – 2014. Ҳамд баёни. Б.373.
[82]Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. «Шарқ»нашриёти матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. – Тошкент 2017 688 б.: Б. 31.



3.4-расм. Тенгри лексик семантик майдони.

Юқоридаги тасвирда келтирилган инглизча ва ўзбекча: *Тенгри таоло фазл ва карами била* – by blessing of the Almighty God, *Тенгри иноятибила* – by the God's grace, *Тенгри еткурса* – If God willing!, *Тенгри рост келтурса* – If God brings it right, *Тенгри ҳукмини буткармоқ* – to go to God's mercy, *Тенгри раҳматиға бормоқ* – to go to God's mercy *Тенгрининг хостидин ўзга бўлмас* – If God will, *Тенгрининг қошида осий бўлмоқ* – to be sinful in the sight of God, *Тенгри таоло рўзи қилди* – God will grant, *Тенгрига таваккул қилиб* – relying upon God каби мисолларнинг барчаси ФБдир. Уларни жадвалга солиб кўрсак ҳар бир тилда ўз аксини топганини аниқ кўра оламиз:

3.3-жадвал

***Тенгри* лексик семантик майдонидаги фразеологик бирликлар таржимасининг жадвалда қиёсий акс этиши.**

№	*ТЕНГРИ* лексик майдони (аслият)	Табдил	Русча таржима	Лейден – Эрскин таржимаси (1826)	Сусанна Бевериж таржимаси (1921)	Вильер Текстон таржимаси (1996)
1.	Тенгри таоло фазл ва карами била [107].	Тангри таолонинг фазл карами билан [105].	Аллах великий по своей милости [80].	by the blessing of Almighty God [136].	by Almighty of God’s bounty and mercy [199].	through God’s grace and favor [151].
2.	Тенгри инояти била [81].	Тангри инояти билан [79].	С божьей помощью [57].	By the divine favor [89].	By God's grace [(202) 235.].	Through God’s favor [101].
3.	Тенгри еткурса [249].	Тангри насиб қилса [264].	с волей божьей, [207].	in Almighty God [401].	God willing! [645].	from God Almighty [434].
4.	Тенгри рост келтурса [241].	Худо хоҳласа [255].	если бог поможет [200].	God willing [388].	God bringing it aright [617, 618].	God willing [419].
5.	Тенгри ҳукмини буткармоқ [130].	Тангри ҳукмини битказибди [130, 132].	исполнился божий приговор [102].	expired at Nilab [181].	went to God’s mercy at Nilab [265].	died at Nilab [199].
6.	Тенгри ҳукмини буткармиш [131].	Тангри раҳматига борибди [132].	исполнился божий приговор [Р.В. 102].	she had departed to the mercy of God [183].	had fulfilled God’s will [268, 269].	had departed to the mercy of God [183].
7.	Тенгри раҳматиға борди [38].	вафот этди [33].	отправился к милости Аллаха [15].	was received into the mercy of God [10].	he went to God’s mercy [18].	passed away [11].

8.	Тенгри раҳматиға борибтур [38].	тангри раҳматига борибди [33].	отправилась к милости Аллаха [16].	she has gone to the mercy of God [10].	she' has gone to God's mercy [74, 75].	had gone to God’s mercy [12].
9.	Тенгрининг хости бўлса, ул бўлғусидур [79].	Тангрининг хоҳиши бўлса, ўша бўлгусидир [77].	будет так, как захочет бог [55].	whatever God’s will might be, be it done [86].	whatever was God’s will, would happen [131].	what would be would be [98].
10.	Тенгрининг қошида осий бўлди [49, 50].	Тангри қошида осий бўлди. [45].	Перед богом он был ослушником [26].	accursed of God [31].	A sinner before God [50].	to be sinful in the sight of God [34].
11.	Тенгри таоло рўзи қилди [155, 156].	Тангри таоло катта катта фойдани насиб қилгусидир [157].	великий Аллах в воздаяние пошлет нам эту добычу целиком [122].	Almighty God bestowed [225].	the Most High God apportioned [331].	God will grant us great benefits [250].
12.	Тенгрига таваккул қилиб [158].	Тангрига таваккал қилиб [160].	возложив упование на Аллаха [124].	who was a man of judgement [231].	putting out trust in God [337].	relying upon God [255].
13.	Тенгри берди [80].	яна Тангри қайтариб берди [78].	Бог снова отдал нам владения [56].	Almighty God now restored it to me [88].	God gave it again! [134].	our hands had been retored by God [100].

Юқорида келтирилган жадвалдан кўринадики, ўндан ортиқ Тенгри лексик майдонида айланувчи ФБ ва ФБ бўлмаган диний тушунчалар русча, инглизча таржималарда акс этиб, ўзига хос таржима услубини юзага келтирган. Улар жадвалдагина шундай кўришга эга, бироқ уларни тўлиқ матн ичида ФБлар ва диний бирикмаларнинг ҳар уч тилда таҳлил этилса, янада тасаввурни бойитишга олиб келади ва тушунарлироқ бўлади.

Рабиулаввал ойининг авохирида ***Тенгри таоло фазл ва карами била*** *Кобул ва Ғазни мулк ва вилоятини бежанг ва жидол муяссар ва мусаххар қилди* [64; 107]. Ушбу мисолдаги ***Тенгри таоло фазл ва карами била*** «Бобурнома»нинг табдил ва русча таржимасида ҳам тўлиқ акс этган. – Раби ул-аввал ойининг охирида **Тангри таолонинг фазлу карами билан** Кобул ва Ғазни мулк ҳамда вилоятлари жанг жадалсиз менга муяссар бўлди ва фатҳ этилди [65; 105]. Ушбу мисол таржимаси рус тилига қуйидагича берилади:

В конце месяца раби' первого **Аллах великий по своей милости** и великодушию без боя и сражения подчинил и отдал мне царство и область Кабула и Газни [66; 80]. Аслият маҳсули ***Тенгри таоло фазлу ва карами била,*** табдилда *Тангри таолонинг фазлу карами билан,* русча тилида *Аллах великий по своей милости* каби ўз шакл ва мазмунига эга бўлган ҳолатда акс этган.

Муаллиф Тангри таолони балою-қазолардан омон қолган масъуд дамлар баёнида ҳадсиз шукроналар билан тилга олади. Аллоҳ унга икки марта сиёсий маънода тушунилган мулку давлатни жангу жадалларсиз эҳсон тариқасида иноят қилган: биринчи марта Андижон вилоятини, 12 ёшида, иккинчи марта Кобул ва Ғазни вилоятларини 21 ёшида. Унинг мағлубиятлардан умидсизликка тушмай, хатарлардан қўрқмай, худонинг унга атагани ҳозирча бу майдонда эмаслигини тушуниб, Тангридан мадад сўраб, унга таваккал қилиб, янги бир талаб майдонга мардона от солиб кирганлиги учун[83] унга иноят қилган.

Тангри тушунчасига кирган ***Тенгри таоло фазл ва карами била*** ФБи инглизча Ж.Лейден ва В.Эрскинда таржимасида қуйидагича акс этган: In the latter end of the month of the latter Rabia, **by the blessing of Almighty God**, I gained possession of Kabul and Ghazni, with the country and provinces dependent on them, without battle or contest [239; 136]. – Ой охирлари, Робия ойининг иккинчи ярмида **Қодир Тангримнинг марҳамати билан** мен Кобул ва Ғазни

[83]Олимов М. «Бобурнома»да Аллоҳ исмлари ва сифатлари талқини. «Фан», Тошкент – 2002. Б.9., 76 б.

ва уларга қарам бўлган мамлакат ва вилоятларни жангсиз ва рақобатсиз эгаллаб олишга эришдим.

Ж.Лейден ва В.Эрскин таржимасида жумла ниҳоятда кенг қамровли акс эттирилган. Она тилига қайта ўгирилганда *ва* боғловчиси тўрт марта қўлланган, аслиятга қараганда ошиши кузатилган, таржимон диққат эътиборнинг жамланишини ва мазмунини қиёслашда эса аслиятга қайта-қайта мурожаат этиши лозим эди. *Тенгри таоло фазлу ва карами била* уларнинг таржимасида *by the blessing of Almighty God– Қодир Тангрининг марҳамати билан* тарзида муқобили акс этган.

Аслият мисоли С.Беверижда қуйидагича акс этган: It was in the last ten days of the second Rabi that without a fight, without an effort, **by Almighty of God's bounty and mercy**, I obtained and made subject to me Kabul and Ghazni and their dependent districts [233; 199]. – Иккинчи Рабиянинг охирги ўн кунлигида мен **Қодир Тангрининг меҳрибонлиги ва марҳамати билан** Кобул, Ғазни ва уларга қарашли туманларни жангсиз, кучсиз, қўлга киритдим ва уларни ўзимга бўйсундирдим.

Аслият маҳсули *Тенгри таоло фазлу ва карами била* инглизчада *by Almighty of God's bounty and mercy* яъни *Қодир Тангрининг меҳрибонлиги ва марҳамати билан* тарзида таржима қилинган. Унинг таржимасида *ва* боғловчи кўп ишлатилмаган лекин *охирги ўн кунлик* – in the last ten days билан *ўзимга бўйсундирдим – made subject to* каби мушунчалар орқали аслият мазмуни қопланган. ФБ *Тенгри таоло фазлу ва карами била* инглизча *by Almighty of God's bounty and mercy*, яъни унинг *Қодир Тангрининг меҳрибонлиги ва марҳамати билан* тарзида акс этган.

В.Текстонда аслият мисоли қуйидагича таржима қилинади: Toward the end of Rabi'I [September], **through God's grace and favor**, I regained once more the kingdom of Kabul and Ghazni without blododshed [245; 151]. – Рабии (сентябр) ойи охирига келиб, **Худонинг иноят ва марҳамати билан** мен яна қайтадан Кобул ва Ғазни қиролликларини қон тўкишларсиз қўлга киритдим.

В.Текстоннинг таржимасида ҳам *ва* боғловчиси камроқ қўлланган, таржимадаги *Рабиулаввал* ойининг end of Rabi'I [September] гапини қўшиш орқали таржимага аниқлик киритган. Мубҳам ибора ***Тенгри таоло фазл ва карами била***ни ҳозирги замон инглиз тилидаги *through God's grace and favor – Худонинг иноят ва марҳамати билан* тарзида акс эттирган. Ж.Лейден ва В.Эрскинлар аслият маҳсули ***Тенгри таоло фазл ва карами била***ни *by the blessing of Almighty God Қодир Тангрининг марҳамати билан* деб акс эттирса, С.Бевериж *by Almighty of God's bounty and mercy – Қодир Тангрининг меҳрибонлиги ва марҳамати билан*, дея таржима қилган. В.Текстон эса *through God's grace and favor – Худонинг иноят ва марҳамати билан* тарзида акс эттирганини гувоҳи бўламиз.

Аслият матнига кўра тўртта сўз бирлиги 1) *Тенгри*; 2) *таоло*; 3) *фазл*; 4) *карами* ва иккита *ва, била* боғловчилар Ж.Лейден ва В.Эрскин таржимасида 3та 1) *blessing of* 2) *Almighty* 3) *God* ва предлоглар *by, of, the* аниқ артикллар қўлланган. С.Беверижда 4та *by* 1) *Almighty of,* 2) *God's,* 3) *bounty and,* 4) *mercy* лексик бирликдан ташкил топган бўлиб, *by; of* предлог ва *and* боғловчи қўлланган. В.Текстонда эса учта *through* 1) *God's,* 2) *grace and,* 3) *favor* лексик бирликлар ва 2та *through, and* боғловчилар акс этган.

Таржималардан кўринадики, аслият матни бир неча бор таржима қилинмасин, сўзлар аслиятга қараганда бирида ошган, бирида камайган лекин мубҳам ибора ўз маъно ва ифодасини сақлаб қолган, ҳар бир таржимада эквивалентлик ҳодисасига учраган, шунинг билан таржимонлар мазмун яхлитлигига эътибор қаратгани ҳолда ўзларининг вариантларини ҳавола этган.

Бу каби Тенгри билан боғлиқ иборалар ва таржимада уларнинг эквивалентлик борасида сўз борганда, улар «Бобурнома»да жуда кўп учраши, айниқса диний терминлар тадқиқида кўзга яққол ташланишини айтамиз: ***Тенгри иноят била*** *Сўғд ва Миёнкол қўрғонлари уч-тўрт ойда аксар бизга ружуъ қилдилар. Боқи тархон ҳам фурсат топиб келиб, Қарши қўрғониға кирди* [64; 81]. – **Тангри иноят билан** Сўғд ва Миёнкол қўрғонлари уч-тўрт

ойда аксар бизга томон юзландилар. Боқи тархон ҳам фурсат топиб келиб, Қарши қўрғониға кирди [65; Т.79].

Аслият мисолидаги ***Тенгри иноятн била*** табдилдаги *Тангри иноятн билан* тарзида акс этиб, деярли асар лексикаси ҳар томондан тушунарлидир. Ушбу мисол рус тилида қуйидагича таржима қилинган бўлиб, ибора мазмуни худди шундай кўчган. – **С божьей помощью** самое большее через три-четыре месяца крепости Сугуда и Миankала вернулись к нам. Баки тархан, воспользовавшись, случаем, также явился и выступил в крепость Карши [66; 57]. – *Худонинг ёрдами билан* кўпи билан уч-тўрт ой ичида Сўхд ва Миянқал ўзимизга қайтди. Бу имкониятдан фойдаланиб, Боқи Тархон ҳам пайдо бўлди ва Қарши қалъасига бостириб кирди. Таржимадан кўринадики, аслиятдаги ФБ ва мазмун тўлиқ акс этган бўлиб, ҳеч қандай изоҳнинг ҳожати йўқ. Аслият мисоли Ж.Лейден ва В.Эрскинда қуйидагича таржима қилинган:

By the divine favor, before the end of three or four months, most of the fortified places of Soghd and Miankar had come under my allegiance. Baki Terkhan, too, seized a favorable opportunity, and entered the fort of Karshi [239; 89]. – **Илоҳнинг марҳатмати билан** учинчи ва тўртинчи ой охирига келиб, Сўғд ва Миёнкарнинг мудофаа иншоатлари ва қурилган жойларнинг кўпи менинг тасаруфимда эди. Боқи Тархон ҳам қулай фурсат пойлаб имкониятдан фойдаланиб, Қарши қалъасига кирди.

Лейден-Эрскинлар *Тенгри иноятн била*ни **By the divine favor,** яъни Илоҳнинг марҳамати билан тарзида унинг муқобилини таржимада акс эттиради, лекин жой номлари Miankar-Миёнкар-Миёнкол каби транскрипция ва транслитерация ҳолатида баъзи камчиликларга йўл қўйганини ҳам кўришимиз мумкин. Аслият матни С.Беверижда қуйидагича таржима қилинади:

By God's grace, all the forts of Soghd and Miyan-kal returned to me within three or four months. Over and above this, Baqi Tarkhan seized this opportunity to occupy Qarshi; Khuzar and Qarshi [233; 235.]. – **Худонинг иноятн билан** уч-тўрт ой ичида Сўғд ва Миён-калнинг барча қалъалари менга қайтарилди.

Бунинг устига устак Боқи Тархон Қарши ва Кузарни эгаллаш имкониятини қўлдан бой бермади. С.Бевериж ФБ *Тенгри иноятибила*ни инглизча *By God's grace*, яъни *Худонинг иноятибилан* тарзида таржима қилса, С.Бевериж ҳам Лейден Эрскинлар каби жой номларидан бири Ғузорни Khuzar (Кузар) деб акс эттирган. В.Текстон аслият матни қуйидагича таржима қилинади:

Through God's favor most of the Sughd and Mian Kal fortresses returned to us in three or four month. Baqi Tarkhan took the opportunity to enter the Karshi fortress [245; 101]. – **Худонинг марҳамати билан** уч-тўрт ой ичида Сўғд ва Миян Кал қалъаларининг аксарияти бизга қайтарилди. Боқи Тархон Қарши қалъасига кириш имкониятидан фойдаланди.

В.Текстон ФБ *Тенгри иноятибила*ни инглизча *Through God's favor,* яъни *Худонинг марҳаматибилан* тарзида берган бўлиб, ушбу таржимон ҳам юқоридаги таржимонлар каби йўл қўйган хатони қилади. Унинг таржимасида Mian Kal – Миян Кал каби акс этгани кўрамиз.

Бобур ҳаётида икки марта ҳеч қандай талофатларсиз ҳудудни қўлига киритган деган тушунча юқорида зикр этилди. Шундан бири Кобул ва Ғазни вилоятидир. Шунинг учун ҳам ***Тенгри таоло фазл ва карами била*** муяссар ва мусаххар қилганини «Бобурнома»да баён этилган. Ушбу ***Тенгри карам қилмоқ*** асарда яна бошқа жойида ФБ орқали ўз ифодасини топган: *Неча кундин сўнгра эр ўғул* ***Тенгри карам қилди****, хабардин бурна уч кун туққондин сўнгра онаси олидин хоҳи ва нахоҳи олиб уйимизга келтуруб сахлабтурлар. Чун валодатининг хабарини йибордук. Бҳирани олғонда бу хабар етар, таяммунан ва тафаъулан отини Ҳиндол қўйдилар* [64; 164]. – Бир неча кундан сўнг **Тангри карам қилиб,** ўғил фарзанд берди. Хабар юборишдан бурун туғилганига уч кун бўлганида онаси олдидан унинг хоҳиш-иродасига қарамай, уйимизга олиб келиб асрабдилар. Туғилганлигини эшитганимиз ҳақида юборган хабаримиз Бҳирани олган пайти етиб боради. Қутлуғ билиб ҳамда **яхшиликка йўйиб** отини Ҳиндол қўйдилар [65;166]. Ушбу мисолнинг таржимаси фақатгина табдилда тўлиқ акс этган лекин русча, уч хил кўринишга эга инглизча таржималарда тўлиқ акс этмаган.

Тенгрининг карам қилишини Ғайбулла Саломов ва Неъматилла Отажоновларнинг «Жаҳонгашта Бобурнома» монографиясида Бобурнинг Бҳира устидан қозонилган ғалабасига нисбатан Аллоҳнинг «Бобур Ҳиндни ол!» дея чорлагани ва шу туфайли *шугун тутиб* (яхши ният қилиб) фарзандига Ҳиндол деб исм қўйгани таъкидланган. Илоҳий тушунчалар реал воқеа-ҳодисалар билан боғланиб, муаллиф фалсафаси акс этганини кўрамиз. *Тенгрининг карам қилиши*ни эса Бобур ҳиндни забт этган маҳалда рўй бергани учун ўғлининг исмини Ҳиндол деб қўйган ва ушбу ҳодисани яхшиликка йўйганини ўзи баён этган, лекин таржималар даврини босиб ўтган «Бобурнома»нинг инглизча таржималарининг ҳеч қайси бирида бу тушунча учрамайди. Мисол учун Ж.Лейден ва В.Эрскин таржимасини олайлик:

While we remind here, I received a letter from Maham, in which she said, “Whether the expected child be a son or daughter, I shall take my chance; I will regard the child as mine, and educate it as my own.” On the 26th, in this same camp, I gave up Hindal to Maham, and, writing an answer to her letter, sent it to Kabul by Yusef Ali Rikabdar [239; 250]. – Биз бу ерда эслатиб турганимиздек мен Маҳамдан хат олдим, унда ёзилишича «Кутилаётган бола ўғил ёки қиз бўладими, мен шу имкониятдан фойдаланиб болани ўзимники деб билай ва уни ўз фарзандимдек тарбиялай». 26-куни, худди шу қароргоҳда мен Ҳиндолни Маҳамга топширдим ва унинг хатига жавоб ёзиб, уни Юсуф Али Рикобдордан Кобулга жўнатдим, дейилади. Аслият мисоли С.Беверижда қуйидагича берилади:

While we were in those parts, came a letter from Mahim in which she wrote, “Whether it be a boy, whether it be a girl, is my luck and chance; give it to me; I will declare it my child and will take charge of it.” On Friday the 26th of the month, we being still on that ground, Yusuf-i-ali the stirrup-holder was sent off to Kabul with letters bestowing Hindal, not yet born on Mahim [233; 374]. – Биз ўша ҳудудларда бўлганимизда, Маҳимдан бир мактуб келди, унда у шундай деб ёзган эди; «Ўғил бўлсин, ҳо у қиз бўлсин, бу менинг омадим ва имкониятим; уни менга беринг; мен уни ўз фарзандим деб овоза қиламан ва унга

ғамхўрлик қилишни ўз зиммамга оламан». Жума куни ойнинг 26 - сида биз ҳали ҳам ўша ерда эдик, чопар эгаси Юсуф-и-Алидан ҳали Ҳиндол туғилмаган пайтда Кобулга Маҳимга мактуб юборилди. В.Текстонда аслият мисоли қуйидагича берилади:

After Humayun several infants were born to Humayun's mother, but none survived. Hindal had not been born yet. While in this region a letter came from Mahim in which she wrote, "Whether it be a boy or a girl, I will take my chances. Give the child to me and I will raise it as my own." [84] (Babur's wife Mahim is asking him to give her Dildor's unborn child, who turned out to be Hindal Thackston 496). On Friday the twenty-six, at this same camp, I gave the as—yet-unborn Hindal to Mahim and wrote letter for Yusuf Ali Rikabdar to take to Kabul. [245; 267]. – Ҳумоюндан кейин унинг онаси тарбия қилиши учун бир неча чақалоқлар дунёга келди аммо уларнинг ҳеч қайси бири омон қолмади. Ҳиндол ҳали туғилмаган эди. Ушбу минтақада бўлганимда Маҳимдан мактуб келиб, у хатда шундай ёзган эди: «Ўғил ёки қиз бўлсин, мен имкониятимдан фойдаланаман. Болани менга беринг, мен уни ўзимникидек тарбиялайман». (Бобурнинг рафиқаси Маҳим Дилдорнинг ҳали туғилмаган боласини ундан беришни сўрамоқда). Йигирма олтинчи сана жума куни, худди шу қароргоҳда мен ҳали туғилмаган Ҳиндолни Маҳимга бердим ва Юсуф Али Рикабдорга Кобулга элтиши учун хат ёздим.

Демак уч турдаги таржималардан кўринадики, инглиз тилида чиройли ва мазмунли таржима бўлган бўлса ҳам аслият матни адекват тарзда акс этмаган. «Бобурнома» матнининг қайта тикланишида аввалги нусхалар таржимонларнинг қўлида бўлган, деган тахмин бўлиши мумкин, лекин аслиятда *Неча кундин сўнгра эр ўғул* ***Тенгри карам қилди***, *хабардин бурна уч кун туққондин сўнгра онаси олидин хоҳи ва нахоҳи олиб уйимизга келтуруб сахлабтурлар. Чун валодатининг хабарини йибордук. Бҳирани олғонда бу хабар етар, таяммунан ва тафаъулан отини Ҳиндол қўйдилар*, деб

[84]Thackston Wh. The Baburname. Memoirs of Babur, Prince and Emperor. The modern library. New York. – 2002., P. 267.

берилгани аён бўлиб турибди. Ушбу матнни биз инглиз тилига қуйидагича таржима қиламиз:

A few days later to God’s willing and gave birth to a son. Three days before the message was sent, she was brought our home in front of her mother, despite her wishes, and adopted. The message we sent that we had heard of his birth that would reach the moment he received Bhira. Knowing the remembrance and spreading the news for good, named him Hindol in good faith.

«Бобурнома»да қўлланган диний терминлар инглизча таржималарнинг барчасида акс этган. Айниқса В.Текстон таржимасида Аллоҳ лексик майдонидаги ФБлар тўлиқ очиб берилган. Тенгрининг когнитив ва концептуал талқини ва унга алоқадор бўлган фразеологик бирликларни кузатишда қуйидаги тасвирда аниқроқ кўришимиз мумкин:



3.5–расм. Тенгри лексик семантик майдони.

Юқоридаги тасвирдан кўринидаки, ўлмоқ лексик майдонидаги ФБлар асардаги турли ҳолат ва жараёнда содир бўладиган воқеаларни ёдга солади.

3.4 – жадвал

Тенгри лексик семантик майдонидаги фразеологик бирликлар таржимасининг жадвалда акс этиши.

№	***ЎЛМОҚ*** **лексик майдони (аслият)**	**Табдил**	**Русча таржима**	**Лейден – Эрскин таржимаси (1826)**	**Сусанна Бевериж таржимаси (1921)**	**Вильер Текстон таржимаси (1996)**
1.	Тенгри раҳматиға борибтур [38].	тангри раҳматига борибди [33].	она отправилась к милости Аллаха [16].	she has gone to the mercy of God [10].	she' has gone to God's mercy [74, 75].	had gone to God’s mercy [12].
2.	шунқор бўлди [37].	шунқор бўлди [32].	полетел в овраг и умер [14].	took his flight to the other world [7].	became a falcon [68].	gave up the ghost [8].
3.	қиличқа бориб [141].	қилич остида қолди [142].	погибло от стрел и от сабель [110].	them were slain by the sword	died by arrow and sword, [(295) 361].	fell to the sword [221].
4.	сувға ғарқ бўлур [257].	сувға ғарқ бўлади [273].	утонули в реке [213-214].	were drowned [417].	were drowned [671].	sank [449].
5.	Чир суйиға борди [46].	Чирчиқ сувига ғарқ бўлди [41].	на берегах Чира, Дервишбек [погиб], утонув в реке [22].	on the banks of the Chir, he perished in the river [25].	He was drowned in the Chir [39].	on the banks of the Chir, he was drowned in the river [26].
6.	ўзин дарёға солди, ғарқ бўлди [50].	у ўзини дарёга ташлаб, ғарқ бўлди [46].	он кинулся в реку и утонул [26].	he threw himself into the river, and was drowned [32].	threw himself into the river and was drowned [50].	he threw himself into the river and was drowned [34].

7.	Ироқта ғариблиқта нақл қилди [131].	Ирокда ғарибликда вафот этди [131].	умерла в Ираке, на чужбине [101].	went to Irak, where she died in distress [182].	in Iraq she died in great misery [268].	where she died in a foreign land [201].
8	зойиъ бўлди [57].	нобуд бўлди [53].	погибли в этой пропасти [33].	perished at this precipice [45].	perished there [70].	losing many of his men over the cliff [51].
9.	Андижонда вафот қилғон экандур [86].	Андижонда вафот қилган экан [85].	скончалась в Андижане [62].	paid the debt of mortality at Andejan, [99].	have died in Andijan [149].	passed away at Andizhan [112].
10.	Кўп эли бу учмада зойиъ бўлди [57].	Кўп эли бу учмада нобуд бўлди [53].	его люди погибли в этой пропасти [33].	Many of his men perished at this precipice [45].	but many of his men perished there [70].	losing many of his men over the cliff [51].
11.	дунёйи фонийни видоъ қилдилар [39].	ҳаётдан кўз юмдилар [34].	простились с бренным миром [16].	departed from this perishable world [12].	bade farewell to this transitory world [77].	bade farewell to this mortal world [14].
12.	олами фонийни видоъ қилди [43].	ўтар дунё билан видолашди [39].	он простился с сим бренным миром [20].	departed from this transitory world [20].	, he bade farewell to this transitory world [33].	he bade farewell to the mortal world [22].
13.	оламдин нақл қилди [113].	оламдан ўтди [112].	ушел из мира [85].	He took his departure from this world [148].	he left this world [148].	He passed away [164].

14.	(бедиллик била) афсона бўлдилар [53].	юраксизлик билан афсона бўлдилар [49].	прослыли трусами и сделались притчей, из-за своего малодушия [30].	became notorious for want of spirit [38].	won the resounding fame of cowards [60].	for cowardice and became synonymous with timidity [42].
15.	қатлға борур [246].	ўлимга бордилар [261].	погибли убитыми [205].	fell in the action [397].	were slain [636].	were put to death [429].
16.	олти кунда оламдин кечти [48].	олти кунда оламдан ўтди [43].	через шесть дней он ушел из мира [24].	of six days, departed this life [28].	in Six days, passed from the world [45].	within six days passed from this world [30].
17.	отаси замонида-ўқ оламдин борди [130].	отаси замонидаёқ оламдан ўтди [130].	ушел из мира еще при жизни своего отца [100].	departed this life before his father [180].	departed from the world in his father’s lifetime [264].	departed this world during his father’s lifetime [198].
18.	оламдин борди [46].	оламдан ўтди [42].	покинул сей мир в области Ахси [22].	departed this life [25].	He left the world [40].	departed this world [27].
19.	бу дунёдин риҳлат қилди [130].	Бу дунёдан сафар қилди [130].	Он ушел из мира [100].	He bade farewell to the world [264].	Did not survive [181].	He drank himself to death [199].

Муаллиф тарихий шахслардан бири Султонимбегимнинг вафоти ҳақида «Бобурнома»да шундай ёзади: *Бир қиз, бир ўғул, бўлуб эди. Қизини Шайбон султонларидин Йилибарс Султоннинг иниси Эсанқули Султонға чиқариб эди, ўғли Муҳаммад Султон мирзодурким, бу тарихта Қаннўж*

вилоятини анга берибтурмен. Султонимбегим Кобулдин ушбу тарихта набирасини олиб, Ҳиндустонға келадурганда Нилобта ***Тенгри ҳукмини буткарубтур*** *Сўнгагини киши-қароси олиб ёндилар, набираси келди* [64; 130]. «Бобурнома»да *Тенгри ҳукмини буткармоқ* ФБи асосан Темурий шаҳзодаларнинг завжаларига нисбатан қўлланади. Бунинг исботини қуйидаги мисолда ҳам кўришимиз мумкин:

Яна Опоқбегим эди, андин ҳеч ўғул ва қиз бўлмади. Попо оғачаким, мунча суюклук эди, мунинг кўкалдоши эди, чун ўғул-қизи йўқ эди, Попо оғачанинг ўғлонларини ўғлидек сахлар эди. Мирзонинг беҳузурлуқларида бисёр яхши хизмат қилур эди, ҳарамларидин ҳеч ким мунча хизмат қила олмас эди. Мен Ҳиндустонға келур йил Ҳиридин келди. Мен ҳам таъзим ва эҳтиромларин иликдин келгунча қилдим Чандерийни муҳосара қилғонда хабар келдиким, Кобулда ***Тенгри ҳукмини буткармиш*** [64; 131].

Олимлар Заҳириддин Бобурни фикҳ илмининг ҳомийси деб атайдилар. Мирзобек Кенжа Заҳириддин Бобурнинг «Мубайян» асарини баъзи ибораларга кўра «Мубаййин» эканлигини қайд этади. У ўзининг хотимасида:
Чун баён этдим анда шаръиёт,
Не ажаб, гар дедим «Мубаййин» от, мисолини келтириб ёдга солади.

Олим муаллифни одамларни иймон, эътиқод билан яшаб, ҳимматни баланд тутишга, дунёга ҳирс қўйган ғофил кишилардан йироқ юришга, нокас кишиларга мутеъ бўлиб қолмасликка, шайтонсифат одамлар кўйига кириб, ўзининг шарафини топтамасликка даъват этади, дейди. Шоир бир ўринда «ҳар нимаики қидирсанг, Ҳақдан қидир, лекин шуни билгилки, у сенга, одамларнинг ризосини тилаб иш тутганингда, топган неъматларинга шукрона келтириб яшаганингда, риёзатларни чидам билан енгиб борган тақдирдагина беради»[85], дейди.

«Бобурнома» муаллифи ҳақиқатан фикҳ илмининг ҳомийси, унинг лексикаси уммон каби билим соҳиби эканига далил. Инсон куч-қуввати,

[85]Мирзо Кенжабек. Бобур Мирзо – буюк фақиҳ. Насрий баён ва шарҳлар муаллифи:
Масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. «Шарқ». – 2014 йил.; Эркинов Содир. Алишер Навоийнинг форс тилидаги қасидалари поэтикаси. Адабиёт кўзгуси. – 2004 «Шамс АСА» Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси. Б. 5.

иродаси етмайдиган ҳодисалар олдида ёлғиз Аллоҳга илтижо қилиши, фақат унинг кўмаги орқали нажот йўлига етиб бориши асарнинг кульминацион мазмунини ташкил этади. Ушбу қўлланган иборалар орқали муаллиф дунёқараши, ҳаёт фалсафасининг ҳам ўзига хос эканлигини англаб етамиз.

Шунинг баробарида Тенгри лексик майдонидаги *ўлмоқ* билан мазмунан боғланадиган ФБлар жуда кўпликни ташкил этиб, тарихий факт, яна сирли равишда Фарғона вилоятининг ҳукмдори Умаршайх мирзонинг қандай ўлим топгани ўқувчининг диққат эътиборини тортади. Муаллиф ўзининг отаси ҳақида шундай ёзади: *Ушбу тарихда душанба куни, рамазон ойининг тўртида Умар Шайх мирзо жардин кабутар ва кабутархона била учуб,* ***шунқор бўлди.*** *Ўттиз тўққуз ёшар эди* [64; 37]. Мазкур жумладаги ажратиб ёзилган ***шунқор бўлди*** ФБи ўлмоқ лексик майдонидаги ибора бўлиб у Лейден–Эрскинда қуйидагича таржима қилинади:

On Monday, the 4th of the month of Ramzan, of the year that has been mentioned, Omer-Sheikh Mirza was ***precipitated from the top of the steep****, with his pigeons, and pigeon-house, and* ***took his flight to the other world.*** *He was then in the thirty-ninth year of his age* [239; 7]. *– Айтиб ўтилган ўша йилнинг рамазон ойининг тўртинчи санасида, душанба куни Умаршайх Мирзо кабутар ва кабутар уйи билан* ***баланд жардан пастга қулаб тушди ва нариги дунёга учиб кетди****. У 39 ёшда эди* (нариги дунёга равона бўлди).

Аслият матни С.Бевериж таржимасида қуйидагича берилади: *Meantime a strange event occurred. It has been mentioned that the fort of Akhsi is situated above a deep ravine along this ravine stand the palace buildings, and from it, on Monday, Ramzan 4, (June 8th.) 'Umar Shaikh Mirza* ***flew****, with his pigeons and their house, and* ***became a falcon*** [233; 68]. *– Айтиб ўтилган ўша йили, ўша пайтда ғалати воқеа содир бўлди. Ахси қароргоҳи баланд жар ёқасида жойлашган бўлиб, жарлик бўйлаб қаср, қурдирилган бинолар бор ва шу бинодан рамазоннинг тўртинчи куни (8 июн) Умаршайх Мирзо* ***учуб****, ўзининг кабутар ва кабутар уйи билан* ***лочин бўлиб кетди****.*

Аслият матни В.Текстон таржимасида қуйидагича: *On Monday, the fourth of Ramadan of this year (June 8, 1494), Umar-Shaykh Mirza* ***toppled into the ravine****, with his doves and dovecote and* ***gave up the ghost****. He was thirty nine years old* [245; 8]. *– Душанба куни, йилнинг рамазон ойи (1494 йил 8 июн), Умаршайх Мирзо тепадан ўзининг кабутар ва кабутар хонаси билан* ***жарга қулаб тушди ва жон таслим қилди.***

Асарни инглиз тилига ўгиришда таржимонлар аслиятга турлича ёндашиб, имкон доирасида ***шунқор бўлди***нинг муқобилини акс эттирган. Аслиятдаги фразеологик бирлик мазмуни уч турдаги инглизча таржималарнинг ҳеч қайси бирида йўқолмаган, балки ўзига хос тарзда акс этганини кўрамиз. «Бобурнома»даги *шунқор бўлди* фразеологик бирлиги Лейден–Эрскинда *учуб – precipitated from the top of the steep – жарнинг тепасидан жуда юқори тезликда тушиб, шунқор бўлди – took his flight to the other world – нариги дунёга учуб кетди* икки турдаги фразеологик бирлик орқали таржима қилиниб, адекват таржимага эришишга муваффақ бўлган.

С.Беверижнинг варианти сўзма-сўз таржима *учуб – flew, шунқор бўлди – became a falcon – лочин бўлиб, учиб кетди* тарзида берилган. В.Текстон ФБнинг трансформацион усулини танлаган ва *учуб – toppled into the ravine – жарга қулаб тушди; шунқор бўлди – gave up the ghost – жон таслим қилди* тарзида муқобил таржимага эришганини гувоҳи бўламиз. Таржимадаги семантик алоқалар муаллиф назарда тутган ҳодисаларни ифодалашда тасвирий ва образли чиқишини таъминлашга хизмат қилган.

Миллатнинг ўзига хослиги унинг миллий-маданий қадриятлари, турмуш тарзи, дини ва эътиқоди, маънавий ахлоқи ва урф-одатларида намоён бўлади. Ҳазил-мутоиба гаплар, мақташу олқишлар каби ФБлар ҳам миллийликка хос тарзда ифодаланади. «Бобурнома»да қўлланган ФБлар бошқа асарларда қўлланган ФБлардан кескин фарқ қилади. Асарда воқеа ва ҳодисаларнинг тасвирланиши, жанг майдонидаги ҳолатлар ҳам образли бўлиб, ўз ифодасини топган.

Учинчи боб бўйича хулосалар

Сўз мавзуси тилшунослик ва таржимашунослик бўйича жуда катта мазмунни қамраб олган тадқиқот. Ушбу фикр юзасидан фанни ўрганишда чегаралаб олинган соҳа бўйича тадқиқот олиб бориш мақсадга мувофиқ. Учинчи бобдаги танланган *сўз, ўлмоқ, мулозамат* ва *Тенгри* концептлари жуда катта маълумотни қамраб олган, ранг-баранг концептуал майдонга эга мавзулар. Уларнинг инглизча таржимаси қиёсий таҳлил этилар экан, ҳар бир ибора мазмуни ҳеч қайси бир инглизча таржимада йўқолиб қолмаган ва уч турдаги инглизча таржимада албатта ўз ифодасини топган. Ж.Лейден ва В.Эрскин, А.С.Бевериж ва В.Текстон таржималари ва уларнинг саъи-ҳаракатлари асосида аслиятни қайта тиклашга бўлган уринишлар уч турга мансуб таржима услубини вужудга келтирган. Асарда қўлланган иборалар албатта воқеа - ҳодисаларни образли тасвирлашга хизмат қилган.

Аслиятдаги ФБлар мазмуни маълум жойларда уч турдаги инглизча таржималарда тўлиқ акс эттирилса, баъзи жойларда уларнинг бирида акс тўлиқ акс эттирилган ёки учинчи инглизча таржимада акс этмай қолган жиҳатлар кўзга ташланади. Бу ўз ўзидан таржимада баъзи сўз бирикмаларнинг қайта тикланиши эвазига бошқа ибораларнинг таржмасидан воз кечишга олиб келганлиги кўрсатилган. Аслиятдаги ФБлар инглизча таржимада бутунлай акс этмай қолган жиҳатлар кам учрайди.

Хорижий олимларнинг аждодимиз Заҳириддин Бобур ва унинг меъроси ҳақидаги эътирофлари ҳар бир ўқувчини ҳайратлантирмасликнинг иложи йўқ. В.Текстонинг инглизча таржимаси илмий ҳам замонавий ўқувчига мос тарзда таржима қилинган. Унда диний терминлар жуда яхши таржима қилинади. Мисол учун *вузу қилмоқ, икки ракат намоз ўқимоқ, бошни муножотга қўймоқ* каби жумлалар таржимаси мувафаққиятли чиққан. Диний терминлар таржимасида деярли хато ва камчиликлар учрамайди. «Бобурнома»даги *мулозамат қилмоқ* бир неча маънода асарнинг 115 жойдан ортиқ мисолларда ўз ифодасини топган, мазмуни инглизча таржимада ҳам акс этган, шунингдек, В.Текстонда *мулозамат қилмоқ*нинг мазмунини баъзи

жойларда хато таржима қилинган. Аммо бир неча йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, адекват таржима деб аталувчи В.Текстон (1996)нинг инглизча таржимасида ҳам хато ва камчиликлар мавжудлигини кўришимиз мумкин: «Бобурнома»даги «Тенг бўлмагунча тўш бўлмас» (аслият Б.115) мақоли инглизча There is no noon without dawn (p 168)да хато берилган;

«Бобурнома»даги «мулозамат қилмоқ» фразеологик бирилиги аксарият ҳолларда таржимон В.Текстонда инглизча “to pay homage” фразеологик бирлиги орқали акс эттирилиши, баъзи жойларида аслият мазмунига мос келмайди (Қаранг: Б. 39, 39,41, 42, 43, 49, 49, 49, 50, 51, 51, 52, 53, 56, 58, 66, 68, 74, 75, 77, 77, 79, 86, 86, 88, 102,104, 105, 105, 106, 117, 118, 118, 119, 123, 127, 127, 128, 128, 131, 131, 131, 134, 134, 134, 135, 136, 138, 139, 141, 155, 156, 163, 166, 166, 166, 166, 167, 167, 168, 170, 170, 171, 171, 172, 172, 173, 174, 175, 177, 178, 179, 179, 181, 181, 181, 187, 188, 188, 188, 189, 190, 190, 191, 211, 215, 216, 216, 216, 218, 231, 232, 233, 237, 237, 237, 247, 248, 248, 248, 251, 251, 252, 253, 255, 258, 258**,** 259, 261, 261, 262, 262, 262, 265, 265 ....).

Фразеологик бирликлардан ташқари аслиятнинг 146 саҳифасида «*Поёнда Султонбегимни «ака» дер эдим, ...* » В.Текстоннинг 494 саҳифасидаги *“In Chaghatay, aka refers to any elder female relation. Payanda Sultan Begim was Babur’s father Umar-Shaykh’s sister.*” деб берилади. Ушбу таржимон изоҳларини тўлдириб, *ака* эмас *оқо* деб берилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Аслиятнинг 93 саҳифасидаги ***«Туғчи туғ боғлагунча фурсат бўлмади,*** *туғни илигига олиб-ўқ отланди»* гапининг инглизча таржимасини қайта кўриб чиқиш зарур;

Тарихий шахс Шайбонийхон исмининг инглизчада *Wormwood Khan* каби трансформацияга учраши ўқувчи томонидан яхши уқилмайди ва ушбу исм инглизчада изоҳталаб;

«Бобурнома»нинг 461 саҳифадаги инглизча таржимаси якунланмаган ва кейин қўшилган 262-274 саҳифалар: *Вақоиъи санайи ситта ва тисъа*

миа; Заҳириддин Муҳаммад Бобур фармони; Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғозий фармони инглизчага ўгирилиши лозим;

Таржимоннинг матности ҳаволаларини синчиклаб, аслият билан мазмунини солиштириш ва кўриб чиқишни талаб этади.

Диний терминларга оид Тенгри ва бошқа ФБлар ўндан ортиқ эквивалентлари мавжуд ва уларнинг барчасини инглиз тилида ҳам синонимлари мавжуд. Таржимонлар айнан диний терминлар таржимасида адашмаган, диний ибораларни таржимада тўлақонли акс эттира олган.

Ушбу тадқиқот ФБларни синтактик-грамматик концептларда ўрганиш ва таржималарининг қиёсий таҳлили, гуруҳларга ажратиб махсус аспектда тадқиқ этиш бўлғуси таржимонларга ФБлар эквивалентлигини таржима асарларда қўллашлари учун яхши манба вазифасини ўтайди.

Мумтоз адабиётларда қўлланган ФБлар таржимаси ўта мураккаб, айни пайтда уларни ўрганиш ҳам долзарб масалалардандир. «Бобурнома»даги фразеологик бирликларнинг когнитив-концептуал луғатини тузиш ўзбек мумтоз адабиёти намуналарининг дунё юзини кўришда, миллатни дунёга танитишда муҳим рол ўйнайди. «Бобурнома» ва унинг инглизча таржималарини қиёсий ва когнитив-концептуал таҳлил этиш таржимонни маъно ва мазмун изчиллигини ҳис этиш малакасини таъминлайди, мураккаб фразеологик бирликлар таржимасини тадқиқ этиш таржимоннинг миллий-маданий хусусиятли лексик ва фразеологик ибораларни муқобил таржима қилишига замин яратади. Ўқувчи ва таржимонни аслият мазмунини янада чуқурроқ англашга ундайди. Асарни жиддий ўрганиш янги ғоялар яралишига олиб келади.

Мумтоз адабиёт «Бобурнома»нинг қиёсий таржимасини ўрганиш ҳамда эквиваленлик динамикасини нисбий ёки фаоллик даражасини очиб бериш таржимонлар учун уларнинг қўлланиш соҳасини ёритиб боради. Шунингдек, ишлаб чиқилган ФБлар концептининг қўлланишини фалсафий нуқтаи назардан ўрганиш муҳимлиги, мумтоз асар лексикасини ўзига хослигини кўрсатади.

Таржимани адекват тарзда акс эттириш мушкул вазифа. Бу ўринда таржимон салоҳияти асар муаллифи билим доираси билан тенг бўлишни талаб этади. Таржимон муаллиф салоҳиятига етгунга қадар жуда кўп ҳаракат қилади. Кўп ўқиб, ўрганади ва ниҳоят унинг даражасига етишишга эришади. Ушбу даражага етгунга қадар бир қанча жараёнларни босиб ўтади. Тасаввур қилайлик асар муаллифининг билим даражаси жуда юқори, таржимон бунга охири эришди ҳам дейлик, лекин асарни ўқийдиган ўқувчининг савияси улардан пастда. Не не қийинчилик билан ушбу билимга етишган таржимон муаллиф билан тенг фикрлаб, ундан пастга тушишни ҳоҳламайди, жуда содда таржима қилишни хуш кўрмайди, натижада аслиятни тўлиқ акс эттириш муаммоси кўндаланг бўлиб туради. Шунинг учун ҳам асарни турлича талқин этиш мавжуд. Аксарият ҳолларда В.Текстоннинг таржимасини нима учун яхши таржима деб қабул қилинишининг асосий сабабларидан бири мана шунда.

Энг яхши таржима ўқувчига ёққан таржима. У аслиятдан қанчалик роҳатланса, унинг таржимасидан ҳам шундай таъсирланиши лозим. Таржимоннинг машаққатли ижодий жараёни ишнинг барчага манзур бўлиши ва натижада ўқувчининг таржима ҳақидаги хулосаси таржимоннинг тақдирини ҳал қилади. Таржима жуда яхши чиққан ёки яхши чиқмаган. Қандай таржима бўлишидан қатъи назар уни ўқувчи томонидан кескин танқид ва таҳлилларга учраши табиийдир. Бу каби муносабат ва муаллиф ишига берилган баҳо илмий ишнинг долзарблик жиҳатини аниқлаб беради.

IV БОБ. «БОБУРНОМА»ДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАСИДА ЛИНГВОМАДАНИЙ ОМИЛЛАР РОЛИ

§4.1. «Қарор» концептининг фразеологик бирликларда акс этиши

Сўнгги йилларда тилшуносликнинг долзарб муаммоларига бағишланган тил ва маданият – лингвомаданиятшунослик соҳасидаги тадқиқотлар кўпайиб бормоқда. Рус олимларидан С.А.Аскольдов-Алексеев, С.Г.Воркачев, Е.М.Верещагин, А.Вежбицкая, Ю.С.Степанов, З.Д.Попова, Е.С.Кубрякова, Н.Д.Арутюнова, Д.С.Лихачев; ўзбек тилшунос (таржимашунос) олимларидан Д.Ашурова, А.А.Абдуазизов, Ш.Сафаров, Ў.Қ.Юсупов, А.Э.Маматов, Ж.Ёқубов, Г.Маҳкамова, С.Акбарова, А.Таджибаева, Н.Исамуҳаммедова, М.Галлиева, Д.Агзамова, А.Юлдашев, Н.Тўхтаходжаева каби олимлар ўз тадқиқотларида лингвокультурологиянинг таянч тушунчаларидан бири бўлган концепт муаммоларига эътибор қаратиб, ўзларининг илмий ишлари ва илмий қарашлари билан таржимашунослик соҳасига катта ҳисса қўшиб келмоқда[86].

Лингвокультурологиянинг асосий тушунчаларидан бири – бу «концепт» ва «лингвокультурема» терминлари бўлиб, улардан бири онг бирлиги, кейингиси тил бирлигидир. Бу тушунчалар ўзида маданиятнинг бир бўлаги сифатида талқин этилади, айрим ҳолатларда тилшуносликда синоним тушунчалари сифатида ҳам қаралади. Лингвокультурологияда концепт кўпроқ «тил ва тафаккур, маданият» сингари тушунчалар билан уйғунликда ўрганилади. «Концепт» термини лингвокультурологияда ҳали тўлиқ ўз ечимини топмаган бўлса-да, унга нисбатан бир қатор тилшунос олимлар ўз қарашларини ўзига хос ифода этадилар.

Лингвокультурология асосчиларидан Н.Д.Арутюнова, А.Вежбицкая, С.Г.Воркачев, В.И.Карасик, С.Х.Ляпин, Д.С.Лихачев, Ю.С.Степановлар концептни этносемантик хусусиятларга эга бўлган ментал тушунча деб

[86]Тухтаходжаева Н.А. Бадиий таржимада лингвокультуремаларнинг ифодаланиши. «Фан ва технология», Тошкент.– 2013. Б.14.

қарайдилар. Концептга бўлган лингвокультурологик ёндашув уни маданиятнинг таянч бирлиги сифатида қабул қилишни тақозо этади ва маълум бир маданият учун муҳим бўлган тушунчаларни ўзида акс эттиради.

Степановнинг фикрича, концепт тилшуносликда икки хил маънода тушунилади: 1) маънавий маданиятнинг калит сўзи; 2) сўз пайдо бўлишига туртки бўлувчи бирламчи тасаввур. Бу икки фикр бир-бирини тўлдириб, бир бутунликни ҳосил қилади[87]. Е.С.Кубрякова эса З.Джекендоффнинг фикрига таянган ҳолда концепт – бу инсон тафаккуридаги олам тасвирининг тилда акс этиши, деган ғояни илгари суради[88]. Н.Д.Арутюнованинг таълимотига кўра концептлар инсон ва олам ўртасида хусусий ва умумий воситачи бўлиб хизмат қилувчи маълум бир маданий қатламни ҳосил қилади[89]. Вежбицкая қарашларида концепт – этносемантик хусусиятларга эга бўлган, турли хил халқлар маданиятининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини тил орқали чоғиштириш учун қўлланадиган воситадир[90]. М.В.Пименованинг фикрига кўра, концепт мазмуни сўз маъносидан кенгроқ, чунки концепт ўз структурасини сақлаб қолади, яъни структурага мансуб белгиларни халқнинг асрий тарихи давомида йўқотмайди. Концепт структураси қўшимча белгиларнинг яратилиши натижасида бойиб бораверади ва халқнинг моддий ва маънавий маданиятини ривожланишига ҳисса қўшади[91] Концепт структурасига келсак, концепт мураккаб структурага эга бўлиб, бир томондан тушунчанинг барча қирраларини қамраб олса, иккинчи томондан уни маданиятнинг бир кўриниши сифатида ифода этувчи дастлабки омиллар: этимологияси, тарихи, ҳозирги кундаги ассоциативлиги, қадр-қимматлилиги, коннотацияларини қамраб олади (ўша адабиёт). Бизнинг фикримизча концепт ҳар бир миллатнинг ўзига хос тушунчаси бўлиб, дунёни англашдаги

[87]Данькова Т.Н. Концепт «любовь» и его словесное воплощение в индивидуальном стиле А. Ахматовой. Канд. дисс. филол. наук. – 2000.
[88]Кубрякова Е. С. Язык и знание: На пути получения знаний о языке: Части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира / РАН ИЯ. М.: Языки славянской культуры, 2004.
[89]Арутюнова В.Д. Язык и мир человека. 2-е изд., испр. – М.: 1999., 896 с.
[90]Вежбицкая А. Семантика, культура и познание: общечеловеческие понятия в культуроспецифичных контекстах. Oxford: Oxford University Press, 1992, p.3–22., 206 с.
[91] Пименова М.В., Кондратьева О.Н. Концептуальные исследования. Введение. Учебное пособия. Флинта.– 2011., 210 с.

тафаккур рамзи, ўй-қараш, нуқтаи назар, уларнинг оғзаки ва ёзма нутқида намоён бўлган ва шу билан бирга уларнинг адабиётида ҳам акс этган тушунчадир.

Юқоридаги олимлар илмий нуқтаи назаридан келиб чиқиб, маданий қатламни қамраб олган тил ва тафаккурда акс этган, маълум бир халққа тегишли хусусиятлар концепт билан боғлиқ бўлар экан, тарихий асар «Бобурнома»да ФБларни когнитив-концептуал таҳлили, уларнинг маълум бир этнографик хусусиятга эга эканлигини кузатишимиз мумкин. Асарда муаллиф давридаги сиёсий-ижтимоий жараённи тасвирлайдиган ҳолатлар: *қарор тариқин унутмоқ* (режани унутмоқ), *қарориға келмоқ* (аслига қайтмоқ, жойига келмоқ), *қарор топмоқ* **(**кимгадир топширмоқ) каби ФБлар қўлланган, уларни табдили, русча ва инглизча таржималарида ФБлар турлича акс этганини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Нақора унини эшитиб, бизнинг мутаважжиҳ бўлғонимизни билиб, ***қарор тариқин унутуб****, фирор йўлин тутти. Тенгри рост келтуруб, ёғийни қочуруб, Қандаҳор сари юруб, Фаррухзодбекнинг чаҳорбоғиғаким, бу тарихта андин асари қолмайдур, келиб туштук* [64; 158]. – Ғаним ноғора овозини эшитиб, бизнинг олға юрганимизни билди, **саросимага тушиб,** қочиш йўлини тутди. Тангри қўллади, ёвни қочириб, Қандаҳор сари юриб, Фаррухзодбекнинг, ҳозирги вақтда нишон ҳам қолмаган чорбоғига келиб тушдик [65; 160].

Аслиятдаги *қарор тариқин унутмоқ* ФБи табдилда ўз структурасида акс этмай, ҳолатни тасвирлаш: *саросимага тушиб* каби сўз бирикмаси орқали табдил қилинади. Аслият мазмунини тўлиқ қамраб олишда *ғаним* аниқловчили олмош қўшилиб, оригинал мазмуни тикланган. Ушбу мисол рус тилида қуйидагича берилади.

Услышав бой барабана и поняв, что мы направляемся в их сторону, враги **забыли путь устойчивости** и вступили на стезю бегства. С помощью божьей мы разбили неприятеля и направились в сторону Кандахара. Мы расположились в саду Фаррухзадбека, от которого теперь не осталось и следа

[66; 124]. – Дўмбиранинг овозини эшитиб, биз улар томонга кетаётганимизни англаб, душманлар **барқарор йўлни унутдилар** ва тумтарақай бўлиб қочиб қолдилар. Худонинг ёрдами билан биз душманни енгиб, Қандаҳор томон йўл олдик. Биз Фаррухзодбекнинг боғига жойлашдик, ҳозирда эса ундан осор ҳам қолмаган.

Тилнинг ўзига хослиги, грамматик ва синтактик жойлашув ўрни таржимага албатта таъсир этиб, рус тилида *қарор тариқин унутмоқ* – забыли путь устойчивости – *барқарор йўлни унутдилар* тарзида ўгирилган ва бошқа жумлалар мазмуни ҳам тўлиқ рус тилига кўчганини кўрамиз. Аслият мисоли инглизча Ж.Лейден ва В.Эрскинда қуйидагича берилади:

On hearing the sound of my kettle-drum, and seeing my approach, **their resolution failed**, and they took flight. God prospered us. Having put the enemy to flight, I advanced in the direction of Kandahar, and took up my quarters at the Char-bagh of Furekhzad, of which not a vestige now remains [239; 229]. – Қўшноғоранинг овозини эшитгач, яқинлашаётганимни кўриб, уларнинг **режаси барбод бўлди** ва улар қочиб кетишди. Худо бизни ишимизни ўнглади. Душманни қочириб, мен Қандаҳор томонга қараб йўл олдим ва ҳозирда у жойдан асар ҳам қолмаган Фурехзоднинг Чор боғига жойлашдим.

Уларнинг таржимасида *қарор тариқин унутмоқ* инглизча *their resolution failed – режаси барбод бўлди,* деб таржима қилинган. Kettle-drum – қўшноғоранинг қўлланилиши аслият мазмунини кучайтиришга хизмат қилган, шу билан бирга киши ва жой номларининг фонетик жиҳатдан нотўғри берилиши *Фаррухзодбек* – Furekhzad; *чаҳорбоғ* – Char-bagh уларнинг таржимасида сезилган. Аслият мисоли С.Беверижда қуйидагича таржима қилинган:

Learning from the nagarets that we were approaching, Muqim **forgot his fixed plan** and took the road of flight. God brought it right! After putting our foe to flight, we moved for Qandahar and dismounted in Farrukh-zad Beg's Char-bagh, of which at this time not a trace remains! [233; 337]. – Биз яқинлашаётганимизни нақоралар овозидан билган Муқим **режасини унутди**

ва қочиш йўлини тутди. Худо буни рост келтирди! Душманларимизни қочиргандан сўнг биз Қандахор томонга йўл олдик ва Фаррухзод Бекнинг Чор боғига жойлашдик, ҳозирда эса ундан асар ҳам қолмаган!

Ҳам бадиий ҳам аслиятнинг мазмунини қамраб олган ва қолаверса *қарор тариқин унутмоқ* айнан унинг таржимасида тўлиқ акс этганини кўрамиз ва таржимани аниқ акс эттиришда аслиятда бўлмаган тарихий шахс Муқимнинг исмини келтириб, Бобур кимни енгиши ва кимни қочирган эканлигига ишора қилган. Аслий матнда Муқимнинг исми келтирилмаса-да, у адекват таржимага эришиш мақсадида таржимон исмини келтирган. С.Беверижнинг ушбу таржимасини оригиналга яқинлигин кўрсатади. В.Текстон аслият матнини қуйидагича таржима қилган:

Hearing the sound of our drums and realizing that we were charging in his direction, the enemy **abandoned his ground** and took flight, thank God. After defeating our foe we went to Kandahar and camped in Farrukhzad’s garden, no trace of which now remains [245; 255]. – Худога шукрки, дўмбирамизнинг овозини эшитиб, улар бизнинг у тарафга кетаётганлигимизни билиб, душман **турган жойини тарк этиб,** қочдилар. Душманимизни мағлубиятга учратгандан сўнг, биз Қандаҳорга бордик ва Фаррухзоднинг боғига жойлашдик, ҳозирги пайтда у жойнинг изи ҳам қолмаган.

Ўзбек тилининг синтактик тузилишига кўра таржимада ғоя, фикр, мазмун устуворлик қилади. Баъзи грамматик элементлар тушиб қолса ҳам мазмун тўлиқ кўчиши ҳар бир таржимонда акс этгани каби В.Текстонда ҳам маъно кўчириш амалга оширилган. Шунинг учун гап охиридаги инглизча *thank God – Худога шукрки* гапи ўзбек тилида гапнинг бошига кўчади. Гарчи аслиятда бўлмаса-да, Ж.Лейден ва В.Эрскинда қўшноғора, С.Беверижда Муқим сўзлари қўшилган, В.Текстонда *Тенгри рост келтуруб*нинг тўлиқ мазмуни *Худога шукрки* жумласи кўчиб ўтгани билан гап тугалланган. У таржимада жумла қисқалигига эътибор қаратган.

«Бобурнома»да *қарориға келмоқ* (аслига қайтмоқ, жойига келмоқ мазмунида) ФБ ҳам мавжудки, ушбу ибора Бобурнинг пойгада жароҳат

олишини тасвирлайди: *Йўлда борурда Қанбар Али ва Қосимбек била от тортиштук. Менинг отим ўтти. Анинг отининг қолғонини боқар хаёл қилиб қайрилдим. Танг бўшаб экандур, эгар эврулди. Бошим била ерга йиқилдим, агарчи ўшул замон қўпуб отландим, вале* ***ақлим*** *оқшомғача* ***қарориға келмади*** [64; 86]. – Йўлда кетишда Қанбар Али ва Қосимбек билан от чоптирдик. Менинг отим ўтди. Уларнинг оти орқада қолганини кўриш хаёлида қайрилиб қарадим. Айил бўшаб қолган экан, эгар айланиб кетди. Бошим билан ерга йиқилдим. Гарчи ўша заҳоти ўрнимдан туриб отга миниб олган бўлсам-да, **эсим** оқшомгача **аслига келмади** [65; 84].

– По дороге мы стали гонятся на лошадях с Камбарали и Касимбеком. Моя лошадь опередила. Желая взглянуть, насколько отстали их лошади, я обернулся, подпруга у моего седла, вероятно, ослабла, седло перевернулось и я упал и ударился головой о землю. Хотя я сейчас же встал и сел на коня, но **разум** у меня до самого вечера **не вернулся к покою** [66; 61]. – Йўлда биз Қамбарали ва Қосимбек билан отда югуришни бошлаб қолдик. Менинг отим олдинга кетиб қолди. Улар қанча масофада орқада келаётганини кўришни хоҳлаб, орқамга ўгирилдим, балки эгарим бўшаб қолган шекилли эгар айланиб кетди ва мен бошим билан ерга урилиб йиқилдим. Дарҳол ўрнимдан туриб, отга ўтирдим, аммо кечгача **миям ўз ҳолига қайтмади**. Ушбу мисол Ж.Лейден ва В.Эрскинда қуйидагича таржима қилинади:

On the road, I had a race with Kamber Ali and Kasim Beg. My horse got the lead. As I turned round on my seat to see how far I had left them behind, my saddle-girth being slack, the saddle turned round, and I came to the ground right on my head. Although I immediately sprang up and mounted, yet I **did not recover the full possession** of my faculties till the evening … [239; 98]. – Йўлда мен Қамбар Али ва Қосим Бек билан пойга қилдим. Отим ўзиб кетди. Уларни қанча орқада қолдирганимни кўриш учун ўриндиғимда ўгирилиб қарадим, эгарим ҳийла найранг қилди, эгар айланиб, тўғри бошим билан ерга йиқилдим. Гарчи мен дарҳол ўрнимдан туриб, отга миниб олсамда, аммо кечқурунгача **тўлиқ ўз ҳолимга келолмадим**.

Таржимонларнинг асосий мазмунга эътибор қаратишлари лозим бўлган жиҳатлар: 1) отнинг ўзиб кетиши; 2) эгар бўшаб қолганлиги; оқибатда 3) жароҳат олиниши. Ҳар уч турдаги таржималарда шунга эътибор қаратилган. Аслият матни таржимондан ўта эҳтиёткорликни ва пойга жараёнини мантиқан боғланишини акс эттиришни талаб этади. *Менинг отим ўтти* – My horse got the lead – Отим ўзиб кетди, тарзида берилади. Жароҳат олиниши, яъни *ақлим (оқшомгача) қарориға келмади*ни *I did not recover the full possession – тўлиқ ўз ҳолимга келолмадим ёки тўлиқ соғаймадим* тарзида акс эттирган. Ушбу жараён С.Беверижда қуйидагича берилади:

On the road I raced with Qasim Beg and Qambar-ali (the Skinner); my horse was leading when I, thinking to look at theirs behind, twisted myself round; the girth may have slackened, for my saddle turned and I was thrown on my head to the ground. Although I at once got up and remounted, **my brain did not steady** till the evening [233; 147]. – Йўлда мен Қосим Бек ва Қамбар Али (мўйнадўз) билан пойга қилдим; менинг отим ўзиб кетаётганди, улар орқада қолганлигини ўйлаб, уларга қарамоқчи бўлганимда, эгар бўшаб қолган бўлса керак, айланиб кетиб, мени бошим билан ерга улоқтирди. Гарчи, ўша заҳотиёқ ўрнимдан туриб, отга минган бўлсам ҳам, **миям** кечгача **ўз ўрнига келмади**.

Демак, аслиятни қайта яратишда айнан ҳодисани тасвирлаб бериш ҳар бир сўзнинг аҳамияти таржимон учун жуда муҳим ва шарт. Таржимонларнинг уринишлари натижасида асарнинг руҳияти мазмун моҳияти сақланиб қолмоқда. Аслият матни В.Текстонда қуйидагича таржима қилинган:

Along the way Qambar-Ali, Qasim Beg, and I were racing. My horse pulled ahead, and I turned to see how far behind they were. My girth strap must have snapped, for the saddle slipped over and I fell on my head. Although I stood up immediately and got back on, **my brain didn’t return to normal** until that evening [245; 111]. – Йўлда мен, Қамбар Али, Қосим Бек билан пойга қилдик. Менинг отим олдинга ўқдек отилди ва уларнинг орқасида қанча масофа

борлигини кўрмоқчи бўлиб, ўгирилдим. Эгарим сирпаниб кетганлиги сабабли, менинг боғичим узулиб кетган бўлиши керак. Эгар сирпаниб кетди ва мен бошим билан ерга йиқилдим. Дарҳол ўрнимдан туриб, орқага ўгирилиб қарадим лекин оқшомгача **миям нормал ҳолатга қайтмади**.

Ҳар қандай таржимада бир-бирининг ўрнини босувчи айнан бир хил ёки ўхшаш жуфт бирликлар мавжудки, тил унсурининг коммуникатив қиймати унинг семантикаси (маъно моҳияти) ва нутқда қўлланилиш усулига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам таржима мувофиқлиги (тенг маънолилик) тегишли тил тизимида бирликларнинг ўзаро ўхшамаган жойларни эгаллаши билан яратилади.

Аслият маҳсули ***ақлим*** *оқшомғача* ***қароригa келмади*** ФБи В.Текстонда *my brain didn't return to normal,* яъни *миям нормал ҳолатга қайтмади* деб берилади. Унинг таржимасидаги "*My horse pulled ahead, and I turned to see how far behind they were"* гапини Менинг отим олдинга тортиб кетиб қолди (сўзма-сўз), яъни ўзиб кетди маъносида ва мен уларни қанча масофа орқада қолганини кўриш учун орқага ўгирилдим, деб берилган. Шунингдек, таржимон аслиятни ўзининг тилида акс эттиришига кўра қисқаликка эътибор бериб яна ўзбек тилига ўгирадиган бўлсак, уни В.Текстон *Менинг отим олдинга ўқдек отилди ва уларнинг орқасида қанча масофа борлигини кўрмоқчи бўлиб, ўгирилдим*, деб маъно яққол акс этганини англаймиз.

Таржималардан кўринадики, аслият мазмунини инглиз тилида тўлақонли акс эттиришда таржимонларнинг ўзига хос ёндашувлари акс этган ва воқеа-жараёнларни тўғри акс эттиришларига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Жараёндаги қизиқарли ҳолатлар ва асар руҳияти кечиш масаласи билан боғлиқ хатти ҳаракатни тўлақонли таржимага эришган деб айта оламиз. Агар тил соҳиби, яъни аслият тили эгаси ушбу мисолни қандай таржима қилган бўлар эди, деган фикрда юқоридаги парчани таржима қилишга урунсак, у мана бундай инглизчада акс этган бўлар эди:

On the way we raced with Qanbar Ali and Qosimbek. My horse pulled ahead, and I wanted to see how far behind they were coming, so I turned back. The

saddleback let go and it has spun. I fell down on my head to the ground. Although I got up immediately and got on the horse, my **brain didn't get well** till the evening.

Сиёсий ва ижтимоий ҳаёт асар муаллифи даврида яшаган халқлар кундалик турмуш тарзини англатиб, асарда бирма-бир келтириладиган мисоллар, сабаб ва оқибатлар иборалар орқали ёритиб берилганки, *қарор топмоқ*нинг вазифа ёки лавозимни топшириш, қўл остидаги беклардан бири Қосим қавчинга юклангани, ушбу масъулият унга топширилганини қуйидаги мисолда кўрамиз.

Анинг била бор киши, бор бекларни туттурулди. Тутулғон беклар Муҳаммад Боқирбек эди, Султон Маҳмуд дўлдой Султон Муҳаммад дўлдойнинг отаси эди. Яна баъзилар ҳам бор эди. Баъзисиға Самарқанд сари рухсат берилди. Эшик ихтиёри ва Андижон ҳукумати Қосим қавчинға ***қарор топти*** [64; 47]. – Унинг атрофидагилар, барча беклари қўлга олинди. Тутилган беклар – Муҳаммад Боқирбек, Султон Муҳаммад дўлдойнинг отаси Султон Маҳмуд дўлдой эдилар. Улардан бошқалари ҳам бор эди. Айримларига Самарқандга кетишга рухсат берилди. Эшик оғалик ва Андижон шаҳри ҳокимлиги Қосим қавчинга **топширилди** [65; 43]. Аслиятдаги ФБ *қарор топмоқ* табдилдан кўриниб турибдики, оддий *топширилди* лексик бирлиги билан берилган. Ушбу ФБ орқали акс этиш ва этмаслик жиҳатларини русча ва инглизча таржималарда ҳам кўришимиз мумкин:

Людей Хасан Якуба и беков, которые находились с ним, схватили; среди задержанных беков были Мухаммад Бакирбек и Султан Махмуд Дулдай, отец Султан Мухаммад Дулдая; был и еще кое-кто. Некоторые получили разрешение отправиться в Самарканд; звание ишик-аги и должность правителя Андиджана **были утверждены** за Касим Каучином [66; 24]. – Ҳасан Яъқуб ва у билан бирга бўлган беклар ушланди; хибсга олинган беклар орасида Муҳаммад Боқирбек ва Султон Муҳаммад Дўлдойнинг отаси Султон Маҳмуд дўлдой; яна кимдир бор эди. Баъзиларига Самарқандга

боришга рухсат берилди; Қосим Қавчин учун эшик-оға унвони ва Андижон ҳукмдори **лавозими тасдиқланди**.

Аслият мисоли ҳар уч турдаги инглизча таржималарда ҳам оддий лексик бирлик орқали акс этишини қуйидаги таржимада ҳам гувоҳи бўламиз. Ж.Лейден ва В.Эрскин таржимаси:

The Begs and others in his interest were taken prisoners. These were Muhammed Bakir Beg, Sultan Mahmud Douladai, the father of Sultan Muhammed Douladai, and some others. The greater part of them I allowed to proceed to Samarkand. Kasim Kochin **was appointed** Master of the Household, and received the government of Andejan [239; 27]. – Беклар ва бошқа қизиқувчилар уни асирга олишди. Булар Муҳаммад Боқирбек, Султон Маҳмуд Дўлдой, Султон Муҳаммад Дўлдойнинг отаси ва бошқалар. Уларнинг аксарият қисмига Самарқандга боришга рухсат бердим. Қосим Қавчин хонадон хўжайини этиб **тайинланди** ва Андижон ҳукуматини қабул қилди. С.Беверижда эса қуйидагича таржима қилинади:

The begs and others in sympathy with him, were arrested; one was Muhammad Baqir Bek; SI. Mahmud *Duldai,* SI. Muhammad *Duldai*'s father, was another; there were several more; to some leave was given to go to Samarkand. The Andijan Government and control of my Gate **were settled on** (Sayyid) Qasim *Qiiclun* [233; 44]. – Бегоналар ва унга ҳамдард бўлганлар хибсга олинди; улардан бири Муҳаммад Боқир Бек эди; Султон Маҳмуд Дўлдой, Султон Муҳаммад Дўлдойнинг отаси ва бошқалар эди; Самарқандга боришга бир неча таътил берилди. Андижон ҳукумати ва менинг дарвозамни бошқариш (Сайид) Қосим Қавчинга деб **ҳал қилинди**, деб таржима қилинган. Аслият матни В.Текстонда эса қуйидагича таржима қилинган:

All the men and begs who were with him were arrested, including Muhammad Baqir Beg, Sultan-Muhammad Dulday's father Sultan-Mahmud Dulday, and some others. Some were given leave to go to Samarkand. The lordship of the gate and the governorship of Andizhan **were settled upon** Qasim Qauchin [245; 30]. – У билан бирга бўлган барча одамлар ва тиланчилар хибсга

олинган, улар орасида Муҳаммад Боқир Бек, Султон Маҳмуд Дўлдой, Султон Муҳаммад Дўлдойнинг отаси ва бошқалар бор. Баъзиларига Самарқандга кетишга рухсат берилди. Дарвоза ва Андижон губернаторлиги Қосим Қавчинга **юклатилган эди**.

Таржима барча ижод жараёнлари каби оғир кечади, лекин бу дегани унинг қонун қоидалари, принципларини ҳаддан ортиқ чигаллаштиришга ҳожат йўқ. Америкалик лингвист ва таржимашунос олим Е.Найда эквивалентлик ҳақида гапириб, таржимада нисбий (формал) ҳамда динамик эквивалентликларни ажратиб кўрсатади[92]. Нисбий эквивалентликда ҳар бир сўз доим унга мувофиқ сўз билан таржима қилинади, аслият тилидаги гап бўлаклари, нутқ бирликлари таржима тилида ўзгартирилмасдан ўз ҳолича сақланади. Барча идиомалар калка қилинади. Аслиятдан узоқлашишлар бўлганда изоҳлаб борилади. Динамик эквивалентликда эса лексика ва грамматика адаптация қилинади, матн ўқувчига тушунарли бўлишига ҳаракат қилинади. «Автор таржима тилида шундай ёзган бўларди», дейдиган даражага етказилади. Демак, аслиятдаги ФБлар ҳар доим ҳам ўз шакли ва мазмунини сақлаб қолиши мураккаб масалалардан бири экан.

Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб, юқорида берилган аслият маҳсули ва ФБлар табдил, русча ва уч хил инглизчада ФБ бўлиб акс этмагани табиий ҳол. Нисбий эквивалентлик ҳар бир таржимада унга мувофиқ сўз билан алмаштирилган, аслиятдаги ФБ таржима тилида ўзгартирилган ва мазмунга мувофиқ ўз ҳолича сақланган. Таржиманинг ўз қонун қоидалари барибир таржимонни унга бўйсунишига мажбур этади. Бобур лексикасидаги тарихий ФБлар, миллатга, даврга хос бўлган иборалар ибора бўлиб таржима қилинмаса-да, ўз мазмунини таржимада йўқотмаган. «Бобурнома» таржимонлари оддий таржимонлар бўлмагани каби улар шоир, ёзувчи, шарқшунос, тарихшунос олим бўлган. Тарихий асарни таржима қилиш учун жиддий тайёргарлик кўрганлар.

[92]Комиссаров В.Н. Общая теория перевода. Проблема переводоведения в освещении зарубежных ученых. М. 1999. с.53-54.

§4.2. «Қилич» концептининг фразеологик бирликларда акс этиши

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз юртида шоҳ ва шоир сифатида талқин этилса, дунё халқлари томонидан Ҳиндистонда бобурийлар сулоласига тамал тошини қўйган император ва ўзининг буюклик йўлида *темир тиканларни ўз қўли билан терган*, саркарда, Ғозий сифатида ёдга олинади. Шундай мартабага эришиш учун у қилич билан жанг қилган, қонли курашларни кўрган забардаст шахс эди. Тадқиқотимизнинг ушбу параграфида қилич лексик-семантик майдонига кирган ФБларнинг қиёсий таржималари билан танишамиз.

Қилич компонентли ФБлар таржималарини таҳлил этиш қизиқарли ва жиддий тадқиқот. Ҳаёт-мамот жанги, муаллиф давридаги ҳолатлар, ур ҳо ур, сур ҳо сур, тахт талашиш, аскар ва навкар олишувлари асарда образли акс эттирилган. Айнан ўша образли ҳолатлар таржимада қандай тасвирланган? Аслият мазмуни тўлақонли амалга оширилганми, деган нуқтаи назар пайдо бўлади.

Уштургардан тарафида кўкалдошлар ва ёвуқ ичкилар чиқиб эдилар, мисли Ширим, Нўён кўкалдош, Қулназар тағойи ва Мазид ва баъзилар андин бир-икки-уч ўзбак буларға от солди. Қулназар била ***қилич олиштилар****. Бўлғон ўзбаклар яёқлаб зўр келтурдилар. Шаҳр ятимларини тебраттилар. Оҳанин дарвозасиға тиқтилар* [64; 84]. – Уштургардан тарафида кўкалдошлар ва яқин ичкилар: Ширим, Нўён кўкалдош, Қулназар тағойи, Мазид сингарилар ва баъзилар чиққанда уч-тўрт ўзбак буларга от солди. Қулназар билан **қиличлашдилар** Келган ўзбак пиёдалари зўрлик қилдилар. Шаҳарнинг чапани жангариларини енгдилар: Оҳанин дарвозасига тиқдилар [65; 82].

Аслият *матнидаги* ФБ *қилич олиштилар* табдилда сўз бирикмаси *қиличлашдилар* тарзида акс этган. Табдил матнига тузатиш киритиб, Қулназар билан **қиличлашдилар** гапини *Қулназар билан қилич билан обдон жанг қилдилар* деб берилса ҳам аслият мазмунига монанд ифода топган бўлар эди. Ушбу мисолнинг рус тилидаги таржимаси қуйидагича:

К Уштургардану вышли мои молочные братья и близкие приближенные беки, как например Нойон Кукельташ, Кул Назар Тагай, Мазид и некоторые другие. С вражеской стороны на них пустили своих коней два-три узбака; они **схватились на мечах** с Кулназаром, но [прочие] узбаки спешились и ринулись вперед. Они потеснили простолюдинов и прижали их к воротам Ахании [66; 59].

Аслият матни рус тилида тўлиқ акс этган бўлиб, *қилич олиштилар схватились на мечах* – қилич билан жанг қилдилар тарзида, жанг майдонидаги тасаввурни табдилга қараганда яхшироқ акс эттирган. Бир қарашда рус тилидаги бошқа сўз ва сўз бирикмалари ҳам сўзма-сўз таржима қилинганга ўхшаб туюлади. Лекин маъно жой-жойида, аслият мазмуни тўлиқ берилаётганини қайта ўқиб, фарқларини сезиш мумкин. Юқоридаги аслият мисолини Ж.Лейден ва В.Эрскин қуйидагича таржима қилган:

A body of Gokultashes, with some inferior nobility, and a few of my domestic troops, such as Nuian Gokultash, Kul Nazer Taghai, and Mazid, with some others, marched out towards the Camel’s-neck. From the other side two or three Uzbeks galloped up to charge them, and assaulted Kul Nazer, sabre in hand. The whole of the Uzbeks dismounting, fought on foot, swept back the city-rabble, and drove them in through the Iron gate [239; 95]. – Кул Назар ва Мазид сингари қуйи мавқеидаги зодогонлари билан бир неча кўкалдошлар ва бошқалар «Туянинг бўйни» томон юришди. Бошқа томондан, икки ёки уч нафар ўзбеклар ҳам уларга ҳамла қилиш учун югуриб келиб, қўлида қилич билан Қулназарга ҳужум қилди. Барча ўзбеклар отдан тушишди, пиёда жанг қилиб, шаҳарни вайрон қилдилар ва уларни темир дарвоза орқали ҳайдаб чиқардилар.

Аслият матнига яна бир бор мурожаат қиламиз. *Уштургардан тарафида кўкалдошлар ва ёвуқ ичкилар чиқиб эдилар, мисли Ширим, Нўён кўкалдош, Қулназар тағойи ва Мазид ва баъзилар андин бир-икки-уч ўзбак буларға от солди. Қулназар била* ***қилич олиштилар****. Бўлғон ўзбаклар яёқлаб*

зўр келтурдилар. Шаҳр ятимларини тебраттилар. Оҳанин дарвозасиға тиқтилар.

Ж.Лейден ва В.Эрскин таржимасида аслиятдаги айнан *қилич олиштилар* акс этмайди ва жанг майдонидаги жараён тасвирий усул билан таржима қилинадики, бунда *Қулназар била* ***қилич олиш****май* гапи, «Қул Назар ва Мазид сингари қуйи мавқеидаги зодогонлар билан бир неча кўкалдошлар ва бошқалар *«Туянинг бўйни» томон юришди»,* деб, яъни топоним мазмунини очиқ акс эттириш орқали таржима қилинади. Айнан биз кузатаётган қилич олиштилар мазмуни мавжуд бўлса-да, аслиятдаги *Уштургардан* Туянинг бўйни сўзма-сўз мазмуни тасвирлаб берилганини кўрамиз. Бунда, аслият матни энг сўнгги маълумотлар билан тикланган, деган тасаввур ҳам пайдо бўлиши мумкин. Таржимага келсак, жараёндаги кетма-кетлик, мазмунан боғланишни кузатиб, таржимон ўз олдига қўйган мақсадга эришган. Аслият матнининг таржимадаги ўзгаришлари ва топонимнинг калька усулида, унинг мазмуни таржима қилингани билан эътиборга молик. Бу каби таржима аслиятнинг С.Беверижда қандай берилганини кузатишга ундайди:

To cover their retreat, we sent several braves towards the Camel's-neck, foster-brethren and some of the close household-circle, such as Nuyan *Kukuldash*, Qul-nazar (son of Sherim?) Taghai Beg, and Mazid. An Aiizbeg or two put their horses at them and with Qul-nazar **swords were crossed.** The rest of the Auzbegs dismounted and brought their strength to bear on the rabble, hustled them off and rammed them in through the Iron Gate [233; 142]. – Уларнинг чекинганини яшириш учун биз Туя бўйнига, ака-укалар (тарбияланувчи биродарлар) ва Нўён Кўкалдош, Қул Назар (Шеримнинг ўғли) Тағойи Бег ва Мазид сингари бир неча яқин одамларимизни юбордик. Бир ёки икки Ўзбек уларга от солди ва Қулназар билан **қиличларини ўйнатиб жанг қилди**. Қолган Ўзбеклар отдан тушиб, бор кучлари билан уларни суриб-итариб, ҳамма ёқни вайрон қилди ва темир дарвозанинг ичкарисидан уларни куч билан суриб чиқардилар.

Ушбу таржимада лингвомаданий омиллар роли, лексик-синтактик трансформация ҳодисаси рўй берганини кузатиш мумкин. С.Бевериж «Уштургардан» топонимини «Туянинг бўйни», деб маъносини ўгириш орқали берса, аслият маҳсули *Қулназар била **қилич олиштилар***ни with Qul-nazar *swords were crossed – Қулназар билан қиличларини ўйнатиб жанг қилди* тарзида таржима қилган. С.Бевериж жанг майдонидаги жараёнларни тасвирий восита орқали таржима қилиш, ғанимларни уриб-суриб чиқариш, зўр бериб, ҳайдаб солиш, от солиш каби тўла тўкис аслият мазмунини акс эттиришга урунганлиги билан ўзига хосдир. Аслият мисоли В.Текстонда қуйидагича таржима қилинади:

Some cavalrymen were sent out behind them. Some of our kukaldashes and close ichkis? Such as Noyon Kukaldash, Qul-Nazar, Naghayi Mazid, and some others, went out toward Shutur-Gardan. Two Uzbeks charged them. They **exchanged sword blows** with Qulnazar. The Uzbeks dismounted and pressed hard, making the city mob move back and jamming them against the Iron Gate [245; 107].– Уларнинг орқасидан бир неча отлиқлар юборилди. Баъзи бизнинг кўкалдошларимиз ва яқин қариндош ичкиларимиз: Нўён Кўкалдош Қул-Назар, Нагаи Мазид ва бошқалар Шутур-Гардан томон йўл олишди. Икки Ўзбек уларга ҳужум қилди. Улар Қулназар билан **қилич олишди**. Ўзбеклар отдан тушиб, шаҳар оломонини орқага чекинишига босим бериб, уларни темир дарвоза олдидан сиқиб чиқарди (чиқишга мажбур қилди).

Сиёсий ва ижтимоий ҳаёт, фалсафий нуқтаи назар, жамият, инсонлар, халқ, оломон, уларнинг устидан ғалаба қозониш, қандай қилиб оломонни сиқиб чиқариш, жанг қилишнинг мақсади ва ушбу мақсадни амалга оширишдаги хатти ҳаракатларини акс эттириш В.Текстоннинг таржимадаги биринчи ўринда турадиган вазифаларидан бири бўлган. Шунингдек, аслият мисолини таржимон ана шундай жараёнларни акс эттиришда нечоғли тўлақонли таржима қилишгача урунганини кўрамиз. Таржимон аслиятдаги *Қулназар била **қилич олиштилар***ни “They **exchanged sword blows** with Qulnazar” – Улар Қулназар билан **қилич олишди**, деб акс эттирган. Топоним

сўз *Уштургардан*ни юқорида келтириб ўтганимиздек табдил ва русча таржималардаги каби таржиманинг калька усулини қўллаган. Ҳозирги адабий тил Қирғиз тилида ҳам мазмунга эга бўлган сўз *Устургардан* инглиз тилидаги *connect* сўзининг маъносига тенг бўлиб, бир-бири билан боғлиқ тушунчани ҳам англатади. Унда Ж.Лейден ва В.Эрскин ва яна С.Беверижнинг «Туянинг бўйни» деб беришларидан мақсад бир-бирига боғлиқ тушунча, топоним сўз *Уштургардан*, яъни жойни туянинг ўркачига ўхшаши, бир бирига яқин жойлашганининг маъносини таржимада акс эттиришни хоҳлаган. Таржимон туянинг бўйи узун ва ўркачи ҳам бир-бирига боғлиқ, унинг мазмуни эса оддийгина жой номи билан боғлиқ эканлиги, қандайдир мазмунга бориб тақалишини назарда тутган бўлиши мумкин. Шунинг учун таржимонлар топоним Уштургарданнинг маъносини чуқур ўрганган бўлишлари керак. В.Текстон *Устургардан* сўзини таржима қилишда оддий калька усулини қўллаб, аллитерация Shutur-Gardan – Шутур-Гардан тарзида таржима қилган. Аслиятдаги *Қулназар била* ***қилич олиштилар***ни эса ФБ “They **exchanged sword blows** with Qulnazar” тарзида акс этган ва таржимон ўз мақсадига эришган. Асардаги ФБлар шунингдек жанг майдонини тасвирлаш орқали ўз ифодасини топган.

Сўз концепти ҳақида гап борар экан, юқорида келтириб ўтилган нуқтаи назардан келиб чиқиб, М.Галиеванинг илмий тадқиқот иши, сўз концептосферасида маза-таъм билиш тушунчасидаги ФБлар мавжудлигини ёдимизга келтирамиз. Ушбу гуруҳ қуйидагича унинг диссертациясида акс этган:

а) мавзуга доир: a word and a stone let go cannot be called back; сўз суякдан ўтар, таёқ – этдан; сказанное слово – пущенная стрела;

б) натуромор: words are but wind; сел ариқни бузар, ёмон сўз – дилни; доброе слово человеку, что дождь в засуху;

в) вегетатив: deeds are fruits, but words are leaves; сўз кишининг – ўзаги, одоб кишининг – безаги; слово – семя, поле/я словами не засевают;

г) ҳаётий: (actions speak louder than words; сўзи ўлганнинг ўзи ўлар; живое слово дороже мёртвой буквы;

д) орнитологик: words have wings and cannot be recalled; ёмон сўзнинг қаноти бор; слово не воробей, вылетит – не поймаешь;

е) **завқланиш, яъни таъм билиш:** ширин сўз шакардан ширин; ласковое слово слаще мёда каби[93] сўз концептосферасини афоризм, фразеологизмларда тадқиқ этади.

Ушбу гуруҳдаги таъм билиш, яъни завқланиш мисол учун ширин сўз шакардан ширин – ласковое слово слаще мёда каби мисолда кўрсатишга ҳаракат қилганки, бошқа асарларда ҳам ушбу концепт қисман бўлса-да, эслашга туртки бўлган ва биз буни «Бобурнома»да ҳам таъм билиш гуруҳига кирган жанг майдонидаги воқеаларни муаллиф томонидан қуйидагича қўлланганини кўрамиз:

Бу тўрт киши етган била бетаҳоши-ўқ Мирзохон ўлтурғон ҳавлиға кирарлар, ғавғо бўлур. Мирзохон бир отқа миниб қочиб чиқар, Абулҳасан қўрбегининг иниси Муҳаммад Ҳусайн ҳам Мирзохонға навкар бўлуб эди, бу тўрт кишидин Шерқулини чопиб йиқор, бошини кесар маҳалда халос бўлуб, бу тўрт киши ***қилич еб, ўқ еб,*** *яралуқ бўлуб, мазкур бўлғон ерда бизга тиқилиб келдилар* [64; 150]. – Бу тўрт киши борибоқ, тортинмасдан Мирзохон ўтирган ҳовлига кирадилар, тўс-тўполон бошланади. Мирзохон бир отга миниб қочиб чиқади, Абулҳасан Қўрбегининг иниси Муҳаммад Ҳусайн ҳам Мирзохонга навкар бўлган эди. Бу тўрт кишидан бири Шерқулини чопиб йиқитишади. Бошини кесиш пайтида қутулиб кетади. Бу тўрт киши **қилич еб, ўқ еб,** ярадор бўлиб, ўша ерда бизга қўшилдилар. Кўчада отлик эл тиқилиб, тўхтаб қолди, на илгари юра олардилар, на кейинга қайта оладилар [65; 151].

Ушбу берилган мисолда *бу тўрт киши* ***қилич еб, ўқ еб,*** *яралуқ бўлуб, мазкур бўлғон ерда бизга тиқилиб келдилар* гапидаги ажратиб ёзилган ***қилич***

[93]Галиева М.Р. Инглиз, ўзбек ва рус тилларининг дунё лисоний тасвирида Word/Сўз/Слово концептосферасининг вербаллашуви. Филол.фан.номз. дисс. Автореф. Б.16. Тошкент. – 2010.

еб, ўқ еб, жумлалари ФБдир ва улар табдилда акс этгани кўриниб турибди. Аслиятдаги мисол рус тилида эса қуйидагича берилган:

Четверка бесетрашно ворвалась в самый двор, где сидел Мирзахан; поднялась суматоха, Мирзахан вскочил на коня и бежал. Мухаммед Хусейн, брат Абулхасана курбеги, который тоже был нукером у Мирзахана, напал на Ширкули, одного из тех четырех, **сбил его** с коня и **собирался отрезать ему голову**, но Ширкули вырвался [66; 117]. – Тўрттовлари қўрқмасдан Мирзахон ўтирган ҳовлининг қоқ ичкарисига бостириб киришди; шовқин кўтарилди, Мирзахон сакраб отга миниб қочди. Мирзахонга навкар бўлган Абулхасан курбегининг укаси Муҳаммад Ҳусайн ўша тўрт кишидан бири Шерқулига ҳужум қилди ва отининг устида **қилич билан урди** ва **энди бошини кесмоқчи бўлиб турганди**, аммо Шерқули қутулиб қолди.

Ўқувчи русча таржимани ўқиганда худди ўзини жанг майдонидаги кескин воқеа-ҳодисаларни кузатиб тургандек ҳис этади, таржимон аслиятдаги маза-таъм тушунчаси акс этган ***қилич еб, ўқ еб,*** ФБни *сбил его с коня и собирался отрезать ему голову – отининг устида қилич билан урди ва энди бошини кесмоқчи бўлиб турганди* каби тасвирий усул орқали беради. Аслият мисоли инглизча Ж.Лейден ва В.Эрскинда қуйидагича таржима қилинади:

... four persons, as soon as they came up, without halting, entered the palace where Mirza Khan lived. All was instantly in uproar and alarm. Khan Mirza mounted on horseback, galloped off, and escaped. Muhammad Hussain Korbegi’s younger brother, also in the service of Khan Mirza, attacked Shir Kuli Moghul, one of the four, sword in hand, and threw him down; but Shir Kuli contrived to escape while his opponent was endeavouring to cut off his head. **These four persons, still smarting from their sabre and arrow wounds**, were brought to me as I have mentioned [239; 215]. – Тўрт киши ичкарига бостириб кириб, тўхтамай тўғри Мирзо Хон яшайдиган саройга кирди. Ҳамма бир зумда шовқин-сурон кўтариб, хавотирга тушди. Хон Мирзо сакраб отга минди ва қочиб қолди. Муҳаммад Ҳусайн Қўрбегининг укаси Хон Мирза хизматида бўлган тўрт

кишидан бири Шер Қули Мўғулга ҳужумга ўтди ва қўлида қилич билан унга ташланди; Шер Қули рақибининг бошини кесиб ташлай деганида курашни давом эттирмасдан қочиб қутулиб қолди. **Ушбу чапдаст ўқ ва ўқ жароҳатлари бўлган** тўрт киши, юқорида айтиб ўтганимдек, менинг олдимга келтирилди.

Ж.Лейден ва В.Эрскин аслиятда қўлланган ***қилич еб, ўқ еб*** жумласини инглизча *These four persons,* ***still smarting from their sabre and arrow wounds*** *– Ушбу чапдаст* ***ўқ ва ўқ жароҳатлари бўлган*** *тўрт киши*да ва ажратиб ёзилган ***ўқ ва ўқ жароҳатлари бўлган*** деган гап ичида маъносинигина англаймиз ва ижодий таржима амалга оширилганлиги боис айнан маза-таъм *(ўқ) еб* каби маънолар акс этмайди, аслият матни тўлиқ трансформацияга учраган, лекин жангдаги манзаралар таржимада изчил тасвирланган. Ушбу мисол эса С.Беверижда қуйидагича берилган:

These four, without “a Gods forbid!” had gone right into Mirza Khan’s quarters; there upon he, hearing in uproar, had mounted and got away. Abulhasan the armourers younger brother even, Muhammad Husain by name, had taken service with Mirza Khan; he had slashed at Sherquli, one of those four, thrown him down, and was just striking his head off, when Sher-quli freed himself. Those four, **tasters of the sword, tasters of the arrow,** wounded one and all, came pelting back on us to the place mentioned [233; 315]. – Бу тўрт кишини “Худонинг ўзи кечирсин”, Мирза хоннинг уйларига тўғри бостириб кирдилар; У ерда шовқин-сурон овозини эшитиши биланоқ (Мирзо Хон) отга миниб қочди. Қуролбошининг укаси Абулҳасан ҳатто Мирзо Хонниг қўлида хизмат қилган Муҳаммад Ҳусайн деган киши Шерқулига қўлида қилич билан чопди. Бу тўртталаси **ўқ ва қилич таъмини татиб** барчасини яродор қилиб, орқамиздан тезда биз юқорида айтиб ўтган жойга қайтиб келди.

С.Бевериж бировнинг *уйига ҳеч тортинмай бостириб кириш* гапидаги *ҳеч тортинмай* тушунчасини “Худонинг ўзи кечирсин” жумласини қўшиш орқали акс эттирган, аслият маҳсули *қилич еб, ўқ еб* ФБини *Those four,* ***tasters of the sword, tasters of the arrow*** **–** Бу тўртталаси **ўқ ва қилич таъмини татиб**

тарзида, яъни маза-таъм билиш тушунчасини сақлаб қолган. Шунга қарамай аслиятдаги сўнг сўз *отлиқ тиқилиб келдилар* инглизчада акс этмай қолганини кўришимиз мумкин. Аслият мисоли В.Текстонда эса қуйидагича берилган:

They had marched fearlessly right into Mirza Khann's quarters and created an uproar, causing Mirza Khan to jump on a horse and flee. Abul-Hasan Qorchi's brother Muhammad Husayn had become a servant of Mirza Khan. He slashed at Sher-Quli, had him down, and was about to cut his head off when Sher-Quli escaped. **The four men, with sword and arrow wounds,** rejoined us in the above-mentioned place [245; 238]. – Улар ҳеч қўрқмасдан тўғри Мирза Хоннинг уйларига кирдилар ва шовқин-сурон кўтардилар, натижада Мирза Хон отга сакраб миндию, қочди. Абул-Ҳасан Қўрчининг укаси Муҳаммад Ҳусайн Мирза Хоннинг хизматкори бўлиб келган эди. У Шер-Қулини чопди ва бақириб, уни ерга йиқитди ва бошини олай деганда Шер-Қули қочиб қутулди. Тўрт киши **қилич ва ўқ билан яраланганлар** юқорида айтганган жойга келиб, бизга қўшилдилар.

They had marched fearlessly гапини шахдам қадам билан қўрқмасдан деб сўзма-сўз таржима қилинади, лекин мазмун яхлитлигини таъминлашни ҳисобга олиб, *Улар ҳеч қўрқмасдан тўғри Мирза Хоннинг уйларига кирдилар* деб ўгирилди. В.Текстон таржимасида бостириб кириш тушунчаси fearlessly - ҳеч қўрқмасдан тарзида акс этган. Унинг таржимасидаги боғловчилар *ва* қайта ўгирилаётганда акс этмаслиги мумкин, бу эса ўзбек тилидаги мазмун боғланишининг грамматик хусусиятларига боғлиқдир. Лекин Шерқулини қилич билан чопиш ва ким уни чопади, ким отга миниб қочади каби аслиятдаги бирламчи маъно ва жараён ҳар уч турдаги таржимада бир хил мазмун касб этган. Фразеологик бирлик мазмунига келсак, *қилич еб, ўқ еб* ибораси В.Текстонда **The four men, with sword and arrow wounds** - Тўрт киши **қилич ва ўқ билан яраланганлар** тарзида акс этган.

«Асл манба матн таржимасидаги энг муҳим нарса – бу мазмуний ўхшашликдир. Унда таржима матн аслият матн билан бир хил мазмун касб этади, деб ҳисобланади. Манба матн орқали узатилган маълумот билан

таржима матн сифатида қабул қилинган маълумот ўртасида фарқ мавжудлиги тўлиқ маълумот алмашиш имкониятининг чекланишига сабаб бўлади. Манба ва таржима матн ўртасидаги семантик бир хиллик маъно муқобилларининг турли даражаларига асосланади. Таржимон, одатда, асл манба матнга яқин бирликлардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Чунки таржима амалиёти аслият матнни бошқа тилга кўчиришда содир бўладиган ҳаракатлар мажмуидир. Бунга ўз касбининг устаси бўлган, малакали ёки шу ишга туғма иқтидори бўлган таржимонларгина эришади. Шоҳ таржима асарлар улкан сўз санъаткорлари саъй-ҳаракатлари ҳосиласи ўлароқ юзага келади»[94]. Аслият тили билан таржима тили ўртасида мазмуний, таркибий ва вазифавий жиҳатдан ўхшашлик муқобиллик ҳисобланади. Аслият матни маъно-мазмунини етказиб берувчи таржима матни тил бирликлари функционал жиҳатдан муқобиллар (мос бирликлар) сифатида аслият матни бирликлари ўрнида ишлатилади. Тил бирликлари меъёрий маънода ишлатилгани учун аслият тили бирликларининг таржима тилида маълум муқобиллари мавжуд бўлиб, улар ҳар хил таржима матнларида ўша бирликларнинг ўрин алмаштирувчилари бўлиб қўлланилади. Агар биз бир неча аслият матни билан таржима матнларни солиштирсак, улар орасидаги мазмуний ўхшашлик таржима жараёнида бир неча ўзгаришларга олиб келганлигини кўрамиз. Бошқача айтганда, манба матн билан таржима матн орасидаги муқобиллик манба матн контекстининг турли қисмларида қайта ишлаб чиқилишига асосланган бўлиши мумкин.

§4.3. «Фурсат» концептининг фразеологик бирликларда акс этиши

Замон тушунчасини ифодаловчи бир қатор мезонлар мавжуд бўлиб, «Бобурнома»да *вақт бирлиги* озиқ-овқат концептида муайян ҳодисанинг амалга ошиш муддати ФБ орқали ифодаланган. Бу кўпроқ асарда ҳарбий ҳолатда муайян миқдордаги сутнинг пишишга кетган вақт билан ўлчанган ва

[94]Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент. – 2016 Б.13, 175 б.

бир сут пишими каби ФБда акс этган. Тадқиқотнинг ушбу параграфини фурсат концептига кирган ФБлар жамланиб, улар қиёсий аспектда тадқиқ этилган. Сут ва фурсат тушунчасида ҳарбий хатти ҳаракатлар қуйидаги тасвирда янада ойдинлашади:



4.1-расм. Фурсат лексик семантик майдони.

«Фурсат» концептининг вақт меъёри давр тақозосига кўра қаҳрамонларнинг миллий-маданий қарашлари орқали уларнинг нутқида намоён бўлган.

4.1-жадвал

Фурсат лексик семантик майдонидаги фразеологик бирликлар таржимасининг жадвалда қиёсий акс этиши.

№	*ФУРСАТ* лексик майдони (аслият)	Табдил	Русча таржима	Лейден – Эрскин таржимаси (1826)	Сусанна Бевериж таржимаси (1921)	Вильер Текстон таржимаси (1996)
1.	Туғчи туғ боғлағунча фурсат бўлмади [93].	Байроқдорнинг байроқ боғлагунча фурсати бўлмади [91].	Знаменосец даже не успел привязать знамя к древку [68].	but without having time to tie on the horse-tail [110].	It was not a time to stand still [167].	With no time for tughchi [124].
2.	хон тушгунча фурсат бўлмади [94].	хон тушгунча фурсат бўлмаган, таъзимсиз кўришиб эди [92].	хан не успел сойти с коня [69].	he had not even time to dismount from his horse [112].	he had no time to dismount [169].	There had been no chance for him to dismount [126, 127].
3.	соғдоққа солғуча, икки ўқ отқунча фурсат [93].	садоққа солгунча, икки ўқ отгунча фурсат ўтди чамамда [91].	можно было бы метнуть две стрелы [68].	thus lost as much time as would have allowed of shooting two arrows [110].	been time to shoot, maybe, two or three arrows [166, 167].	I could have shot two more arrows. [125].
4.	қилич суғурғунча фурсат бўлмади [93].	қилич суғуришга фурсат бўлмади [92].	не было времени; вытаскивая его [68].	It was no season for standing still [111].	It was not a time to stand still [169].	but it was no place to stand still [125].

5.	таҳқиқ қилғунча бўлмади [97].	аниқ билгунча бўлмади [96].	Много их или мало, удостовериться не удалось [71, 72].	We could not ascertain precisely how many or how few they were [117].	Without waiting to know whether they were many or few, [177].	We had no time to ascertain how many or how few they were [133].
6.	бир сут пишими бурунроқ [96].	бир сут пишими муддати бурунроқ [95].	К тому же молоко не успело бы еще вскипеть [71].	It was no longer a season to tarry,	as long before as it take milk to boil [175].	out a little while before [135].
7.	Бир сут пишимиға ёвуқ даранг қилди [121].	Бир сут пишгунча муддат пайсалга солди [120].	что придет помощь, не было [92].	there as long as milk takes to boil [168].	There he stayed for as long as milk takes to boil [237].	with water up to its girth strap [178].

Ўрта Осиё халқларининг кундалик турмуш тарзига хос бўлган ва доимо истеъмол қилинадиган сутнинг қайнашигача кетган вақт ўлчови ҳақида боради. *Бир сут пишимиға ёвуқ даранг қилмоқ* – бир неча дақиқада сутнинг қайнаши билан боғлиқ тахминий вақт; *бир сут пишими бурунроқ* – рўй берган вақт бу ундан сал аввал; *муддати мадид қолмоқ* ФБи узоқ вақт қолмоқ; *қилич суғурғунча фурсат* ФБи бир нафас олиб чиқаргунча вақт; *соғдоққа солғуча икки ўқ отқунча фурсат* ФБи кўз очиб юмгунча, қилични қинига солгунча вақт; *туғчи туғ боғлағунча фурсат* ФБи отнинг эгар жабдуқларини боғлагунча кетган вақт ёки байроқдор байроғини отига боғлагунча вақтни, кўп ёки озгина вақт; *таҳқиқ қилғунча бўлмас* ФБи сонини аниқлагунча вақт бўлмас каби маъноларида мужассамдир. Келтирилган ФБларда миллий-маданий ўзига хосликни англаш мумкин.

Иш тадбирдин ўтуб эди. Нечукким, икки-уч минг яроқлиқ киши аркта, бир юз-икки юз киши тош қўрғонда. Яна Жаҳонгир мирзони ***бир сут пишими***

бурунроқ *қавлаб чиқарибдурлар. Кишимизнинг ярими анинг била чиқибдур* [64; 96]. – Ўйлаб ўтиришнинг пайти эмас эди. Чунки икки-уч минг яроқлик киши – аркда, юз-икки юз киши ташқи қўрғонда. Жаҳонгир мирзони **бир сут пишими муддати бурунроқ** қувлаб чиқарибдилар. Кишиларимизнинг ярми у билан чиқиб кетибди [65; 95]. – Раздумывать было поздно, так как в арке находилось две-три тысячи вооруженных врагов, а [наших] во внешних укреплениях – сто или двести. К тому же **молоко не успело бы еще вскипеть** с тех пор, как Джехангир мирзу побили и выгнали; половина моих людей ушла с ним [66; 71].

Демак *бир сут пишими бурунроқ* табдилдаги маъноси ва шакли ўзгармай аслият каби *бир сут пишими муддати бурунроқ* ҳолатда, яъни равишдош *муддат*нинг аслият жумласига қўшиш орқали ва рус тилидаги таржимада ҳам *молоко не успело бы еще вскипеть* мазмунни акс эттиришнинг тасвирий восита усули орқали таржима қилинганини кўрамиз ва таржимонлар аслият мазмунини сақлаб қола олган деб таъкидлаймиз. Ушбу аслият мисоли Ж.Лейден ва В.Эрскинда қуйидагича таржима қилинган:

He did return, and informed us that Jehangir Mirza had already been gone some time in his retreat. **It was no longer a season to tarry,** and we also set off. Indeed, my halting so long was very ill advised. Not above twenty or thirty men now remained with me [239; 117]. – У қайтиб келиб, Жаҳонгир Мирзонинг аллақачон орқага чекинганлиги ҳақида бизга хабар берди. **Бу ерда узоқроқ қолишнинг иложи йўқ эди** ва шундай алфозда йўлга чиқдик. Дарҳақиқат, бундай узоқ тўхтаб қолишимнинг сабаби нотўғри маслаҳат берилганликларида эди. Мен билан қолганлар чамаси, йигирма ёки ўттиздан камроқ эди.

Вақт меъёр ўлчови миллий-маданий хусусиятли *бир сут пишими бурунроқ* гапи *It was no longer a season to tarry,* яъни *Бу ерда узоқроқ қолишнинг иложи йўқ эди* тарзида грамматик-синтактик трансформация усули орқали аслиятнинг мазмуни етказиб берилаётганини кўришимиз

мумкин. Таржимон аслият матнини ёки ФБни эмас унинг мазмунини, шаклини эмас – ахборотни беришга ҳаракат қилмоқда. Лингвомаданий омиллар таржимага ўз таъсирини ўтказиб, таржимада трансформацияга учраши табиийдир. Аслият мисоли С.Беверижда қуйидагича таржима қилинган:

Moreover they had chased off Jehangir Mirza **as long before as it take milk to boil**, and with him had gone half my man, while we were in the Gate to say to him, If you are near at hand, come let us attack again [233; 175]. – Бундан ташқари, улар **чамаси бир сут пишадиган вақт ичида** Жаҳонгир Мирзони қувиб чиқаришди ва дарвоза ёнида унга: «Агар яқинроқ бўлсангиз, келинг яна ҳужумга ўтайлик», деб турган пайтимизда одамларимнинг ярмиси у билан кетиб қолди.

Назаримизда озиқ овқат компонентли ФБ *бир сут пишими бурунроқ*ни таржимада акс эттириш ушбу таржимон учун қийинчилик туғдирмагандек кўринади. С.Бевериж озиқ-овқат компонентли вақт меъёр тушунчасини билдирадиган *бир сут пишими бурунроқ*ни *as long before as it take milk to boil – чамаси бир сут пишадиган вақт ичида* бериб, инглиз тили грамматик хусусиятлар *as as* ва бир марта сут пишишга кетадиган (сарфланадиган) вақт чегарасини *it take* билан сут тушунчасини беришга ҳаракат қилган, лекин «Агар яқинроқ бўлсангиз, келинг яна ҳужумга ўтайлик» деган жумлалар қўшилган. Аслиятни таржимада тиклаш учун таржимон томонидан қўшилган гап мана шу бўлган. Аслият матни В.Текстонда қуйидагича таржима қилинган:

It was too late for tactics: two to three thousand armed men were in the citadel, and we were a hundred or two in the outer fortress. They had chased Jahangir Mirza out **a little while before**. Half of our men had left with him [245; 135]. – Ҳарбий чорани қўллашга кеч бўлди: қалъада икки-уч минг қуролланган киши, ташқи қалъада эса юз-икки киши қолган эдик. Улар Жаҳонгир Мирзони **бироз олдин** қувиб чиқаришди. Йигитларимизнинг ярми у билан кетиб қолди.

В.Текстон таржимасида ҳам Ж.Лейден ва В.Эрскинлар қатори сут тушунчаси акс этмаган. Таржимон ФБ *бир сут пишими бурунроқ*ни *a little while before – бироз олдин* грамматик-синтактик трансформацион усул билан таржима қилган. Ж.Лейден ва В.Эрскин, В.Текстонлар жараён ва фалсафий нуқтаи назардан мазмунни ўгиришга урғу берган, шунинг учун миллий-маданий, миллатга хос ибора *бир сут пишими бурунроқ* уларнинг таржимасида акс этмаган.

Давр тақозосига кўра вақт, меъёр тушунчаси билан боғлиқ иборалар халқнинг оғзаки нутқида вужудга келадики, ушбу иборалар унинг адабиётида ҳам акс этади ва бу каби иборалар мумтоз адабиётнинг бой хазиналаридан бирига айланган. Вақт ўтиши билан сақланиб қолган ушбу иборалар асарни ўқиганимизда тарихни ёдга солади, аждодларимиз ҳаёт тарзи ва уларнинг лексикасидан дарак бериб, ўй-қарашларини акс эттирган тарих билан боғлайди. Бу каби иборалар ҳозирги ўзбек тилида *бир оз вақт ёки бир зум* тушунчалари билан талқин этилади, замонавий адабиётда қўлланмайдиган диалектик лексикани ўзида мужассам этади: ***Туғчи туғ боғлагунча фурсат бўлмади,*** *туғни илигига олиб-ўқ отланди. Ёғий келадурган сори-ўқ мутаважжиҳ бўлдук. Ул отлонғанда ўн-ўн беш киши ҳамроҳ эди* [64; 93]. – **Байроқдор байроқ боғлагунча фурсати бўлмади**, байроқни қўлига олибоқ отланди. Ёв келаётган томонга қараб жўнадик. Ўша отланишда ўн-ўн беш киши ҳамроҳ эди [65; 91]. – ... **даже не успел привязать знамя к древку**, схватив знамя в руку, он вскочил на коня. Мы направились прямо в ту сторону, откуда шел враг; в этом походе нам сопутствовали десять-пятнадцать человек [66; 58; 68].

Бир қарашда аслият ва табдилдаги *Байроқдорнинг байроқ боғлагунча фурсати бўлмади* гапи оддий дарак гап деб ўйлашимиз мумкин, шунинг учун ҳам рус тилида *даже не успел привязать знамя к древку* сўзма-сўз таржима қилинганки, бу ҳол ҳеч қандай баҳс мунозарага сабаб бўлмайди. Лекин аслият мисолида яширинча вақт тушунчаси, унинг қанчалик меъёри назарда тутилган бўлиб, ушбу яширинлик фразеологик маънони англатади. Бу каби

иборалар халқнинг ўй-қараши ва байроқдор байроғини боғлашга улгурган, унга сарфланган вақт ифодасини англашимиз мумкин. Ушбу аслият матни инглиз тилида Ж.Лейден ва В.Эрскинда қуйидагича таржима қилинган:

My standard-bearer seized the standard, but **without having time** to tie on the horse tail and colours; but, taking the banner-staff in his hand just as it was, leaped on horseback, and we proceeded towards the quarter in which the enemy were advancing. When I first mounted, there were ten or fifteen men with me [239; 110]. – Менинг байроқдорим байроқни қўлдан қўймасдан ортда қолмай тез юрарди, аммо отнинг орқасига боғлашга **вақти бўлмай**; байроқнинг таёқчасини қўлида ушлаганча, отга сакраб минди ва биз душман илгарилаб бораётган ҳудуд томон йўл олдик. Мен отга минган маҳал ўн-ўн бешта одам мен билан бор эди.

Таржимадан кўринадики, ***Туғчи туғ боғлагунча фурсат бўлмади***ни Ж.Лейден ва В.Эрскинлар *without having time-вақт тополмай, вақти бўлмай* тарзида ўгирган ва бошқа сўз ва сўз бирикмалари уларнинг таржимасида деярли тўлиқ акс этган. Юқоридаги аслият мисоли С.Беверижда қуйидагича таржима қилинади:

My standard-bearer **had no time** to adjust my standard; he just mounted with it in his hand. There were ten or fifteen men with me when we started toward the enemy; … [233; 166]. – Менинг байроқдоримнинг байроқни отга боғлашга **вақти йўқ эди**, у шундоққина уни қўлида тутганча отга минди. Душман томон бораётганимизда мен билан ўн ёки ўн беш киши бор эди ...

С.Беверижда ҳам *had no time- вақти йўқ эди* тарзида ўгирилган бўлиб, қолган аслият матни маъносини очиб берган. Ҳар иккала таржимада ҳам гарчи *Туғчи туғ боғлагунча фурсат бўлмади*нинг худди муаллиф кутгандек таржима қилолмаган бўлса-да, аслиятниг мазмунини очиб беролган. В.Текстон эса аслият матнини қуйидагича таржима қилган:

With no time for *tughchi*[95] to secure the yak-tail, he mounted with it in his hand. We set off in the direction from which the enemy was coming. As I rode out I had with me ten or fifteen men [245; 124]. – Буйволни (қўтос ёки буқа) мустаҳкамлаш учун *туғчи*нинг **вақти бўлмай,** уни қўлида тутиб отга минди. Биз душман келаётган томонга қараб йўл олдик. Чиқиб келаётганимизда ўн-ўн беш киши бор эди.

В.Текстон Аслият матнини акс эттиришда туғчи сўзини аллитерация, **With no time for *tughchi* - туғчининг вақти бўлмай,** тарзида бериб, туғчи сўзига матн ости ҳавола келтиради: *Tughchi:* a servant in charge of the tugh, yak-tail standard attached to a ruler's horse, яъни мазмуни: *Туғчи: ҳукмдор отининг орқасига туғни мустаҳкам боғлаб қўядиган масъул шахс, хизматчи*, деб тасвирлайди. Унинг таржимасида *yak-tail standard attached to a ruler's horse,* яъни *Буйволни (қўтос ёки буқа) мустаҳкамлаш учун* гапи ўқувчини ўйлантиради. Ушбу жумлаларни сўзма-сўз таржима қилиб бўлмаслиги туфайли бутун гап мазмунини умумлаштириш, ўй-қарашни акс этишини кузатамиз. Биргина yak сўзининг ўзини таржима қиладиган бўлсак, у гапнинг маъносини ўзгартириб юборади ва аслиятдаги ***Туғчи туғ боғлагунча фурсат бўлмади,*** *туғни илигига олиб-ўқ отланди. Ёғий келадурган сори-ўқ мутаважжиҳ бўлдук. Ул отлонғанда ўн-ўн беш киши ҳамроҳ эди* бутунлай бошқа ва оддий жумлалар билан берилаётган матнни бошқа мазмундаги жараённи кўз олдимизга келтиради ва таржимонни чалғитиб қўяди. Яна *tail* сўзи *дум* деб ўгирилиши, *standard* сўзининг маъносини ҳеч қайси бир луғатдан аслиятга мосини топиб бўлмайди. Таржимада бир нечта сўзлар маъносини умумийлаштириш, конкретлаштиришга тўғри келади. Бундан кўринадики, фақат тил соҳибигагина маълум бўлган иборалар, тил жиҳатлари таржима қилинган матнда яққол билиниб қолади. Аслият мисолини агар биз таржима қилишга уринсак, у қуйидагича акс этади:

[95]*Tughchi:* a servant in charge of the tugh, yak- tail standard attached to a ruler's horse. Wh.Thackston. Baburname. – 1996., P. 480.

There **was no time to blink my eyes,** but taking the ensign (or banner-staff) in his hand leaped on horseback. We set off in the direction from which the enemy was coming. While I set out there were accompanied by ten or fifteen men on horseback. Айтиш мумкинки, ҳар бир таржимон у қайси миллат эгаси бўлишидан қатъий назар, ўз она тилига таржимани яхши бажаради, шу билан бирга тилнинг ўзига хос жиҳатларини қўллашда турли қийинчиликларга дуч келади. Бу масъулиятли мураккаб жараёнда тил соҳиби билан ҳамкорликда ишлаш жуда яхши натижа беради деб, ўйлаймиз.

Фурсат концепти ўзининг кенг қамровли ФБлари билан «Бобурнома»да бир неча марта қўлланганки, *вақт жуда оз, бир зум* каби мазмунни ўз ичига олади. *Мен бориб кичик хон додамни кўрдум. Бурун кўрушганда бехабар етиб бордим, кичик хон* ***тушгунча фурсат бўлмади*** *Бетаъзимроқ кўрушуб эди* [64; 94]. – Мен бориб кичик хон додамни кўрдим. Бурун кўришганда бехосдан етиб боргандим, кичик хон **тушгунча фурсат бўлмаган,** таъзимсиз кўришиб эди [65; 92]. – Я поехал и повидался с моим дядей, Младшим ханом. При предыдущем свидании я явился внезапно, так что Младший хан **не успел сойти с коня** и встретил меня без всякого почета [60; 69].

Бизнингча табдилдаги ўтган замон *тушгунча фурсат бўлмаган* гапини *тушгунча фурсат бўлмай* деб табдил қилинса маъқул, рус тилидаги *не успел сойти с коня* от сўзининг қўшилиши орқали аслиятдаги мазмунни акс эттириб берган. Юқоридаги аслият мисоли инглизча Ж.Лейден ва В.Эрскинда қуйидагича таржима қилинган:

I went on and saw my uncle the younger Khan. In my first interview with him, I had come upon him unexpectedly, and gone up to him at once, so that **he had not even time to dismount** from his horse, and our meeting took place without ceremony [239; 112]. – Мен бориб кенжа амаким Хонни кўрдим. У билан бўлган биринчи суҳбатимиз шундай бўлган эди, мен кутилмаганда унга дуч келиб қолиб, тўғри унинг ёнига бордим, **у** шунда **отидан тушишга ҳам улгурмади** ва бизнинг учрашувимиз маросимсиз ўтди.

Ўзбек тили структураси инглиз тилидан фарқ қилади, таржима қилинган матн аслиятга мос тушиш ва тушмаслик жиҳатлари билан боғлиқ масалалар мавжудки, ибораниng қай тарзда ўгириш, унинг муқобилларини топиш, шу билан бирга таржима маъноларни тафаккурда қайта ишлаб, аслият мазмунига тенглаштиришга тўғри келади. Инглиз тилида Ж.Лейден ва В.Эрскин иборани акс эттиришда мушкул вазиятга тушмайдилар, уни *had not even time to dismount - ҳатто у отдан тушишга ҳам улгурмади* тарзида таржима қилган ва аслият мазмунини тўғри акс эттирган. Аслият мисоли С.Беверижда қуйидагича берилган:

I went on to see my Younger Khan Dada. At our first interview, I had come upon him without announcement and **he had no time to dismount,** so it was all rather unceremonious [233; 169]. – Ёш Хон Дадамни кўргани бордим. Хон билан биринчи суҳбатимизда унга хабар бермасдан келганлигим учун унинг **отдан тушишга вақти бўлмай**, кўришиш жуда тантанали бўлмади.

С.Бевериж аслиятдаги иборани юқоридаги таржимонлар каби *he had no time to dismount- отдан тушишга вақти йўқ эди* тарзида таржима қилган. Унинг таржимасидаги *отдан тушишга ҳам улгурмай*, тарзида бериш ҳам мумкин эди, аммо унинг таржимасида ҳар бир лексик бирликлар аслиятни мазмун жиҳатига урғу бериш мақсадида шундай ўгирган. *Учрашув шунчаки тантанавор бўлмади ёки шундай қилиб*, каби муқобил таржимага эришга ҳаракат қилган. Аслият мисоли эса В.Текстонда қуйидагича таржима қилинади:

I went to see my uncle Kichik Khan. The last time, I had come upon him unprepared. **There had been no chance for him to dismount,** and hence we met without ceremony, as has been mentioned [245; 126, 127]. – Кичик Хон амакимнинг кўргани унинг олдига бордим. Мен охирги марта унинг олдига тайёргарликсиз борган эдим. Унинг отдан **тушиши учун ҳеч қандай имкон йўқ эди** ва шунинг учун биз айтиб ўтилганидек маросимсиз кўришдик.

В.Текстон яширин мазмун касб этган *тушгунча фурсат бўлмади* гапини *There had been no chance for him to dismount- отдан тушиши учун ҳеч*

қандай имкон йўқ эди тарзида таржима қилган. *Бетаъзимроқ кўрушуб эди – we met without ceremony* маросимсиз кўришдик, деб акс эттирган. Аслиятдаги қадрият тушунчасини билдирган кўришмоқ маъноси ҳар уч турдаги таржимада ўзига хос тарзда акс этган. Ҳар бир таржиманинг устуворлик хусусияти мавжуд бўлганидек, таржима қилинган даврлар орасидаги фарқ катта бўлишига қарамай ўй-фикр, тушунчалар тўлиқ таржима қилинганлигини кўрамиз. Шундай воқеа-ҳодисалардан бири *соғдоққа солғуча, икки ўқ отқунча фурсат* каби кўз очиб юмгунча вақт тушунчасида асарда қўлланганки, муаллиф ушбу ҳодисани қуйидагича тасвирлайди:

Танбалнинг дувулғасиға ўқ оттим, яна соғдоққа илик элиттим, хон додам бир сарсабз гўшағир бериб эди, ул чиқди, тошлағали ҳайфим келди, яна ***соғдоққа солғуча, икки ўқ отқунча фурсат*** *бўлди экин* [64; 93]. – Танбалнинг дубулғасига отдим. Яна садоққа қўл чўздим, хон додам бир яшил қиррали ўқ бериб эди, ўша чиқди. Ташлагани ҳайфим келди. Яна **садоққа солгунча, икки ўқ отгунча фурсат** ўтди чамамда [65; 91]. – Я пустил стрелу, лежавшую у меня на тетиве, прямо в шлем Танбала и сунул руку в колчан. Хан, мой дядя, подорил мне новенький «гушагир»; он попался мне под руку. Мне стало жалко его выбросить; пока я снова положил его в колчан, **можно было бы метнуть две стрелы** [66; 68]. – Мен камонимдаги ўқни тўғридан-тўғри Танбалнинг дубулғасига ташладим ва қўлимни ушлагичга солдим. Хон амаким менга янги “гушагир” берган эди, у қўлимга тушиб қолди. Уни ташлаб юборганимдан афсусландим, уни яна олдиргичга **солиб қўйгунга қадар иккита ўқ отиш мумкин эди**.

Табдилда *бир сарсабз гўшагир бериб эди*ни яшил қиррали ўқ бериб эди деб табдил этилади ва *садоққа солгунча, икки ўқ отгунча фурсат* ФБ мазмун касб этган гапида ҳеч қандай ўзгариш кўрмаймиз, русча таржимада эса *можно было бы метнуть две стрелы - солиб* (ўқни) *қўйгунга қадар иккита ўқ отиш мумкин эди,* тарзида акс эттирилган, ўқнинг номи “гушагир” калька усулида таржима қилинган. Инглизча таржималар ҳам ўзига хос тарзда акс

этган. Юқорида келтирилган аслият мисоли Ж.Лейден ва В.Эрскинда қуйидагича таржима қилинган:

One arrow, which was then on the notch, I discharged on the helmet of Tambol, and again applied my hand to my quiver, and brought out a green-tipped barbed arrow, which my uncle, the Khan, had given me. Unwilling to throw it away, I returned it to the quiver, and thus **lost as much time as would have allowed of shooting two arrows** [239; 110]. – Ўша пайтда битта ўқ кертикда қолган эди, Танбалнинг дубулғасига отдим ва қўлимни яна кертикка солдим, Хон амаким менга берган учи қиррали яшил ипли ўқ чиқди. Уни отишни хоҳламай, кертикка қайтариб қўйдим ва шу билан **иккита ўқ отиш вақтини бой бердим**.

Ж.Лейден ва В.Эрскин воқеа-ҳодисани тўлиқ акс эттиришга эътибор қаратиб, аслиятни тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қилган. Ҳар бир сўзнинг мазмунини таржима қилишга урунган. Мисол учун I discharged on the helmet of Tambol - Танбалнинг дубулғасига отдим; A green-tipped barbed arrow- учи қиррали яшил ипли ўқ таржимада акс этади. ФБ *садоққа солгунча, икки ўқ отгунча фурсат*нинг таржимаси *lost as much time as would have allowed of shooting two arrows- иккита ўқ отиш вақтини бой бердим,* тарзида ўгирилади ва уларнинг сайъ ҳаракатлари кўзга ташланади. Аслият матни С.Беверижда бундай таржима қилинган:

I shot off the arrow on my thumb, aiming at Tambal's helm. When I put my hand into my quiver, there came out a quite new *gosha-gir* given me by my Younger Khan dada. It would have been vexing to throw it away but before I got it back into the quiver, there and **been time to shoot**, maybe, **two or three arrows** [233; 166, 167]. – Танбалнинг дубулғасини нишонга олиб, бош бармоғимдаги ўқни отдим. Қўлимни кертикка солганимда, менинг кичик Хон Дадам берган яп янги *гўшагир* чиқди. Уни отиш хунук иш бўлар эди, лекин уни яна керттикка солгунча **чамамда икки ёки уч ўқ отгунча вақт бор эди**.

С.Бевериж ўқ номини ўз ҳолича *gosha-gir- гўшагир* аллитерация билан таржимада акс эттирган ва вақт меъёри *there and been time to shoot, maybe,*

two or three arrows - чамамда икки ёки уч ўқ отгунча вақт бор эди тарзида таржима қилган. Биргина сўз яшил ўқ акс этмай қолган. В.Текстон ушбу мисолни қуйидагича таржима қилган:

I shot an arrow I had in my thumb ring at Tambal's helmet. It would have been a shame to throw it away, but by the time I reached back into the quiver I **could have shot two more arrows** [245; 125]. – Танбалнинг дубулғасига бош бармоғимда турган ўқни отдим. Шу ўқни отиш менга уят эди, лекин **кертикка қўл элтгунимча яна иккита ўқ отишим мумкин эди.**

Таржимадан кўринадики, В.Текстон ўқни отиш уят бўлар эди гапида акс эттирилгану, лекин ким ҳадя қилган ўқлиги ноаниқлигича қолган. Ўта қисқаликка эътибор қаратган В.Текстон аслият матнини бу жойда тўлиқ акс эттира олмаган. Бизнингча аслият мисолини қуйидагича таржима қилиш мумкин:

I shot an arrow aiming at Tambal's helmet, I stretch for another arrow into my quiver, a green arrow came out that presented by my Khon Dada, I felt remorse of to shot it that there was so quick as **to take a breath** and **blink of my eyes**.

«Бобурнома»да фурсат концептига оид бир неча фразеологик бирлик муаллиф томонидан қўлланганини кўрамиз. Уни *қилич* лексик семантик майдонига ҳам киритиш мумкин эди, лекин биз уни *фурсат* концепти доирасида таҳлил этишни лозим топдик: *Қилични болдоғламайдур эрдим, қинида эди**, қилич суғурғунча фурсат бўлмади**. Қалин душман ичида якка ва ёлғуз қолдим* [64; 93]. – Қилични олмаган эдим, қинида эди**, қилич суғуришга фурсат бўлмади**. Кўп душман орасида якка ва ёлғиз қолдим [65; 92]. **–** Я не приделал рукоятка к своему мечу, он был в ножнах, **вытащить меч не было времени;** вытаскивая его, я остлся один-одинешенек среди множества врагов [60; 68]. – Мен қиличимни дастасига солмагандим, у қинида эди, **қилич суғуриб олишга вақт бўлмади**, уни тортиб олганда, кўплаб душманлар орасида ёлғиз қолдим.

Бир нафас олиб чиқаргунча, кўз очиб юмгунча, бир зумда каби сарфланган вақтни чамалаш тарзида аслият мазмунини лексик-синтактик

трансформация орқали рус тилида *вытащить меч не было времени - қилич суғуриб олишга вақт бўлмади* гапи мазмунида кўрамиз. Табдилда эса ўзгармаган ҳолатда ҳам мос келган. Ушбу мисол таржимаси инглиз тилида Ж.Лейден ва В.Эрскинда қуйидагича таржима қилинган:

I was alone and single in the midst of a multitude of enemies. **It was no season for standing still**; so I turned my bridle round, receiving another sabre stroke on the arrows in my quiver [239; 111]. – Мен кўп душманлар орасида ёлғиз қолдим. **Бу ерда туришнинг мавриди эмас эди**, шу алфозда жиловимни тортиб, яна бошқа ўқ олиб зарба бердим.

Аслият маҳсули *қилич суғурғунча фурсат бўлмади*ни инглизча *It was no season for standing still - Бу ерда туришнинг мавриди эмас эди* тарзида акс этган. *Қилич суғурғунча фурсат бўлмади*дан кўра душманлар орасида ёлғиз қолиш тушунчасини қандай ҳолат ва вазиятни акс эттириш таржимон учун муҳим мақсад бўлган, шунинг учун таржимон ФБни эмас, аслиятнинг мазмунини беришга ҳаракат қилган. Аслият матни С.Беверижда қуйидагича таржима қилинган:

I had not bared my sword; it was in the scabbard and **I had no chance to draw it.** Single-handed, I was alone amongst many foes. **It was not a time to stand still**; I turned rein [233; 169]. – Мен қиличимни суғуриб олмаган эдим, у қинида эди мен **уни суғуришга мутлоқ имкон бўлмади**. Бир қўлим билан курашиб, жуда кўп душман орасида қолиб кетдим. **Тўхтаб туришнинг вақти эмас эди**, мен жиловни тортдим ва ортга қайтдим.

Аслият маҳсули бўлган *қилич суғурғунча фурсат бўлмади*нинг мазмунини С.Беверижнинг таржимасида икки жойда боғлаш мумкин: *I had no chance to draw it- уни олишга мутлоқ имкон бўлмади; It was not a time to stand still- Тўхтаб туришнинг вақти эмас эди* гапида. Лекин С.Бевериж таржимасидаги *қилич суғурғунча фурсат бўлмади It was not a time to stand stillда* эмас биринчи берилган *I had no chance to draw it*да акс этган ва Ж.Лейден – В.Эрскинлар таржима қилган *It was no season for standing still*, яъни С.Бевериж берган *It was not a time to stand still*нинг эквиваленти бўлиб,

у аслида ФБ мазмунини эмас ёндош сўз бирикмасини ҳам акс эттирган. Агар аслиятдаги *қилич суғурғунча фурсат бўлмади* ҳар иккала таржимада қиёсланса, Ж.Лейден – В.Эрскин таржима матннинг бошқа жойида биз қидирган ФБ мазмуни кузатилмайди. Бундан кўринадики, даврга хос, миллатга мос бўлган лингвокультурологик омил ва тил хусусиятлари таржиманинг тиллараро боғлиқлик, синтактик ва вазифавий хусусиятларини ҳам ўз ичига олган бўлиб, таржима қоидаларига бўйсунишга мажбур этади. Биз бу таржималарда миллий-маданий хусусиятга эга бўлган иборалар фикр-мулоҳаза, қарашлар кесимида таржимада акс этганини кўрамиз. В.Текстон ушбу мисолни қуйидагича таржима қилган:

There I remained, alone in the midst of the numerous enemy, but **it was no place to stand still**. As I turned my reins, another sword blow landed on my arrows [245; 125]. – Ўша ерда мен кўплаб душманлар орасида ёлғиз қолдим, бироқ **жим туриш маҳали эмас эди**. Мен жиловини тортганимда ўқларимга бошқа қилич зарбалари келиб тегди.

В.Текстоннинг аслиятда берилган *Қилич суғурғунча фурсат бўлмади*нинг мазмун чегарасини фақатгина *it was no place to stand still - жим туриш маҳали эмас эди* гапида кўрамиз. Миллий-маданий хусусият мазмунини касб этган ФБ таржимаси йўқ деган тушунчага олиб келади. Бу ўринда аслиятни акс эттиришда таржимон қаҳрамонни қандай ҳолатда қолгани ва кескин жанг майдонидаги қилич тегиб кетаёзгандек ҳис туйғуси ёки сон жиҳатдан акс эттириш (numerous enemy) муҳим бўлган бир неча душманлар орасида ёлғиз қолиш каби хавфли вазиятга эътибор қаратиб, мақсадга эриша олганини ҳисобга олишимизга тўғри келади.

Таржимани аслият билан солиштириш, тенг қийматли бирликларни аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, икки тилли таржима назарияси аслият ва таржима тили деб ҳисобланган инглиз тили билан биргаликда алоҳида иккита тенг қийматли сўзлар мажмуини ўрганади. Шундай бўлса ҳам, икки тилли барча таржима назариялари эквивалентларни таснифлайди ва уларнинг таржима жараёнида муҳим тутган ўрнини тадқиқ этади.

Таржима назарияси учун таржимон ўз фаолиятида қандай усул ишлатганлиги, қандай қилиб аслият ва таржима матнда бир хил коммуникатив қийматга эришганлигини аниқлаш жуда мушкул. Бу жараёнларни бевосита назорат қилиб бўлмайди. Шундай бўлса-да, улар турли усуллар билан ўрганилиши керак. Таржима назариясининг бу йўналишида аслият ҳамда таржима орасидаги мувофиқликни таъминлашда таржимон фойдаланадиган методларни аниқлаш катта амалий аҳамиятга эга. Таржима жараёнини ўрганиш таржиманинг умумий стратегияси ҳамда унинг ўзига хос муаммоларига ечим топишда ишлатиладиган муайян услубларни аниқлашга хизмат қилади[96]. Таржиманинг тарихий ривожланишини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борган олимлар талайгина. Европа ва Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда фаолият олиб борган таржима мактаблари бўйича илмий-тадқиқот ишлари орасида Россияда яратилган ишлардан Е.О.Семенец ва А.Н.Панаевнинг «История перевода [Средневековая Азия, Восточная Европа (XV–XVIII века)]» (1991), Н.К.Гарбовскийнинг «Теория перевода» (2004), И.С.Алексееванинг «Введение в переводоведение» (2004), С.Б.Велединскаянинг «Курс общей теории перевода» (2010), Ўзбекистонда яратилган илмий-тадқиқот ишлардан О.Мўминовнинг «History of translation» (2005), Европа олимлари томонидан яратилган T. Savory «The Art of Translation» (1968), E.Nida «Towards a science of translating» (1964), Johnston D. «Stages of Translation» (1996), P.Newmark «About translation» (1991) каби таржима тарихига бағишланган китоблар таржимонлик фаолияти ривожланишининг босқичлари ва ушбу фаолиятнинг инсоният ривожланишида тутган ўрнини яққол кўрсатиб беради.

Таржимани мазмуний турларга ажратишда таржимашунослар турлича қарашларни олға сурган. Хусусан, таржимашунос олим Н.Комиссаров таржиманинг семантик турларини дастлаб қуйидагича таснифлайди: 1) бадиий таржима; 2) информатив таржима. Ушбу таснифнинг асоси

[96]Раҳимов Ғ.Х. Таржима назарияси ва амалиёти. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент–2016., Б. 17.

сифатида таржима материалининг мазмун ва моҳияти ҳисобга олинади[97]. В.Н.Комиссаров ўзининг кейинги изланишларида таржиманинг қуйидаги турлари ҳақида сўз юритади: 1) адаптациялаштирилган (соддалаштирилган) таржима; 2) муқобил таржима; 3) антономик таржима; 4) ҳижжалаб таржима; 5) информатив таржима; 6) бадиий таржима; 7) яқинлаштирилган таржима; 8) эркин таржима; 9) қисқартирилган таржима; 10) аниқ таржима; 11) трансформацион таржима; 12) хомаки таржима; 13) эквивалент таржима; 14) дастлабки ишланма шаклидаги таржима.

Г.М.Ҳошимов эса таржималарни фақат икки гуруҳга ажратади: 1) бадиий таржима; 2) умумий таржима.

Р.К.Миньяр-Белоручев таснифига кўра, қуйидаги таржима турлари мавжуд: 1) ёзма таржима; 2) синхрон таржима; 3) изчил таржима; 4) қоғоздан таржима. Бу таснифда изчил таржима, Миньяр-Белоручев фикрича, тўрт хил бўлиши мумкин: 1) бир томонлама таржима; 2) икки томонлама таржима; 3) хатбошидан-фразага таржима; 4) қайдлар орқали таржима. Ушбу муаллифнинг фикрича, қандай матн таржима қилинаётганлигига қараб таржимани қуйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) бадиий таржима; 2) ижтимоий-сиёсий таржима; 3) илмий-техникавий таржима. Ушбу таснифни яна қуйидагича давом эттириш мумкин: 1) диний матнлар таржимаси; 2) спортга доир матнлар таржимаси; 3) ҳарбий соҳага доир матнлар таржимаси; 4) иқтисодиёт ва тадбиркорлик матнлари таржимаси[98].

Таржимада асл нусхадан ўгирилаётган материал маъносининг қай даражада акс этганлигига қараб, Р.К.Миньяр-Белоручев қуйидаги таржима турлари хақида ҳам фикр юритади: 1) муқобил (тўлақонли) таржима; 2) антонимик таржима; 3) ҳижжалаб қилинган таржима; 4) икки томонлама таржима (икки суҳбатдош мулоқотининг бир вақтнинг ўзида икки таржимон ёрдамида амалга ошириладиган таржимаси); 5) қайта таржима (матнни

[97]Раҳимов Ғ.Х. Таржима назарияси ва амалиёти. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент–2016., Б.26.
[98]Раҳимов Ғ.Х. Таржима назарияси ва амалиёти. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент–2016., Б.26.

аслият тилига қайта таржима қилиш); 6) махсус таржима турларига бўлади. Лекин ушбу таржима турлари орасида таржима аспектлари ҳам алоҳида диққатга сазавордир. Ғ.Раҳимов ўзининг Таржима назарияси ва амалиёти китобида барча олимларнинг таржима турлари ҳақидаги тўлиқ маълумотларни келтиришга ҳаракат қилган. Бизнинг фикримизча олимларнинг таржима турларини келтириши билан бирга уларнинг орасидаги таржима турлари эмас, балки фан сифатида қараладиган таржима назарияси ва амалиёти факультетларида аспект сифатида ўқитиладиган фан номини эътиборга олиш лозим. Унинг маълумотлари таржима турлари концептини қамраб олганлиги, ўзига хос қўлланма яратгани таржимашуносларга маълумдир.

Тўртинчи боб бўйича хулосалар

Аслият матнининг прагматик хусусиятларини қайта яратишда таржимоннинг ФБ ва мақол, маталларни замонавийлаштиришга уриниши ҳам аслиятни ўзгаришига олиб келади. Бунда манба тилида тасвирланган воқеа-ҳодисалар рўй берган вақт ва жой билан боғлиқ хусусиятлар таржимадаги воқеа-ҳодисаларнинг замон ва макони бир-биридан бутунлай фарқ қилади. Таржимон кўпинча, манба тилига замондош бўлган, тарихий даврда яратилган асарларни кўп ўқиб ўрганишни тақазо этади ва уларнинг таржимаси билан шуғулланиши лозим. Тўртинчи бобнинг банди ва таржимонлар ёндашувларини жиддий ўрганган ҳолда қуйидаги хулосага келамиз.

Топонимлар таржимаси ҳар уч турдаги инглизча таржимада турлича акс этган. Топоним сўзлар таржимонлардан бирида калька Shutur-Gardan – Шутур-Гардан деб берилса, бошқасида Camel’s-neck «Туянинг бўйни» мазмунини ўгириш орқали мақсадга эришилган.

Бобурномада ҳам маза - таъм билишга оид фразеологик бирликлар мавжуд, улар инглизча Ж.Лейден ва В.Эрскин таржимасида акс этмаган ва улар таржимада аслият мазмунини бериш орқали акс эттирган. С.Бевериж

аслиятдаги маза-таъм тушунчасини тўлиқ сақлаган, В.Текстон эса таржимада сонга кўпроқ эътибор бериб, сон жиҳатидан таржимага ёндашган.

Инглиз таржимонлари аслиятдаги ФБлар ва лингвокультуремаларни таржима қилишда муқобилларини топишга урунган. Шунга қарамай уч хил кўринишдаги инглизча таржималарнинг барчасида ўз аксини топган бўлса ҳам ўзбек классик адабиётининг бой лексикаси, ўзига хос нодир ибораларининг фарқ қилишини кузатдик. Инглиз таржимонлари қанчалик ҳаракат қилмасинлар миллатга хос тушунчалар фақат тил соҳибигагина аён бўлиши исботланди.

Таржима назарияси учун таржимон ўз фаолиятида қандай усул ишлатганлигини, қандай қилиб аслият ва таржима матнда бир хил коммуникатив қийматга эришишни аниқлаш жуда мушкул. Бу жараёнларни бевосита назорат қилиб бўлмайди. Шундай бўлса-да, улар турли усуллар билан ўрганилиши керак.

Таржима назариясининг аслият ҳамда таржима орасидаги мувофиқликни таъминлашда таржимон фойдаланадиган когнитив-концептуал, тафсифий-аналитик, қиёсий-типологик, статистик методларни аниқлаш катта амалий аҳамиятга эга. Таржима жараёнини ўрганиш таржиманинг умумий стратегияси ҳамда унинг ўзига хос муаммоларига ечим топишда ишлатиладиган муайян услубларни аниқлашга хизмат қилади.

«Бобурнома»да ФБлар таржимасини уч турдаги инглизча таржималарни қиёсий таҳлил этиш ва унинг лексикографик нуқтаи назардан тадқиқ этиш ФБлар таржималарини муқобилларини ўрганиш билан бир қаторда унга ёндош бўлган муҳим сўзлар таржимасини акс этишини ҳам машаққатсиз билиб олишга ёрдам беради ва грамматик-синтактик трансформация ҳодисаларини ҳам ўрганиш кузатилади. ФБлар таржималарини қиёсий тадқиқ этиш орқали таржимашуносликнинг лексик-семантик, грамматик-синтактик, морфологик трансформация масалалари ҳам маълум даражада акс этади.

Шу кунга қадар ФБлар жуда ҳам кўп ўрганилган бўлишига қарамай, мумтоз адабиёт «Бобурнома» асарида ўрганилиши ва унинг асосида лексикографиясини ишлаб чиқилиши, унинг қиёсий таржималари таҳлили туфайли мавзули: кўп тиллик луғат яратиш муҳимлигини исботлайди.

V БОБ. «БОБУРНОМА»ДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ЛУҒАТИНИ ЯРАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

§5.1. «Бобурнома»нинг лексикографик талқини ва тузилган луғатлар таркиби

«Бобурнома»да кўплаб ҳиндча сўз ва атамалар, топонимлар ҳамда антропонимлар муаллиф томонидан қўлланган. Ҳ.Ҳасановнинг ёзишича, асарда бир мингдан зиёд жой номлари берилган[99]. Р.Расулов «Бобурнома»да мингдан ортиқ географик номлар ва 1800 дан кўпроқ киши исмлари учрайди[100] деб ёзади. Т.Нафасов аниқ рақамларни келтиради – «Бобурнома»да 1406 та киши исми, 1100 дан ортиқ жой номи қайд этилган[101], Ҳ.Қудратуллаев эса «Бобурнома»даги киши исмларини 500 дан ортиқ дейди ва уларнинг сонини Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романидаги персонажларнинг сони билан тенглаштиради[102]. Кўриниб турибдики, «Бобурнома»да қўлланилган географик жой номлари ва киши исмларининг сони хусусида мутахассисларнинг фикри бир-биридан жиддий фарқ қилади. Қайд этилган тахминий рақамлардан нечтаси ҳинд тилига мансублиги ҳақида ҳеч қаерда ҳеч қандай маълумот келтирилмаган[103]. Покистонлик олим М.Собирнинг «Бобур тилида урдуча сўзлар имлоси» мақоласида (ўша асар) «Бобурнома»даги урдуча сўзларни асарнинг фақат туркча таржимасига солиштириб ўрганган. Урдуча сўзларнинг туркча сўзлар билан муқояса қилинишини О.Н.Шоматов хато деб ҳисоблайди ва турк тили билан эмас, чиғатой тилининг тарихий вориси бўлмиш ҳозирги ўзбек тили билан таққослашни мақсадга мувофиқ бўларди, деб ҳисоблайди[104]. Ушбу масалалар юзасидан А.Иброҳимов ўзининг танқидий фикрини билдириб, бир нечта мисоллар орқали исботлашга ҳаракат қилган ва «ҳиндча сўзларнинг ўзбек

[99] Ҳасанов Ҳ. Бобур сайёҳ ва табиатшунос. –Т.: Ўзбекистон, 1983. – Б.18.
[100] Расулов Р. Бобур – ўзбек тилининг софлиги учун курашувчи. Бобур ва ўзбек миллий ... – Б.44.
[101] Нафасов Т. Бобур – номшунос. Бобур ва ўзбек миллий ... Б.39.
[102] Қудратуллаев Ҳ. «Бобурнома»нинг тарихий – адабий ва услубий таҳлили, Докт: дисс., – Б.223.
[103] Муҳаммад Собир. Бобур асарлари тилида урдуча сўзлар имлоси. Карачи университети. № 2, II – қисм. 1965 йил август. Покистонлик олим М.Собирнинг « ... 250дан ортиқ».
[104] Шаматов А.Н. Изучение проблемы тюркско-индейских языков контактов в работах тюркологов Пакистана//Востоковедение (Языкознание и история). Научные труды Таш ГУ, вып 404, Т., 1971, с.57.

тилидаги имлоси, сўзларнинг этимология, транскрипция ва бошқа масалалари ҳозирча тўлиқ ўрганилмаган», деган хулосага келади. «Бизнинг аниқлашимизча, – дейди у мақоласида, – «Бобурнома»даги Ҳиндистонга оид турли хил сўзлар атамалар, ҳайвонот ва наботот номлари, жой номлари ҳамда шахс исмларининг сони жами 461 та бўлиб, 2564 марта учрайди (Биз «Бобурнома»да 412 та ҳиндча сўз борлигини аниқлаган эдик[105]». «Бобурнома»нинг янги илмий нашрини тайёрлаш жараёнида яна бир қатор ҳиндча сўзларни аниқлашга муваффақ бўлдик. Унинг тузган луғати қуйидаги жадвалда аниқроқ тасаввур уйғотади:

5.1-жадвал

А.Иброҳимов тузган луғатнинг жадвалда акс этиши.

№	1960 й нашрдаги имлоси	маъноси	Неча марта учраши	Танқидий матндаги имлоси	Асл шакли	Бизнинг вариант	Имлонинг ўзгарган(+) ўзгармаган (-)
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Агҳан	Фасл	1	اگھں	AHGAN	Агҳан	-
2	Адуса	Жой	1	ادوسہ	ADUSA	Адуса	-
3	Айтвар	якшанба	1	ایتور	AITVAR	Айтвар	-
4	Акриеда	Жой	1	اکریادہ	AKRIYADA	Акрийада	+
5	Алихон Фармулий	Исм	3	علیخان فرملی	ALIKHAN FARMULI	Алихон Фармулий	+

А.Иброҳимов кейинги тадқиқотида ушбу луғатини давом эттириб, 459 та ҳиндча сўзлар луғатини жадвалда кўрсатиб беради. Бу сўзлар асосан жой номлари: Адуса, Анраҳор, Бажур, Бангола, Гувалер, Дакан, Диболпур; ҳафта номлари: Айтвар (якшанба), Сумвар (сешанба), Бристпотвор (пайшанба), Булдвор (чоршанба); мевалар: турунж, омила, болинг, галгал, кайла, жоман; исмлар: Баҳодур Хон Гужаротий, Бу, Дева Ҳинду; гул номлари: Жамбулий,

[105]Иброҳимов А.П. «Бобурнома»даги ҳиндча сўзлар тадқиқи» Филол.фан.номз.дисс., Тошкент.– 2001.

Дуда (нилуфар гули); ҳайвон номлари: Бондар (маймун), Галаҳра (кийик), Карёл (тимсоҳ) Чошнигир (баковул) шугун (хосиятли) каби сўзларнинг келиб чиқишини аниқлаб, 459 талик ўзига хос луғатни тузган. Ушбу тузилган луғатлар ичида ўзбекча-инглизча луғат ҳақида сўз бормайди. Уларнинг дастлабки тузган луғатлари кейинги ишлар учун фойдали манба бўлиб хизмат қилган.

Заҳириддин Бобурнинг «Бобурнома» асари жаҳон фани ва адабиётининг адабий ёдгорликларидан бири сифатида ҳайратомуз даражадаги холис ёндашув билан ёзилган ўндан зиёд дунё тилларига таржима қилинган ва фан соҳаси учун қимматли манбадир, туркий халқлар тафаккури ва маданиятининг ноёб дурдонаси сифатида унинг миллий-маданий қадриятлари, бетакрор тарихни тиниқ кўзгу каби акс эттириб туради. Мана шу сабабаларга кўра Заҳириддин Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, унинг мероси жаҳон афкор оммасининг диққатини ўзига тортишда давом этмоқда. Ушбу мавзуда илмий рисола ва оммабоп китоблар, адабий нашрлар ва санъат асарлари мунтазам эълон қилинмоқдаки, бугунга келиб, Бобур ва Бобурийларга оид адабиётлар библиографиясини тузиш ўта долзарб.

Унинг асосини Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда чоп этилган нашрлар, оммавий ахборот воситалардаги чиқишлар илмий журнал, рисола ва тўпламларда илова қилинган библиографик манбалар ташкил этади. Ушбу библиография Ўзбекистондаги барча марказий кутубхоналар, барча вилоят ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси кутубхона-русурс марказлари, Россия Федерациясининг Иваново, Қозон, Санкт-Петербург ва Москва шаҳарларида ҳам йирик кутубхоналарнинг картотекалари ва библиографик материаллари билан танишган ҳолда интернет ресурсларини ҳам имкон қадар жалб қилишга ҳаракат қилинган. Бунда туркий тиллар, араб, форс, урду, ҳинд, рус, инглиз, немис, француз ва бошқа тиллардаги маълумотлар жамланиб, шарқшунос олимлар, библиография мутахассислари билан маслаҳатлашган ҳолда муайян тартибга келтирилган. Бобуршоҳ ижодий мероси ғоят ранг-баранг, Бобур ва Бобурийларга бағишланган нашрлар жанр бўйича жуда

хилма-хил бўлгани, кўплаб материаллар бир вақтнинг ўзида бир неча, ҳатто ўнлаб мавзуга нисбат берилиши мумкинлиги учун библиография мавзулар бўйича қисмларга ажратилмай, барча материал алифбо тартиби бўйича жойлаштирилган[106].

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганига кўп йилдан ошибдики, тарих учун бу муддат жуда қисқа бўлса ҳам, лекин ана шу давр ичида иқтисодий-сиёсий, маънавий ва маданий ҳаётимизда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Иттифоқ давридаги раҳбарларнинг кўп йиллар давомида юритган сиёсати миллий-маданий қадриятларимиз, маънавий анъаналаримизни яна тикланишига олиб келди. Аждодларимиз қолдирган бой меросимизни оммалаштириш, уларнинг жаҳон тамаддунининг ривожланишдаги ролидан фахр-ифтихор ҳиссини туйиш имконияти вужудга келди[107]. Бир неча миллий-маданий қадриятларга доир илмий ишлар, номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Шу билан бирга миллий-маданий қадриятларни таржималарда ҳам тўлақонли акс эттиришга эътибор ҳам қаратилмоқда.

Умумий ва хусусий илмий-тадқиқот методологияси ва методларни ўрганиш ва ёш тадқиқотчиларга сингдиришга жиддий эътибор қаратилди. Н.Шермуҳаммедованинг фан методологиясига бағишланган[108], Т.Бушуй, Ш.Сафаровларнинг «Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси»[109], Ҳ.Неъматов ва А.Нурмоновларнинг лингвистик тадқиқот методологияси ва методларига бағишланган асарлари майдонга келди.

Мустақилликка қадар ўзбек тилшунослари асосан ўзбек тилининг ички тузилишини тавсифий асосда ўрганиш билан чекланган бўлсалар, мустақиллик шароитида улар ўзбек тили материаллари негизида умумий тилшунослик муаммоларини ҳал қилиш, тилшунослик назарияси ва

[106] Рустамхўжаева Ш.Ш. Захириддин Мухаммад Бабур. Бабуриды. Библиография. Андижон–Тошкент–Қозон–Санкт-Петербург–Москва. Б.11. 1180 б. ООО «Издательство восточной литературы» 127051, Москва, Петровский бульвар, д. 3, стр.2; ППП «Типография «Наука» 121099, Москва Г-99, Шубинский пер., 6.

[107] Мадвалиев Абдуваҳоб. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Тошкент.: 2017. Б.6, 384 б.

[108]Шермухамедова Нигинахон Арслоновна. Фалсафа ва фан методология – Тошкент: Университет 2005.24 б/т. (ўзб).

[109] Сафаров Ш.Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007 278б.

лингвистик таълимот тарихи масалаларини ёритиш даражасига кўтардилар. Бу давр мобайнида А.А.Абдуазизов, Р.Расулов, Н.Турниёзов, Ш.Искандарова[110] ва бошқа олимларнинг тилшунослик назариясига бағишланган китоблари, шунингдек, «Ўзбек тилшунослиги тарихи» номли асарлар пайдо бўлди. Фақат истиқлол туфайлигина ўзбек тилшунослиги ўзининг узоқ тарихига эга эканлиги, ўзбек тилшуносларининг Европанинг энг донгдор тилшуносларидан анча олдин қиёсий-тарихий тилшунослик, контрастив лингвистика, идеографик луғатлар яратиш каби қатор йўналишларга асос солганлиги, ҳозирги кунда лексемалар мазмуний мундарижасини узвий (компонент) таҳлил асосида ёритиш анъанага айланган бир пайтда, бу усул XV асрлардаёқ ўзбек тилшунослари томонидан муваффақиятли қўлланилганини ёритиш ва илмий жамоатчиликка етказиш имконияти пайдо бўлди. Энг муҳими, истиқлол даврида ўзбек тилшунослигида методологик яккаҳокимликдан методологик плюрализмга ўтилди. Бунинг натижасида бир объектга турли томондан ёндашувлар майдонга келди. Анъанавий, структур-семантик (формал-семантик), формал-функционал сингари йўналишлар эркин фаолият кўрсата бошлади. Шунинг учун бу йўналишлар ўртасида баҳс-мунозараларнинг фаол иштирокчисига айландилар[111]. Бунинг натижасида тилшуносликнинг назарий масалаларига тадқиқотчиларнинг диққат-эътибори кўпроқ жалб қилина бошлади.

Система, структура тушунчалари, тилнинг асосий қурилиш бирликлари бўлган фонема, морфема, лексема, сўз, конструкцияларнинг моҳиятини белгилаш сингари тилшуносликнинг энг мунозарали масалаларини ҳал қилиш бўйича баҳсга киришдилар. Бу эса истиқлол даврида структур тилшуносликнинг кириб келиши ўзбек тилининг ички тузилиш бирликларини тадқиқ қилишда катта имконият яратиб берди. Ф. де Соссюрнинг тил–нутқ дихотомияси[112] ҳақидаги қараши асосида ўзбек

[110] Расулов Р. Умумии тилшунослик. Тошкент-2010: www.ziyouz.com kutubxonasi.
[111] Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. – Тошкент, 2007; Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент, 2010 ва бошқалар.
[112] Нурмонов А. Ттилшуносликнинг назарий ва амалий муаммолари бўйича танланган мақолалар. Танланган асарлар 3-жилд.– 2012.

тилининг барча сатҳларида имконият, моҳият сифатидаги тил бирликлари билан уларнинг нутқий жараёнда бевосита моддийлашуви ўртасидаги муносабатга жиддий эътибор берила бошлади. Айни пайтда, структур тилшунослик тилни трансцендент ҳодисалардан холи равишда иммамент ўрганишга асосий эътибор қаратилганлиги туфайли лисоний фаолиятнинг субъектлари бўлган *сўзловчи ва тингловчи шахси* тадқиқотчилар эътиборидан четда қолди. Ваҳоланки, ҳеч бир тилни «тил эгаси» дан ажратган ҳолда тўғри ва тўлиқ ўрганиб бўлмайди. Чунки ҳар бир нутқий актда сўзловчи шахснинг таъсири сезилиб туради. Структур тилшуносликнинг ана шу чекланган томонини бартараф қилиш учун ҳозирги кунда антрополингвистика ривожлана бошлади.

Ўзбек олимларидан М.Миртожиев, Н.Маҳмудов лингвистик семантика бўйича, М.Ҳакимов, Ш.Сафаровлар прагмалингвистика ва когнитив лингвистика бўйича қизиқарли тадқиқотлар олиб бордилар. Айниқса, Ш.Сафаровнинг «Когнитив лингвистика» ва «Прагмалингвистика» номли асарларининг нашр қилиниши ўзбек тилшунослигининг катта ютуғи бўлди[113].

Бундан ташқари, ўзбек тилининг турли сатҳларини шу тилнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этишга алоҳида аҳамият берилди. Ҳ.Жамолхоновнинг «Ўзбек тилининг назарий фонетикаси» (Тошкент, 2009), Азим Ҳожиев, Ё.Тожиев, Т. Мирзақуловларнинг морфемика ва сўз ясалишига доир асарлари, Э.Бегматов, М.Миртожиев, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, Ҳ.Шамсиддинов, Ҳ.Дадабоев, Ш.Искадарова, А.Собировларнинг лексикологияга, А.Ҳожиев, Ш.Шаҳобиддинова, Ж.Элтазаровларнинг морфологияга, Н.Маҳмудов, Р.Сайфуллаева, М.Қурбонова, Д.Лутфуллаеваларнинг синтаксисга бағишланган асарлари ўзбек тилшунослигини янги босқичга олиб чиқди.

Ўзбек тили лексикологияси, айниқса, лексикографияси соҳасида ҳам муҳим ютуқларга эришилди. Хусусан, луғатчилик соҳасидаги назарий ва

[113]Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик.– Жиззах, 2006.

амалий изланишлар диққатга сазовордир. Беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», кичик ва ўрта ҳажмли бир неча ўнлаб икки тилли таржима луғатларнинг, юздан ортиқ бир, икки ёки кўп тилли терминологик луғатларнинг айни мустақиллик йилларида яратилганлиги луғатшунослик соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан дарак беради. Зикр этилган омиллар таъсирида ўзбек тили луғат таркибида юз берган жиддий ўзгаришлар муносабати билан ҳозирги давр талабларига жавоб бера оладиган изоҳли луғат яратиш заруратидан келиб чиқиб, Республика ҳукуматининг махсус қарори билан ўзбек тилининг янги, кўп жилдли изоҳли луғатини тузиш ва чоп этиш масаласи Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги қонунини амалга ошириш Давлат дастурига киритилди ва уни амалга ошириш ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти зиммасига юкланди.

Беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ўзбек халқи ижтимоий-маданий ҳаётида, ўзбек тили ва тилшунослиги тарихида улкан ҳодиса ҳисобланади. Луғатнинг илмий қиммати шундаки, у ҳозирги ўзбек адабий тили сўз бойлиги ўзида мужасам қилган, ўзбек тилининг дунёдаги энг ривожланган тиллардан бири эканини намойиш қилувчи ва бу ҳолатни конкрет далиллар асосида тасдиқловчи муҳим манбадир. Ушбу изоҳли луғатнинг назарий асоси ва илмий тамойиллари, сўз маъноларини талқин қилиш усуллари ўзбек тилининг икки тилли таржима, терминологик ва бошқа хил луғатларини тузишга баракали таъсир кўрсатди.

Янги изоҳли луғат улкан амалий, маданий-маърифий қимматга эга. Унга ўз она тилига меҳр-муҳаббати бўлган, она тилининг, ундаги сўзларнинг сир-асрорлари, имловий ва услубий хусусиятлари билан қизиққан ҳар қандай ўзбек зиёлиси, ўзбек тилини ўрганиш иштиёқида бўган ҳар қандай ўзга тил вакили мурожаат қилиши мумкин[114].

[114]Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Тошкент.: 2017. Б.11, 384 б.

Беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» чоп этилганидан кейин Ўзбекистонда луғатчилик, шу жумладан икки тилли луғатлар тузиш соҳасида амалга ошириладиган барча муҳим ва йирик ишлар, ташаббуслар миллий тилнинг катта изоҳли луғати билан, В.Г. Гакнинг таъбири билан айтганда, «луғатнинг энг муҳим, асосий тури»[115] билан боғлиқ бўлади. Чунки янги изоҳли луғат ҳозирги ўзбек тилида нисбатан кенг истеъмолда бўлган бир неча ўн минглаб сўз ва сўз бирикмаларини, жумладан, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шеваларда қўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни қамраб олган ва кўплаб лексикологик тадқиқотларга, янгидан-янги таржима луғатларига манба бўлиб хизмат қилади.

Халқимиз ўзлигини чуқур англаши, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида яшашга интилаётган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишни олийжаноб мақсад деб билган, ҳозирги пайтда илм-фанга эътибор ортиб бораётгани, миллий тафаккуримиз тарққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз асарларини қайта ўрганиш, уларни чоп этиш ва тадқиқ этиш ишлари кенг йўлга қўйилиши, қадимий фалсафамизга доир ўзбекча тушунча ва тамойиллар турли манбаларни янгитдан илмий истеъмолга киритилаётгани фикримизнинг яққол далилидир[116]. Хусусан «Бобурнома»дан 12 та луғат тузилган ва бугунги кунда ҳам асар замирида яширинган пурмаъно сўзлар соҳалараро луғатлар тузиш тамойилини ишлаб чиқишга ундайди ва мавзули луғат ҳам тузиш лозимлигини англаб етамиз.

Навоий асарларини ўрганган хорижий француз туркшуноси Паве де Куртейль, Абель Жан Батист Мари Мишель (1821 – Париж –1889) туркий халқлар тили ва адабиёти билан шуғулланган. Париждаги Коллеж-де-Франсда ўқиган. 1854 йилдан Коллеж-де-Франс профессори, 1873 йил Париж нафис сўз академиясига аъзо этиб сайланган. БН ўқувчилари учун Барьбе-де-

[115]Гак В.Г. О некоторых закономерностях развития лексикографии (учебная и общая лексикография в историческом аспекте) // Актуальные проблемы учебной лексикографии. – С.12.
[116]Назаров Қ. Фалсафа қомусий луғат. – Тошкент.: «Шарқ» нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004.– 496 бет. Б.3.

Мейнер билан бирга «Турк ва Шарқ тиллари луғати»ни тузган (1870). БНни биринчи марта француз тилига таржима қилиб нашр этган (1871)[117].

«Бобурнома»да Бобур айтмоқчи бўлган фикрни Бобурча соддалик ва равонлик билан айнан ифодалаб бериш ўзбек – табдил тилида ҳам мушкул вазифа, албатта. Бобур тилга олган тарихий шахсларнинг номлари, феъл-атворлари, хатти-ҳаракати, манзара, майдон, тоғ, сув ўсимликлар, ҳайвонот олами, одамларнинг ўй-саноси, ички дунёси ифодаларини сўз билан, айниқса, бобурона ифода билан англатиб бериш ҳамма вақт ҳам бирдай осон кечмайди. Бунда «Бобурнома» учун ҳар бири маълум бир йўналишда бўлган бир нечта луғат керак бўлади[118].

«Бобурнома» асаридан шу кунга қадар манбаларда қайд этилган саккизта луғат тузилган, улар:

1. Мирза Муҳаммад Маҳдихон. Санглоҳ (17-а). Луғат, асосан Алишер Навоий асарлари учун тузилган. Бобур асарларидан 250 дан зиёд ўзбекча сўзга форсча изоҳ берилган.
2. Abel Pavet De Courteille. Dictionaire Turk-Oriental Destine Principalement A Faciliter La Lecture Des Ouvrages De Baber (Абель Паве де Куртейл. Шарқий турк тили луғати. Бобур асарлари бўйича маърузалар учун). Биринчи нашри – Париж, 1870; охирги нашри – Париж, Ulan Press, 2011. Луғатда Бобур асарларидаги сўзларга французча изоҳ берилган.
3. Ҳ.Назарова. Заҳириддин Муҳаммад Бобир асарлари учун қисқача луғат. (Т., «Фан», 1972). 2786 га яқин сўз бирикмага изоҳ берилган.
4. А.Иброҳимов. «Бобурнома» ҳиндийча сўзлар. Т., ТДШИ, 2002. «Бобурнома»да қўлланган ҳиндча сўзлар изоҳланган.
5. М.Олимов. «Бобурнома»да қўлланган синонимлар луғати. Т., «Фан», 2004. «Бобурнома»да учрайдиган 1249 та сўз, 348 та синонимлар гуруҳи ташкил этиши кўрсатилган.

[117] Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси.–2017, Б. 372.
[118] Исҳоқов Ф. Бобурнома учун қисқача изоҳли луғат. «Андижон нашриёт – матбаа». – 2008., Б.4.

6. «Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари бўйича қисқача изоҳли луғат. (Тузувчилар: Ф.Исҳоқов, Ҳ.Назарова, М.Исақов). Андижон, Халқаро Бобур жамғармаси, 2004.
7. Ф.Исҳоқов. Бобурнома учун қисқача изоҳли луғат. Андижон, «Андижон-нашриёт-матбаа», 2008. Уч мингдан ортиқ сўз ва бирикмалар изоҳланган. (Унинг кенгайтирилган нашри).
8. З.Тешабоева. «Бобурнома»даги фразеологик бирликлар ва паремияларнинг инглизча таржималари луғати. Т., «Тафаккур», 2016. «Бобурнома»нинг Ж.Лейден ва В.Эрскин, А.С.Бевериж ҳамда В.Текстон таржималарида фразеологизмлар ва паремиялар (мақол, матал, ҳикматли сўзлар, нақлллар)нинг инглиз тилига таржималари берилган. Таржима аслиятга номувофиқ бўлган ҳоллар учун тегишли тузатишлар келтирилган[119]. Булардан ташқари, мумтоз адабиёт, жумладан, Навоий асарларига оид луғатларда ҳам Бобур қўллаган қадимги туркий, форсча ва арабча сўзларнинг кўпига изоҳ берилади (мас. Ҳ.Дадабоев. Ҳарбий терминлар луғати. Т., «Университет», 2008). Бобур асарларининг А.Бевериж, Э.Мано, Б.Южел, М.А.Салье нашрларида анча кенг луғат берилган.

Қайд этилган саккизинчи луғатнинг давоми сифатида ва қайтта ишланган, унга табдил, рус тилидаги мисоллари ҳам қўшилган, тўлдирилган варианти нашрга тайёрланди. Луғатнинг мақсади таржимашунослик йўналишида таълим бераётган таржимон ўқитувчилар ва бўлажак таржимонларга мумтоз сўз сеҳри инглиз тилида қай тарзда жаранглаши ва тўлақонли акс эттиришида яхши манба сифатида хизмат қилишни энг олий мақсад деб билдик. Зеро, мумтоз адабиёт нафақат хорижий тилда ва қолаверса замонавий ўзбек тилида ҳам чуқур ўрганишни талаб этади. Тадқиқот давомида фразеологик бирликлар таржимаси, эквивалентлик динамикасини кузатиш, аслиятга монандлигини қиёслаб ўрганиш ва ундан фойдаланиш имкониятини яратишдан иборат. Тамойилларга асосланган

[119]Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – 2017, Б. 112.

луғатда нафақат фразеологик бирликлар ўрин олган, қолаверса яхлит кичик мақолача тартибида жойлаштирилган, тўлиқ тугалланган гап структурасидаги ФБ қўлланган мисоллар саралаб олинган.

§5.2. «Бобурнома»даги фразеологик бирликлар ўзбекча-русча-инглизча луғат тузиш тамойили

Тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат каби миллий, чуқур маъно ва мазмун касб этган ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи бир мушкул муаммо[120], миллатнинг адабий мероси, миллий-маданий хусусиятларини ифода этган мақоллар, маталлар, фразеологик бирликлар таржимондан юксак маҳорат талаб этадиган жараёндир. Бугунги кунда таржимашунослик алоҳида соҳа сифатида шаклланар экан, ўзбек халқининг нодир асарларини жаҳон афкор оммасига танитишда она тилидан тўғридан-тўғри, бевосита чет тилига таржимага эришиш фандаги ютуқларимиздан ҳисобланади.

Ўзбек адабиётининг жаҳон адабиёти ривожига қўшган ҳиссасини оладиган бўлсак, биргина «Бобурнома» асарининг дунё тилларига қайта-қайта таржима қилиниши ва ўрганилишини фанда илмий ҳодиса сифатида баҳолаш мақсадга молик. «Бобурнома» ўзбек ва хориж олимлари томонидан турли аспектларда ўрганилган бўлса-да, аммо лингвистик таржимашунослик нуқтаи назардан етарлича тадқиқ этилмаган асар. «Бобурнома» устида олиб борган изланишларимиз натижасида шундай хулосага келдикки, асардаги турфа паремиялар ва фразеологик бирликларнинг мазмун-моҳияти, эквивалентлик динамикасини ишлаб чиқиш, уларни таржимада аслиятдагидек тўлақонли акс эттириш нафақат тилшунослик, шунингдек таржимашунослик соҳасидаги долзарб масалалардан биридир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, нодир асарни ўрганишда қуйидаги уч жиҳат устуворлик қилди:

[120]Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент.: «Маънавият», 2008. –Б 8.

1) «Бобурнома»ги паремиялар ва фразеологик бирликларнинг Ж.Лейден-В.Эрскин (1826), А.С. Бевериж (1921), В. Текстон (1996) таржималарида адекват таржимага эришилганликни аниқлаш;

2) аслиятни ўгиришда таржимонлар қандай таржима методларидан фойдаланганини топиш;

3) «Бобурнома»да муайян фразеологик бирлик маъно бошқа бир неча муқобиллари билан ифодаланганини аниқлаш билан бирга ёндош сўзларнинг ҳам таржимада акс этиши, синтактик-грамматик трасформацияларни кузатиш ва унинг мавзули луғатини яратиш жуда муҳим жараён эканлигини исботлаш.

Ўқувчи бўлажак мавзули луғатдан энг яхши таржимани ўзи танлаши, таржимонларнинг таржима қилишда фойдаланган методлардан бохабар бўлиб кузатиши, фразеологик бирликларнинг бир неча синономик қатор ҳосил қилишини билиш имкониятига эга бўлади. Агар, «Бобурнома»дан келтирилган мисолларда ҳар уч турдаги таржимадан аслиятга яқин муқобили топилмаса, муаллиф варианти, яъни таржимаси келтирилади. Бундай ҳолатда ўқувчи ўрганиш билан бирга таҳлил этиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Европа олимларининг тили билан айтганда Марказий Осиё, ўзбек тарихшуносининг термини билан атаганда Ўрта Осиё деб аталмиш заминидан етишиб чиққан Заҳириддин Бобур «Бобурнома» асарини бутун умри давомида ижод қилиб ёзди. Асар жаҳон адабиётининг ривожига катта ҳисса қўшган[121]. «Бобурнома» хорижий олимларнинг сон-саноқсиз тадқиқий асарларининг дунёга келишида муҳим омил бўлган[122]. Асар Европа таржимони, тарихчи шарқшунос олимлари томонидан инглиз тилига бир неча бор таржима қилингани илм аҳлига маълум.

Аслида Европа олимлари Бобурни уч жиҳати орқали яхши хотирлашади. Бобурнинг тўнғич фарзанди Ҳумоюнга жонини фидо айлаши;

[121]Annamarie Schimmel. The empire of the Great Mughals.-London, 2004.
[122]John F. Richards. The Mughal Empire.-London.: “Cambridge University Press”, 2004.

Ҳиндистонда Айодҳия масжидининг барпо этилиши ва «Бобурнома» асарининг ёзилиши боис.

Мана шу уч жиҳат асарни дунёга маълум ва машҳур қилган. «Бобурнома»нинг инглизча таржималарига келсак, у бир неча маротаба таржима қилиниб, таржималар тарихини бошидан кечирди. Бобурнинг «*Зикри номеро ҳакимон умри соний гуфтанд*» (Илм билан ёдланишни ҳакимлар иккинчи умр демишлар), дея халқ мақолини асарида қўллаши, унинг шахсини қайта-қайта ёдга олиниши, қолдирган меросининг ўрганилаётганлигига далилдир.

Чет эл олимларининг «Бобурнома»ни ўрганишдаги олиб борган тўхтовсиз саиъ-ҳаракатлари асарга оид таржималар тарихини вужудга келтирди. Асарнинг инглизча таржималарини таҳлилга тортиш асносида Ж.Лейден ва В.Эрскинлар дастлабки асар таржимасини 1826 йилда нашр эттиргани, Ж.Лейден шеър битишга иштиёқли экани, «Бобурнома»ни аслиятдан ўгиргани бизга маълум бўлди. Насрий асарларни яхши таржима қиладиган В.Эрскин эса асарни форсий тилдан ўгирганининг гувоҳи бўламиз. Юқорида зикр этилган таржималар тарихини ўрганиб, шундай хулосага келдик, «Бобурнома»ни турли даврда қилинган инглизча таржималарини аслият тили билан мутаносиблигини кузатиш қизиқарли жараёндир.

Таржимашуносликда айнан таржимага эришиш учун тилда қўлланувчи кўп маъноли сўзлар, синонимлар, фразеологик бирликлар, уларнинг эквивалентларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада бизнинг фикримиз миллий-маданий хусусиятларни мужассам этган, азалий қадриятларимизнинг тикланиши, миллий ўзига хослик, аждодларимиз қолдирган асарлар таржималарини ўрганиш айни муддао.

«Бобурнома»нинг инглизча таржималари орасида Ж.Лейден ва В.Эрскинларнинг 1826 йилда, Сусанна Беверижнинг 1921 йилда, Вильер Текстоннинг 1996 йилдаги таржималарини энг муваффақиятли дейиш мумкин. Ушбу манбалардан фойдаланиб, докторлик диссертацияси

асосида вужудга келган ушбу луғатни ишнинг амалий натижасида тайёрлашни лозим деб топдик. Тузилган луғат кенг илм аҳлига, тадқиқотчиларга, таржимашунослик факультети талабаларига, инглиз тилини чуқур ўзлаштирувчи журналистларга, инглиз филологияси талабаларига, махсус инглиз тилини ўрганувчиларга мўлжалланган. Луғат Ш. Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг фразеологик луғати»[123], А.В.Куниннинг «Англо-русский фразеологический словарь»[124] ва Ф.Исҳоқовнинг «Бобурнома» учун қисқача изоҳли луғат»[125]ининг тадрижий тажриба тамойилларига асосланган ҳолда тузилиб, ўзбекча маталлар ва афоризмларни таржима қилишда инглизча эквивалентларини ўзлаштириши учун хизмат қилади..

«Бобурнома»дан фразеологик бирликларни саралаб олиш ва уларни аниқлашда қуйидаги беш тамойилга асосландик:

1. Ш. Раҳматуллев ва А.В. Куниннинг тадрижий луғат тузиш тамойилларига асосан: «Ўзбек тилининг фразеологик луғати»даги фразеологик бирликлар изоҳининг мисолларда ёритиб берилиши, яъни дастлаб фразеологик бирлик бош ҳарфлар: ***ДЎППИ ТОР КЕЛДИ,*** унинг изоҳи эса кичик *имконсиз оғир аҳволга тушмоқ* билан берилади. Биз ҳам ушбу кўринишни луғатимизда сақлаган ҳолда «Бобурнома»дан саралганган фразеологик бирликларни катта ҳарфлар, изоҳини кичик ҳарфлар билан шарҳлаб келтирдик.

Дўппи(си) тор келди кимнинг; ***тор келиб қолганда***. ***Шундай дўппи тор келган*** *пайтда Азим бойвачча Холхўжанинг жонига ора киради.* С.Аҳмад. Ҳукм[126].

Ўша манбадан яна бир мисол, ***ДУНЁДАН ЎТМОҚ*** ким 1. Яшамоқ. Варианти: ***дунёдан ўтмоқ; ўтавермоқ***. Синоними: ***умр кўрмоқ*** ким; ***умр ўтказмоқ*** ким; ***турмуш кечирмоқ*** *Ким. Айтинг-чи мулла ака, ҳалиги зотлар* ***дунёдан қачон ўтган?*** П.Турсун. *Ўқитувчи. Ўртага совуқчилик солиб*

[123] Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти. Тошкент, 1992.
[124] Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – М.: «Русский язык», 1984.
[125] Исҳоқов Ф. «Бобурнома» учун қисқача изоҳли луғат. – «Андижон нашриёт-матбаа» ОАЖ, 2008. Б. 236.
[126] Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 378 б. Б.70.

қўямиз. Фарзандсиз одам ***дунёдан ўтмабдими?!*** Ҳ.Нуъмон (ўша адабиёт, 77-бет).

А.В. Куниннинг фразеологик бирликларни саралаш ва изоҳ билан тасвирлаш тамойилига асосан[127]: ***GET-OUT as all get-out*** амер. разг. *усил. чертовски, безумно, ужасно. "I'm hungry as* ***all get-out****, girls" Ty ty said.* (E.Caldwell, God's Little Acre, ch, VIII) – *"But Ma told us to find Handsome, I said. We'd better go look for him, anayway, Я* ***чертовски проголодался****, девушки,- сказал Тай Тай. you know Ma. She'll be as mad* ***as all get-out*** *if we don't find him and take him back home"* (E. Caldwell, "Georgia Boy" ch, VII). - *Но мама велела нам найти Хенсома,-сказал я.- Нам лучше пойти поискать его. Ты ведь маму знаешь. Она* ***ужасно рассердится****, если мы не найдем Хенсома и не приведем его домой*[128], - деб берилади.

Маълумки, А.В.Куниннинг асари шу кунга қадар яратилган фразеологик луғатларнинг энг катталаридан биридир[129]. У инглизча фразеологик бирликлар учун таянч манба сифатида олинди.

2. Таржимонларнинг саҳифа остида келтирган шарҳларига асосан: Миллий-маданий хусусиятларини ифодаловчи мақол ва маталларни акс эттиришда таржимонлар таржима жараёнида бирмунча қийинчиликларга дуч келади. «Бобурнома»да турли ҳудудлардаги обу-ҳавонинг ўзига хос хусусиятлари, оғиздан-оғизга кўчиб ўтган миш-мишлар, ривоятлар ҳақида ҳам баён этилган. Масалан, *Андоқ ривоят қилдиларким,* ***чупчуқ безгак бўлғондур.*** *Дерларким, ҳавосининг тааффуни шимолдағи тоғ жиҳатидиндур* [64; 36].

Халқ тилидаги ***"чупчуқ*** *(чумчуқ)* ***безгак бўлғондур"*** обу-ҳаво ўзгарувчанлигини тасвирлаб, Бобур назарда тутган ҳудуд (Амударё)да ўзгачароқдир, табиатнинг ўзига хослиги ҳатто шу ерлик халқни ҳам ҳайратга солади, бу таъсир оғзаки нутққа кўчиб, фразеологизм сифатида юзага келади.

---

[127] Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – М.: Издательство «Русский язык», 1984г. 944с.
[128] А.В.Кунин. «Англо-русский фразеологический словар» 311-бет.
[129] Мўминов О.М. Lexicology of English language. – Т.: «Меҳридарё», 2006. Pp 109-116.

«***Чупчуқ безгак бўлғондур***» таржималарини «Бобурнома»нинг Ж.Лейден ва В.Эрскин таржимасида кузатиб кўрайлик.

... *but the air is extremely noisome, and inflamations of the eyes are common; insomuch, that they say that, even the very* ***sparrows have inflamations in the eyes****. The badness of the air they ascribe to the hill on the north* [239; 4,5]. Таржиманинг мазмуни: *... лекин ҳавоси ўта қаттиқ ва газак олиш эҳтимоли шунчалик юқорики, айтишларича, ҳатто* ***чумчуқ ҳам тумов касалига йўлиқади.*** *Уларнинг тасвирлашича, ҳавосининг рутубати шимол тарафидаги тоғ жинсидандур* (таржима бизники). Юқоридаги парчанинг С.Бевериж таржимасига эътибор қаратамиз.

The climate is very malarious; in autumn there is much fever; people rumour it about that the very ***sparrows get fever*** *and say that the cause of the malaria is the mountain range on the north* [233; 70 (8)]. Мазмуни: *Иқлими безгак касалига мойил, кузда иситма кўп бўлади, одамлар орасидаги мишмишлар бу ҳақида дейишадики, ҳатто* ***чумчуқлар ҳам иситмалаб қолади*** *ва бу безгакнинг сабаби шимолдаги тоғ тизмасининг жойлашганлигидандур.*

Юқоридаги матн В. Текстон таржимасида қуйидагича берилади:

But the air is unwholesome and causes much eye inflammation in the autumn, a condition that is said to ***affect even sparrows****. Apparantly the bad air is caused by the mountain to the north* [245; 6]. Мазмуни: *Лекин ҳавоси ғайриоддий (рутубатли) ва кузда безгак кўп тарқалади, бу ҳолат айтишларича, ҳатто* ***чумчуққа ҳам таъсир қиларкан.***

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, таржимонлар ажратиб ёзилган фразеологик бирликлар мазмунини тўлақонли таржимада акс эттиришга уринишган. Ж.Лейден таржима қилиш жараёнида саҳифа остида қуйидаги изоҳни ёзиб қолдиради:

The Persian here differs, "The air is however, corrupt, so ***that inflamtions and swellings of the eyes are common****; such as by physycians are called germ." (The chasm in Mr Elphiniston's Turki copy still contuinues* [239; 2]. Мазмуни:

Форсий варианти бу жойда аслиятдан фарқ қилади. Обу-ҳавоси яхши эмас (бу ерда *corrupt-бузуқ),* ***безгак ва*** *(swellings of the eyes-тумов бўлганда кўзларнинг шишиши)* ***тумов кўп бўлади****, шунинг учун даволовчилар уни микроб деб атайдилар. (Бу дара ҳақида яна жаноб Элфинстоннинг туркий нусха орқали мазмуни солиштириш ҳамон давом этмоқда,* деб ёзади таржимон Ж.Лейден 2-бет).

1996 йилда Ҳарвард университети профессори В.Текстон томонидани «Бобурнома»нинг ҳозирги инглиз тилидаги таржимаси нашр қилинди. Таржимада асар бадиий хусусиятни сақлаб қолиш, таржиманинг аслият каби таъсирчан чиқиши учун лексик бирликлар ифодаланган маънолар фразеологик бирликлар ёрдамида таржима қилинган. Аслиятдаги фразеологик бирликларни таржима қилишда эса ушбу таржимон саҳифа остида мисоллар келтирган, улардан бири: ***Tughchi****:* a servant in charge of the *tugh,* **yak-tail** standard attached to a ruler's horse [245; 480].

Таржимон шарҳининг мазмуни: ***туғчи-туғ*** сўзига боғлиқ бўлиб, у хизматкор, *як-тейл* (қўтос ёки эшакнинг думи, бу жойда дум эмас таржимон *эгар жабдуқ*ни назарда тутади) ҳукмдор отига кийдирадиган халта (эгар жабдуқ), дейилади. Бу шуни англатадики, таржимон имкон қадар фразеологик бирликларни таржима қилишда аниқликка интилаётгани, ҳар бир сўзнинг маъносини очиб беришга бор иқтидорини намоён қилаётгани кузатилади. Ваҳоланки, уларнинг эквивалентини қидириб топиш ва аслиятга мос келтириш ҳам анча мушкул вазифа. Юқоридаги мисолнинг «Бобурнома»дан тўлиқ таржимаси билан келтирамиз:

Туғчи туғ боғлагунча фурсат бўлмади, *туғни илигига олиб-ўқ отланди. Ёғий келадурган сори-ўқ мутаважжиҳ бўлдук. Ул отлонғонда ўн-ўн беш киши ҳамроҳ эди* [64; 93]. **ТУҒЧИ ТУҒ БОҒЛАҒУНЧА ФУРСАТ БЎЛМАДИ** фразема маъноси: *бир оз вақт ёки бир зумда.*

Ушбу мисол Ж Лейден ва В.Эрскин таржимасида: *My standard-bearer seized the standard, but* ***without having time to tie on the horse-tail*** *and colours; but, taking the banner-staff in his hand just as it was, leaped on horseback, and we*

proceeded towards the quarter in which the enemy were advancing. When I first mounted, there were ten or fifteen men with me [233; 110].

А.С.Бевериж таржимасида**:**My standard-**bearer had no time to adjust my standard**, he just mounted with it in his hand. There were ten or fifteen men with me when we started toward the enemy; after riding arrow's flight, when we came up with his scouts, there may have been ten [227; 235].

В.Текстонда таржимасида**: With no time for *tughchi* to secure the yak tail**, he mounted with it in his hand. We set off in the direction from which the enemy was coming. As I rode out I had with me ten or fifteen men [245; 124]. **ТУҒЧИ ТУҒ БОҒЛАҒУНЧА ФУРСАТ БЎЛМАДИ** мазмуни *бир оз вақт ёки бир зумда, кўз очиб юмгунча, бир сут пишими бурун, отдан тушгунча фурсат, қилич ялонғачлағуча фурсат* каби фразеологик бирликлар қатори жанг майдонидаги вақт меъёрини тажриба орқали ўлчаб, образли ифода этган.

3. Фразеологик бирликларни аниқлаш тамойилига асосан: Жаҳон тилшунослигида ҳозирги кунга қадар фразеология соҳаси кенг ва тор маънода тушунилмоқда. Фразеологияни кенг доирада тушунувчи олимлар унинг таркибига мақоллар, маталлар, афоризмлар ва бошқа турдаги турғун бирликларни киритадилар [Арнольд,II/ 11; Кунин, 74]. Тор доирадаги фразеология тарафдорлари эса яхлит кўчма маъноли турғун бирликларни ўрганиш билан чегараланадилар. Улар фразеологик тадқиқотларида фақат бирикмага тенг бўлган ФБларни тадқиқ этиб, мақол ва маталларни фразеология объекти сифатида баҳоламайдилар [Амосова,II/7]; Пинхасов Фразеологиянинг объектини тор доирада таҳлил этувчи олимлар ўз асарларида ФБларни ўз табиати билан сўз бирикмасидир, деган далилни келтирадилар ва ўз навбатида мақол, матал ва афоризмларни фразеологизмлардан четда қолдирадилар. Шундай қилиб, фразеологиянинг ҳажмини тор доирада тушунувчи олимлар уни кенг доирада тушунувчи олимларга фикран қарама-қарши позицияни эгаллаб келмоқда. Мазкур тадқиқотда биз А.В. Кунин назариясига асосландик ва ФБларнинг таркибига

кўчма маънодаги турғун сўз бирликларини, кўчма маънода келган гап шаклидаги мақол ва маталларни ҳам тўлалигича киритилди.

Биз фразеологияни кенг доирада тушунувчиларни қўллаб, қувватлаймиз. Кенг тушунишда фразеология доирасига, сўзларнинг турғун бирикмалардан ташқари, **мақол, матал, афоризм** ҳам мансуб деб қаралади. Фразеологик бирлик бўлиш учун **мақол, матал, афоризм** сўзларнинг турғун бирлашмаси, образли маъно, кўчма маъно англатиши шарт. Фразеологик бирликдан яхлитлигича англашиладиган маъно унинг таркибидаги сўз компонентларга хос лексик маъноларнинг оддий йиғиндисига тенг бўлмайди, иборанинг маъноси умумлашма маъно, маҳраж маъно сифатида намоён бўлади.[130] «Бобурнома» кенг қамровли асар бўлиб, унда паремиологик ва фразеологик бирликлар ҳамда турғун бирикмалар ҳам мавжуддир.

4. «Бобурнома»нинг ҳозирги ўзбек тилига қилинган табдилига асосан: «Бобурнома» лексикаси бугунги кун ўқувчисига бирдек тушунарли эмас. Ушбу ҳолат инобатга олинган ҳолда В.Раҳмонов ва К.Муллахўжаевалар 2008 йилда «Бобурнома»нинг табдилини нашр эттирди.[131] Аслиятдаги фразеологик бирликлар табдилда ҳам ўз аксини топган. «Бобурнома»да «вафот этмоқ» маъносини ифодаловчи эвфемизм «ўлмоқ» лексик майдонига тегишли, *Тенгри раҳматига бормоқ, олами фонийни видоъ қилмоқ, бош олиб итмоқ, риҳлат қилмоқ, оламдин бормоқ* фразеологик бирликларнинг сони «Бобурнома»да қирқдан ошиқ. Лекин таржималарда уларнинг инглизча эквивалентлари ўн уч ёки ўн тўртта вариантдан ошмаган.

«Бобурнома»да **Тенгри раҳматиға бормоқ** эвфемизми қуйидагича акс этади. Аслият: *Иккинчи қиз менинг волидам Қутлуқ Нигорхоним эди. Аксар қазоқлиқларда ва фатаратларда менинг билан билла эдилар, Кобулни олғондин беш-олти ой сўнгра, тарих тўққуз юз ўн бирда* ***Тенгри раҳматиға бордилар*** [64; 39].

[130] Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент.: Қомуслар бош таҳририяти.– 1992, Б.3.
[131] Раҳмонов В., Муллахўжаева К. Бобурнома. – Тошкент.: «Ўқитувчи».– 2008, Б.288.

Табдил: *Иккинчи қиз менинг волидам Қутлуқ Нигорхоним эди. Аксар ҳарбий сафарлар ва саргардонликларда мен билан бирга эди. Кобулни олганимдан сўнг беш-олти ой ўтиб, тўққиз юзу ўн биринчи (1505) йили* ***Тангри раҳматига борди*** [65; 34]. Фразеологик бирлик табдилда ўз аксни топган.

«Бобурнома»дан яна бир мисол: *Сабоҳ ҳар қанда бўлса, учратурбиз, деб филҳол илик қўшмоқни салоҳ кўрмадилар. Ушмундоқ қопуда келган ғаним ҳеч навъ мутазаррир бўлмай ажрашти. Масал борким,* «***Қопудағини қопмаса, қариғунча қайғурур***» [64; 73,74].

Табдил: *Эрталаб ҳар қаерда бўлса, учратамиз, деб дарҳол ҳужум қилишни маъқул кўрмадилар. Шундайгина эшикка келган ғаним ҳеч қандай зарар кўрмай қутулди.* «***Қопудағини қопмаса, қариғунча қайғурур***» [132], деб мақолнинг маъноси табдилда яхши очиб берилмаган. **ҚОПУДАҒИНИ ҚОПМАСА ҚАРИҒУНЧА ҚАЙҒУРУР** инсон имкон келганда (омадни, имкониятни, қўлда бор нарсани) тутиб қолмаса, қаригунча ўзини ташвишга солиб, афсусланиб, надомат чекиб юради. Лекин бу ибора бўлганлиги учун ҳам табдилда тўлиқ очилмаган, деб ўйлаймиз.

Аслида бу мақол мазмунини англаб олиш замонавий ўқувчига бир мунча мушкул бўлса-да, «Бобурнома»ни қайта-қайта мутаола қилган киши Бобурнинг бекларидан бири бўлмиш Вайс Лоғарийнинг маслаҳати туфайли навкарлари билан ярим тунда душман (Аҳмад Танбал) ортидан бормаганлиги ва бу ҳолатнинг оқибати келгусида Андижонни ташлаб чиқишга сабаб бўлгани, бу қилмишидан умр бўйи ачинганини ҳис этиш мумкин.

5. «Бобурнома»даги муаллифнинг *масал борки, маталдурким* сингари изоҳларига асосан: Заҳириддин Бобур халқ томонидан яратилган мақол ва маталлардан «Бобурнома»да унумли фойдаланган. Биз уларни саралашда асар муаллифининг *масал борки, маталдурким* деган сўзларига таяндик.

[132] Раҳмонов В., Муллахўжаева К. Бобурнома.–Тошкент.: “Ўқитувчи”,– 2008.-Б.71.

*Дедиким, агар гузар топилса, худ бот келгусидур, вале гузарлар сув улғайгач тағайюр топар. Ул масал борким, "Он гузарро об бурд". ("**Ул кечувларни сув олиб кетди**") Анинг давлатининг ва навкарининг интиқолида бу ҳарфни анинг тилига Тенгри солди"* [64; 104]. **УЛ КЕЧУВЛАРНИ СУВ ОЛИБ КЕТДИ**.

Лейден-Эрскин: *As the proverb runs, "**the river has carried down** its fords"* Таржимаси: *Мақол борки, кечувчиларини дарё олиб кетди*.

Сусанна Бевериж: *"**The waters have carried down** the fords"*. Таржимаси: *Сувлар кечувчиларни олиб кетди*. В.Текстонда: *As the saying goes, "**The water carried off** the crossings"*. Таржимаси: *Матал борки, кечувчиларни сув олиб кетди.*

«Бобурнома»даги мақолларнинг қадри шунчалик баландки, ҳатто бугунги кунда ҳам долзарб, уларни оғзаки ва ёзма нутқда ишлатишимиз мумкин. Мисол учун, *Ул бир туркий масал бордурким, «**Инонмағил дўстунгға, сомон тиқар пўстунгға».** Йўлда келадургонда яёқ қочиб юз ташвишлар била Ўратепага келди.* [64; 76]. **1. To trust a friend will show you raw; Your friend will stuff your hide with straw.** While they were conducting him from one place to another, however, he effected his escape by the way, and, barefooted and bareheaded, after encountering a multitude of hardships, came and joined me while I was at Uratippa [239; 82].

2. Here the (Turki) proverb fits, '**Distrust your friend! he'll stuff your hide with straw.**' While Qambar-'ali was being made to go to Khujand, he **escaped on foot** and after a hundred difficulties reached Aura-tipa [233; 123].

3. There is a Turkish proverb: **"Trust not your friend: he will stuff your hide with straw."** Along the way Qambar-Ali managed to escape on foot make his way with great difficulty to Ura-Tyube [245; 92].

«Бобурнома» эски ўзбек тилида битилганлиги учун фразеологик бирлик катта ҳарфлар, ҳозирги ўзбек тилидаги маъносини кичик ҳарфлар билан қавс ичида келтирилди. Масалан, ***БЕПОЙ БЎЛУБ (****безовта бўлиб). Бу*

хабар хонларға етгач, ***бепой бўлуб****, ўлтуролмай, Андижон устидин қўптилар* [64; 95].

Ж.Лейден ва В.Эрскин, С.Бевериж, В.Текстон ҳамда ушбу луғат тузувчиси З.Тешабоева номи бош ҳарфлар билан Ж.Лейден ва В.Эрскиннинг таржимаси –1 рақам, яъни биринчи амалга оширилган инглизча таржима ва 2 рақам С.Бевериж, 3 рақам инглизча таржима В.Текстон берилди.

Луғат алифбо тартибида тузилган, фактик мисоллар матн ичида ўрганилди. Паремиялар қўлланган тўлиқ матн имкон доирасида ажратилди ва уни ажратиш мақсадида настаълиқ хати (курсив)да, яъни *Бу хабар хонларға етгач,* ***бепой бўлуб****, ўлтуролмай, Андижон устидин қўптилар,* деб белгиланди. Унинг инглизча вариантлари курсивда ёзилмайди, аслиятдаги фразеологик бирликлар маъноси мужассам этган бирлик ёки сўз бирикмалари ҳар бир таржимада чекланган ҳолда ажратилди.

Луғатда келтирилган таржиманинг охирида саҳифа рақами, яъни бетлар қўйилган [11,12]. Мисол учун С.Беверижнинг таржима мисоли **2.** *Some books write that the mandrake is found in these mountains but for this long time past nothing has been heard of it. A plant called* ***Ayiq auti*** *and having the qualities of the mandrake (mihr-giyah) is heard of in Yiti-kent; it seems to be the mandrake (mihr-giyah) the people there call by this name (i.e. ayiq auti)* [11,12]. Бу фақат интернет маълумоти бўлганлиги туфайли С.Беверижда мавжуд бўлиб, Лейден ва Эрскинлар ҳамда В.Текстонларда китоб саҳифасидангина иборат.

Луғатда «Бобурнома»да қўлланилган паремияларни, уларнинг инглизча таржималарини киритишга ҳаракат қилдик. Шунга қарамасдан, «Бобурнома»дан яна қатор фразеологик бирликлар, турғун бирикмалар топилиши мумкин», деган фикрга ҳам қўшиламиз. Зеро, «Бобурнома» кўпдан кўп изланишларга тадқиқотларга материал бўлиб хизмат қиладиган бой ва улкан хазина. Унинг таржимашунослик нуқтаи назардан очилмаган, ўрганилмаган қирралари кўп.

§5.3. «Бобурнома»нинг ўзбекча-русча-инглизча концептуал луғатининг тадрижий шаклланиши

Таржиманинг лексик муаммоларини ҳал этишда уч тилли луғатларнинг маълум даражада аҳамияти катта ҳисобланади. Бироқ анъанавий луғатларда сўз маъносининг муқобилларигина берилади. Таржима луғати қанчалик мукаммал бўлмасин, унда сўзларнинг барча маънолари ёки маъно нозикликларини қамраб олишнинг иложи йўқ, чунки луғат уч тил тизими унсурлари билан иш кўради. Таржима учун тил тизимлари эмас, балки нутқ, аниқроқ қилиб айтганда нутқ маҳсули бўлмиш МАТН муҳимдир. Таржима жараёнида таржимон кўп маъноли сўзнинг қайси маъноси қўлланилганлигини контекст асосида ўзи англамоғи лозим.

«Бобурнома» асаридан тузилган луғатлар таянч манба сифатида қаралиб, улардан фарқли ўлароқ когнитив-концептуал текстологик луғат қуйидагича шакллантирилди.

1. Алифбо тизими – яъни луғат тузишдаги алифбо тартибига риоя қилган ҳолда;

2. Луғатда бирламчи матн аслият – «Бобурнома»дан мазмуни тугал матн ичида ФБ қўлланган кичик кичик мақолача тарзидаги мисоллар саралаб олинган ва аслият матни курсивда берилган;

3. Аслият матни ҳозирги кун ўқувчисига мутлоқ таниш бўлишини таъминлаш мақсадида «Бобурнома»нинг 2008 йилдаги нашри В.Раҳмонов ва К.Муллахўжаевалар табдил вариантидан аслиятдан саралаб олинган мисоллар табдили берилиши;

4. Табдил остидан 2008 йилдаги «Бобурнома»нинг рус тилидаги таржимасидан аслият мисолининг таржимасини саралаб олиниши;

5. Луғатнинг ўнг томонидан, яъни аслият матни қарама-қаршисида биринчи бор қилинган инглизча Ж.Лейден ва В.Эрскин (1826) таржимасининг келтирилиши;

6. Табдилдан келтирилган мисол қарама-қаршисида С.Бевериж (1921) таржимаси келтирилиши;

7. «Бобурнома»нинг русча таржимаси қарама-қаршисида В.Текстоннинг (1996) инглизча таржимаси берилиши билан тузилган.

8. Гарчи аслият матни ҳар уч турдаги инглизча Ж.Лейден ва В.Эрскин (1826) С.Бевериж (1921) В.Текстон (1996) вариантида хато берилса, ҳар учала таржима ҳам берилади ва унинг остида муаллифнинг таржима варианти ҳавола этилади.

Луғат ушбу кўринишда акс этади.

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

А: = **Аслият,** «Бобурнома»нинг 2002 йил нашри.

Т: = **Табдил,** «Бобурнома»нинг 2008 йил нашри.

Р.Т: = **Русча таржима,** «Бобурнома»нинг 2008 йил русча нашри.

З. Т: = Зиёда Тешабоева луғат тузувчи варианти

1. = Ж.Лейден-В.Эрскиннинг 1826 йилдаги «Бобурнома»нинг инглизча таржимаси.

2. = Аннета Сусанна Беверижнинг 1921 йилдаги «Бобурнома»нинг инглизча таржимаси.

3. = В.Текстоннинг 1996 йилдаги «Бобурнома»нинг инглизча таржимаси.

А	
АФСОНА БЎЛДИЛАР – ҳалок бўлдилар	
А: *Ушмунча била Хисравшоҳ ва тавобининг оти сардорлиққа чиқиб, мардона бўлдилар. Хандақдин чиқмағонлар қўрқоқлиққа отиқиб, бедиллик била* ***афсона бўлдилар*** [53].	**1**. … in the whole course of his life, had only this one exploit to boast of, to entitle him or his adherents to lay claim to the praise of generalship or bravery; while those who did not venture out of

	their trenches from fear, **became notorious for want of spirit**, and their cowardice passed into a standing reproach [38].
Т: Шу туфайли Хисравшоҳ ва тобеларининг номи сардорликка чиқиб, мардона бўлдилар. Хандақдан чиқмаганлар қўрқоқлкда ном чиқариб, юраксизлик билан **афсона бўлдилар** [49].	**2.**…– for an exploit such as this his name and the names of his adherents were noised abroad for generalship and for this they were counted brave, while those timorous laggards, in the trenches, **won the resounding fame of cowards** [60].
Р.Т: И при всем том Хусраушах и его приверженцы прославились военным искусством и их сочли смельчаками, а те, что не вышли из-за рва, прослыли трусами и **сделались притчей**, из-за своего малодушия [30].	**3.** For such a deed as this, Khusrawshah and his followers became known as great and bold commanders, while those who who did not leave the trenches gained a reputation for cowardice and **became synonymous with timidity** [42].
Б **БУЗМОҚ**	
ЯСОЛНИ БУЗМОҚ – сафни, жанговор тартибни бузмоқ	

A: ... *беклар арзға еткурдиларким, бу киши худ жазм туюбтур.* ***Ясолни бузмай*** *ёруқта-ўқ етиб борсак муносибдур* [94].	**1**. .... that therefore it was better not **to advance in disorder**, but **slowly** and in regular array [113].
T: ... беклар хабар етказдиларки, у Шаҳбоз ҳамма нарсани аниқ сезган. **Жанговар сафни бузмай** ёруғдаёқ етиб борсак дуруст бўлади [93].	**2. ...** the begs represented to me that as the man would have had news *if* us, **it was advisable not to go on in broken array** [110].
P.T: ... беки доложили: «Этот человек наверное обо всем догодался. Если мы подойдем, **не расстраивая рядов**, при свете дня – будет подходяще» [69].	**3.** "This person has learned of our plan. It would be appropriate for us to get closer in **without breaking formation**" [127].
ҚУШ БУЗМОҒ - қуш гўштини биринчи бўлиб тўғрамоқ ва бошқаларга бермоқ	
A: *Бу суҳбатта менинг олимға қоз кабоби қўйдилар, чун* ***қуш бузмоғини*** *ва тўрғамоғини қилғон эмас эрдим, илик элтмадим* [145].	**1.** In the course of the party, a roast goose was put down before me. As I was ignorant of the mode of **cutting it** up, or **carving it**, I let it alone, and did not touch it [206].

T: Ушбу зиёфатда олдимга ғоз кабоби қўйдилар. Шу пайтгача мен сира **қуш бузмаган** ва тўғрамаган эдим, шу сабабли қўл теккизмадим [146].	**2.** At this party they set a roast goose before me but as **I was no carver** or **disjointer** of birds, I left it alone [304].
P.T: На этой пирушке передо мной поставили жаренного гуся. Так как я еще никогда **не разрезал и не разнимал птиц**, то не дотронулся до гуся [113].	**3.** At this gathering they placed a roast goose before me. Since I had never **carved** or **disjointed a fowl**, I did not touch it [229].
ВАФОТ ҚИЛМОҚ – дунёдан ўтмоқ, ўлмоқ	
A: *Менинг отамнинг онаси ҳам Андижонда **вафот қилғон** экандур, ани ҳам мунда эшиттурдилар* [86].	**1.** My father’s mother had also **paid the debt of mortality** at Andejan, and the news was communicated here [99].
T: Отамнинг онаси ҳам Андижонда **вафот қилган** экан, уни ҳам шу ерда эшитдим [85].	**2.** My father's mother also must have **died** in Andijan; this too they let us know in Aura-tipa[149].
P.T: Мать моего отца тоже скончалась в Андижане, об этом нам рассказали там же [62].	**3.** My father’s mother had also **passed away** at Andizhan [112].

Ушбу луғат бир неча йил машаққатли меҳнат ва тадқиқот асосида яратилган. Бўлғуси таржимонларга, олий ўқув юрти инглиз тили ўқитувчилари ва талабалари учун яхши қўлланма бўлишига умид боғланган.

Сўнгги пайтларда урғу берилаётган когнитив-концептуал таҳлиллар ва олимларнинг замонавий ёндашувларига илмий-назарий қарашларни тилшунослик ва таржимашунослик соҳаси, илм-фани равнақига қўшилаётган ҳиссаларда кўриш мумкин. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг асари ўзбек тилининг сайқаллашувида бадиий, публицистик, расмий ва илмий услубининг шаклланишида катта из қолдирган улкан сўз санъаткори эканлиги билан тилшуносликнинг графика, ономастика, этимология, лексикография соҳаларининг ҳам ривожига муносиб ҳисса қўшган тилшунос олимдир. Шу нуқтаи назардан асар бўйича тузилган луғатлар қатори инглизча таржималари луғати ҳам таржимашунослик соҳасига катта ҳисса қўшади деган умиддамиз.

Бешинчи боб бўйича хулосалар

Ҳар қандай мукаммал таржима илмий умумлаштиришга эҳтиёж сезгани ҳолда, таржимоннинг аслиятга алоқадор барча манбаларни тўла-тўкис илмий идрок этишни ҳамда уларга асосланган омилларни таржима қилинаётган тилда онгли равишда тўлақонли акс эттиришни назарда тутади. Бу ҳол таржимон зиммасига бадиий ёдгорликнинг асосий мазмун чизиғини тасвир этадиган лисоний хусусиятидан ташқари, асар муаллифи ва ушбу халқ ижтимоий-иқтисодий ва тарихий-маданий ҳаёти, руҳий кечинмалари билан боғлиқ экстралингвистик жиҳатларни ўз ичига қамраб олади.

Аслиятга мансуб бўлган тил, халқ турмуш тарзи, урф-одатлар, унинг адабиёти ва миллий-маданий хусусиятлари, диний ва миллий-маданий қарашларни, мамлакат сиёсий, иқтисодий – ижтимоий тузумини пухта ўзлаштириб олмасдан туриб, таржимон аслиятда тасвирланган воқеа-ҳодисалар тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш, шакл ва мазмуннинг

уйғунлигидан иборат тўлақонли таржима яратиш амри маҳол. Ҳар қандай адекват таржима замини шакл ва мазмуннинг диалектик бирлигини ташкил этади, мазмуннинг етакчи аҳамиятини таъкидлаган ҳолда, унга ортиқча имтиёз бериб, шаклга эътиборни сусайтириш асарнинг бадиий ва миллий хусусияти, тарихий ўзига хослигини ўзгаришига олиб келади.

Аслият ва инглизча таржималарда фразеологик бирликлар мавзули луғатини тузиш таржимшунослик соҳасига маълум даражада ҳисса қўшади, таржима масалаларининг мумтоз адабиёт таржимасини қиёсий ўрганиш орқали маълум масалалар ўз ечимини топади.

Мавзули луғат тузиш орқали таржима муаммоларининг бирининг иккинчиси талқинида ибораларнинг муқобиллари яратилади, фразеологик парадигмалар мавжудлигини мисолларда ўрганиш имконияти пайдо бўлади.

Мумтоз асар таржималари муваффақиятли чиқишида таржимон жуда кўп унга алоқадор адабиётларни ўқиб ўрганиши лозим. Мақол, матал, хос сўзлар, фразеологк бирликлар таржимасини луғатлардан ва қолаверса *google translator*дан ҳам муқобил таржималарини топиб бўлмайди, шунинг учун мавзули луғат тузиш энг яхши самара беради, таржима ривожига маълум даражада ҳисса қўшади. Мумтоз адабиёт «Бобурнома»дан тузилган луғат бошқа асарлар таржимасини сифатли чиқишига хизмат қилади.

«Бобурнома» фактик маълумотларга бойлиги билан алоҳида диққатга сазаворки, унда қўлланган *сўз, мулозамат, тақсир, Тенгри, қилич, қарор, фурсат* семантик майдонидаги фразеологик бирликлар кўпликни ташкил этади. Уларни тавсифлаш, қиёсий-тарихий, типологик, когнитив-концептуал ва статистик таҳлилларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Аслиятдаги фразеологик бирликларнинг маъносини тўлиқ тушунмасдан туриб, адекват таржимага эришиб бўлмайди. Асарни инглизча таржимасини ўрганишдан аввал табдил, русча таржимасини ҳам пухта ўрганиш лозим. Шунингдек диссертация асосида «Бобурнома»ни турли ракурсларда

ўрганилишини ҳисобга олган ҳолда унинг инглизча таржималари ҳақида қуйидаги хулосага келдик.

УМУМИЙ ХУЛОСА

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари адабий манба бўлиб, у Инжил ёзувлари қаторида дунёнинг турли жойларида қадимий ёдгорликлардан бири сифатида қадрланади. Асарда қўлланган фразеологик бирликлар Мовароуннаҳр халқлари, тарихий персонажлар характерини очиб беришга хизмат қилган.

2. Асар ўзбек ва хорижий олимлар томонидан жуда кўп ўрганилган ва ҳозирги кунда ҳам тўхтовсиз тадқиқ этилмоқда, натижада жаҳон адабиёти мулкига айланиб бормоқда. «Бобурнома» қайта-қайта таржима қилинганлиги боис муаллиф услубини ўрганиш, таржимонларнинг услубини ҳам тадқиқ этиш имкониятини яратган. Айни пайтда хорижий манбаларни ўрганиш ва она тилига таржима қилиш, аждодлар ҳақидаги дунё олимлари ўй-фикрлари ва дунё қарашларини ўрганиш, халқимизда ўзликни англаш ва ғурурланиш ҳиссини пайдо қилади. «Бобурнома» таъсирида ёзилган бадиа, танқидий асарлар, услуб ранг-баранглиқни таъминлайди, миллий адабиёт ривожига ҳисса қўшади ва уларни қиёсий ўрганишда таржимашунослик фанининг ривожига ҳам катта ёрдам беради.

3. «Бобурнома»даги кўп маъноли: *мулозамат, тақсир, сўз, Тенгри, қилич, қарор, фурсат* компонентли фразеологик бирликларнинг инглиз тилида мазмун кўчиш ҳолатлари кузатилиб, уларнинг когнитив-концептуал таҳлили, таржиманинг лингвомаданий муамоларини уч турдаги инглизча таржимаси орқали ўрганиш бошқа асарларимизни муфаққиятли таржима қилишга замин яратади.

4. Таржимада лингвомаданий омиллар ўзга тил тизими структурасига бўйсунмаслиги ва таржимага доимий ўз таъсирини ўтказиб бориши кузатилди. Мумтоз сўз сеҳри ва асардаги муаллиф услуби нафақат ўз ўқувчисини синчиклаб ўрганишга, ёинки хорижий шарқшунос – таржимашунос олимларни ҳам мураккаб ҳолатга солган, уларнинг маъносини тўлиқ идрок этмасдан туриб, таржимон адекват таржимага эришиб бўлмаслигини кўрсатди ва ушбу мураккаб вазиятларда тил соҳиби

билан ҳамкорликда ишлаши мақсадга мувофиқ. Ундан ташқари уларни таржимада калька усулида эмас, изоҳли таржима усулидан фойдаланиш аслият маъносини етказиб беришда яхши самара беради.

5. Мумтоз адабиёт таржимасидаги экстралингистик омиллар фразеологик бирликлар таржимасида яққол сезилган. Таржимонларнинг матности ҳаволасида аслият мазмунини таржимон тўлиқ қамраб ололмаслиги исботлаган. Ушбу ҳаволалар А.С.Бевериж таржимасида кўпроқ акс этган.

6. Фразеологик бирликларнинг уч турдаги Ж.Лейден – В.Эрскин (1826), Аннета Сусанна Бевериж (1921) ва В.Текстон (1996)нинг инглизча таржималарида тадқиқ этиш, уларнинг лексик-семантик, миллий-маданий белгилар моҳиятини ёритиб бериш, синонимик қатор узвларининг маъно жиҳатлари, синтактик-грамматик ва стилистик жиҳатдан таҳлил этиш, компонентларининг бирикишини ўрганиш имкониятларини вужудга келтирган.

7. Таржима муаммоларининг ўз ечимини топишда, фразеологик бирликлар эквивалентлик ҳодисаларини ўрганиш, таржимадаги эквивалентлик динамикасини кузатиш, уларни қиёсий таҳлил этиш ва аслиятга тенг муқобилини топиш таржималар тарихини босқичма босқич ўрганишни тақозо этди. Ушбу таржималар орасида давр тили жиҳатидан аслиятга яқин Ж.Лейден – В.Эрскин (1826) таржимаси дейиш мумкин, лекин «Бобурнома»ни бугунги кун нуқтаи назардан маъносини англаш замонавий инглиз ва рус, ўзбек тилларини ҳисобга олган ҳолда Вильер Текстон таржимасидир. Унинг таржимасида диний терминлар, жой номлари шу билан бирга фразеологик бирликлар таржимаси етарлича ўз аксини топган.

8. «Бобурнома»да давр руҳияти, тарихий шахслар ҳақида ишонарли маълумот берувчи, лингвокультурологик хусусиятлар, ўрта осиё халқларининг кундалик турмуш тарзи, сиёсий ва ижтимоий ҳаёт, жанг майдони ва уларни тасвирлашда қўлланган мақол, масал, матал, фразеологик бирликлар кўп ва уларнинг инглизча таржималарда қиёсий ўрганиш,

таржималарини мутахассис фанлар – аспект сифатида киритиш лозим, у бадиий асарларни адекват таржимасига эришишга ёрдам беради.

9. Инглиз тилида аслиятдаги грамматик шакл ёки конструкцияларнинг мавжуд эмаслиги, шакл ва конструкцияларнинг бирикишида мувофиқликнинг етишмаслиги, лексик-семантик, фразеологик бирликларнинг экстралингвистик омилларига кўра турли хил мослашувлар ва сўзларнинг ишлатилиши ёки худди шу маънодаги гап бўлагининг етишмаслиги адекват таржимага эришишга тўсқинлик қилган. Таржиманинг лексик, грамматик, синтактик трансформация ҳодисаларида фразеологик бирликлар эквивалентлик динамикаси юзага келган ва уларнинг мазмун моҳияти таржимада акс этган.

10. Таржима муаммоларини ҳал этишда мумтоз адабиётлар таржимасини ўрганиш ва унга ёндош бўлган асарлар («Бобурнома»га), унинг таъсирида ёзилган маҳаллий ва хорижий олимлар нашрлари, монографияларини ҳар иккала тилда ўқиш ва ўрганиш таржимонга таржима амалиётида катта ёрдам беради.

11. Таржимон аслиятдаги фразеологик бирликларни тўлақонли таржимада акс эттириш учун уларни ўз тилида анологларини топиб қўллаши агар улар тилда мавжуд бўлмаса, тасвирий воситалар ёрдамида акс эттириш ёки экстралингвистик жиҳатларни инглиз таржимони С.Бевериж каби ҳаволада келтириш таржима муаммосини ҳал этишга ёрдам беради.

12. Тарихий асар таржимасини амалга оширишда луғатлардан сўзнинг маъносини қидириш яхши самара бермайди. Бу муаммони ҳал этишда мумтоз асар таржималари текстологик луғатини яратиш мақсадга мувофиқ. «Бобурнома»нинг инглизча таржимасидан тузиладиган мавзули луғат нафақат фразеологик бирликлар таржимасида ўз ечимини топади, қолаверса аслиятдаги лексик бирлик, мақол, матал, уларга ёндош бўлган сўз бирикмалар таржимасининг маъноларини қидиришда ҳам ўз аксини топади.

13. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»си ўзбек тилининг сайқаллашувида, бадиий-илмий, расмий услубнинг шаклланишида катта роль

ўйнайди ва унинг муаллифи улкан сўз санъаткори, тилшуносликнинг этимология, лексикология, стилистика, лексикография ва таржимашунослик соҳаларининг ривожига катта ҳисса қўшади.

14. «Бобурнома»даги фразеологик бирликлар инглизча таржимада мутлақо акс этмаган жиҳатлар борми? деган саволга, ҳар уч турдаги инглизча таржималарнинг ҳеч бўлмаганда учтадан биттасида албатта улар ўз аксини топган, деган хулоса қилинди. «Бобурнома» асаридан яна келгусида тадқиқотчилар: «Бобурнома»даги изофий бирикмаларнинг инглизча таржималари тадқиқи»; «Бобурнома»да топонимлар ва уларнинг инглизча таржималарининг қиёсий таҳлили»; «Бобурнома»да мулозамат концепти ва таржима муаммолари»; «Бобурнома»да такрорнинг стилистик семантик хусусиятлари» каби мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб боришлари мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 174 б.

2. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 480 б.

3. Мирзиёев Ш.М. «Бобур ва Дунё». Илмий-маърифий, адабий-бадиий журнал: Июл-август. – №1. Андижон. – 2017.

4. Мирзиёев Ш.М. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони/ Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. № 28.

5. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017, 4 август.

6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сон Қарори.

7. Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш. 2-нашри. – Т.: Шарқ., 2010, 161 б.

8. Абдуллаева М. Тарихий насрий асарлар бадииятининг қиёсий таҳлили. – Т.: 2008.

9. Абдуллаев Ш. Таржима асарларда фразеологизмлар семантикаси: Филол. фан. ном. ... дисс. – автореф. – Т.:2006.

10. Абдуллаев Х. Халқ мақолларининг «Қутадғу билиг» поэтикасидаги ўрни ва бадиий-эстетик функциялари: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: 2005.

11. Абдуғафуров А. Навоий ва Бобур (Буюк бешлик сабоқлари). – Т.: 1998.

12. Абидходжаева У.С. Национально-прагматический аспект при переводе фразеологических единиц: Дисс. … канд. филол. наук. – Т.: 2002. – 128 с.

13. Азимджанова С. Ферганский удел Омара-Шайха и Бабура (в XV и в начале XVI вв). Дисс. …канд. филол. наук. – Т.: 1949.

14. Азимджанова С.А. М. Салье. Бабур-намэ. (Записки Бабура). Изд-во АН Узб. – Т.: 1958.

15. Азимджанова С.А. Государство Бабура в Кабуле и Индии: Автореф. Дисс. … док-ра. филол. наук. – Т.: 1969.

16. Акбарова С.А. Лингвистические средства и когнитивно-прагматическая значимость художественного портрета (на материале английских художественных текстов): Дис. ... канд. филол. наук. – Т.: УзГУМЯ, 2005. – 140 б.

17. Алексеева И.С.Введение в переводоведение. М.: Издательский центр «Академия», 2004. - 352 с.

18. Алиев А, Содиқов Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 47.

19. Алмаматова Ш. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: 2008. – Б. 4–17.

20. Амонов М.У. **“**Бобурнома”даги изофий бирикмаларнинг лисоний тадқиқи. Филол. фан. фалс. док.ри дисс. (PhD). – 2020.

21. Амосова Н. Основы английской фразеологии. – М.: Ленинград, 1963.

22. Амосова Н.Н. Значение фразеологии как особой отрасли языкознания. В кн. Проблемы фразеологии. – Вологда., 1967.

23. Арнольд И. В. Лексикология современного английского языка. – М.: 1969. – 187 с.

24. Арутюнова В.Д. Язык и мир человека. 2-е изд., испр. – М.: 1999., 896 с.

25. Ахунзянов Г.Х. Идиомы (исследование на материале татарского языка): АДД. – Казань., 1972.

26. Ашурова Д.У. Коммуникативно-когнитивная теория текста // Linguistics. – Т.: 2010.

27. Ашурова Д.У., Галлиева М.Р. Cultural Linguistics. “VneshInvestProm”. – Tashkent: 2019. 208 cc.

28. Ашурова Д.У., Галлиева М.Р. Cognitive Linguistics. “VneshInvestProm”. – Tashkent: 2018. Стр. 12, 160 cc.

29. Ашурова Д.У., Галлиева М.Р. Stylistics of Literary Text. “TURON-IQBOL” . – Tashkent: 2016. 271 cc;

30. Бархударов Л.С. и перевод. – Москва: МО, 1975. – 190 с.

31. Бабина Л.В. Концептуальние основы словообразования // Когнитивные исследования языка. Вып IV Концептуализация мира в языке: коллективная монография / гл. ред. Е.С. Кубрякова, отв. Ред. Н.Н. Болдырев. – М.: Ин-т языкознания РАН; Тамбов: Изд-во ТГУ им. Г.Р.Державина, 2009. – 460 с.

32. Бабушкин А. П. Типы концептов в лексико-фразеологической системе языка. – Воронеж., 1996.

33. Бакиров П. Миллий ғоя тарғиботида ўзбек халқ мақолларидан фойдаланиш. Маънавият. – Т., 2008.

34. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.: Издательство иностранных литератур., 1955. – 300 с.

35. Благова. Г.Ф. Характеристика грамматического строя (морфологии) староузбекского литературного языка конца XVв по «Бабур-наме» Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1954.

36. Благова Г.Ф. К истории изучения «Бабур-наме» в России. Тюркологический сб. к шестидесятилетию А.Н.Кононова, М.: «Наука».– 1966, 171 с.

37. Благова Г.Ф. К историю изучения «Бабур-наме» в России. Тюркологический сб. К шестидесятилетию А.Н. Кононова – М.: Наука, 1966. – 171 с.

38. Бозорбоев К.Т. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизми: Филол. фан. ном. ... дисс. авторефер. – Самарқанд., 2001.

39. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – Москва.: Высшая Школа, 1983. – 267 с.

40. Бушуй А.М. Сущность языка как проблема общей лингвистики. Самарканд: СамГИИЯ, 2004. 90 с.

41. Варданян Л.В. Концепт «душа» в английских русскихи эрзянских фразеологизмах.//C:/Users/user/Downloads/kontsept-dusha-v-angliyskih-russkih-i-erzyanskih-frazeologizmah.pdf –2006., 201 с.

42. Виноградов В.В. Проблемы культура речи и некоторые задачи русского языкознания // Вопросы языкознания. – М., 1964. – № 3., с.3-18.

43. Виноградов В.В. Лексические вопросы перевода художественной прозы: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – 1975. – 66 с.

44. Вежбицкая А. Семантика, культура и познание: общечеловеческие понятия в культуроспецифичных контекстах. Oxford: Oxford University Press, 1992., 206 с.

45. Велединская С.Б.«Курс общей теории перевода» (2010), Учебное пособие//Национальный исследовательский Томский политехнический университет (ТПУ). Томск: Изд-во ТПУ, 2010. – 230 с.

46. Воҳидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур. – Т.: Маънавият, 1999. – 88 б.

47. Воҳидов Э. Маънолар маҳзани. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. Тошкент. – 2018, Б. 3-4.

48. Гарбовский Н.К. Теория перевода. Издательство Московского университета. – 2004. 544 сс.

49. Гак В.Г. О некоторых закономерностях развития лексикографии (учебная и общая лексикография в историческом аспекте) // Актуальные проблемы учебной лексикографии. – С.12.

50. Гарбовский Н.К.«Теория перевода» Издательство Московского университета. – 2004. 544 с.

51. Галиева М.Р. Вербализация концептосферы word/сўз/слово в английской, узбекской и русской языковых картинах мира. Дисс канд. филол.наук. – 2010.

52. Галиева М.Р. Теолингвистика. Истоки, направления, перспективы. “VneshInvestProm”. – Ташкент: 2018. 258 сс.

53. Герасимов В.И., Петров В.В. На пути к кргнитивной модели языка// Новое в зарубежной лингвистики. –М.: Прогресс. 1988. – Вып.XXIII. – С. 3-5.

54. Гумбольдт фон В. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – 397 с.

55. Данькова Т. Н. Концепт "любовь" и его словесное воплощение в индивидуальном стиле А. Ахматовой. Канд. дисс. филол. наук. – 2000.

56. Дадабоев Ҳ. «Замонавий ўзбек лексикографияси ва терминологияси»: Тошкент. – 2016.

57. Деҳқонов Н. «Бобурнома»нинг русча (М. Салье) таржимаси. Тўпл. Бобур ва ўзбек миллий маданияти тарққиётининг айрим масалалари. – 76 б.

58. Диянова З. В., Щеголева Т. М. . Познавательные процессы:

учебное пособие для академического бакалавриата / – 4-е изд., испр. и доп. – Москва: Издательство Юрайт, 2018. – 176 с.

59. Жабборов Ҳ., Нафасов Ш. «Бобурнома»да суғориш лексикаси //Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. – Андижон, 1993.-Б.99.

60. Жамил Юсуф. Бобурнома Зафаргача. – Исломобод., 1989. – 31 б. (урду тилида).

61. Жиянова Н. «Бобурнома»даги нумеративларнинг маъно хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 2000.

62. Жуманиёзов З.О. «Равшан» достони немисча таржимасида миллийликни қайта яратиш: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2008.

63. Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома. Шамсиев П, Мирзаев С. – Т.: Ўз ССР Фан нашриёти., 1960. – 514 б.

64. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Шарқ, 2002. – 335 б.

65. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Ўқитувчи, 2008. – 287 б.

66. Заҳириддин Мухаммад Бабур. Бабур-наме. – Т.: Шарк., 2008. – 242 с.

67. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мубайян. – Т.: Шарқ., 2014. – 448 б.

68. Бобурнома. миниатюралари. Тузувчилар: Ҳ. Сулаймон, С. Ҳасанов. – Т.: Ўқитувчи., 2008. – 238 б.

69. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Т.: Шарқ., 2014. – 744 б.

70. Звегинцев В.А. Семасиология.-М.: Изд-во Московского университета, 1957. – С.140.

71. Иброҳимов А. Бобурийлар мероси. – Т.: 1993.

72. Иброҳимов А.П. «Бобурнома» – буюк асар. – Т.: Ғафур Ғулом

номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.: 2000. – 78 б.

73. Иброҳимов А.П. «Бобурнома»даги ҳиндча сўзлар тадқиқи: Филол фан. ном. ... дисс. – Т.: 2011.

74. Иброҳимов А.П. Бобур асарлари лексикасининг лингвостатистик, семантик ва генетик тадқиқи. («Девон, «Мубаййин», «Аруз»): Филол. фан. док ... дисс. – Т.: 2008.

75. Иброҳимов А, Султонов Ҳ, Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.: Ўзбекистон., 1996. – 443 б.

76. Ирисқулов А.Т. Тилшуносликка кириш. – Т.: ЎзДЖТУ, 2008 – 271 б.

77. Исмаилова Б. Категория образности и средства ее выражения в словообразовательных системах английского и киргизского языков: Дис… канд. филол. наук. – Т.: ТГПИ, 1989. – 150 с.

78. Исмаилов А.Р. Прагматика фразеологии и её текстовая актуализация (на материале окказиональных единиц. английского языка): дисс. … канд. филол. наук. автореф. – Т.: 2001.

79. Исакова Ш. Бадиий таржимада миллийлик ва тарихийликнинг акс этиши: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: 2004.

80. Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. – Самарқанд., 2007. – 106 б.

81. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри.... дисс. – СамДУ., 1993. – 297 б.

82. Казым-бек М.А. Общая грамматика турецко-татарского языка. Выпуск П. – Казань, 1846. –120 с.

83. Каримов Р. «Бобурнома»даги шеърлар хорижий таржималарнинг қиёсий таҳлили: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: 2003.

84. Кенжаев Қ. Андижондан Бағдодгача. – Т.: 2007. – 256 б.

85. Кенжаев Қ. Бобурийлардан бири. – Т.: Шарқ. – 2015. – 352 б.

86. Кенжабоев М.Т. БОБУР МИРЗО – БУЮК ФАҚИҲ. Насрий баён ва шарҳлар муаллифи: Масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. «Шарқ». Тошкент – 2014.

87. Комиссаров В.Н. Лингвистика перевода. – М.: Международные отношения., 1980. – 167 с.

88. Комиссаров В.Н. Общая теория перевода. Проблема переводоведения в освещении зарубежных ученых. М. 1999. с.53-54.

89. Комиссаров В.Н., Коралова Д.Л. Практикум по переводу с английскогоязыка на русский. – Москва, 1990. – С.26.

90. Конрад Н.И. К вопросу о литературных связях // литература и театр.–М.: Наука, 1978.– Стр.49-59.

91. Кубрякова Т.С. Память и ее роль в исследовании речевой деятелности// Текст в коммуникации. – М.: И-т Языкознания. – 1991. – 421 с.

92. Кубрякова Е.С. Язык и знание. (на пути знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения, роль языка в познании мира). – М.: Языки славянской культуры., 2004. – 560 с.

93. Кунин А.В. Английская фразеология. – М.: Высшая школа, 1970.– 344 с.

94. Кунин А.В. Основные понятия англиикой фразеологии как лингвистической дисциплины и создание англо-русского фразеологического словаря: Дисс. ... докт. филол. наук. – М., 1964. – 1229 с.

95. Кунин А.В. Фразеологические единицы и контекст // Иностранные языки в школе. – М., 1971. – № 5. – с.215.

96. Лакофф Дж, Джонсон М. Метафоры которые мы живем: Пер.с анг./ Под ред. И с предис. А.Н. Баранова. Изд. 2-е. – М.: ЛКИ, 2008. – 256 с.

97. Ларин Б.А. Очерки фразеологии. Уч. Зап. ЛГУ. №198. – Л., 1956.

– С. 200–201.

98. Мадраҳимов Т. Инглиз ва ўзбек тилларида сўзлашув функционал-семантик хусусиятлари: Филол. фан. ном.... дисс. автореф. – Т.: 2008.

99. Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Тошкент.: 2017., 384 б.

100. Маматов А.Э. Ўзбек тили фраземаларининг шаклланиш масалалари: Филол. фан. док-ри ... дисс. автореф. – Т., 1999. – 56 б.

101. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Т.: 1991. – 274 б.

102. Маматов А.Э. Семантико-стилистические особенности эмоционально-оценочных фразеологических единиц узбекского языка: Дисс. канд…. филол. наук. – Т.: 1988. – 173 с.

103. Маматов А. Ўзбек тили лексикологиясидан материаллар. – Т.: 2009. – 240 б.

104. Малиновский Е.А. Формирование русской фразеологической теории и фразеографии: АДД. – Алматы.,1995.

105. Маслова В.А. Лингвокульторология. – М.: Академия., 2001. – 208 с.

106. Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. – Минск.: ТетраСистемс., 2008. – 272 с.

107. Миньяр-Белоручев Р.К. Как стать переводчиком? – Москва: Стелла, 1994. – 144 с.

108. Миньяр-Белоручев Р.К. Общая теория перевода. – Москва: Воениздат, 1980. – 236 с.

109. Миньяр-Белоручев Р.К. Теория и методы перевода. – Москва: Московский лицей, 1996. – 190 с.

110. Мирзаев И. Бобур маърифати. Ўқитувчи. – Т.: 88 б.

111. Мирзаев И.К. Слова-реалии и вопросы художественного перевода. – Самарканд, 1982. –92 с.

112. Мирзаев Т, Мусоқулов А, Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. – Т.: Шарқ. – 2003., 510 б.

113. Мирзо Кенжабек. БОБУР МИРЗО – БУЮК ФАҚИҲ. Насрий баён ва шарҳлар муаллифи Масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. «Шарқ». – 2014.

114. Мўминов О. Тургунова Р. Ёзма таржима. –Т.: 2008. 86 б.

115. Мўминов О. М. Lexicology of the English language. – Т.: Меҳридарё. – 2006, 161 б.

116. Мўминов О, Қўлдошев А, Ҳошимов Ў. English for translators. – Т.: Шарқ, 2005. – 384 б.

117. Мўминов О.М. History of translation. – Т.: Меҳридарё., 2008. – 128 б.

118. Мўминов О. A guide to consecutive translation. – Т.: Tafakkur bo'stoni, 2013. – 320 b.

119. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: Фан, 1968. – 50 б.

120. Мусаев Қ.М. Таржима назарияси асослари. Т.: Фан, 2005. – 352 б.

121. Мусаев Қ.М. Бадиий таржима ва нутқ маданияти. – Т.: 1976. – 354 б.

122. Муҳаммад Собир. "Бобур тилидаги урдуча сўзлар имлоси". Карачи. –1966, 2-жилд, 2-сон.

123. Муҳаммадиева Д.А. «Бобурнома» туркча таржимасида паремияларнинг қиёсий тадқиқи. ф.ф.д. … дисс. (PhD). – Т., 2021.

124. Назаров П. Бакалавр тайёрлашнинг қуйи босқичида немис тилини коммуникатив методика асосида ўқитишда мақоллардан фойдаланиш:

Филол. фан. ном. дисс. ... автореф. – Т., 2002.

125. Нафасов Т. Бобур−номшунос // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. – Андижон, 1993.-Б. 39.

126. Низомидинов Н.Ғ. Бобурийлар даври Ҳиндистон туркий тили ва адабиёти. – Т.: 2010. – 331 б.

127. Низомидинов Н.Ғ. Буюк бобурийлар тарихи. Фан ва технология. – Т., 2012. – 515 б.

128. Низомидинов Н.Ғ. Қадимги Ҳиндистон тарихи, диний эътиқоди ва маданияти. Фан ва технология. – Т.: 2014. – 461 б.

129. Нуритдинов М. Бобурийлар сулоласи. – Тошкент.: Фан., 1994.

130. Нурмонов А. Тилшуносликнинг назарий ва амалий муаммолари бўйича танланган мақолалар.: Тошкент. – 2012. 323 б.

131. Нурмонов А. Заҳириддин Муҳаммад Бобур-тилшунос олим // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. – Андижон, 1993. – Б.22-26.

132. Нуждина О.Ю. Концепты "душа" и "тело" в языковой картине мира (На материале английского и русского языков). Дис. ... канд. филол. наук: Москва. – 2004 227 с.

133. Олимов М. «Бобурнома»да қўлланган фразеологик иборалар. Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2002. – № 6 – Б. 25-28.

134. Олимов М. «Бобурнома»да Аллоҳ исмлари ва сифатлари талқини. «Фан», Тошкент – 2002. Б.5-12., 76 б.

135. Островский В. Туркестанские ведомости. – 1995. – № Б. 71–72.

136. Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон адабий жараёнида. Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Т.: 1994.

137. Отажонов Н. «Бадиий таржима ва илмий шарҳ» («Бобирнома»нинг хорижий тилларга таржимаси), «Билим» жамияти. Тошкент. – 1978.

138. Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон кезади. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б.65.

139. Пименова М.В., Кондратьева О.Н. Концептуальные исследования. Введение. Учебное пособия. Флинта.– 2011., 210 с

140. Пинхасов Я.Д. Ўзбек тили фразеологияси ҳақида. – Т.: 1957.

141. Пинхасов Я.Д. Ўзбек тили фразеологиясининг баъзи бир масалаларига доир // Фразеология масалалари: СамДУ асарлари, янги серия, 106-чиқиши. – Самарқанд., 1961.

142. Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. – М.: АСТ: Восток-Запад, 2007. – 314 с.

143. Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. – Тошкент, 2007.

144. Раҳмонов В. Мумтоз сўз сеҳри. – Т.: Ўзбекистон. 2015. – 438 б.

145. Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент. – 2016., 175 б.

146. Расулов Р. Бобур – ўзбек тилининг софлиги учун курашувчи. Бобур ва ўзбек миллий ... – 484 б.

147. Расулов Р. Умумий тилшунослик. «Фан ва технология». Тошкент – 2010., 323б.

148. Реймов Б.Х. Фразеологические единицы английского языка характеризующие эмоциональное состояние человека: Дисс... канд. филол. наук. – Т.: 2005.

149. Ройзензон Л.И., Малиновский Е.А., Хаютин А.Д. Очерки истории становления фразеологии как лингвистической дисциплины. – Самарканд., 1975. – С. 70.

150. Рустамхўжаева Ш.Ш. Захириддин Мухаммад Бабур. Бабуриды. Библиография. Андижон–Тошкент–Қозон–Санкт-Петербург–Москва. 1180 б.

151. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – 152 б.

152. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – 232 б.

153. Саломов Ғ., Отажонов Н. «Жаҳонгашта Бобурнома». – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ Мероси нашриёти., 1996. – 362 б.

154. Салямов Г.Т. Лексико-фразеологические вопросы художественного перевода (принципы перевода пословиц, поговорок и идиом с русского на узбекский язык). АКД. – Т., 1964. – 31с.

155. Саломов Ғ. Тил ва таржима (бадиий таржиманинг умумфилологик ва баъзи лингвистик масалалари). – Т.: Фан. – 1966. – 263 б.

156. Саломов Ғ. Мақол ва идиомалар таржимаси. – Т.: ЎзФА нашриёти., 1961. – 169 б.

157. Салимова Ф. Лексикографические и текстологические характеристики «Восточно-тюркского словаря» Паве де Куртейля и переводов «Бабурнаме»: Дисс. … канд. филол. наук. – Т.: 1997.

158. Салье М. Бабур-наме. Перизданиие второе, дораб. Об. Ред-я и доработка С. Азимджановой, Т.: Гл. ред. энциклопедий, 1993.

159. Салье М. Под. Ред. М. Шевердина, Захириддин Бабур, Бабур-намэ. – Т.: Госиздат. – 948 с.

160. Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш функционал-семантик майдони. Филол. фан. ном. ... дис. – Т.: ЎзДЖТУ., 2010.

161. Самойлович А. Н. Изучение литературного наследия Захир-эд-дина Мухаммеда Бабура (жур. Восток, 1997. – №6. – М.: Наука., С. 120-128).

162. Самойлович А.Н. Новый перевод записок Бабура. Серия литература и языка: Известия Академии наук. Том 53. – № 1, Р 223. – М.: Наука.: 1994.

163. Сатимов Ғ. Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Ғафур Ғулом

номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. – Т.: 2008. – 295 б.

164. Сатимов Ғ. Бобур Йўлбарс. Т.: Ўзбекистон., 2015. – 294 б.

165. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах.: Сангзор. – 2006. – 120 б.

166. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008; Сафаров ш. Когнитив тилшунослик.–Жиззах, 2006.

167. Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007., 278 б.

168. Сафаров Ш.Ж. Структура дипломатического дискурса и его лексико-фразеологический состав (на материале английского языка): Дис. ... канд. филол. наук. – Самарканд., 2000. – 175 с.

169. Сафаров Ш. Семантика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси., 2013.

170. Семенец Е.О., А.Н.Панаев «История перевода [Средневековая Азия, Восточная Европа (XV–XVIII века)» 1991.

171. Сепир Э. Граудирование. Семантическое исследование. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16. Прагматика. – Прогресс.: 1985.

172. Скребцова Т.Г. Когнитивная лингвистика. Филологический факультет СПбГУ. – Санкт-Петербург.: 2011. – 254 с.

173. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. – М.: Русский язык, 1956.

174. Собиров М. «Бобурнома»нинг инглизча таржималарида муаллиф услуби ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2002.

175. Содиқов Ҳ, Жўраев Н. Ўзбекистон тарихи. I- жилди. – Т.: Шарқ., 2011. – Б 3. 550 б.

176. Сувонова Н. Фразеологиянинг систем-сатҳ бирлиги сифатидаги талқини: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: 2008.

177. Султонов Х. Бобурийнома. Маърифий роман. – Т.: 2008.

178. Сулаймонов И. «Бобурнома»да ғолиб ва мағлуб шахс руҳий ҳолатининг бадиий тасвири. Филол. фан. док. ... дисс. – Самарқанд.: 2020..

179. Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. Языки русской культуры. – М., 1996.

180. Тухтаева К. Структурные и семантико-номинативные характеристики сложных слов, входящих в состав фразеологизмов. – Т.: 2006.

181. Тухтасинов И. Лингвокультурологические и гендерные особенности сложных слов в художественом тексте (на материале английского и узбекского языков): Автореф. дисс. … канд. филол. наук. – Т.: УзГУМЯ, 2011.

182. Тухтаходжаева Н.А. Бадиий таржимада лингвокультуремаларнинг ифодаланиши. «Фан ва технология», Тошкент.– 2013.

183. Умархужаев М.И. Основы фразеографии. – Т.: Фан., 1983. – 136 с.

184. Умарходжаев М.И. Принципы составления многоязычного фразеологического словаря (на материале немецкого, узбекского и русского языков): дисс. ... канд. филол. наук. автореф. – М.: 1972. – 27с.

185. Умархужаев М.И. Очерки по современной фразеографии. – Т.: Фан., 1977. – 102 с.

186. Умархўжаев М.И. Тил илми уммонига қўшилган томчи. Илмий мақолалар. Т.: «Академнашр»., 2013. – 255 б.

187. Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т.: 1998. – 162 б.

188. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Т.: Ёзувчи, Хазина., 1995. – 349 б.

189. Файзиев Т. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг

авлодлари. – Т.: Ёзувчи., 1996.

190. Федоров Л. В. Основы общей теории перевода. – Москва.: «Высшая школа». 1968, С.181-188.

191. Фозилова Ш, Султонова Д. Таржима мутахассислигига кириш. – Самарқанд.– 2007.

192. Хаққулов И. Шеърият – руҳий муносабат. – Т.: 1986.

193. Хаққулов И. Абадият фарзандлари. – Т.: 1987.

194. Ходжаева Л. Проблемы перевода: Характер, стиль и интерпретация текста «Бабурнаме»: Дисс… канд. филол. наук. – Т.: 1985.

195. Холманова З. Т. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи: Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 40.

196. Холманова З. Т. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи: Филол. фан. док. ... дисс. Т.: 2008.

197. Холманова З. «Бобурнома» тил қомуси. «Академнашр». – Т.: 2021.

198. Худойназаров Х. Шажараи турк. – Т.: 1993.

199. Хўжаева. Ғ. «Бобурнома»нинг немисча икки таржимаси. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979.– №6.– 46 б.

200. Шарл Балли. Общая лингвистика и вопросы французского языка. Издательство иностранной литературы. Москва. – 1955. 412 сс.

201. Шаматов А.Н. Изучение проблемы тюркско-индейских языков контактов в работах тюркологов Пакистана//Востоковедение (Языкознание и история). Научные труды Таш ГУ, вып 404, Т.: 1971.

202. Шукруллаева С. Воссоздание художественного своеобразия «Бабурнаме» в его английских переводах: АКД. – Т.: 1989 г.

203. Шток Н.А. Когнитивные механизмы формирования новых сложных существительных в современном английском языке: Дисс. … канд. филол. наук. автореф. – Калининград.: 2008.

204. Эргашева Г. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва

паремияларида гендер аспектининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т.: 2011. – 150 б.

205. Эргашева Г. Турли тизимдаги тилларда гендерга оид терминологиянинг шаклланишида лингвистик ва экстралингвистик омиллар. Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Т.: 2018.

206. Эркинов С. Алишер Навоийнинг форс тилидаги қасидалари поэтикаси. Адабиёт кўзгуси. № 8. «Шамс АСА»., Тошкент. – 2004., 248 б.

207. Юсупов Ў.Қ. Тилшуносликдаги янги йўналишлар ва уларда ишлатиладиган айрим ислоҳотлар// Филология масалалари. – Т.: 2011.

208. Ўзбек Совет Энциклопедияси. Ўн тўрт томлик. XII том. – Т., 1979.

209. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: 1972, 2-жилд. – 704 б.

210. Ўрмонова Н. Таржимада тарихий архаик лексикани акс эттириш принциплари ва таржима аниқлиги: Филол. фан. ном. … дисс. автореф. – Т.: 2003.

211. Қамбаров Н.М. Таржима трансформацияларининг лингвокультурологик ва когнитив хусусиятлари. Тошкент. – 2019. 158 б.

212. Қаюмов А. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти. – Асарлар, 5-жилд, Т.: Мумтоз сўз. – 2009.

213. Қодиров П. Тил ва эл. Маънавият. – Т.: 2010. – 294 б.

214. Қодиров П. Юлдузли тунлар. (Бобур). Тарихий роман.– Тошкент.: Шарқ матбаа нашриёти, 1999. – 543 б.

215. Қодиров П. Авлодлар довони. (Ҳумоюн ва Акбар). Тарихий роман. – Тошкент: Шарқ матбаа нашриёти. 2012. – 670 б.

216. Қудратуллаев Ҳ.С. «Бобурнома»нинг тарихий-адабий ва услубий таҳлили: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Т.: 1998.

217. Қудратуллаев Ҳ. «Бобур армони». – Т.: Шарқ., 2009. – 383 б.

218. Қудратуллаев Ҳ. Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси. – Т.: Шарқ., 2011. – 432 б.

219. Қуронов Д. Мутолаа ва идрок машқлари. – Т.: Академнашр., 2013. – 335 б.

220. Ғафуров И. Бобурийлар «могол» эмаслар. // Ўзбекистон адабиёти ва Санъати. – 1993. 12 февраль.

221. Ҳаитов Ш.М. «Бобур ижодининг хорижда ўрганилиши». ф.ф.д. … дисс. (PhD). – 2018.; Хорижда бобуршунослик. «Академнашр». – Т., 2021.

222. Ҳакимов Қ.М. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанликлари: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 1994.

223. Ҳасанов С., Қудратуллаев Ҳ. Бобурнома минатюралари. – Т.: Ўқитувчи., 2008.

224. Ҳасанов С. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. – Т.: Ўзбекистон., 2011. – 84 б.

225. Ҳасанов Ҳ. Бобур сайёҳ ва табиатшунос. –Т.: Ўзбекистон, 1983. – Б.18.

226. Ҳасанов Ҳ. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Мубаййин» асари-муҳим адабий-диний манба. «Мумтоз сўз». – Тошкент.: 2015 150 бет. Б.5.

227. Ҳошимова Д.М. «Бобурнома» асарининг танқидий матнини яратиш муаммолари: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: 2006.

228. Ҳошимова Д.М. «Бобурнома» матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи» Филол. фан. док. ... дисс. – Т., 2017.

229. Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент.: 2010.

Хориж адабиёти

230. Akbar S. Ahmed. Discovering Islam. Making sense of Muslim history and society. – Vanguard., 1988. – 251 p.

231. Annamaria Shimmel. “The empire of the great mughals”. – London., 2004. 351p.

232. Annamaria Shimmel. “The lady is my soul”. Жонон менинг жонимда. Йўлдош Парда таржимаси. – Т.: Шарқ., 1999. – 172 б.

233. Beveridge, Anette Susannah. The Babur-nama in English. Emperor of Hindustan Babur. – London, 1921. – 880 p.

234. Bilal Yugel. Babur divani. Ankara. 1995, Babar-nama (vaqayi). – Kyoto, Syokado. – 1995.

235. Eugene A. Nida. Toward a science of translating. Leiden. E. J. Brill. – 1964. 170 pp.

236. Eiji Mano. Zahir al-din Muhammad Babur. Bābur-nāma (Vaqāyi). Critical edition based on four Changhatay texts wit introduction and notes Kyoto, Syokado, 1995.-P.588.

237. Eiji Mano. Babur. Yamakava Shuppansha. Japan. 山川出版社. – 2013.88pp.

238. Lakoff G. and Johnson M. Philisophy in the Flesh. The Embodied Mind and Its Challenge to Western Thought. – N.Y.: Perseus Books., 1999. – 624 p.

239. Leyden John. Memoirs of Zehir-Ed-Din Muhammed Baber: Babur Emperor of Hindustan. – London., 1826. – 432 p.

240. Johnson D. Stages of Translation: Essays and Interviews on Translating for the Stage. Edited by David Johnston. Pp. 294. Bath: Absolute Classics, 1996. Hb. £i7-95

241. Lawrence Venuti. The Translation Studies Reader. “Taylor & Francis e - Library”, New York, NY 10001. – 2004.

242. Nida E.«Towards a Science of Translating» 1964, P.170.

243. Newmark P. “About Translation” (1991). 225 p.

244. Theodore Horace Savory. The art of translation Hardcover. – January 1, 1968. P.191.

245. Thackston Wh.M. The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor. – New York, 1996. – 554 p.

246. Temmermen R. Towards New Ways of Terminology Description. Printed Library Materials, ANSIZ 39.48. – 1984. 276 pp.

Луғатлар

247. Азизов О, Акобиров С, Алиева Ф, Аминов З, Муҳамедов Қ, Раҳимий О, Раҳимов В. Русско-узбекский словарь. – М.,1954. – 1046 б.

248. Абдуллаев М, Абдуллаева М, Абдураззоқова Г ва бошқ. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: Шарқ., 1998. – 317 б.

249. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык., 1984. – 943с.

250. Бердиёров Х, Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – 232 б.

251. Бўтаев Ш, Ирисқулов А. English Uzbek-Uzbek English dictionary. – Т.: Fan., 2009. – 848 p.

252. Дадабоев Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. «Тошкент».– 2008. 237 б.

253. Dictionary of contemporary English. – Longman., 2000. – 864 p.

254. Исҳоқов Ф. Бобурнома учун қисқача изоҳли луғат. – Андижон., 2013. – 235 б.

255. Исмаилов М., Шаропов А. Тарих атамалари луғати. – Т.: Академнашр., 2013. – 557 б.

256. Frank R. Abate. Oxford dictionary and thesaurus. Oxford University Press. – 972 p.

257. Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г., Лузина Л.Г. Краткий словарь когнитивных терминов. – М., 1997. – 245 с.

258. Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – М.: Русский язык.,1984. – 942 с.

259. Pavet de Courteïlle A. Dictionnaire Turk – Oriental. Amsterdam: Philodress, 1972.-Б.350.

260. Dictionary of contemporary English. – Longman., 2000. – 864 p.

261. Longman Dictionary of American English. Pearson Education Limited, 2000. – 665 p.

262. Longman Dictionary of American English. Pearson Education Limited, 2000. – 665 p.

263. Маъруфов А. Паронимлар луғати. – Т.: Ўқитувчи. – Б.1 – 50.

264. Мирзаев Т., Мусоқулов А. Ўзбек халқ мақоллари. – Т.: Шарқ., 2003. – 508 б.

265. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғафур Ғулом., 2009. – 760 б.

266. Назаров Қиёмиддин. Фалсафа қомусий луғат. – Тошкент.: «Шарқ» нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004.– 496 бет. Б.3

267. Назаров Қ. Фалсафа қомусий луғат. – Тошкент.: «Шарқ» нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004.– 496 бет.

268. Олимов М. “Бобурнома”да қўлланган синонимлар луғати. Тошкент: Фан, 2004.

269. Тешабоева З. «Бобурнома»даги фразеологик бирликлар ва паремияларнинг инглизча таржималари луғати. «Тафаккур». Тошкент.: 2016, 230 б.

270. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т.: 1992. – 378 б.

271. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати II/ араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар. – Т.: Университет. 2003. – 335 б.

272. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили этимологик луғати (туркий сўзлар). – Т.: Университет., 2000. – 402 б.

273. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили 2. – Т.: «Мумтоз сўз», 2010. – 212 б.

274. Содиқова М. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. – Т.: Фан. 1972. – 192 б.

275. Шамсиев Порсохон. Навоий асарлари луғати. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – 1972. 782 б.

276. Қамбаров Н. Универсал луғат-маълумотнома. – Т.: 188 б.

277. Қамбаров Н. Ўзбекча-инглизча луғат. – Т.: Янги нашр. – 384 б.

278. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Академнашр. – Т.: 2013. – 406 б.

279. Oxford Dictionary Thesaurus. Oxford university press. New York. – 1999. – Pp.972.

280. Oxford Concise Dictionary of Proverbs. – Oxford University Press, 2003. – 364 p.

Интернет манбалари:

https://www.amazon.com/Baburnama-Memoir-Babur/dp/8129141752

https://archive.org/details/baburnamainengli01babuuoft

https://archive.org/details/in.ernet.dli.2015.82735

https://books.google.co.uz/books?id=ORaPDQAAQBAJ&hl=ru&source=gbs_book_other_versions

https://archive.org/details/baburnamainengli01babuuoft

http://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/babur-nama-memoirs-annette-susannah-beveridge.html

http://www.rarebooksocietyofindia.org/book_archive/196174216674_10154956199821675.pdf

https://go.mail.ru/search?fr

http://arslonov.blogspot.com/2012/01/blog-post_12.html

http://arslonov.blogspot.com/2012/01/blog-post_12.html

http://www.netref.ru/ingliz-va-amerika-adabietida-emocional-ekspressiv-leksika-tadi.html?page=3

http://uz.denemetr.com/docs/768/index-493316-1.html?page=9).

https://dlscrib.com/eugene-nida-toward-a-science-of-translating-bible-translating-1964-pdf_5904f96edc0d600665959ea4_pdf.html